

Туркум Мақолалар

Бу тўпламда 2013, 14, 15 ва 16 йилларда ёзилган ва сайтимда чоп қилинган исломий сиёсий мавзуларда ёзилган турли хил мақолалар ўрин олган

Муаллиф

Саҳвий

Швеция

2016 йил

I-қисм

2013 йилда ёзилган мақолалар

Ислом умматининг «зийнатлари»!

Аллоҳу Таъоло қуръони каримда бандаларига берган неъматларини қаторида фарзандларни ҳам «дунёнинг зийнати» дея зикр қилган. “Мол-мулк, бола-чақа ҳаёти дунё зийнатидир.”

(Кахф 46) Могу мулкни дунё зийнати эканига айниқса бугунги кунда шубҳа қиладиган бирор инсон зоти топилмаса керак?! Лекин, фарзандлар мавжудлиги ўша мол зийнатига мазмун беради. Акс ҳолда молни қиймати қолмасди. Фарзандлар инсон авлоди қўлга киритган барча неъматни ўзлари билан келажакка элтувчилардир. Бу дини ва миллатидан қатъий назар барча инсониятга тегишли масаладир. Ислом дини ҳам асҳоблардан то шу кунгача ана шу авлоддан авлодга ўтиб бизгача етиб келган. Ва қиёматгача шундай бўлиб боради. Бугун Ислом умматининг фарзандлари унинг барча моддий ва маънавий бойлигини кейинги авлодга элтувчи азалий занжирнинг бир халқасидирлар. Дунёдаги қайси миллат ва халқнинг келажаги қандай бўлишини тасаввур қилмоқчи бўлсангиз, уларнинг фарзандларига берилаётган тарбияга қарашлик кифоя. Мен бу қисқа мақолада бугунги Ислом уммати фарзандлари ҳақида ва демаски, унинг келажаги ҳақида қисқача фикрларимни баён қилмоқчиман.

Бугунги интернетдаги суратлардаги Суриялик болалар кўчада ухляпди. Шу суратларни кўриб, умматнинг бошқа қисми хотиржамлик билан яшай оладими?! Майли динни гапирмайлик, динидан қатъий назар ким бўлсада, виждонли одам шуларга юраги ачинмайдими?! Сурияда ўлган ва майиб мажруҳ бўлган бошқа минглаб болалар суратларини кўрганларчи?! Бир суратларда Бирмада беғуноҳ болачалар очликдан ўлгани айтилади. Нега булар очликдан ўлади? Уларни ота онаси қани? Нега уларни ўлигини чивинлар талайпди?! Буларни ким ва нега очидан ўлгунича қараб турди?! Бутпарастлар уларни ота онаси мусулмон бўлгани учун ўлдиришдими?! Бу суратларни кўриб йиғламайдиган тош юрак борми?!

Бирмадаги тириклай куйдирилганларни кўргандачи?! Афғонистонда, қанча бола ўлган ва ёки майиб мажруҳ бўлган?! Афғонистонлик болакайлар уруш ичида туғилиб, уруш ичида вояга етиб, шу уруш ичида яшаб ўлмоқдалар. Кимлар у ерда Халифат қуришни иддао қилиб, кимлар демократияни иддао қилиб беғуноҳ болаларнинг қурбон қилаяпдилар. Ироқда ўлган ва ёки майиб бўлган болаларни сон саноғини ким билади?! Етимлар сони бир миллиондан ошгани айтилади. Бу болалар ёшлиги ўғирланмадими? Бу болалар ясида ўйнаш ва мактабда ўқиш ўрнига улар жанг майдонларида юриб руҳиятлари синмадими? Мурғак қалблар бу даҳшатлардан бир умрга кетмайдиган жароҳатлар олмадими?! Ҳазода Исроил учоқлари ташлаган бомбалар тагида ҳалок бўлган болачалар суратларини унутиш мумкинми?! Исроил ва Фаластин муаммоси 60 йилдан ошдики, ўз ечимини топмади. Ва ҳали бери топиши амри маҳолга ўхшайпди?! Сомалида 20 йилдан ошиқ давом этаётган жанглар оқибатида ва қурғоқчилик сабабли қанча одамлар ва болалар очликдан ўлиб кетишди. Қанчаси дарбадар бўлиб, ўзга юртларга бош олиб кетди?! Энг ҳайратланарлиси буларнинг ҳаммаси мусулмон халқлар вакиллари. Мусулмонлар фарзандларидир. Ислом уммати “зийнатларидир”. Бу зийнатларни бу уммат нега хор қилаяпди?! Қани буларда диний ва дунёвий таълим олиш учун имконият?! Қани тинч тотув ва фаровон ҳаёт?! Болаларининг аҳволи бугун шундай бўлган Ислом умматининг келажаги қандай бўлади?!

Булар жангу жадаллар орасида қолган бегуноҳлар ва шу сабабли қаровсиз қолаётган дейишларингиз мумкин?! Ўзбекистонда уруш бўлмаяпдику?! Бу халқ болалари айниқса қишлоқ жойлардаги болалар таълим тарбиясига нима дейиш мумкин? Диний таълимни гапирмасаям бўлади?! Мактабдаги таълим олиш аҳволи қандай?! Шундай элни “келажаги буюк” бўлиши мумкинми?! Бутун умматни аҳволини эса, юқоридаги суратлардан тасввур қилиш мумкин. Фарзандларни таълим тарбия қилишлик эса, ота оналар зиммасидадир. Бу ҳақида қуръонда шундай дейилган; “Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган ўтдан сақланг.” (Таҳрим 6) Уммат келажагини йўқотмаяпдими?! Бунинг учун БИЗЛАР, катталар масъул эмасмизми?!

.....

Шу гўдаклар қайғусидин, кўнгли вайронман бугун,
Не қилишимни билолмай, лолу-ҳайронман бугун.

Уммати ислом зулмга, бўлди дучор, оқибат,
Мазлум инсонларнинг аҳволига нолонман бугун.

Ҳам Фаластин, ҳам Ироқ, ҳам Афғонистонни кўриб,
Робия майдонида гўё бир «ихвон» ман бугун.

Сурия мўминлари қон йиғлаганда, йиғладим,
Аҳли ислом ҳолига мен дийда гирён ман бугун.

Эй мусулмонлар, бу умматнинг ғариб аҳволига,
Чора излаб топмайин, ҳоли паришонман бугун.

Найлайин мен ушбу ҳолатнинг иложин топмадим,
Чорасиз ожизлигимдан, кўп пушаймонман бугун.

Бундайин аҳволга қайғу чекмайин, эй Саҳвиё,
Тинчгина юрсам яна, қандай мусулмонман бугун?!

2013 йил 9 декабр.

Ким миллатчиликга чақирса биздан эмасдир

Аллоҳу Таъоло қуръони каримда Инсонларга қарата шундай марҳамат қилади; Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб кўйдик. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир. Хужурот 13 оят.
Бу оятдан мени тушунганим шуки, инсонлар барчаси бир ота онадан яралган ва насабда баробардирлар. Ва асосийси, қиёматда Аллоҳ ҳузурида ҳурматли инсон эса, тақводорлар яъни, Аллоҳдан қўрққан кишилардир. Бундан бошқа сифат зикр қилинмади. Демак, киши қиёматда, қаерда туғилгани, кимни боласи экани, ва ҳаказо жиҳатлардан ҳурматга эришолмас экан.

Мен пойтахтимиз бўлмиш Тошкенти азимдан минг чақирим шимолдага чекка бир шаҳарда туғилганман. Бу шаҳар аҳли асосан Хоразмлик ўзбекларнинг авлодлари бўлиб, гапириш шевамиз ҳам Хоразмчадир. Аниқроғи Урганч шевасига яқиндир. (Чунки, Хоразм аҳолиси ҳам турли шевада гаплашади)

Мен туғилган район атрофидаги колхозларда туркманлар, қозоқлар ва қорақалпоқлар яшашади. Шунга бўлса керак, биз бу тилларни деярли юз фоиз тушунамиз ва қисман гаплашаоламиз. Аммо, мактабда ўқиб бошлагач, китоб тили, биз гапирадиган тилдан анчагина фарқли эканини тушунганман. Ва буни биз “тошкентча” гапириш деб тушунганмиз. Хали Тошкентни ўз алоҳида шеваси борлигини ва умуман алоҳида урф одати борлигини билмасдим. Лекин, ёшлигимдан шууримда қотиб қолган нарса шуки, бизни шаҳардан Тошкентга ким ўқишга борса, ёки шунчаки иш билан бориб келса уни ўзини тутиши анчагина ўзгариб қоларди. Кўрган билганини гапириб беришдан ташқари, ўша шаҳарни “маданиятини” ҳам озгина юқтириб келарди. Ва бу билан фахрланардилар. Асли Хоразмлик бўлиб, Тошкентга бориб яшаб қолиб кетган баъзи қариндошлар меҳмонга келганда, ёзнинг жазирама иссиқлигига қарамай бўйинбоғ тақиб олишарди. Расмий мажлисда ўтирмасанг, шу иссиқда оқ кўйлак ва бўйинбоғга на ҳожат деб ўйлардим ўзимча. Улар шу билан бошқалардан ажралиб туришни, ва ҳамма унга ҳурмат билан бошқача қарашини истардилар. Бизнинг шаҳар аҳли учун Тошкентга бориб келишлик катта фахр манбаси эди. Мен ўзим бориб кўрмасамда, бу шаҳарни шу “ёмон таъсири” учун ёмон кўриб қолганман. Булар ёшликдаги таасуротларим эди. Тақдир тақозоси экан, Тошкентдан 60 км узоқликдаги Товоқсой зонасида турмада ўтирганман. Бу ерда асосан Тошкентлик “маслакратлар” ва “каллакесарлар” ўтирадиган зона экан. Тошкентлик “блатной”лар барчаси шу ерда эди. Албатта, кўча безорилар ва бошқа турли тоифалар вакиллари билан кўп йиллар яқиндан гаплашишга муваффақ бўлдим. Мен кейинчалик Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ва деярли барча катта шаҳарларда бўлдим.

Шуни тушундимки, Советлар давридан Республикани пойтахти бўлган Тошкент бошқа шаҳарларга қараганда нисбатан ҳар жиҳатдан ривожланган шаҳарга айланган. Бу ривожланиш фақат Тошкентликларни “зукко”лигидан эмас албатта, умумий давлат хазинасидан адолатсиз равишда уларга ажратилган улуш ҳисобидан ҳам бўлганлиги аниқ. Пойтахт деган номи борлиги учун, чет элликлар келиб кетадиган шаҳарни чиройлироқ қилиш фикри Совет даври раҳбарларида бўлган бўлса ажабмас. Аммо, барча “маданият”номи остидаги бузуқлик ва барча фиску фасод ҳам айни ўша шаҳардан бошқа вилоятларга тарқайдиган бўлгани ҳам сир эмас.

Хусусан, бу шаҳар аҳлини ўзларига бино қўйишлари, ва кибру ҳаволари қорун даражасида эканликларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Республикани бошқа вилоятлари аҳолиси содда ва оддий одамлардир. Агар фирибгарлар учраса билингки, шубҳасиз улар Тошкентдан “таълим” олиб келган кимсалардир. Тошкент гўё кибру ҳаво тарқалган шаҳар бўлиб, ким борса шу иллатни юқтириб келарди назаримда. Барча олий ўқув юртлари ўша ерда қурилиши совет даврини хатоси эди. ИАК ҳам ўша давр хатосини такрорлади. У ҳам Тошкентликлар учун алоҳида мақом жорий қилди. Энди вилоятлардан келганлар бу шаҳарда яшашлари ҳам имконсиз бўлиб қолди. “Шаҳарлик” ёки “қишлоқи” деган иборалар ҳам айни тошкент аҳолиси ихтиро қилган терминлардир. Булар совет давридан қолган иллатлар ва бу диний тарбия олганларга алоқаси йўқ дейишингиз мумкин.

Мен ҳам аслида шунақа ўйлардим. Аммо...?

Ўзларини “аҳли тақво” деб, ҳисоблайдиган баъзи Тошкентликларни биламан. Улар намозхон бўлган бўлсаларда, ҳалигача ўзларини “Тошкентлик бўлганлари учун” бошқалардан “устун” деб ҳисоблашади. Бу нарса мен учун тушунарсиздир. Мен “Тошкентлик” деганда, кибру ҳаво қиладиган кимсаларни тушунаман. Улар кибр манбаси бўлиб қолгандек гўё. Биттаси Тошкентни метросини шведларга кўрсатиш керак, шунда улар бизни қолоқ эмас, ривожланган давлатдан келганимизни билишсин деганди. Шу гапни айтишлиги уларни фикр доирасини қандайлигини кўрсатиб турибди менимча. Аммо, албатта бу гап ҳамма Тошкентликга тегишли эмас. Баъзи, оддий ва самимий биродарлим бор.

Уларга сизлар “Тошкентлик эмассизлар” деб, ҳазиллашаман. Чунки, Тошкентлик бўлсанг “қаддинги ғоз тутиб, гердайиб юришинг керакда” дейман. Аммо, ўзим ўша шаҳарда туғилмаганимга Аллоҳга беадад ҳамдлар айтаман. Ва ўша ерга ўқиб ё ишлаб қолмаганимга ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин! Чунки, ўз табиий фитратимни йўқотиб, сохталикни ўрганиб қолармидим бошқалар каби валлоҳу аълам?! Хуллас, мени фикримча одам болалари миллати, ирқидан қатъий назар насабда баробардир. Барчаси Одам Ато фарзанларидирлар. Менимча, ҳеч ким туғилишда у ёки бу шаҳарни танлаб туғилмайди. Аллоҳ кимни қаерда истаса ўша ерда туғилади. Ота она ва миллат Ватан ҳам танланмайди. Бу нарсаларни Аллоҳ тақдир қилгани каби бўлади. Мантиқан одам зоти ўз миллати, шаҳари, уруғи, Ватани ва ҳаказолари билан ғурурланиши бемаъниликдир. Чунки, булар асосиз таги пуч нарсалардир. Яъни, на маҳаллийчилик ва на миллатчилик қилиш керакмас. Инсонга бу дунёда ҳам қиёматда ҳам фақат қилган яхши амаллари фойда беради халос. Бундан бошқа нарсалар бари бекордир. Аллоҳу Таъоло мўминларга бу борада мана шундай марҳамат қилади; Эй иймон келтирганлар ! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасин), эҳтимол улар булардан яхшироқдир. Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг. Иймондан кейин фосиқлик исми нақадар ёмон ! Ва ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар ўзлари золимлардир.

Ҳужурот 11 оят.

Абу Довуд ривоят қилган бир ҳадиси шарифда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам “Ким миллатчиликга чақирса биздан эмасдир. Ким миллатчилик учун жанг қилса биздан эмасдир. Ким миллатчилик учун ўлса биздан эмасдир.” деганлар.

2013 йил

Бангладешча «демократия»

Бангладешнинг секуляр ғарбпараст ҳукумати томонидан “Бангладеш халқининг Истиқлол учун курашида хиёнат қилган” ликда айбланиб, “Бангладеш Исломиий Жамоаси” номли эски диний сиёсий жамоа раҳбари бўлган Мулла Абдулқодир 2011 йилда ҳарбий трибунал томонидан бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Аммо, кейинчалик қайта суд қилиниб, ўлим жазосига ҳукм қилинади. Ва бу жазо 12 декабр 2013 йил ижро қилинди. (Аллоҳ шаҳодатини қабул қилсин) Бенгал халқининг мустақиллик учун қилган урушлари даврида бу киши Покистондан ажралиб алоҳида бўлиб чиқмаслик лозим деган фикрда бўлган ва шу мақсадда курашган. Маълумки, Покистон Ҳиндистон таркибида бўлиб, Англия қироллигига вассал эди. 1947 йилда Англия назоратида турган Ҳиндистондан Покистон ажралиб чиқди. Мустақил давлат бўлди. Ўша пайтдан бери унинг таркибидаги Бенгаллар яшайдиган Вилоятлар мустақиллик учун очиқ ва яширин кураш бошлайдилар. 19 асрнинг 60 йилларида ташкил этилган миллатчилар партияси Лига Авами бош мақсади Покистондан ажралиб чиқиш эканини эълон қилганди. 1970 йилга келиб, бу партия вакиллари Шарқий Покистон (Бангладеш) парламентида кўпчилик ўринни эгаллайди. Ва минтақани ўз назоратига олади. Марказий ҳукумат Шарқий Покистонни куч билан бўйсундириш учун Армия киритади. Лига Авами партияси раиси Шайх Мажибур Роҳман Бангладешни мустақил деб эълон қилади ва бенгал халқини Покистонга қарши қуроли курашга чақиради. Лига Авами партиясини Покистонга қарши бўлган Ҳиндистон ва эски хўжайинлари бўлмиш Англия Қироллиги ҳам қўллаб қувватлайди. 9 ой давом этган урушда Покистон армияси енгилади.

Бангладеш расман мустақил давлат бўлади. Миллатчилар партияси давлат тепасига келади. Мамлакатда битта партия ҳукмронлик қилади. 19 август 1975 йил Шайх Мажибур Роҳман оиласи билан биргаликда отиб ташланади. Давлат тепасига генерал Зиёур Роҳман деган шахс келади. Бу кимса мамлакатда кўп партиявийликга рухсат беради. Зиёур Роҳман Бангладеш миллий Партиясига асос солади. Ўз навбатида у ҳам 1981 йилда давлат тўнтариши натижасида ўлдирилади. Давлат тепасига генерал Ҳусайн Муҳаммад Иршод келади. 1990 йилда бу кимса истеъфога чиқади. Кейин мамлакатда парламент бошқаруви таъсис этилади. 1991 йилда генерал Зиёур Роҳманнинг қизи Холида Зиё бошчилигидаги Бангладеш миллий Партияси парламентда энг кўп ўринни эгаллаб, мамлакат тарихидаги биринчи аёл Бош Вазир бўлади. 1996 йилда Шайх Мажибур Роҳманнинг тирик қолган бир қизи шайх Хасина раҳбарлик қилаётган Лига Авами партияси Парламентда энг кўп ўринни эгаллаб, ҳукуматга келади. Мамлакатдаги асосий сиёсий куч шу икки партия бўлиб, учинчи сиёсий куч “Бангладеш ИсломиЙ Жамоаси” ҳисобланади. Булардан бошқа партиялар катта қўлловга эга эмаслар. Радикал Диний партиялар фаолияти таъқиқланган. 2001 йилда яна Бангладеш миллий Партияси ғолиб чиқади. 2007 йилда Лига Авами партиясига мойил ҳарбийлар ҳукуматни истеъфога чиқариб, муваққат ҳукумат ташкил қиладилар. Бу ҳукумат икки йил давлат бошқаради. Коррупцияга қарши кураш ниқобида мамлакатдаги кўплаб Бангладеш миллий Партияси ва шу коалиция таркибидаги жамоатлар тарафдорлари қамоққа олинади. 2009 йилдаги сайловда Лига Авами партияси ҳукуматга келади. Шайх Хасина Бош Вазир лавозимига ўтиради. Ҳалигача шу партия давлат тепасида турибди. Бу партия раҳбарлари ўзига мухолифатда бўлган коалиция ичидаги “Бангладеш ИсломиЙ Жамоаси” раисининг 42 йил олдинги қилган “жинояти” ни эслаб қоладилар. Ўша пайтда 23 ёшда бўлган Мулла Абдул Қодир табиийки, у пайтда Бангладеш ИсломиЙ Жамоаси” раиси бўлмаган оддий аъзо бўлганди. Бу партиянинг ўша пайтдаги раислари бугун бунёда йўқлигига қарамасдан, шу партия сафида ўша пайтларда бўлганлиги ва Бангладешни Покистондан ажралишини истамагани учун бу катта нуфузли сиёсатчини ўлим жазосига ҳукм қиладилар. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари Бангладеш ҳукуматига мурожат қилиб, ҳарбий трибунал халқаро нормаларга мувофиқ эмаслиги ва унинг ҳукмини ижро қилишдан тўхтатиб туришга чақириғига қарамасдан уни қатл қилишди. Сони 163 млн. дан кўпроқ бўлган бу аҳолиси жуда ҳам қашшоқ яшайдиган давлатда бу ҳукмдан норози бўлган кўплаб намоийишлар бўлиб ўтди. Бу намоийишларда 40тадан ошиқ одам ўлди ва юзлаб одамлар жароҳат олишди. Бош Вазир Шайх Хасина бу талабларни инобатга олмади. Чунки, уни Ҳиндистон ва Англия қўллаб турганди. “Бангладеш ИсломиЙ Жамоаси” ҳали Покистон мустақил бўлмасдан мавжуд бўлган жамоат бўлиб, Покистон давлати Ҳиндистондан ажралиб чиққандан сўнг, мамлакатдаги ижтимоий сиёсий фаолиятга фаол аралашган. Лига Авами партиясидаги миллатчиларга қарши исломиЙ биродарлик ғояларини илгари сурган. Мустақиллик учун бўлган урушда Покистон Армиясига ёрдамлашган. Шайх Мажибур Роҳманнинг партияси иқтидорга келгач, “Бангладеш ИсломиЙ Жамоаси” фаолияти таъқиқланади. Шайх Мажибур Роҳман ўлдирилгач, ўрнига келган Зиёур Роҳман “Бангладеш ИсломиЙ Жамоаси” фаолиятига рухсат беради. Тинч сиёсий фаолият олиб бораётган жамоатнинг раҳбари Мулла Абдул Қодир 2001 йилдаги сайловларда “Бангладеш ИсломиЙ Жамоаси” мўътадил либерал бўлган Бангладеш миллий Партияси билан коалиция тузади ва бу коалиция сайловда Лига Авами партиясининг устидан ғалаба қилади. 2006 йилда ҳам шу коалиция таркибида сайловларда иштирок этган бўлсаларда, коалиция ғалабага эришолмайди. Мамлакатда “Жамоатул мужоҳидини Бангладеш” номли радикал курашувчи катта диний жамоат бор. Унинг фаолияти 2005 йилдан таъқиқланган. Бу жамоат мамлакатда Афғонистон Толибонлари каби, шаръий ҳукми ўрнатамиз деган мақсадда ҳукуматга қарши уруш эълон қилганлар. Жамоат томонидан кўплаб жойларда портлашлар амалга оширилган. Уларнинг раҳбарларидан тўрт кишини ушлаб ўлим жазосига ҳукм қилишган. 2007 йилда бу ҳукмлар ижро қилинган. Ҳозирда бу партия аъзолари қўшни Вазиристонда ва Афғонистондаги жанг майдонларида иштирок этмоқдалар.

26 декабр 2013 йил.

Фуқаролик тушунчаси ҳақида

(Фуқаролик ва Тобеълик тушунчасининг тарихи ва бугунига бир назар)

Фуқаролик тарихи (Гражданства)

Фуқаролик мақоми (Гражданства) қадимги Юнонистонда пайдо бўлган бўлсада, Рим Империяси даврида амалда кенг қўллана бошлаган. Қадимги Римликлар ўзларининг мақомини бошқалардан ажралиб туришини ва бу синфий фарқликлар қонуний бўлиши истаги билан бунни жорий этганлар. Бугунги фуқаролик тушунчаси “Давлат билан шахс орасидаги сиёсий ҳуқуқий ўзаро алоқа мажмуаси”ни ўз ичига олса, у пайтларда умуман бошқача бўлган. Римликлар фақат Рим шаҳари аҳолиси ўзларини бошқа табақалардан ажратиб туриш учунгина бу мақомни жорий қилишган. Шунингдек улар учун фуқаролик мақоми маълум ахлоқий нормаларга қатъий амал қилишни ҳам назарда тутган. Римликлар Фуқаролик олиш билан ўша жамиятнинг энг олий табақаси ҳисобланиб қатор ҳақ ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлса, уни йўқотиши билан жуда паст табақага тушиб кетишган ва ҳуқуқлардан маҳрум бўлишган.

Фуқаролик олиш шартлари қуйидагилардан иборат бўлган

1. Римлик бўлишлик ёки Римда яшашлик. 2. Оилавий мақоми Отаси ёки онаси Римлик бўлган бўлиши 3. Озод ва эркак шахс бўлиши. 4. 17 ёшдан 60 ёш оралиғида бўлиши. Мана шу шартлар топилмаганларга фуқаролик берилмаган.

Қуйидагиларга фуқаролик берилмаган

1. Римлик бўлмаган ёки шаҳарда яшамаганлар 2. Насаби Римлик бўлмаганлар 3. Аёллар ва қуллар. 4. 17 ёшга етмаганлар ва 60 ёшдан ошганлар.

Агар фуқаро 60 ёшдан ошса у фуқаролик ҳақ ҳуқуқларини баъзиларидан маҳрум бўлган. Мансабга тайинланиш ва Диний маросимларни бошқариш ва ҳаказо... Бу билан Римликлар бошқа табақалардан ўзларини мақомини юксаклигини таъминлашган. Ўша пайтларда Римда қуйидаги табақалар мавжуд бўлган.

1. Фуқаролар. (гражданлар) 2. Аёллар. 3. Фуқаролиги бўлмаган шахслар. (Перегрини. Атроф вилоятларда яшовчилар.) 4. Озод бўлган қуллар. 5. Қуллар.

Озод бўлган қуллар фуқаролик олишдан маҳрум бўлишган ва Римга юз км. дан яқинроқ ерда яшаши ҳам ман қилинган. Қулларда эса ҳеч қандай ҳақ ҳуқуқ бўлмаган ва уларни ўлдирган фуқаролар жазоланмаган. Фуқаролар аёллари эса фуқароликдан маҳрум бўлсада мол мулкга эгалик қилиши ҳуқуқи бўлган. Бошқа табақаларнинг аёллари эрлари каби ҳақ ҳуқуқсиз бўлганлар. Фуқаролик фақат католик динидаги Римликларга берилган. Шунингдек, бутпарастлар ва яҳудийларга берилмаган. Фуқаролик олиш эса Қирол томонидан чет эллик кимсаларга ҳадя қилиниши ва ёки кўрсатган ҳарбий хизматлари учун беришлик мумкин бўлган. Шунингдек, сотиб олиш ҳам мумкин бўлган. Аммо, бу жуда катта миқдор пул турган. Вилоятлардаги шахсларга Суд тарафидан бериш ҳам мумкин бўлган. Ва Армияда 20 йил хизмат қилган кишига фуқаролик берилган.

Рим фуқаролари қуйидаги ҳақларга эга бўлишган;

1. Сайловда овоз беришлик. 2. Ҳарбий Хизматга бориш. 3. Мол мулкга эгалик қилиш. 4. Уйланиш. 5. Римдан бошқа ҳудуддаги қонунларга амал қилмаслик 6. Судга мурожаат қилишлик.

7. Суд қароридан норози бўлса юқори Судга мурожаат қилишлик. 8. Ва умуман Рим фуқаролари ўлим жазоси ва дарра уришлик каби жазолардан озод қилинганлар. 9. Солиқ тўламаслик. (Солиқ асосан бошқа паст табақалардан ундирилган)

Римликлар фуқароларга ҳам маълум жазолар белгилашган

Фоҳишалик қилганлар, Судхўрлар, Сехргарлар ва Ҳарбий хизматдан қочганларга суд томонидан “Беномус” деган рамзий жазо берилган. Бу каби жазо олганлар мансабдор бўлишдан ва ўйинга чиқишдан, диний маросимларда иштирок этишдан маҳрум қилинган. Ва булар то ўша беномуслик тамғаси олиб ташлангунча фуқаролик ҳақ ҳуқуқларидан маҳрум бўлган. Бу каби тамға уни берган Суд томонидан олиб ташланган. Одам ўлдирган ёки бирор фуқаронинг аъзосига жисмоний зарар етказган ёки сиёсий жиноят қилган фуқаролар қаттиқ жазоларга тортилган. Бу каби жиноят қилганлар дарраланган ёки ўлим жазосига ҳукм қилинган ёки қул қилиб сотиб юборилган. Бундай ҳолда у фуқаронинг фуқаролиги бекор қилинган ва мол мулки мусодара қилинган.

Тобеъийлик тарихи (Подданства)

Кейинчалик Европа Қироллари фуқароликни у ёки бу шаклда ўзлари ҳукмронлик қилган ҳудудларда турли даврда турли хил кўринишда амалда қўллашган. Авваллари фуқаролик ва тобеълик мақомлари бир хил тушунилган ва бир хил вазифани бажарган. Қироллар турли хил қабила бошлиқларидан ўзларига тобеъликни талаб қилишган. Ва шу уларни ўша қироллик ҳудудида яшашини қонунийлаштирган. Ва кейинчалик келгинди ажнабийларнинг мақомини белгилаш учун улар тарафидан Подданства яъни, тобеълик (Бу терминни ўзбекчаси бўлмаган учун шу иборани қўлладим) мақоми фақат ажнабийларга нисбатан жорий қилинган. Бу каби мақом – Қирол билан маълум шахс орасидаги бир томонлама келишувдан иборатдир. Бу ҳозирда ҳам шундай тушунилади. Аммо, ҳозирги кунда фуқаролик мақоми нисбатан анча такомиллашган кўриниш касб этган. Тобеълик ҳам турли асрларда турли кўринишда бўлиб келган. Бугунги кунда деярли дунёнинг барча мамлакатларида фуқаролик институти ишлаб турибди. Тобеълик деярли кам қолган. Тобеълик мақоми берилиши Русия қироли Петр 1 1721 йили ажнабийларга тобеълик олиш учун қасам ичишни жорий қилган. Шу пайтгача тобеълик мақоми олиш учун православ динига кириш шарт бўлганди. Қасамёд матни ҳам Дума тарафидан тасдиқланган. Қуйида ўша матнни таржимаси билан танишишингиз мумкин. “Қуйида имзо чекувчи шахс Подшоҳга итоатли қул ва абадий тобеъ бўлишга ва ҳеч қачон чет элга чиқиб кетмасликга ва бошқа мамлакат армиясида хизмат қилмасликга ваъда бераман ва Қудратли Худо номига қасам ичаман!”

Кейинчалик бу матндаги қул сўзи олиб ташланган. Ва бу қасам ичиб тобеълик олиш жорий бўлгач православ динига кириш шarti бекор қилинган. Тобеъларга эса Русия ҳудудидан мол мулк сотиш ёки олиш ва русларга қиз бериш ва уйланиш ва ҳарбий хизматга кириш мумкин бўлган. Бу ҳуқуқлар тобеълиги бўлмаган келгиндиларга берилмаган. Буюк Британия Қироллигида эса тобеълик мақоми ҳалигача мавжуддир. 1981 йилги фуқаролик тўғрисидаги қабул қилинган Актга биноан Британия граждани бўлмаган шахслар энди унга (Қироличага) расман Тобеъ (подданний) бўлишлари мумкин. Тобеълик мақоми ҳуқуқлари ҳам ҳар даврда турли давлатда турлича бўлиб турган.

Мусулмон мамлакатларида Тобеъийлик мақоми

Мусулмон халқлар яшаган мамлакатларда ҳам айни шу каби тобеълик мақомига яқин Амир билан фуқаролар орасида байъат институти мавжуд бўлган. Аммо, Исломда байъат асосида у ёки бу шахсни Амирга сиёсий тобеъ эканлиги тасдиқланган. Ва бу байъат аҳд паймон ҳисобланиб унга вафо қилиш шаръий вожиб бўлган. Лекин бу байъат беришлик фуқароларни ҳақ ҳуқуқини белгиловчи омил бўлмаган.

Чунки, ҳақлар қуръон асосида аввалдан белгиланган бўлиб, байъат бу ерда кўпроқ Амирни қонунийлигини тасдиқлаш учун хизмат қилган. Бу услуб мамлакат ҳудудидаги ажнабийлар агар улар шу ерда доимий қолишни истасалар уларга ҳам қўлланилган. Агар келгиндиларнинг дини бошқа бўлса, у ҳолда жузъя солиғи тўлаш шарти билан шу давлат ҳудудида яшаши мумкин бўлган. Ва уларни ўз динига амал қилиб яшаш ҳуқуқи таъминланган. У пайтларда халқлар асосан қабила ва уруғчилик асосида яшашгани учун бир уруғдан бир киши яъни ўша уруғнинг оқсоқоли байъат бериши ўша уруғ учун кифоя қилган. Байъат ёки жузъя берган қавмнинг дахлсизлиги ўша давлат томонидан қўриқланган. Бу келишув шаръий аҳкомлар асосида амалга ошган.

Фуқароликнинг бугунги кўриниши

Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатада фуқаролик мақоми жорий қилинган. Ва бу мақомда кўрсатилган ҳақ ҳуқуқлар БМТнинг инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида кўрсатилган инсон ҳақлари асосида ҳақлар белгиланган. Декларацияда инсоннинг қуйидаги ҳақлари кўрсатилган; 1. Яшаш ва дахлсизлик 2. Қонуний ҳимояланиш 3. Истаган ерида яшаш ҳаққи 4. Фуқаролик ҳаққи 5. Никоҳланиш ҳаққи 6. Мулкга эгалик ҳаққи 7. Фикр сўз ва дин эркинлиги 8. Ўз эътиқодига амал қилиш ва уни айта олиш ҳаққи 9. Ишлаш ҳуқуқи 10. Таълим олиш ҳаққи

Мазкур ҳуқуқлар бугунги кундаги ҳуқуқий Давлатлар Конституцияларида фуқароларнинг ҳаққи сифатида тан олингандир. Бундай давлатлар бугунги қонунлар бўйича ҳуқуқий давлат ҳисобланади. Бугунги фуқаровийлик мезони инсонларнинг дини, жинси, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ҳаммага баробар ҳақ ҳуқуқларни таъминлайди. Бугунги кунда турли давлатларда фуқароларга фуқаролигини тасдиқлаш учун Паспорт ва шунга ўхшаш турли хил ҳужжатлар берилади. Ва бу нарса бу кунги давр тақозосидир. Ва фуқаровийлик мезони мана шу шакли бугунги давр тақозо қилаётган талабдир. Ва менимча мана шу давлатлар фуқаролигини олиш Исломга зид эмасдир. Баъзилар айтаётгандек, бу билан мўминлар имонига зарар етмайди. Валлоҳу аълам!

2013 йил

Албатта, Аллоҳ заррача ҳам зулм қилмас

4 йил бўлди хорижда яшаб шу нарсага амин бўлдимки, бирлашувга чақириқлар амалий жиҳатдан бефойдадир. Бу чақириқ охиратда шу каби ғамни кўтариб юргани учун эгасига манфаатли бўлса ажабмас. Шунини ўзи ҳам катта фойда аслида. Амалий жиҳатдан бефойда деганим шуки, бугунги кунда Ўзбекистондан чет элга чиққан диний гуруҳларни ўз йўли ўз лидери ва ўз мақсадлари ва ҳаказолари бор. “Йўлсиз” лардан битта яримта виждони саломат киши учраб қолиб бу каби чақириққа қулоқ солмаса бошқалардан бирор нарса кутиш бекордир. Мен бу фикрга келишим учун 4 йил керак бўлди. Ҳатто нафақат диний гуруҳларни, балки, демократман деганлар ҳам турли гуруҳга бўлинганлар ва ҳар гуруҳ фақат ўзини тўғрилигини иддао қилади. Бири бошқасини “дунёдаги мавжуд барча айблар билан” айблайди. Албатта, бу ва бошқа кўплаб омиллар ИАКнинг шунча йил бемалол ўз халқига зулм зўравонлик қилишини таъминлаб турди. Халқимиз сиёсий фаол эмас. Ва кўпроқ “оч қорним тинч қулоғим” қоидаси билан яшайди. Пост совет ҳудудларидаги мамлакатлардан Озарбайжондагина Президентлик лавозими отадан болага ўтди. Ёки “халқ сайлаб қўйди”.

Бошқа халқлар ҳали бу даражага бормагандилар. Энди Ўзбекистонда шунақа воқеъа эҳтимоли тахмин қилинаяпди. Бўлиб ҳам ўғилга эмас, қизга тахт мерос қолдириш эҳтимоли кутилаяпди. Менинг шахсий фикрим шуки, халқ бунга қаршилиқ қилмайди. ИАК атрофидаги гуруҳлар қаршилиқ қилиши мумкин. Агар Гулнора ўша қирғинбаротдан ютиб чиқса, демак, “халқни сайлаши”га шубҳа қилмай қўяверинг. Ватанда на диний ва на бошқа мухолиф сиёсий ҳаракатлар йўқ. Хориждаги мухолифат Ватан ичида таъсири йўқ ҳисоби. Диний гуруҳлар эса, биттаси Халифа қурмоқчи. Бошқаси “муртад хоин” деб, бир бирини сўйиб ётибди. Учинчиси, уйма уй юрибди даъват қилиб, наригиси “илм олиш” ёки бериш билан банд. Буларни ҳаммаси шу ишларини ўзларича тўғри санайдилар. Ва ҳеч қандай бошқа гуруҳга ва кимсага эргашиш ниятлари йўқ. Аксинча, уларга бошқалар эргашишини исташади. Худди, анов демократлар каби, ким уларга қўшилмаса улар ҳам уни “душман”деб ҳисоблашади. Шахспарастлик авж олган. Ўзи билан айни ғоядаги кимсани ҳам ўз ичидаги буюк шахсга “ихлосли” эмаслигини пайқашса, унга қарши ҳаракатга ўтишади. Ҳамма гуруҳда ўзини “буюк шахси” бор. Диндорларда ҳам демократларда ҳам. Ҳеч ким ҳеч кимга итоат қилмайди. Ва аслида бунга ҳақлидирлар ҳам. Ҳаммасини ўз диний далили борда. Ғояни ўртага ташлаш билан иш битмайди. Уни амалга ошириш имконлари мавжуд эмас. Бошиизга етган мусибат учун ўзимиз айбдор бўлишимизга келсак, бу ҳам мусибатнинг бир туридир. Аммо, биз истасак истамасакда бизга алоқасиз ҳолда бизга етадиган балою офатлар ҳам борки, улардан масъул эмасмиз. Лекин, бугунги “бало” қайси тоифага киради. Валлоҳу аълам! Мўғуллар босқини, Руслар истилоси ва ҳаказо мисоллар билан тарихимиз тўла. Ўша пайтда яшаган халқнинг “айби” бормиди шу истилоларда?! Лекин, ўшандай ҳолатда ҳам бизга Аллоҳ зулм қилган демаймиз. Биз ўшандай ҳаётда яшаб ўтар эканмиз шунга лойиқлигимиздандир. Албатта, Аллоҳ заррача ҳам зулм қилмас. (Нисо 40 оят)

Энг кўп одам бирлаштирган мухолиф гуруҳда ҳам бугун уч тўрт одам қолган. ИАКлар сулоласини омали кулаяпди десак ҳам бўлаверади. Аммо, кутилмаганда Худо тарафидан келадиган балою офатлар бундан мустасно албатта. Мен бирорта гуруҳни ўз ҳолича бир нарса қилаолишига ишонмайман. Лекин, бу гуруҳларни бирлашиб ишлашига ҳам ишонмайман. Аммо, бирлашсалар натижа бўлиши эҳтимол. Бунини амалда кўрдик. Ўшанда Гулнора модалар уйидан ҳайдалганди. Булар ҳаммаси тарих. Бу чақириққа нисбатан менинг фикрларим деярли шулардан иборатдир.

31 март 2013 йил.

Тинчлик учун фақат уруш керакми?

Бугунги дунёдаги воқеъаларга таъсир ўтказиш ва халқаро муаммоларни ҳал қилишда БМТ нинг қабул қилган халқаро қонунлари ожизлик қилаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. БМТ таркибидаги органлардан “Хавфсизлик Кенгаши” дан ташқари барчаси, фақат аъзо давлатлар ҳукуматларига тавсия бериш билан кифояланади. БМТ нинг асосий органи Хавфсизлик Кенгаши бўлиб, бу орган БМТ уставига мувофиқ у бу давлатга турли туман мажбурлаш чораларини қўллаш ҳуқуқига эга. “Тинчликни ва барқарорликни сақлаш учун” бу орган у бу давлатга қарши уруш эълон қилиши мумкин. БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо 15 та давлат иштирокида дунёдаги “умумий тартиб ва тинчликни бузаётган” у ёки бу режимни танобини тортиб қўйиш” учун қарор қабул қилинади. Бу эса, “тинчликга раҳна солувчи” БМТ га аъзо давлатга қарши ташқаридан турли хил санкциялар ва лозим бўлса, куч ишлатишга “ҳуқуқ берувчи” ҳужжат бўлади.

БМТ Хавфсизлик Кенгашига вазифаси БМТ устави 25 моддасида баён этилганидек, “дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш” дан иборатдир. Бу Кенгаш таркиби ҳам аслида, “ким кучли бўлса, кўпроқ ҳуқуқ эгаси бўлади” деган эътиқод асосида тузилганга ўхшайди. Масалан; Кенгаш таркибида 15 та давлат бўлади. Дунёдаги икки юзтадан ортиқ давлатдан фақат 5 таси доимий аъзодир. 120 та давлат Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлсаларда, Кенгаш мажлисларида қатнашишлари учун доимий аъзо давлатлар томонидан тавсия қилиниши ва улар қаршилик қилмасалар икки йилгагина Кенгаш мажлисларида қатнашишлари мумкин. Бу 10 та давлатдан ҳар йилда 5 таси алмаштириб турилади. 70 тадан ортиқ давлат эса БМТга аъзо давлат бўлсаларда умуман Хавфсизлик Кенгашига аъзо эмаслар. Ва демак, уларда халқаро масалаларни ҳал қилишда, умуман овоз бериш ҳуқуқи йўқ. Доимий аъзо давлатлар Ақш, Хитой, Русия,(СССР) Англия ва Франциядир. Шу 5 та доимий аъзо давлатдагина Хавфсизлик Кенгашининг у ёки бу қарорини қабул қилишдан тўсадиган вето қўйиш ҳуқуқи бор. Яъни, шу 5 таси тўла рози бўлса, ёки қарши бўлмаса, демак, ўша қарор “қонуний” ҳисобланади. Қолган 10 та давлатни Хавфсизлик Кенгаши қарор қабул қилишига таъсири йўқ ҳисоби. Юқоридаги 5 та доимий аъзолар қабул қилсалар, уларни қарши бўлишлари ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Шунингдек, бу ўнта давлат Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари томонидан танлаб олинади. Улар бор йўғи икки йилгагина БМТ Хавфсизлик Кенгашида “томошабин” бўлиши мумкин халос. Шу билан яна навбати келгунича, улар дунё муаммосини ҳал қилишда қатнашмайдилар. Демак, амалда дунёга “ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи” ўша 5 та давлат зиммасидадир. Бу ҳуқуқни уларга бошқа давлатлар берган эмас албатта. Улар шу ташкилотни БМТни тузиб, ўзларига ўзлари мана шундай “кенгроқ ҳуқуқлар” беришган. (Гитлер мағлуб бўлгач, ташкил этилган бу Кенгашга, Германия кирмай қолган) Афғонистон Исломий Амирлигига қарши куч қўллашда, Хавфсизлик Кенгаши №1386 сонли қарори қабул қилинган. Бунга кўра, доимий аъзо давлатлардан ҳаммаси “рози бўлган”. Бу дегани бу уруш “халқаро қонунларга мувофиқ” амалга оширилган эди. Аммо, бу уруш ҳалигача тугамади. (Эслатма; Бу бешта доимий аъзо давлатлар, мусулмон давлатлари эмас) Ироққа қарши урушга БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларидан Русия ва Хитой қарши бўлган. Аммо, Ақш бошчилигидаги НАТО қўшинлари Саддам режимига қарши БМТ махсус резолюциясиз уруш бошладилар. Бу урушни оқлашга баҳона эса, Саддам режимида «дунёдаги тинчликга раҳна солувчи оммавий қирғин қуроли бор» деган иддао сабаб бўлганди. Миллионлаб болаларни етим қолдириш эвазига режим қулади. Бу уруш мавжуд халқаро қонунлар нуқтаи назарида “қонуний уруш” эмасди. Фарқи нимада, барибир уруш бўлди ва минглаб одамлар қурбон бўлди ва ҳалигача давом этаёпти. Шунингдек, яна бир “халқаро қонун доирасидаги уруш” Қаддофий режимига қарши амалга оширилганди. Бу режимга қарши урушга БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатлардан 3 таси (Ақш, Англия ва Франция) рози бўлган, икkitаси (Русия ва Хитой) бетараф турган. Оқибатда яна кўп қурбонлар эвазига режим қулади. Энди Сурия режимига қарши куч қўллаш масаласида БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари орасида яна келишмовчилик чиқди. Русия ва Хитой қарши бўлиб, нариги учаласи рози бўлишди. Охир оқибатда эса, ўша учала давлат биргаликда БМТ Хавфсизлик Кенгаши махсус қарорисиз Асад режимига қарши жанга киришга қарор қилдилар. Аммо, Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатлар Русия ва Хитой бу ерда яна ҳеч нарсга қилолмай қолишди. Дунёда тинчликни сақлашга ўзларини масъул деб ҳисоблайдиган давлат орасидаги ўзаро келишмовчилик, манфаатлар устидаги рақобат ва бир бирига нисбатан доимий адоват уларни ўзлари ўйлаб топган қонунлар асосида фаолият қилишларига ҳам имкон бермаяпти. Бу Хавфсизлик Кенгашга аъзо “Бешлик” бир бирига қарши “Учлик ва Иккилик” деган икки каолицияга ажралган. Ақш, Англия ва Франция барча масалада бир позицияда турадилар. Русия ва Хитой бир позицияни эгаллашган. Бошқа давлатлар эса, мана шу икки каолицияга иттифоқдош ёки “дўст” давлатлардир. Бу “дўст”лик даражасига қараб, уларга муомала қилинади. “Учлик” гуруҳи ўзига қарши диктаторларни қулатишда БМТдан фойдаланиб келади. Ўзига “дўст” диктаторларни эса, то итоатда турар экан индамай қўйиб қўяди. “Иккилик” гуруҳи эса, ўзлари диктатор ва авторитар тоталитар давлатдир. Улар “Учлик”га бўйсунмайдиган диктаторларни улардан “ҳимоя” қиладилар. Асад режими ўз халқини бомбардимон қилаётганига сабаб, уни Русия ва Хитой қўллаб турганди.

Энди эса, “Учлик” унга қарши уруш бошламоқчи. Яна минглаб гўдаклар бегуноҳ қурбон бўладилар. Агар “Иккилик” ўз вақтида бу режимни қўлламаганида, бу режим бунча қурбонларсиз балки тезроқ қулармиди эҳтимол?! Бу “Учлик” ва “Иккилик” дан иборат “Бешлик” орасидаги адоватлар қурбонлари эса, бегуноҳ мусулмонлар бўлаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Бугунги кунда дунёдаги бўлаётган барча урушлар айнан шу “Бешлик” ташаббуси билан бошланган. Урушларни бири тугамасдан бошқаси бошланаяпти. Ва бу эса “Бешлик” нинг дунё муаммоларини ҳал қилишдаги ҳаракатлари тобора самарасиз бўлиб қолаётганини кўрсатади. Улар ўз иддаоларича “Тинчликни сақлаш учун” урушмоқдалар. Агар улар “Тинчликни сақлаш учун” урушмасалар, шуни ўзи тинчликни сақлашга кифоя қиларди. Миллионлаб мусулмонлар бу урушларнинг беҳуда қурбонлари бўлмасди. Валлоҳу аълам.

2013 йил 29 август

Мурсийга чиқарилган ҳукм адолат устидан чиқарилган ҳукм эди

Фиравнлар мамлакатадаги хунрезликлар сабаби ва оқибати ҳақида баъзи мулоҳазалар. Миср Суди ўтган йили июл ойида иқтидордан ағдарилган Президент Мурсийни ва унинг тарафдорларидан 529 кишини ўлим жазосига ҳукм қилганидан кўп ўтмай мудофаа вазири генерал Сиси президентлик лавозимига ўзини номзодини қўйишини маълум қилди. ОАВ маълумотларига қараганда Мисрда сайлов воситасида иқтидорга келган ихвонларга қарши 21 асрдаги энг қонли хунрезликни амалга оширган генерал Сиси энди Миср президенти лавозимига ўзини номзодини қўядиган бўлди. Бунга таёргарлик воситаси ўлароқ олдинроқ, Россияга сафар қилиб, Путин билан алоҳида учрашиб ҳам кетган эди. Ўша учрашувда ВВП Сисини қўллаб қувватлашини маълум қилганди. Путинни ўша пайтда қонуний сайланган Президент Мурсийни ноқонуний иқтидордан кетказган Сисини қўллаб қувватлаб, Мурсий ҳақида лом мим демаганини аммо, Украина россияпараст президенти В Янукович ағдарилганда уни ҳимоя қилиб чиқанини, инқилобчиларни ноқонуний ҳукуматни эгаллаган жиноятчилар деб эълон қилганини ва охир оқибат Қримни Россияга қўшиб олганини гапирмай қўя турайлик. Бу Путинни иккиюзламачилигини биринчиси ва охиригиси ҳам эмас албатта. Аммо, ўзларини демократия тарафдори қилиб кўрсатадиган ғарб давлатлари ОИ ва АҚШ томонидан ҳам қонхўр Сисига нисбатан бирор эътироз билдирилмади. Қонхўр Сиси номзодини Саудия каби умматга пешволик иддао қилувчи қиролликлар ва Исроил каби уммат душмани эканини яширмайдиган сионистлар ҳам маъқул кўришмоқда. Саудлар хонадони Ихвонул Муслимин каби ислом оламидаги нуфузли исломий сиёсий кучни иқтидордан кетказиб, ўзини тугаб бораётган нуфузунини сақлаб туришни истаётгани аниқ. Шу мақсадда кўрфаз давлатлари Сисига 5 миллиард долларлик моддий ёрдам беришганди. Исроил эса Сисига ўхшаган разведка генерали келиши уларга Қамалда ушлаб турган Ғазо секторини Миср билан чегара постини қайта ёпишга ва Ғазода иқтидорда турган ва Исроилга қарши кураётган Хамасни ва фаластин халқини янада оғир иқтисодий аҳволга солиб қўйишидан манфаатдордир. Мақсадлар ва манфаатлар бирлашганида ким кимлигидан қатъий назар ҳамкорлик қилиниши мумкин экан. Буни Исроил ва Саудия “дўстлигида” кўраяпмиз. Лекин АҚШ ва ОИ давлатларига Мурсийни нимаси ёқмаган бўлиши мумкин? Улар нима учун Сисини номзодини зимдан қўллаб қувватлашмоқда?! Нега Жон Керри Мурсий хоин Сиси томонидан ағдарилганда «Сиси демократияни ҳимоя қилмоқда» деган эди?! Мурсий Эрон билан яхши алоқалар ўрнатишга урина бошлаганди. Бу албатта ОИ ва АҚШдан ташқари Саудларга ва кўрфаздаги бошқа амирликларга ёқмагани аниқ.

Бу эса ўз навбатида Мурсийга қарши қилинган намоийшларда Мисрдаги салафийларнинг Нур партияси ҳам илмонийлар билан бир қаторда фаол иштирок этишига асосий сабаб қилиб кўрсатилди. Мурсийнинг қамалда турган Ғазо секторидаги Хамас ташкилотини ошкора қўллаб қувватлаши Исроилга ва унинг ҳомийси АҚШга ёқмаган эди. Бу ёқмаслиги табиий албатта. Назаримда бу ва бошқа қатор диний сиёсий сабаблар уларни Сиси каби диктаторни иқтидорга келишига жим туриб рози бўлишларига олиб келди. Кэтрин Эштон хоним Европача инсонпарварлик нуқтаи назаридан Сисидан қамоққа олинган Мурсийни агар президентлик иддаосидан воз кечса, бошқа ихвонларни ҳам қўшиб озодликга чиқариб юборишни номига бўлсада талаб қилгани маълум. Аммо, бу талабга Мурсий кўнмади. Лекин, қонуний сайлов орқали иқтидорга келган Президентни ўлимга ҳукм қилишликга бугун улар жим туришларига шу сабаб бўлиши мумкинми?! Нега бу ҳақида дунё ОАВлари жар солмаяпдилар?! Араб баҳори натижасида араб давлатларида қатор мустабид режимлар қулаб ўрнига исломий кучлар иқтидорга келиб қолишди. Қаддофий каби АҚШга қарши кимсаларнинг режими қулаши АҚШ ва ОИга айни муддао бўлсада, Муборак ва Бен Али каби АҚШга итоаткор фақат ўз халқига зулм қиладиган пасткаш мустабидлар ҳам иқтидордан кетиб қолиши АҚШ учун кутилмаган воқеъа эди. Гарчи Мурсий АҚШга очиқ ошкора қарши сиёсат олиб бормаган бўлсада, ташқи сиёсатида нисбатан мустақил ва мусулмонлар манфаатини кўзлаб иш қиларди. Эрон ва Хамас билан яхши алоқалар ўрната бошлаганди. Бу эса Исроил ва АҚШга ёқмасди. Бу Русия ва Хитой учун айни муддао бўлсада, улар ҳам исломий кўз қарашдаги Президент билан яқин алоқалар қилишдан чўчишарди. Шу маънода Мурсийни иқтидордан кетиши буларнинг ҳаммасига манфаат бўлди. АҚШ ва ОИ, Хитой ва Русия гарчи ўзаро адоватда туришсада бу масалада яқдил бўлаолдилар. Саудия каби мустабид режимлар ҳам ўз нуфузларини сақлаб қолишлари учун бу кишини кетишидан манфаатдор бўлдилар.

Бугун уларга ўлим жазоси берилиб, ҳаммаси ўлимга ҳукм қилинган пайтда буларнинг баъзилари хурсанд баъзилари жим туриб кузатаяпдилар. Улар бу очиқ ва ошкора адолатсизликга фақат ўз манфаатларига мувофиқ келгани учунгина рози бўлдилар. Украина масаласида эса бошқача вазият намоён бўлмоқда. Русияпараст Януковични кетишини АҚШ ва ОИ қўллаб қувватлади. Ўз навбатида Русия Қримни референдум ўтказиб ўзига қўшиб олди. Худди шундай мустақиллик эълон қилган чеченларни бомбардимон қилган Путин бугун Қрим ярим ороли ўтказган референдумни қонуний деб иддао қилмоқда. Иккизламачиликда мусобақа ўйнаб, бири биридан қолишмасликга ҳаракат қиладиган бу қудратли давлатлар манфаат учун бири бирларига нисбатан ҳам иккиюзламачилик қилишади. Мурсий масаласида улар бир овоздан келишиб олдилар. Чунки Мурсий на Русияпараст ва на Ғарбпараст эди. Мурсий ҳақпараст президент эди. Исломий президент, ҳақ тарафида турган ва мусулмонлар манфаатини кўзлаган президент эди. Бунақа президентни эса, на Ғарбга ва на Русия билан Хитойга ва на мусулмонлар тепасида турган мустабид қиролларга кераги йўқ. Бундан президент уларнинг барчаси учун иккиюзламачи ёлғон сиёсатчилар учун чинакамига хавфли эди. Шунинг учун унга ўлим жазоси берилди. Мурсий адолат тимсоли эди. Мурсийга чиқарилган ҳукм адолат устидан чиқарилган ҳукмдир. Адолат эса ўлмайди. У Мурсий тимсолида бўлсин ёки бошқа киши тимсолида бўлсин яна қайтиб келади ва адолатсизлик зулму зўравонлик устига ғолиб бўлади иншааллоҳ!

2013 йил

Фикрлар гирдобада

Саноқли умр шиддат билан ўтмоқда. Бу қисқа умр мобайнида ўзимни ташвиш машаққатлар кўрган ва неъматга эришган ҳисоблайман. Неъмат дегани нималигини аниқлаштирайлик. Тинчлик, кенг ризқ рўз, саломатлик, хотиржамлик ва ҳаказо.

(Мен ҳали маънавий неъматлар ҳақида гапирмаяпман.)

Бугун бу зикр қилинган неъматлар менга насиб бўлган. Аммо, бу менга ватанимдамас, ғурбат диёрида етишган неъматлардир. Ватанимда эса, менда шу каби неъматлар бўлмаган. Аниқроғи менда бўлмаган. Ёки, менга ўхшаганларда бўлмаган. Хўп, ғурбатда бўлсада менга бу неъматлар берилди. Бунинг учун яратганга беадад шукр қилиб яшайман. Аммо, бу неъматлар куфр диёридаги одамларнинг саъйи ҳаракати эвазига пайдо қилинган эди. Мен эса улар қилган меҳнат самарасига шерик бўлаяпман халос. Яъни, улар юртида мустабид ҳукмронлик қилмаслигини, халқ эркин ва тинч яшаши ва аҳолининг муҳтож қатламга ижтимоий таъминоти таъминланишини жорий қилишган. Улар шу бугунги фаровонликга эришиш учун албатта нималардир қилишган. Чунки, тарихидан маълумки, буларда ҳам мустабид қироллар ҳукмронлик қилишган. Булар бундан жамият кура олишган экан, шу ерга қочоқлар келиб бу неъматлардан баҳраманд бўлишмоқда. Бу қочоқлар эса, Афғонистон, Сомали, Сурия, Ироқ, ва Ўзбекистон каби урушлар гирдобидида қолган ва мустабид адолатсиз Президентлар ва золим гуруҳлар бошқараётган давлатлар фуқароларидир. Саудия қироллигида келгиндиларга фуқаролик умуман берилмас экан. Бу эса адолатсиз қарордир. Қочган қочоқларни қайси юртда одам каби қабул қилиб, ўқиши ва яшашига имкониятлар берилади?! Бирорта мусулмон давлати борми шунақа қиладиган?! Мени кечаю кундуз ўйлантирадиган нарсаси эса, нега мусулмонлар яшайдиган мамлакатларда мустабидлар ҳукмрон?! Нега улар иқтисодий тараққиётда бошқалардан жуда жуда қолади?! Нимага ўша диёрларда адолатли тизим жорий қилиш имконсиз?! Масалан Ўзбекистонда?! Нима қилсак, халқ фаровон яшайди? Эркинлик ва хуррият бўлади?! Инсон қадри тоғталмайди?! Халқ чет элларга иш излаб кетмайди?! Халқ орасидаги, ўғирлик, босқинчилик, порахўрлик ва одам ўлдириш каби жиноятлар йўқолади?!

Бунинг учун нима етишмаяпти?! Нима қилса шу юқорида айтилган Тинчлик, кенг ризқ рўз, саломатлик, хотиржамлик деган неъматларга ватанимизда эришамиз?! Наҳотки, бу ҳаммаси битта одамга, Давлат раҳбарига боғлиқ?! Балки, яхши одам келсада, аҳволимиз ўзгармас бизни?! Балки, бу халқнинг ўз фаоллигига ҳам боғлиқдир?! Мустабидларга йўл бермаслик учун халқ томонидан қандайдир ҳаракатлар қилиниши лозимдир балки?! 30 миллионлик халқ, халқ эмас, 30 миллион яқка шахсдир балки?! Унда уларни ўзаро бирлаштирадиган қандай ғоя бор?! Тинчлик, кенг ризқ рўз, саломатлик, хотиржамлик барча учун баробар зарурий неъмат эмасми?! Дини, миллати, жинси, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ўша 30 миллион яқка шахс шу неъматларга муҳтож эмасмилар?! Агар муҳтож бўлишса, шу неъматларга эришиш ва уни сақлаб қолиш учун бирлашсалар бўлмайдими?! Бу нарсаларга тирик одамзот борки, муҳтождир. Демак, шунга эришиш учун бирлашиб ҳаракат қилишни наҳотки имкони бўлмаса?! Мен шу фикрлар гирдобидида изтиробдаман. Изтироб чекаётган одам эса, неъматлар ичида турса ҳам хотиржам яшай олмас экан?! Саноқли умр эса тобора ўз поёнига етиб бормоқда.

2013 йил 10 декабр.

Суиқасднинг 1 йиллигида ўқилган нутқ

Ҳурматли Ватандошлар!

Бугун биз муҳтарам устозимиз Обидхон қори акани ҳаётига суиқасд уюштирилганига бир йил тўлиши муносабати билан мана шу майдонга тўпландик. Биз Швеция ҳукуматидан мавжуд қонунларга мувофиқ ўша жинойтчилар ушланиши ва жазоланишини талаб қиляпмиз. Ва умид қиламизки иншааллоҳ охиратда бу золимлар учун Аллоҳу Таъолонинг қўйган жазоси муқаррардир. Обидхон қори акага қилинган суиқасд ИАК режими тарафидан ўзбек халқига ва мусулмонларига 20 йил давомида бўлаётган сон саноқсиз жинойтларидан биридир. ИАК режимининг жинойтлари сон саноқсиздир. Буларни ҳаммасини санашлик имконсиздир. Мен бугун мана шу майдонда ана шулардан баъзиларини эслашни лозим топдим. ИАК режими 20 йилдан ошиқ муддатда Ўзбекистон Республикасини бошқаруви давомида зулмни энг кўп кўрган тоифалар диндорлар бўлди. Албатта, 30 миллионлик Ўзбекистонлик аҳолининг барча қатлами жабр кўрди. Энг кўп жабр кўргани диндорларнинг турли хил тоифалари бўлди. Хусусан, Биз бугун Обидхон қори акани қотилларини ушлаб жазолашни талаб қилиб чиққан эканмиз, айни дамда, ИАК режимининг жинойти сифатида ИАК режими жаллодлари тарафидан ўғирлаб кетиб, йўқ қилиб юборилган Абдуллоҳ Ўтаев, Абдували қори Мирзаев ва Рамазон Маткаримовлар, ва Обидхон қори акани ўғли Хусниддин Назаров ва бошқа ўнлаб ёки юзлаб мусулмонларни ҳам эслаш керак! Булар мана шу золим режимнинг жинойтларидан биридир. ИАК режимининг жинойти сифатида, яна 20 йилдан бери қамоқда ётган Мухаммад Ражаб домлани, ва бошқа диний сиёсий маъбусларни ҳам эслаш керак. 20 йиллаб зиндонда ётиш биродарлар осон нарсамас. 20 йилда бир бола туғилса 20 ёшга киради. 20 йилдан бери уйига бормаган бола чақасини кўрмаган одамлар бор. Бу ҳам ноинсоний режимнинг жинойтларидан биридир. Биз мана шуларни ҳам бугун бу майдонда эслашимиз керак! 1999 йилдаги портлашлардан кейин то, бугунги кунгача давом этаётган 159 модда билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумига тажовуз қилганликда айбланиб қамоққа олинган ва шу кунгача қамалаётган ва қамоқларда ўлиб кетган ёш қари, эркак аёл мазлумларни ҳам эслаш керак! Мана булар золим ИАК режими жинойтларидан биридир!

Шунингдек, ИАК режими жинойтлари сифатида 2005 йилда Андижонда отиб ўлдирилган эркагу аёл, ёшу қариларни ҳам эслаш керак! Мана бу ҳам золим ИАК режимининг жинойтларидан биридир! Шунингдек, мана шу қамалиб ётганларни, йўқ бўлиб кетганларни, оилаларини, тирик етим бўлиб қолган фарзандларининг кўз ёшларини, йиллаб фарзандини кўролмай дунёдан ўтиб кетаётган ота оналарни кўз ёшларини эслашимиз керак! Мана булар ИАК режимининг оғир жинойтларидан биридир! ИАК режимининг жинойти сифатида ёлланма қотил тарафидан отиб кетилган журналист Алишер Соиповни, ўтган йили Ивановда ўлдирилган биродаримиз Фуад Рустамхўжаевни эслаш керак! Мана бу ҳам ИАК режимининг навбатдаги жинойтларидан биридир! ИАК режимининг жинойтларини сон саноғи йўқ. Обидхон қори акага қилинган суиқасд мана шулардан биридир. Шунингдек, ИАК режимининг жинойти сифатида ўз yurtидан ҳижрат қилиб чиқиб кетишга мажбур бўлган минглаб муҳожирларни ҳам эслашимиз керак! Сиз билан биз мана шу зулмдан қочиб келганмиз. Мана бу ҳам ИАК режимининг жинойтларидан биридир! Шунингдек, миллионлаб чет элларда, Россия, Қозоғистон ва Украина турли давлатларда нон топиш учун ишлашга кетган, Ўзбекистонда нон йўқлигидан, нон йўқлигидан кетишга мажбур бўлган, ватандошларни эслашимиз керак! Миллионлаб ватандошлар ватангадо бўлиб дайдиб юришибди. Улар орасида ҳар куни ўтга ёниб, сувга чўкиб, бошқа турли сабаблар билан ўлаётган умри хазонларни ҳам эслаш керак! Режимнинг жинойти сифатида дунёнинг турли жойида бузуқлик қилиб пул топаётган ўзбек аёлларини, миллатнинг фожеъасини эслашимиз керак! Буларнинг барчаси учун ИАК жавобгар! У дунё ва охиратда жавоб бериши ШАРТ! Иншааллоҳ буларни Миср диктатори Муборак каби, Ливияни диктатори Қаддофий каби ва ёки бошқа диктаторлар каби, ИАК ни ва унинг режими амалдорларини мана шундай хорлик кутади иншааллоҳ! ИАК, ўзбек халқининг, Ислон ва мусулмонларнинг душманидир! ИАК Абдували қори ака ва Обидхон қори ака каби холис дин Уламоларининг душмани ва ёлланма қотилларнинг буюртмачисидир! Обидхон қори акага қилинган суиқасд шахсан ИАК нинг буйруғи билан қилинганлигига бизнинг шубҳамиз йўқ!

МХХ каби Қонхўр жаллодлар ташкилоти, бу суиқасдни уюштиришганига ҳам шубҳамиз йўқ! Бу каби жиноятлар албатта вақти келади, очилади ва иншааллоҳ, шу дунёнинг ўзида жазосини олажаклар! Ва албатта охирадда бу золимларнинг жазосини олишлиги шаксиз шубҳасиздир! Мен бу мурожаатимни охирида золим ИАКга бағишлаб ёзган бир ғазалимни ўқиб бермоқчиман. Эй Золим, Каримов! Мана шу шеър менинг сенга тилакларим.

Умид қиламанки жосусларинг буни сенга етказоди.

Истагим Ҳақдан, абад мотамсаро қилсин сани,
Жабри-зулминг, бошинга битмас бало қилсин сени!.

На тушингда, на ўнгингда, ҳаргиз ором бўлмасин,
Доимо, қайғу юрак-бағринг адо қилсин сени!

Халқни хор айлаб сени қанжиқларинг даврин сураб,
Зурриётинги шу дунёда, гадо қилсин сени!

Сен зулм қилган ғариблар оҳу бирла ноласи,
Ҳаққа етгай! Оқибат, юзинг қаро қилсин сени!

Ёлғиз Аллоҳ ҳаққи, бу қонлар сени тинч қўймасин,
Ҳеч туганмас дарду-ғамга, мубтало қилсин сени.

Ўлгунингча тавбаю, имон муяссар бўлмасин,
Нақди умринг, куфр йўлинда фидо қилсин сени!

Сенга ибрат бўлмади қўп мустабидлар қисмати,
Ўзгаларга қисматинг, ибрат-намо қилсин сени!

Сенга берди лунёда , қасру-сарой, қошоналар,
Охирадда манзилинг, ўтдан бино қилсин сени!

Сен ўзинги ҳам “Худо” деб, ўйлаган эшшакфаҳм,
Манзилинг мангу жаҳаннам ичра, жо қилсин сени!

Фиръавн, Намруд билан, дўзахда мангу бирга бўл,
Қисматинг мангуга, оҳу-ҳасрато қилсин сени!

Қодир Аллоҳ қудратига зарра шубҳам бўлмағай,
Барча қилган зулминга, лойиқ жазо қилсин сени!

Саҳвий истайдир санга, ҳар икки оламда жазо,
Моли-мулки, тожу-тахтингдан жудо қилсин сени!

22 феврал 2013 йил

II-қисм

2014 йилда ёзилган мақолалар

Бизларни кечир эй шаҳид биродар!

2014 йил 10 декабрда Туркияда истиқомат қилаётган биродаримиз Абдуллоҳ Бухорий (Мирзоғолиб Ҳамидов) отиб кетилди. 38 ёшли бу йигит 8 йилдан бери Туркияда яшаб шу ерда болаларга таълим бериш билан машғул бўлиб юрганди. Мен уни яқиндан танимасдим. Шу сабабли унинг ҳақида, фақат маърузаларида ўзи ҳақида айтган гаплари ва уни танийдиганларнинг берган маълумотлари асосида фикр юритишим мумкин. Бухорийнинг баъзи маърузаларида ўзи ҳақида айтган маълумотларга қараганда у Ўзбекистонда ҳужрада таълим олган. Аммо, уни айнан қаерда дарс олганлигини билмайман. Анджонлик машҳур имом Абдували қори ўғирлаб йўқ қилинганида бўлғуси шайх Бухорий 19 ёшда бўлган. Шу асосда уни Абдували қорини кўрган ва учрашган деб тахмин қилишимиз мумкин. Лекин, шуниси аниқки, у ўша пайтларда салафий йўналишда бўлмаган. Ўзбекистонда илмни давом эттириш имкони қолмагани учун Абдуллоҳ Бухорий мамлакатни тарк этади. Қайси йўллар билан боргани аниқмас, аммо Покистонга бориб ўқишни давом эттиради. Покистондаги «Дорул улум» номли ҳанафий мазҳабида таълим берадиган мадрасада таълим олади. 1992 йилда Ўзбекистонни тарк этган Тоҳир Йўлдош бошлиқ ўзбеклар гуруҳи, аввал Тожикистонда ва у ерда муҳолифат билан Тожиқ ҳукумати орасида сулҳ тузилганидан сўнг Афғонистонга ўтиб, Толиблар сафида курашаётгандилар. Шу пайтда Покистонда юрган ўзбек талабалар билан ЎИХ орасида алоқалар бошланади. Шу даврда Покистонда 5 йил илм олган Бухорий уларга келиб қўшилади. Аввалига Бухорий ўзи таълим олган ҳанафий мазҳабини ЎИХ сафида ёйа бошлайди. Карачида ЎИХга тегишли идорада масъул бўлади. Кўп ўтмай яна ЎИХни тарк этиб, Покистонга ўқишга кетади. Маълумки, Тоҳир фикри тор мазҳабпараст ва ўзига қарши чиққанлар салафийларга нисбатан тоқат қилолмайдиган кимса эди. Унинг гуруҳига бориб қўшилган кўпгина аҳли илмлар у билан келишолмай қоладилар. Аммо, Бухорий ва у билан бирга келган яна икки йигит Тоҳирни ташкилотида аввалида ҳурматли одамлардан бўлишади. Тоҳир ўзига қарши салафийларнинг баъзиларини ими жимида ўлдиртириб юборади. Баъзилари қочиб қоладилар. Кейинчалик салафийларга қўшилган Бухорий ўз қарашларини кескин ўзгартиради. У энди мазҳабга тарғиб этмайдиган аммо, мазҳабни рад қилмайдиган нисбатан мўътадил манҳажга ўтади. 2001 йилда АҚШ бошчилигидаги НАТО қўшинлари Афғонистонга Толибон режимига қарши уруш бошлаганида Толибон режими Покистонга қочади. Афғонистонда юрган Ўзбекистон Исломий Ҳаракати ҳам Покистонга ўтиб кетади. Ўша пайтда Тоҳирдан қочганлар алоҳида Исломий жиҳод Иттифоқига асос соладилар. Бу иккала ўзбек гуруҳлари орасида ҳам бири бирига қарши қуролли тўқнашувлар бўлган. 2006 йилда 30 ёшга кирган ва ҳали уйланмаган ва умри мадрасаларда ўтган Абдуллоҳ Бухорий Туркияга келади. Ўша пайтларда ЎИХдан қочган кўплаб Ўзбекистонликлар Туркиядан паноҳ топганди. Бу ерда Бухорийга ўзи ўрганган илмни бошқаларга ўргатиш имконияти пайдо бўлади. Туркиялик аёлга уйланади. Кейинчалик Туркия фуқаролигини ҳам олади. 2010 йилда Бухорий интернет майдонига чиқа бошлайди. Уни дўстлари шогирдлари қўллаб қувватлаб, имконият яратиб беришади. 2009 йилда Тоҳир Йўлдош ўлиб, ўрнига куёви Усмон Одил ЎИХ амири бўлади. Кўп ўтмай у ҳам вафот этиб, ўрнига Усмон Ғозий деган Тошкентлик бўлади. 2011 йилда «араб баҳори» бошланади. Бу баҳор дунёга кўпгина сиёсий ва диний ўзгаришлар тақдим этди. Ўша пайтларда Бухорий одатдаги умумий

маърузалардан ташқари, сиёсий маърузалар қила бошлайди. Ўша даврда Туркияда яшаётган Бухорий ўзбек мусулмон ёшларини ЎИХга қўшилишдан қайтарарди ва Сурияга боришга ундар эди. Бунга уни шаръий далиллари бор эди. Аммо, айтилган пайтда Туркия давлати ташқи сиёсатида Суриядаги инқилобчи гуруҳларни қўллаб қувватларди. Ғарб ҳам бу масалада Сурия муҳолифати тарафида эди.

Бу гаплар ЎИХга етиб боргач, улар Бухорийга қарши турли туман компроматлар эълон қилишни бошладилар. ЎИХ чилар Бухорийни айнан Ғарб давлатлари ва Туркия ташқи сиёсатида мос даъват қилаётганликда айблашарди. Бу уйдирмалар ичида улар менга ҳам тош отишни унутишмасди. Сабаби, мен билан ЎИХ орасида келишмовчиликлар пайдо бўлганди. Мен ўша даврда ЎИХдаги ёзувчиларни иккиюзламачи ва туҳмат бўхтон қилишдан ва бир мусулмон одамни кофирга чиқаришдан қўрқмайдиган маразлар эканлигини тушундим. Бухорий ва мен бир тараф бўлиб, ЎИХ бир тараф бўлиб қатор ёзма ва аудио “курашлар” бўлди. Менга ЎИХдан қочган ва бугунги кунда Покистонда яшаётган ўзини Муҳожир Аҳмад деб номлаган бир йигитдан ўзи кўрган ва гувоҳ бўлган ЎИХ раҳбарларини ва жумладан Тоҳирни қилган ёвузликлари ёзилган эсдалигини юбора бошлади. Мен уни «Асирлик ичидаги Асирлик» номи остида тўлалигича сайтимда чоп этганман. Истовчилар уни мана шу линкдан ўқи олишлари мумкин. Бухорий Туркияда самарали меҳнат қилди. Унинг турли мавзулардаги кўпгина аудио дарслари шогирдлари томонидан ёзиб олинган ва истаган одамлар мана бу линкга кириб эшитишлари мумкин. У қисқа вақт ичида кўплаб шогирдлар орттирди. Ва албатта, душманлари ҳам етарли эди. Туркиядаги тариқатчилар ва турли хил мазҳабчилар уни хуш кўрмасдилар. У қонуний фаолият қиладиган мўтадил ислом манҳажига қўшилмасди. У ҳамма нарса, ҳар бир ўзгариш ислом доирасида бўлиши керак деб ҳисобларди. 2014 йил апрел ойида мен Туркияга борганимда Абдуллоҳ Бухорий билан учрашганман. Ўша пайтда улар Сиддиқ деган бир ЎИХчи кимсани видеосини йотубга қўйишган экан. Ўша ерда кўрдим. Бу видеода ўша Сиддиқ деган бола иккита илмий мужоҳидни Тоҳирни амри билан ўлдирганини гапириб беради. Бу видео Бухорийни ЎИХга берган катта зарбаси бўлди. Улар бунга жавобан ҳеч нарса эълон қилмадилар. Карачи Аэропортидаги амалиётдан кейин эса, уларнинг интернетга чиқиш имкониятлари ҳам йўқолди шекилли, жим бўлиб кетишди. Шу билан Бухорий ва менга қарши тош отишлар тўхтади. Кейинчалик мен Бухорий билан аудиосуҳбатлар қила бошладим. Мен унга ЎИХ билан бўлаётган можароларни гапиринг деганимда, у бу мавзуда гаплашмайлик деб рад қилганди.

Хуллас, Бухорий билан жами олтига суҳбат қилишга улгуриб қолдим. Бухорий динни ўрганган ва ўзи ҳаётида кўрган кечирганлари ва ўзи яшаган муҳитдан келиб чиқиб, Ғарбга ва бошқа мусулмон бўлмаган давлатларга душманлик назари билан қарарди. Хусусан, унинг дунёқараши манҳажига ҳозирги кундаги кўпгина мусулмон жамоатларидаги каби, динни ҳаётга қайтариш фақат кураш асосида бўлади деган қатъий ишонч мавжуд эди. Мен бунга радио ўзаро суҳбатларимда ишонч ҳосил қилганман. У динда ўзи холис эди. Холис деб билган йўлни тарғиб қиларди. У динни Қиролларга бўйсундириб қўйган, мадҳалийларга қарши эди. Буни қатор видео дарсларидан кўришимиз мумкин. У ИАК режимига хизмат қиладиган имомларга қарши эди. Шунингдек, у васатийя манҳажига ҳам қарши эди. Имоми Қарзовийни танқид қилиб чиқарган видеосидан буни англаш мумкин. Албатта, мен уни кўп фикрга қўшилмаганман. Лекин, бу қарама қаршилиқ бизларни ўзаро суҳбатлар қилишимизга монеълик қилмасди. Абдуллоҳ Бухорий мен билан Суриялик муҳожирларга ёрдам қилиш масаласида суҳбатлашганди. Бу масалада анча таклифлар киритганди. Афсуски, бу йўналишда биз ҳеч нарса қилолмай қолдик. Бу ерда ўша суҳбатни эшитишингиз мумкин. Охириги суҳбатимизда у “Ўзбекистонда исломий ҳукумат бўлиши керак!” деганди. Ва бундай ҳукуматни қурилишига ўзбек халқи рози деган фикр билдирганди. Бу ерда ўша суҳбатни эшитишингиз мумкин.

Мен гарчи бу фикрга қўшилмасамда, бу ғояни у айтганчалик силлиқина амалга ошишига ишонмасамда, бу гапни айтишликга ҳар бир мусулмонни ҳаққи бор деб ҳисоблайман. Ўша суҳбатдан ўн кунча ўтиб мен унга скупедан хат ёздим. Ва уни суҳбатга таклиф қилдим. Аммо, ўша кун кечқурун уни вафот этганини эшитдим. Абдуллоҳ Бухорий мен билан қилган суҳбатларидан бирида унга суиқасд уюштирилаётганини гапирганди.

Унинг фикрича бу рус махфий хизматлари тарафидан бўлиши эҳтимолини айтганди. Ўша суҳбатни бу ерда эшитишингиз мумкин. Менинг қатъий ишончим шуки, унга қилинган суиқасд орқасида ўзбек МХХси турибди. ИАК режими ўз ҳукмронлиги даврида кўплаб дин олимларини ўғирлаб, ўлдириб, қамаб йўқ қилди. Абдуллоҳ Ўтаев, Абдували қори, Рамазон Маткаримов бошқа ўнлаб кишилар ўғирланди.

Тоштемир Нурматов (Муҳаммад Ражаб), Аҳад Барноев (Абдулаҳад қори) Руҳиддин Фаҳриддинов ва бошқа ўнлаб имомлар қамалди. Хорижга қочиб кетганларини ҳам тинч қўймасдан отиб ўлдиришни бошлади. Обид қорига суиқасд қилинди. Ивановадаги Фуад Шокирий отиб кетилди. Қўшни Қирғизистондаги Рафиқ қори, Алишер Соиповлар ҳам ИАК режимида таҳдид деб кўрилгани учун йўқ қилинди. Абдуллоҳ Бухорий ўзбек ёшлари ичидан чиққан илм соҳиби эди. Ҳаётда амалга ошиши ошмаслигидан қатъий назар, тан олиш керакки, у ўз йўлига, манҳажига эга етакчи пешво эди. У ўз илми билан ватанга халқга хизмат қилишни орзу қиларди. У жуда кўп илм эгалари гапиришга қўрқаётган мавзуларда очикчасига гапиришдан қўрқмасди. Оқибати қандай бўлишидан қатъий назар у ҳақни айтиш ғоясига содиқ эди. Айнан мана шу йўл Пайғамбарлар олиб келган йўлдир. Золимга индамай жим туриш пайғамбарлар йўли эмас. Холис дин пешволари йўли эмас. Жим юришлик бу худбинлар йўлидир. Аммо, бу йигит ҳам бошқа ўнлаб илмли ёшлар каби, бугун ўз ватанига кераксиз бўлиб қолди. Узоқ Туркияда ҳам уни даъватлари режим учун таҳдид деб кўрилди. Охир оқибатда уни ҳам йўқ қилишди. Бухорий оз яшасада, кўп шогирдлар тайёрлаб кетди. Унинг атрофида юрганлар, ким тожик, ким уйғур, ким ўзбек, ким турк, ким араб билиб бўлмасди. Ҳамма ердан келиб уни ҳужраларида таълим олишарди. Мен умид қиламан у ердан ҳали кўплаб Бухорийлар чиқади. Улар Бухорийнинг ишини давом эттирадилар. Бухорийнинг асосий бир сифати у мард эди. Ўзи ҳақ деб билган нарсани айтишликдан қўрқмасди. У ўша қўрқмаслиги ва ҳақни айтганлиги туфайли ўзгаларда қўрқув уйғотди. У билан турли давлатларни махсус хизматлари шуғуллана бошлашгани ҳақида хабар эшитганмиз. Булар ичида ўзбеклардан ташқари, Россия, Хитой, ва АҚШ каби давлатлар ҳам у билан қизиқа бошлашган. Келажакда ундан катта хавфлар кутаётган режим албатта Ўзбекистон эди. Бу одамларнинг хорижга қочиб кетишига ҳам аслида ўша ИАКни диндорларга нисбатан қилган қатағон сиёсати сабаб бўлган. Аммо, энди бугунга келиб, режим ўзидан қочган одамлардан қўрқиб бошлаганди. Энди уларни хорижда ҳам йўқ қилишга ҳаракат қилаётганди. Ва шу сабабли унга суиқасд уюштирдилар. Ўлим ҳақ. Жим ўтирганлар ҳам бир куни ўлажаклар. Аммо, Бухорийнинг ўлими каби шарафли ўлим ҳаммага насиб этмайди. Бу ўлим мусулмонлар орзу қиладиган фахрли ўлимдир. Шу билан ислом умматига хусусан, ўзбек мусулмонларига яна бир зарба бердилар. Бухорийнинг ўлиmidан фақат дин душманларигина хурсанд бўладилар халос. Инсофи борлар унинг ҳаққига дуо қиладилар. Унинг ёш 9 та фарзанди етим қолди. Уларнинг отаси, отиб ўлдирадиган бирорта жиноят содир қилмаган эди. Аллоҳ уни шаҳидлар қаторида қилсин. Гуноҳларини мағфират қилсин! Жойини жаннат боғларидан қилсин! Оила аҳлига, яқинларига дўсту биродарларига сабри жамил берсин! Унга суиқасд қилган кимсаларга Аллоҳ икки дунёда лойиқ жазо билан жазоласин! Қадринга етмаганимиз учун, етарли эътибор қилмаганимиз учун, бизларни кечир, эй шаҳид биродар!

Хулоса; Ўзбекларнинг кўзга кўринган олиму уламолари бугун ўз халқига янада аниқроғи режимида керакмас бўлиб қолдилар. Улар дунёнинг турли бурчагида илм олиб, ватанларига бориб тинчгина хизмат қилиш имкониятидан узоқдирлар. Хорижда ҳам уларнинг фаолият юритишига имкон берилмаяпти. Кимки, қаердан овозини чиқарса, отиб кетилмоқда. Энди навбатдаги ким? деган, савол эса, ҳаммани ўйлантиради.

Абдуллоҳ Ўта эмас, юртнинг доноси кетди,
Абдували Мирзомас, диннинг даҳоси кетди.

Обид қорининг ўғли, сиймосида бир қанча,
Ўзбеклар фарзандимас, диннинг, сиймоси кетди.

Қотиллар отган ўқдан ўлган Рафиқ қоримас,
Ўзбек қирғизни тутиб, турган биноси кетди.

Ўзбек элин журъати, бўлди Ўшлик Алишер,
Ўшлик эмас, ватаннинг чин фуқароси кетди.

Шовруқ элни қайғуриб, Парламентни титратди,
Мусулмонлар ҳомийси, диннинг шайдоси кетди.

Золимга ҳақни айтиш бўлган эди шиори,
Фуад Шокирий эмас, ваъда вафоси кетди.

Ҳақ йўлни топиб, ҳаққа чорлар эди жоҳилни,
Ойдин табибмас жоҳил дардлар давоси кетди.

Эл бошидан зулмни, йўқ қилмади истиқлол,
Зулм кетмади гарчи, рус истилоси кетди.

Қанчалар бўлди қурбон, қанчалар умри хазон,
Юртини ташлаб қанча, юрт раҳнамоси кетди?

Мард қолмади, маддоҳлар яшар Ўзбекистонда,
Чунки, бу юртдан диннинг, нури зиёси кетди.

Саҳвий, миллат англамас, кимдан айрилди бугун?
Бухориймас, ўзбеклар динин пешвоси кетди!

.....

Эй халқим, олимларинг, сақлолмаган миллатсан,
Аждодларинг ишончин, оқлолмаган миллатсан.

Қанча жигарбандларинг қириб, қурбонлар бердинг,
Дилидан ўч адоват, йўқолмаган миллатсан.

Турли йўлга бош уриб кўрдинг, асрлар ҳануз,
Ўзингни ҳақ йўлига, сололмаган миллатсан.

Золимларнинг қўлинда қул бўлдинг, эзилдинг,
Зулмга қарши кураш, қилолмаган миллатсан.

Ҳар дайди ит устинга келса бўйин эгарсан,
Ору — номусни ушлаб, қололмаган миллатсан.

Дўстни душман ҳисоблаб, душманни дўст тутарсан,
Ким дўсту, ким душманинг, билолмаган миллатсан.

Саҳвий ўйларди, ёвуз қашқирни йўқ қилар деб,
Сен қўйни оғзидан чўп, ололмаган миллатсан.

2014 йил

Абдували қори акани ўғирлаб кетилганининг 19 йиллигига

Абдували қори ака 29 август 1995 йилда Тошкент Аэропортида ғойиб бўлганди. Андижон Жомеъ масжиди имоми бўлган бу жафокаш инсон Абдували қори Мирзаев, золим Каримов режимининг махфий хизмати ходимлари томонидан ўғирлаб кетилганига шубҳамиз йўқ.

Бу улуғ қайғули сана, Горбачевнинг қайта қуришидан бошлаб, Ўзбекистонда озми кўпми, ривожланиб келаётган исломий қадриятлар йўлига катта тўғаноқ бўлди. Унгача бўлган даврда ҳам режим ўз сиёсий мухолифларини ва диндорлардан ҳам кўзга кўринган баъзи олимларни жумладан, Қўқондаги Ҳавоқанд Жомеъ масжиди имоми Муҳаммад Ражаб домлани ва Ислом уйғониш Партияси Ўзбекистон бўлими раиси Абдулла Ўтаевларни қамоққа ташлаган ва ўғирлаб йўқ қилган эди. Шу санага келиб мамлакатда кўзга кўринган давлат сиёсатидан норози диний олимларга нисбатан қатағон бошланди. 1999 йил 16 февралдан кейин Республика миқёсидаги оммавий репрессиялар бошланди. 2005 йил Андижон қирғинидан кейин қатағонлар янги босқичга чиқди. Шу қатағонлар давомида ўн минглаб диндорлар турли хил экстремистик оқимларга аъзоликда айбланиб қамоққа ташланди. Ва кўп минглаб одамлар муҳожиратга чиқиб кетишди. Ва қанчалари турли радикал гуруҳларга қўшилиб, ўлиб кетдилар ва шаҳид бўлиб кетди. Қанчаларини ҳали ҳануз дом дарағи йўқ. Улар ё ҳалок бўлишган ёки ҳанузгача МХХ ер тўлаларида ётишибди. Ва яна кўп минглаб диндорлар, кучли тазйиқ ва МХХ назорати остида яшамоқда. Бу улкан мусибат ўзбек халқини тарихида қонли саҳифа бўлиб қолди. Ўз дини, тили ва урф одати ва мустақил ҳаётини орзу қилган халқ вакиллари ўз қонуний мақсадига эришиш йўлида жуда кўп қурбонлар берди. Ва ҳали ҳануз ҳам бермоқда.

Лекин, афсуски ҳали нажот йўли кўринмади. Ҳали фаровон тинч замонлар келиши даргумон бўлиб турибди. Сабаби, халқ вакиллари ўзаро яқдил эмаслар. Диндорлария демократлари ўзаро ҳамфикр иноқ эмаслар. Майда гуруҳларга бўлиниб, ўзларича ҳаракат қилмоқдалар. Мана шу парокандалик ҳар қандай диктатор учун айна муддаодир. Чунки, улар ўзларидан норози халқни қириши йўқ қилиши учун, ана шундай парокандаликни ушлаб туришга ҳаракат қиладилар албатта. Каримов режимининг умри, ўзининг умри каби, жуда оз қолди иншааллох. Аммо кейинги ҳолат яна кимнинг фойдасига ҳал бўлиши ноаниқ. Исломий гуруҳлар фойдасига бўлмаслиги ҳақиқатга яқинроқ. Бугунги ўзбек диний гуруҳларидан бирортаси қонуний фаолият қиладиган тоифага мансуб эмас. Баъзилари зўравонлик билан ҳукуматга интиладиган кимсалардир. Баъзилари умуман сиёсатга аралашмайди. Баъзилари халифатга чақириш билан банд. Бу эса, яқин келажакда режим ўзгаргандан сўнг ҳам Ўзбекистондаги диндорларнинг пешонасига шамол тегмаслигига ва яна хорлиқ, зулм ва тазйиқ остида, ҳуқуқлари поймол бўлиб яшашга мажбур бўлишларига олиб келади.

Чунки, мамлакатдаги аҳолининг ўрта ёшдаги ва энг асосий ижтимоий фаол бўлган ва катта моддий ва маънавий потенциалга эга бўлган диндорлар қисмини ўзаро бирлаштириб, легал курашиш ва бир мақсад сари ҳаракат қилиши учун ғоя ва манҳаж йўқ. Нафақат мамлакат ичидагилар балки, бундай ғоя муҳожирлар диндорлар орасида ҳам йўқ. Нафақат диндорлар балки, демократ сиёсатдонлар орасида ҳам ғоя бору. манҳаж йўқ. Фаесбокдаги у бу кичик гуруҳларнинг ташаббуслари узоқни кўзлаб одамларни эргаштирадиган ғоя ва дастур эмас албатта. Аммо, бошқа бирорта чорани ўзи йўқ. Ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлган. Ҳаммамиз бир мўъжиза рўй бериб, замонани ўзгариб қолишини кутаяпмиз. Ўз ўзидан нимадир бўлиб, ҳаётимиз яхши бўлиб қолишини кутаяпмиз. Шундай бўлармикан?! Мўъжиза эса рўй бермайди. Пайғамбар алайҳиссалом ҳам курашиб натижага эришганлар. Диндорлар динимиз ва давримиз, юртимиз ва халқимиз талабига мос ва хос курашиш йўли манҳаж ишлаб чиқилари ва шу асосда тинмай курашишлари лозим эди. Лекин, афсуски, ўтган 20 йил давомида ана шундай манҳаж асосида курашилмади. Ва яна бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши кутилмоқда. Янада ачинарлиси шундаки, бирорта жиддий кураш бошламай туриб ҳам, минглаб қурбонлар беришимизга тўғри келди.

Афсус...,

Шунақа ИАК режимининг ноҳақ қурбонларидан бири Абдували қори Мирзаев эди. Эртага у кишининг ўғирланганига 19 йил тўлади. Аллоҳнинг ўзи амалларингизга ажри азим берсин. Агар тирик бўлсангиз ўзи паноҳида асрасин. Агар ҳаёти дунёда мавжуд бўлмасангиз, аброрлар учун бу дунёдан афзал бўлган Роббингизни ҳузуридадирсиз. Ўз дини учун ўз халқини имону Исломга даъват қилиб, шу йўлда молу жонини фидо қилиб кетган устоз сизни Аллоҳ раҳматига олсин! Даҳрийлар зулми остида динидан ва имонидан ажралган халқни ширк ва куфр асоратларидан тозалаш учун тинмай ҳаракат қилган ва шу йўлга жонни тиккан улуғ инсон Аллоҳ сиздан рози бўлсин! Амалларингизни ажрини Роббингиз ҳузурида топгайсиз! Аллоҳнинг ҳузурида жаннат боғларида мангу иззат икромда бўлгайсиз!

2014 йил

Истанбул анжуманида ўқилган нутқ...

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Ассалому алайкум қадрли қурултой қатнашчилари!

Мен “Туркистонда Ислом дини тарихи, бугуни ва келажаги” мавзусига доир нутқимни бошлашдан олдин бу анжуман ташкилотчиларига — мени таклиф қилганлари учун — ўз миннатдорчилигимни билдириб ўтмоқчиман. Албатта, Туркистон ҳақида у ерда яшовчи халқлар ҳақида гапирилар экан, ислом динининг бу минтақада яшовчи халқлар тарихи, бугуни ва келажагидаги ролини эътибордан соқит қилиш имконсиздир. Ўтмишга бир назар Иккинчи Халифатул Маҳдийин бўлган Усмон ибн Аффон давридаёқ минтақамизга муқаддас ислом дини ғоялари кириб кела бошлаган эди. Ҳижратнинг аввалги асрида бу диёрда ислом дини мустаҳкам ўрнашди. Динни олиб келган араблар ғояси маҳаллий халқни мустамлака қилиб, мол мулкига эгалик қилишдан иборат эмаслигини ва ислом ақидаси ва шариатидаги адолатни кўрган маҳаллий халқ оммавий равишда бу динни қабул қилдилар. Бухородаги Сомонийлар сулоласининг иккинчи подшоҳи Исмоил Сомоний бугунги Туркистон ҳудудидаги Аббосий Халифаларга расман итоат қилувчи биринчи подшоҳ эди. Ислом динини Хуросон (Ҳозирги Афғонистон) ва Ҳиндистонга (ҳозирги Покистон, Бангладеш, ва Ҳиндистон) тарқалишида Маҳмуд Сабуктегин ўғли Ғазнавийнинг хизматлари тарихийдир. Ғазнавийлардан кейин, Хоразмшоҳлар сулоласи бу минтақада улкан давлатга асос солган эди. Бу улкан Империя мўғуллар тарафидан тор мор қилинди. Ислом оламидаги кўплаб юртлар ва эришилган тараққиёт батамом йўқотилди Аммо, асрлар давомида мўғуллар авлодлари ислом динига кириб, маҳаллий халқга қўшилиб кетдилар. Мўғуллар босқинидан икки асрдан ошиқ муддат ўтгач бу ҳудудда янада улкан давлат пайдо бўлди. Бу Амир Темур давлати эди. Хоразмшоҳлар ва Амир Темур империялари мусулмон халқлари ва ўлкамиз давлатчилиги тарихидаги дунёдаги энг улкан мусулмон давлатлар эди. Аммо, бу давлатлар Халифаликдан мустақил эдилар. Бугун дунёдаги ҳудудий жиҳатдан энг улкан давлат бўлган Русия ҳам, Темур давлати ҳудудидан бир неча мартаба кичикроқдир. Имоми Бухорий ва Термизий каби Ислом оламидаги буюк муҳаддислар ва Ал Хоразмий ва Беруний каби турли соҳа олимлари шу юртдан чиққан ва илмий асарлари дунё ҳамжамияти томонидан тан олингандир. Темурдан кейинги даврлар ўзаро талашиш тортишиш даври бўлди.

Охир оқибат Хива хонлиги ва Бухоро Амирлиги ташкил топди.

Мисрдаги мамлуклар салтанати ва у ердаги Аббосийлар сулоласининг вакилларида номигагина турган Халифалик Султон Салим томонидан тугатилгач, Халифалик расман Туркияда давом этди. Қарийб 4 асрдан кўпроқ муддат ичида Туркистон Хонликлари ҳеч қачон турк Халифасига расман итоат қилмаганлар. Аммо, Ҳиндистонда Бобур авлодлари ва Туркистондаги хонликлар Турк султонлари билан яхши алоқада бўлганлари тарихдан маълум. Тарихни кузатар эканмиз бу даврда минтақада дунёвий фанлар ва қуръону ҳадисларни илмий асосда ўрганишдан кўра, тасаввуф йўналишида таркидунёчиликга тарғиб қилувчи тариқатлар кенг тарқалганига гувоҳ бўламиз. Баҳоуддин Нақшбандий, Абдухолиқ Ғиждувоний каби тасаввуф шайхлари шу даврларда яшаб ўтишган. Орадан икки аср ўтиб Қўқон Хонлиги Бухородан ажралиб чиқди. 18 аср охирига келиб бу хонликлар Русияга мустамлака бўлиб қолишди. Бу жараёнларнинг салбий оқибатлари сифатида айтиш мумкинки, охир оқибат Ҳиндистонда Бобур авлодлари ҳукмронлиги тугатилиб, Ҳинд замини Англия қироли мастамлакасига айланади. Русиядаги даҳрийлар инқилобидан кейин эса, хонликлар бутунлай тугатилди. Улар ўрнида бугунги мавжуд бешта Республика ташкил қилинди. Мамлакат аҳолисига даҳрийлик таълимоти куч билан сингдирилди. Масжиду мадрасалар бузилди. Китоблар ўтга ёқилди. Диндорлар қатағон қилинди. Бу ҳолат то даҳрийлар салтанати тугагунча давом этди. 1991 йилда эса СССР қулади ва бу ҳудуддаги бешта Республика мустақил давлат бўлиб, БМТга аъзо бўлишди. Бу минг йилдан ошиқ тарихимиз давомида минтақада халқлари ислом асосида яшадилар. Бу юртдан фаннинг турли соҳаларида дунёга машҳур олиму уламолар етишиб чиқишди. Бу минтақада яшовчи туркий халқларнинг тарихида тариқатлар ривожланишидан олдинги даврида ислом динининг ижобий роли беқиёс бўлди.

Бугунги кунга бир назар

Бугун бу минтақадаги бешта Республика аҳолиси 50 миллион атрофида бўлиб, Қирғизистонни мустасно қилганда барчаси Республикаларда авторитар тузум ҳукмрондир. Шу 50 млн. Аҳолининг 90% туркий қавмлар яъни мусулмонлар ташкил қилади. СССР қулаганидан кейин мустақилликка чиққан барча Республикаларда исломий уйғониш даври жараёни кечмоқда. Бу жараён қанчалик шиддат билан ривожланар экан, унга қарши кураш ҳам шунчалик ривожланмоқда. Маҳаллий тизимлардан ташқари ШХТ каби минтақавий ташкилотлар эса исломга қарши курашиш учун асосий тузулма бўлиб қолмоқда. Айнан шу тузулма қошида ташкил этилган терроризмга қарши кураш бўлинмаси воситасида Хитойдан қочган уйғурларни ушлаб Хитойга топширишмоқда. Ўзбекистондан қочган ўзбекларни ушлаб, Ўзбекистонга топширмоқдалар. Минтақадаги авторитар тузумлар минтақа халқлари манфаатига зид равишда сунъий чегараларга тикан симлар тортишди. Дини, тарихи, тили ва маданияти бир бўлган ва минг йиллардан бери яшаб келаётган халқларни бир бирига қарши қайрашди. Ўртада сохта адоват ва нафратлар пайдо бўлди. Қозоқлар ал Форобийни миллати қозоқ бўлган десалар, тожиклар Ибн Синони тожик дейишмоқда. Мустабид раҳбарлар томонидан юритилаётган калтабин сиёсат, сохта миллиятчилик адовати охир оқибат катта қонхўрликларга олиб келди. 1990 ва 2010 йилдаги Қирғизистондаги озчилик ўзбекларни қатағон қилишларга дунё гувоҳ бўлди. Миллатаро адоватлар шубҳасиз бугунги мустабид режимлар сиёсати маҳсулидир. Мустабид тузумлар Ислом динига очиқ ва яширин қаттиқ қаршиликлар қилмоқдалар. Кечаги даҳрий динсиз бўлган бу кимсалар бугун халқни динидан тўсиб, эвазига ўзлари бошқа мафкура тақдим қилишолмади. Ҳали буқунгача минтақа халқларини ўзаро тинч тотувликда ҳаёт кечиришларини таъминловчи ғоявий асосга ислом динига тўсқинлик қилинмоқда. Бугун минтақа давлатларида ва шу жумладан Ўзбекистонда мустақилликдан кейин турли туман диний оқимлар пайдо бўлди. Салафийлик, Нурчилик, Акромиийлик, Таблиғчилар, Жиходчилар, Ҳизбут Таҳрир, шулар жумласидандир. Булардан ташқари турли хил сўфилик тариқатлари пайдо бўлди.

Давлат расмий диний Бошқармаси эса, ҳанафий мазҳабида эканини иддао қилади. Бу диний оқимлар фаолияти Каримов бошлиқ ҳукумат томонидан таъқиқланди. Уларга аъзоликда айбланиб Ўзбекистоннинг ўзида 10 мингдан ошиқ мусулмонлар қамалди.

1999 йилдан бошлаб оммавий қатағонлар давом этмоқда. Абдували қори Мирзаев ва Абдуллоҳ Ўтаев каби таниқли дин олимлари ўғирлаб йўқ қилинди. Муҳаммад Ражаб, Абдулаҳад Барноев каби ўнлаб имомлар қамоқда қолмоқдалар. 2005 йилда Андижонда намойишчилар ўққа тутилди. Бу қонли фожеъа ҳалигача охиригача тафтиш қилинмади ва айбдорлар жазосини олмадилар. Бу воқеъа муносабати билан ОИ томонидан Ўзбекистонга қурол сотмаслик ҳақида қабул қилинган санкциялар ҳам 2009 йилда бекор қилинди. Бу каби зулм зўравонлик натижасида минглаб диндорлар ватанни тарк этишди. Обид қори Назаров, Фуад Рустамхўжаев каби ватандан ҳижрат қилиб четда яшаётган имомларга режим томонидан суиқасд уюштиришди. Шулар жумласидан мен ҳам ўзбек турмаларида ва Русияда жами 10 йил қамоқ жазосини ўтадим. Укам Саид Камол Абутов эса, ўн йилдан ошдики, ҳалигача қамоқда қолмоқда.

Келажакка бир назар

Бугун дунёда глобализация жараёни кетмоқда. Бу жараён тарихда мисли кўрилмаган техника тараққиёти билан интернет билан боғлиқдир. Бугун миллионлаб ва миллиардлаб одамлар дунёнинг турли давлатларида туриб, ўзаро интернет орқали дўстлашмоқдалар. Фаесбок ва Твиттер ва турли хил ижтимоий тармоқларда виртуал оламдаги у ё бу гуруҳга бирлашмоқдалар. Араб давлатларидаги қатор инқилоблар ҳам «фаесбок инқилоби» дея, номланди. Бундай шароитда дунёнинг бир бурчагида содир бўлаётган ҳар бир воқеъа ва ҳодисадан бошқа бурчагида яшаётган одамлар беҳабар қолмайдилар. Бугун ислом ҳам шиддат билан ривожланмоқда. Хусусан, сиёсий жамоалар фаолияти аниқ кўзга ташланмоқда. Туркияда 12 йилдан бери иқтидорда турган ва яқиндаги сайловларда яна ғолиб бўлган “Адолат ва тараққиёт” партияси ютуғи бугун бутун дунё мусулмонларининг ютуғи сифатида қабул қилинди десак муболаға бўлмас. Умнат 20 йил олдин ҳам бугунги каби сиёсий фаол эмас эди. Ислом уммати бугун дунёга ҳукмронлик қилишга интилаётган қудратли давлатларни иккиюзламачилигини аниқ тушуниб етишди. Дунё мусулмонлари бугун Ғазадаги Хамас ташкилоти нега террористик ташкилот ҳисобланиши ва сайловда ғолиб бўлиб иқтидорга келган бўлсада тан олинмаслигини ва ёки, Мисрдаги Ихвонул Муслимин жамоасини фожеасига Ғарб давлатлари нега жим туриб турганлигини яхши тушунадилар. Бугун Ислом уммати сиёсий жиҳатдан уйғонмоқда. Жумладан Туркистонликлар ҳам. Бу уйғониш форс кўрфазидаги Амиру қиролларни қанчалик даҳшатга солаётган бўлса, минтақадаги мавжуд мустабид режимларни чўчитмасдан қолмади албатта. Мустабидлар бугун бошларига Қаддофийнинг куни тушишидан қўрқмоқдалар. Ғарбпараст мустабидларни доимо қўллаб келган АҚШ ҳам, Тунис халқи ғалаён қилиб Бен Али каби диктаторни ҳайдаганида ёрдам беролмай қолди. Ўз халқларини қаҳру ғазабидан қўрқиб яшаётган диктаторлар эса, бугун интернетни тўсишга уринмоқдалар. Ўз халқи эркин маълумотлар олиши ва сиёсий фаол бўлишидан қаттиқ қўрқмоқдалар. Шу йил охирида АҚШ қўшинлари Афғонистондан чиқиб кетиши кутилар экан, минтақадаги вазият қай тарафга ўзгариши мавҳумлигича қолмоқда. Бу мавҳумлик диктаторларни кўпроқ қўрқитмоқда. Биз улкан ўзгаришлар арафасида турибмиз. Яқин келажакда Марказий Осиёда мустабид режимларга барҳам берилади ва минтақа халқлари эркинликка чиқадилар иншааллоҳ. Ўша пайтдаги раҳбарлар минтақа халқларини ўзаро интеграция бўлишига эътибор қаратадилар ва ўртадаги сунъий тўсиқлар олиб ташланиб, Туркистон диёридаги халқлар ўзаро адоватсиз тинч тотув яшай бошлайдилар деган умиддамиз. Шу даврларга етсак, Туркия ота юрти Туркистоннинг қучоғига қайтиб боради иншааллоҳ! Келажакда Русия, Хитой, АҚШ ёки ОИ давлатларидан том маънода мустақил бўлишимиз учун ҳам маълум муддатга мана шу туркий бирликка қайтишдан ўзга чорамиз йўқ. Бу Туркистон дарнаги эса шу йўналишдаги аввалги қадамни қўяётган жамоат дейишимиз мумкин.

Бу дарнак Мисрдаги ихвонул мусслимин жамоаси каби, турли диний қарашлардаги мусулмон халқлари вакиллари, мазҳабу манҳажидagi фарқликларидан қатъий назар ўз сафида бир сиёсий стратегия устида бирлаштиришга уриниши диққатга сазовордир. Бу ишни келажакда минтақадаги давлатлараро миқёсда қилиниши давр талабидир.

Бу жамоанинг мусулмонлар манфаатини қўзлаб қилаётган хайрли ишларида Аллоҳ Таоло мададкор бўлсин деб дуо қилиб қоламиз. Эътиборингиз учун ташаккур!

2014 йил 27 апрел.

Сукут, аломати ризодир!

25 январ куни Мисрда диктатор Хусни Муборак режими йиқилганининг 3 йиллиги муносабати билан инқилобчи муваққат ҳукуматга қарши ўтказилган умумхалқ норозилик намоишларида, Миср мамлакати бўйлаб мингдан ошиқ одамлар қамоққа олингани ва 50 тача одам ўлдирилгани ва юзларча намоишчилар жароҳатлангани хабар қилинмоқда. Баъзи полиция маҳкамалари олдида бомбалар портлатилгани айтилмоқда. Ихвонул Муслимин ташкилоти намоишларни фақат тинч йўл билан ўтказиш ниятини билдириб келмоқда. Шунингдек, мамлакатда радикал курашни тарғиб қилаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Аммо, кўпчилик бу портлашлар ҳукумат хавфсизлик кучлари томонидан уюштирилаётган фитна эканини иддао қилмоқдалар. Бу куни умумхалқ намоиши бўлиши кутилаётганди. Ўтган ҳафтада дунё уламолари уюшмаси раиси Юсуф Қарзовий бутун Миср халқини бу намоишга чиқишга ва инқилобчи ҳукуматни истеъфосини талаб қилиб туришга чақирганди. Шу йил январ ойини 14 да ўтказилган референдумда мамлакатнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Бу референдумни бойкот қилган кўплаб диний жамоатлар янги ҳужжатни ноқонуний деб тан олмасликларини эълон қилмоқдалар. Ҳарбийлар тайинлаган муваққат ҳукумат эса, бу референдумга сайловчиларнинг 53% келганлигини ва улар Конституцияни ёқлаб овоз берганлигини иддао қилмоқдалар. Бу Конституцияда эса, мамлакатда диний асосдаги сиёсий партиялар тузиш таъқиқланади. Шунингдек, Ихвонул Муслимин ташкилоти ва унинг сиёсий қаноти бўлмиш “Адолат ва Хуррият” партияси фаолияти таъқиқланади. Бу эса очиқ сайловларда сайланган ва 4 йилга Президентлик лавозимини қўлга киритган Муҳаммад Мурсийни ҳукуматга қайтиш йўллари қонуний бекитишга уриниш эди. Бу инқилобчи ҳарбийлар қонуний Президентга ва унинг партиясига қарши қилган жиноятларини оқлашга бўлган бир уриниш эди. Генерал ас Сиси бошлиқ ҳарбийларда орқага йўл қолмаган. Улар улкан жиноятларни қилиб қўйганлигини ва энди Ихвонлар ҳукуматга келсалар, уларга жазо муқаррарлигини яхши англашади. Шунинг учун улар Ихвонлар томонидан бўлаётган норозилик намоишларини тинмасдан куч билан бостириб келишаяпти. Бунга нисбатан эса, ОИ ва АҚШ муносабат билдирмаяпти.

Кўрфаздаги Қироллар эса Саудия бошчилигида ас Сиси режимини ошкора суратда моддий ва маънавий томондан қўллаб қувватлашаяпти. Сиси режимининг минтақадаги асосий иттифоқчиси эса, албатта Исроил сионистик режидир. Мамлакатдаги қаттиқ қаршиликга қарамасдан Сиси режимини қўлловчи кучлар мамлакат ичкараси ва ташқарасида ҳам етарли. Булар тузаётган режалар эса, “сукут, аломати ризо” деган мақолга биноан Ғарбнинг жим ризолиги остида амалга оширилмоқда.

26 январ 2014 йил

Энг машхур олим

Швед Гимназиясининг биринчи курс талабалари учун мўлжалланган Språkporten BAS номли махсус ўқув дарслиги бор. Китоб муаллифи Моника Остром (Monika Åström) деган аёлдир. Шу китобнинг 14 бетида «Энг машхур олим» деган сарлавҳалик мақола бор. Бу мақола Ибн Сино ҳақидадир. Бу машхур ватандошимиз ҳақида ўзбек мактабларида ўқитиладими йўқми мен тўғриси билмайман. Лекин, шведлар уни ўз фарзандларига ўқитишар экан. Мен шу мақолани швед тилидан ўзбекчага ўгирдим.

Ибн Сино (Avicenna)

Ибн Сино (тахминан 980-1037) бугунги Ўзбекистонда туғилган. Унинг тўлиқ исми Абу Али ал Ҳусайн ибн Абуллоҳ ибн Сино эди. Лекин, у киши бутун дунёга Avicenna (ибн Сино) номи билан машхур бўлди. У ёшлигидан Бухорода таълим олди. У қуръонни ўрганди. Араб тили ва сарф наҳви ўқиди. Адабиётни, фалсафани ва мантиқ илмини ўрганди. Шунингдек, геометрия, астрономия, тиббиёт, табиий фанларни ўзлаштирди. Ўша пайтларда Бухоро ислом оламида маданий марказ бўлиб танилган эди. Унинг Подшоҳи (ҳукумати) форслардан эди. Йигирма ёшга етмасидан Ибн Сино тиббиёт, астрономия, математика, ва фалсафа фанларида етук олим бўлиб танилди.

Тезда у табиб сифатида машхур бўлди. Ўша пайтдаги Халифалар ва амалдорлар турли хил касалликларни даволаш учун уни таклиф қилиб, ундан маслаҳат ола бошлашди. Миннатдорчилик билдириш рамзи сифатида унга давлатнинг катта кутубхонасидан доимий фойдаланишга рухсат бериб қўйишди. Ибн Сино номи узоқ узоқларга ёйилди. У ўзидан кейин келган жуда кўплаб олимларга толиби илмларга таъсир кўрсатди. У ўз даврида мавжуд бўлган илмий соҳаларда, саноғи икки юздан кам бўлмаган илмий асарлар ёзган. Лекин, у асосан кўпроқ тиббиёт соҳасида машхур бўлди. У тиббиёт илмини тадқиқ ва тажриба қилиб ривожлантирди. У ҳар бир касалнинг жумладан сил касалининг симптомларини алоҳида ўрганиб чиқди. У касаллик микробларини қандай қилиб тарқалиши ва уни олдини олиш тўғрисида ҳам илмий иш ёзган. Шунингдек, у тарихда биринчи бўлиб менингит ва юз нерв толалари шикастланиш оқибатида бўладиган паралич касалига диагноз қўйган одамдир. Унинг асарларини ўқиган киши, унинг қанчалик «замонавий» (modern) шахс бўлганлигига амин бўлади. У «инсон руҳий ҳолати, ва жасад ҳолати бир бирига доимий таъсир кўрсатиб туради» деган фикрга борган. Унинг фикрича психология ва психоаналитика инсон жасадини даволашда муҳим рол ўйнайди. У ўзининг тиббиётга доир илмини «Тиббиёт қонунлари» деб номлаган китобига жамлаган. Руҳ ий касалликлар ҳақидаги илмини «аш Шифо» деб номланган китобига жамлаган. Ибн Синонинг «Қонун» асари («Тиббиёт қонунлари») кейинги бир неча юз йиллар ичида энг кўп таъсир кўрсатган асардир. Бу китоб 1100 йилда латин тилига таржима қилиниб Европада ўқила бошланди. Шу билан то 18 асргача бу китоб Европада тиббиёт соҳасидаги энг муҳим асар сифатида амалда қўлланилди.

.....

2014 йил

Украина инқилобининг аччиқ хулосалари

Виктор Янукович иккинчи марта иқтидордан четлатилди. 2004 йилда сайлов натижасида иқтидорга келган Виктор Януковичга қарши 22 ноябр 2004 йилда бошланган халқ норозилик намоёиши 2005 йил январ ойида уни истеъфога кетишга мажбур қилганди. Бу намоёишда бирорта одам ўлгани қайд қилинмади. Шундан бери муҳолифатда турган 60 ёшли Виктор Янукович 2010 йил 25 февралда очиқ сайловда ғолиб чиқиб, қайта Президентлик ваколатини қўлга киритди. Шундан бери Россияпараст сиёсатчи сифатида ном чиқарган Виктор Янукович Украина сиёсатида ўз мавқеъини деярли мустаҳкамлай олмади. Мамлакат иқтисоди ўзгармади. Ташқи сиёсатда аниқ конкрет йўл танламади. На ОИ га ва на Россияга яқинлашмади. Охир оқибат 2013 йил охиридан бошланган норозилик намоёишлари натижасида 2014 йил 23 февралда яширин суратда мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди. Аммо, бу сафар Виктор Янукович хавфсизлик кучларига намоёишчиларга қарата қурол ишлатишга буйруқ берган ва натижада кўплаб одамлар ҳалок бўлган ва турли даражадаги жароҳатлар олганди. Бу Виктор Януковичнинг катта хатоси эди.

Бу сиёсий кураш нафақат Украина сиёсатчилари орасидаги курашдан иборат эди. Бу кураш ўз навбатида Россия ва АҚШ бошчилигидаги ОИ орасидаги курашдан ҳам иборат эди.

Бу кураш айнан Сочи олимпиадаси ўтаётган пайтда авжига чиқди. Путин командаси Олимпиада ўйинларида ғолиб бўлишди. Аммо, Украинада ютқазилди.

Украина энди ОИ орбитасида айланадиган ва келажакда НАТОга аъзо давлатга айланадиган давлат бўлади. Бу дегани НАТОнинг ҳарбий ракеталари Украина ҳудудларида Россиянинг биқинида жойлашиши мумкин деганидир. Шунингдек, Қора денгиз флоти Севастополда қолиш масаласи ҳам қайта кўриб чиқилиши ва Россия ҳарбий кемалари у ердан чиқариб юборилиши эҳтимолини кутиш мумкин.

Буларнинг бари Путин Россияси учун ташқи сиёсатдаги катта мағлубиятлардир. Ва Путин иқтидорда экан, вазиятни бу даражагача бормасликга ҳаракат қилиши аниқ. Бу ҳаракат қайси кўринишда бўлиши даргумон. Украинанинг шарқий вилоятлари ва Қрим Автоном Республикасининг Россия билан яхши дўстона алоқада эканлигини эътиборга олинса, бу ерда Россия тарафидан яна турли фитналар бўлиши эҳтимоли кутилади.

Кеча АҚШ Россия раҳбарларини Украинага қўшинларини киритмасликга чақиргани хабари интернет саҳифаларида пайдо бўлди. Виктор Янукович Харьков телеканалида қилган чиқишида Украина Радасининг қарорларини ноқонуний ва давлат тўнтариши деб атаб, ўзини истеъфога чиқмаслигини таъкидлади. Бу гап шу жиҳатдан ҳам тўғри эдики, Виктор Янукович очиқ сайловда ютиб чиқиб Президентлик лавозимини қўлга киритганди. Қонуний Президент то ўз ваколат муддати тугамасдан туриб вазифасидан четлатилди. Бу эса ноқонунийдир.

Миср Президенти Муҳаммад Мурсий ҳам шу каби хоин генераллар томонидан ўз вазифасидан четлатилиб қамоққа олинганди. Бунга нисбатан на АҚШ ва на ОИ ва на Россия ва Хитой ўз норозилигини билдиришмади. Энди Виктор Янукович лавозимидан олинганда Россия ташқи ишлар вазири бунга ноқонуний эканлигини таъкидлади. Аммо, ОИ ва АҚШ муҳолифатни қўллаб қувватлади. ОИ Украина иқтисодини тиклаш учун 20 миллиард доллар ажратишини маълум қилди. АҚШ эса шу маблағ миқдорини 35 миллиардга чиқаришни маслаҳат берди. Буларнинг бари улар қўлга киритган ғалабасини ушлаб қолишга ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Мурсий эса халқаро ҳамжамият тарафидан мутлақо қўллов олмади. Бунга сабаб эса унинг ташқи сиёсатдаги позицияси на ОИ ва на АҚШ ва на Россия ва Хитой манфаатларига мувофиқ келарди. Виктор Янукович Сиси каби қонхўр бўлмасада, унинг буйруғи билан намоёишчилардан юзга яқини ўлди. Бу унинг иқтидордан четлатиш учун етарли бўлди. Сиси минглаб одамларни ўлдирсада, Путин томонидан ва ОИ ва АҚШ томонидан қўллаб қувватланди. Бу инқилоблар натижасини кузар экансиз яна иккиюзламачилик сиёсати юргизилаётганига гувоҳ бўласиз. Қудратли давлатлар гирдобига тушиб айланаётган режимларгина ўзларини сақлаб тураолишларига имкон берилишига амин бўласиз.

ИАК режими бу гирдоб атрофида айланаётгани учунгина ҳалигача турибди. Бу гирдобдан узоқроқ бўлишга интилаётган режимлар парчаланишга маҳкумдир. Бу албатта муваққат вазият. Доимо бундай бўлиб турмайди. Аммо, бу бугунги воқеъликдир.

24 феврал 2014 йил

Истанбул сафари таассуротлари

Ўтмиш ва келажак андазаларини ўзида жамлаган қарийб 4 аср давомида Халифат пойтахти бўлган афсонавий шаҳар Истанбул (Константинопол) сафари бу мамлакатни мен учун турк ва ислом олами яқин келажигида ибратли бўлган янги жамият модели шаклланишини кўрсатди. Туркистонликлар Улусларораси Жамияти уюштирган қурултойга бориш учун Истанбулга сафар қилдим. Анчадан бери боришни ният қилиб юрган бу диёрда 4 аср давомида Хилофат пойтахти бўлган Истанбулга бориш биринчи марта энди насиб қилди.

Шарқий Рим Империясидан 1453 йилда турк султони Муҳаммад Султон фотиҳ тарафидан фатҳ қилинган бу шаҳар ярми Осиё қитъасида ва ярми Европа қитъасида жойлашган яъни, икки қитъани ўзида жамлаган дунёдаги ягона шаҳардир. кейинчалик Султон Салим даврида Халифалик пойтахтига айланди. Ўзида христианлик ва Ислом осори атиқаларини ҳалигача сақлаб қолган шаҳарда 1922 йилгача расман Халифалик мавжуд эди. Кейинчалик Туркия Республикаси ташкил қилинган, 1923 йилда миллатчи Мустафо Камол Анқарани пойтахт де эълон қилади. 1930 йилда эса Константинопол номи Истанбул деб ўзгартирилади. Шаҳар аҳолиси шаҳар атрофи билан ҳисоблаганда 14 млн.га яқиндир. Анқара 5 млн. атрофида.

Истанбул марказида асосан уч тўрт қаватлик бинолар бўлиб, уларнинг биринчи қаватида юз фоиз савдо сотиқ дўконлари жойлашган. Шаҳар чеккаларида кўп қаватлик замонавий бинолар ҳам кўкка бўй чўзиб турибди. Шунингдек деярли барча жойда минг йиллик тарихга эга ёдгорликлар масжиду черковларни ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳукумат тепасида 12 йилдан бери турган “Адолат ва тараққиёт” партияси Отатурк давридан бери амалда турган кўплаб қонунларга ўзгаришлар киритди. Кўчаларда ҳижоб билан юриш ва ўқиш даргоҳларида рўмолда боришлик мумкин эмасди. Бугунги Истанбул кўчаларида ҳар қадамда рўмолли аёлларни ва очик юрганларни учратиш мумкин.

Туркия тили ўзбеклар учун деярли таржимасиз тушунарли бўлиб, менга бирор жиҳатдан таржимонга зарурат сезилмади. Асосийси туркларда Марказий Осиёликларга нисбатан алоҳида бир меҳр борлигини сезиш мумкин. Улар негадир биздан ётсирамас экан. Ўзбекистонликларга Қозоқистонда ҳам бошқа туркия тилли Республикаларда ҳам меҳнат муҳожирлари бўлиб юрганлиги учун бўлса керак нисбатан паст назар билан қараш тенденцияси мавжуд. Русияни гапиришга ҳожат ҳам йўқ албатта. Туркияда ҳам минглаб Ўзбекистонлик, Тожикистонлик, ва ҳатто Қозоқистонликлар бор экан. Кўпчилиги қочоқлар ва меҳнат муҳожирлари бўлиб, уларга нисбатан ҳам эркинлик мавжуд. Бу давлатда полицияси кўчаларда дайдиб ўтган қайтганни паспортини текширмас экан. Одамлари эса келгандиларга паст назар билан қарамас эканлар. Урф одатлари овқатлари савдо сотиқларида Европа ва Осиёча маданиятлар уйғунлашгани кўриниб туради. Туркия Республикасининг икки тарафида икки денгиз ўраб туради. Шимолда Қора денгиз жанубида ўрта ер денгизи жойлашган бўлиб, иккала денгиз қирғоқлари бўйлаб Туркиянинг катта кичик шаҳарлари жойлашган. Шу сабабли бўлса керак деярли барча шаҳарлари доим туристлар билан гавжумдир. Истанбулда эса босфор бўғози шаҳарни Европа ва Осиё қисмини иккига ажратиб туради. Бўғознинг бир тарафи Мармара денгизига ва ундан ўрта ер денгизига олиб чиқса, иккинчи тарафи қора денгизга олиб чиқади. Бўғоз устига замонавий кўприклар қурилган ва сув остида метро ўтказилган. Икки тарафга қатнаб турган кемаларнинг ҳам сони саноғи йўқ.

Туркия Осиё ва Европа ўртасида жойлашган мамлакат бўлгани учун бўлса керак, савдо сотиқ жуда ривожланган бўлиб, бу савдо сотиқ даражаси ҳам турличадир. Бир тарафда шарққа хос тарзда гавжум бозорлар бўлса, иккинчи тарафда замонавий супермаркетларда савдо қилиш мумкин. Нархлар ҳам иккала қитъа аҳолисига мос ва мувофиқ. Туркларда миллиятчилик туйғулари нисбатан юксак эканини кўришимиз мумкин. Масалан мен Швецияда у бу оддий хонадонларда кўчага швеция байроғи илиб қўйилганини кўп кўрганман.

Шу ҳолга Туркияда ҳам гувоҳ бўлдим. Ярим ой ва юлдуз расми туширилган қизил байроқни ҳар жойда учратиш мумкин. Отатуркни расми ва ҳайкалчалари ҳам сероб экан. Россияда бугун Ленинни биров танитай қолган бўлсада, Туркияда Отатурк ҳали унутилмаган. Унинг миллатчилик ғояларини кўтариб олган сиёсий партиялар ҳалигача фаолиятда. 12 йилдан бери Туркияда иқтидорда турган “Адолат ва тараққиёт” партияси раҳбари Ражаб тоййиб Эрдоғон Камолчилар ва либерал демократларнинг катта қаршилигига қарамасдан муваффақиятли суратда ҳукуматни бошқариб келмоқда. Ислом қадриятларига нисбатан қўйилган тўсиқларни секин аста олиб ташлаб ички ва ташқи сиёсатда мусулмонлар манфаатини кўзлаб сиёсат юргизмоқда. Туркия жанубидан Сурия ва Ироқ билан шарқда Эрон Арманистон ва Озарбайжон билан чегарадошдир. Суриядаги урушлар сабабли Туркия ҳудудига миллионлаб қочоқлар ўтишган. Улар махсус қочоқлар лагеридан ташкари яна мамлакат шаҳарлари бўйлаб кезиб тиламчилик қилишмоқда. Истанбул кўчаларида суриялик ёш болаларни учратиш мумкин. Туркия турк оламида пешқадам давлат экани шубҳасиздир. Бу пешқадамлик барча жабҳаларда намоён бўлади. Туркия ислом оламида ҳам тараққиётда Малайзия билан рақобат қилаоладиган давлатдир. Диний ва фикхий жабҳаларда устунлик қилаолмасда Туркия Араб мамлакатлари орасида ҳам сиёсий ва маданий жиҳатдан пешқадам давлатдир.

Мен бу ерга “Туркистонликлар ҳамкорлик Жамияти” қурултойида қатнашиш учун таклиф қилингандим. Қурултойда қатнашиш ва нутқ ирод қилиш насиб қилди. Ва кўплаб ватандошлар билан танишиб қайтдим. Бу қурултой мавзусини алоҳида баён қиламан иншаллоҳ.

Истанбулга сафар қилишдан мақсад 27 ва 28 апрелда бўлиши кутилаётган Туркистонликлар жамияти уюштирган қурултойда қатнашиш эди. Бу ташкилот асли Ўзбекистондан бўлган ва бугун Туркия фуқароси бўлиб ўша ерда яшаётган Бурҳон Қовунчи ва унинг муовини Намоз Нормўмин ва бошқалар тарафидан ташкил қилинганди. Бу қурултойда “Туркистон халқлари ҳаётида Исломнинг роли” мавзуида мен ҳам сўзга чиқдим. Бу нутқ матнини қуйида ўқишингиз мумкин. Мени бу қурултойда ҳайратга солган нарсалардан бири мажлис аввалида сўзга чиққан доктор Ўрхон Қовунчи қилган нутқи бўлди. Бу нутқда у совет инқилобидан олдинги Туркистон халқлари бирлашиши учун қилинган ҳаракатлар ва бу мақсад амалга ошмай бу ҳудудда бешта совет Республикаси ташкил қилингач бу ғояни амалга ошириш йўлида ҳаракат қилган Боймирза Ҳайит, Вали Қаюмхон каби кишилар олиб борган курашлар ва ўзини ҳам бу ғоя йўлида кўп йиллардан бери бир ички дард билан яшаётганини сўзлаб берди. Бу каби фикрлар ва бу дард эса, мен каби сўнги авлод вакили учун деярли янгилик эди. Бу ғоя бугунги воқеъелигимизга ёт ва бугунги Марказий Осиёда ҳукм сураётган диктатура режимлари учун қабул қилиб бўлмайдиган бўлсада, аслида бу ғояни ҳали келажаги борга ўхшар эди.

Бу ғоя асосида бугунги Туркистон халқлари ўзаро бирлашишлари турли жиҳатдан фақат шу халқлар учун манфаат бўлар эди. Бу эса бугун бу минтақада яшаётган одамлар учун деярли кун тартибига келтирилмаган ва нисбатан янгилик эди. Қурултойда иштирок этган 300 тача Марказий Осиё Республикаларидан келиб Туркияда яшаётган одамларни қатнашиши ҳам мени ҳайратга солди. Мен Туркияда бунчалик кўп ватандошлар борлигини тасаввур қилмагандим. Булар орасида турли хил ислом динига мансуб гуруҳлар вакиллари бўлиб, жумладан ЎИХ сафидан қочганлар, 2010 йилдаги Қирғизистонда бўлиб ўтган қирғинбаротдан қочган ўзбеклар ва Ҳизбут Таҳрир, Салафийлик, Нурчи каби диний гуруҳларга аъзоликда айбланиб қамалиш хавфидан қочиб келганлар ва шунчаки ишлашга келган кўплаб ўзбеклар ва минтақада яшайдиган миллат вакиллари учратдим. Қозоғистондан келган қозоқлар ва Тожикистондан келган ўзбеклар ҳам бор эди. Буларни бари бир мажлисда ўтириб ўзаро суҳбатлашиши ҳам аслида катта янгиликдир.

Чунки, диний гуруҳлар орасида ўзаро келишмовчиликлар жуда чуқур бўлиб, Ўзбекистонда булар орасидаги ўзаро низоларга кўп гувоҳ бўлганман. Демак, ўзаро мулоқот қилишга бошлашган экан, диний савиямиз ҳам бир мунча юқорилашяпти деган хулосага келдим. Туркияда Русиядан келган кавказлик мусулмонлар бўлиб, улар орасида этник руслар ҳам анчагина экан. Мен рус миллатига мансуб ёшлар ислом динига кираётганини бунчалик даражада кўп деб ўйламагандим. Путин даврида улар ҳам ўз ватанларига сиғмай қолиб, ҳижрат қилишган экан. Қурултойда Қирғизистондан Рашод қори Камолов ва қирғиз журналист Миқтибек Арстанбек ули ҳам келган экан. Булар менинг янги танишган биродарларим бўлишди. Қурултойда қатнашган Иорданиялик Абдуллоҳ Бухорий исмли араб кишини нутқи мени ҳайратга солди. У асли Бухоролик кишининг ўғли бўлиб, отаси 1937 йилда СССРдан қочиб Афғонистонга, у ердан Туркияга ва ниҳоят Иорданияга бориб қолган экан. Бу киши ўша ерда туғилган бўлиб, туркча гапиролмасди. Унинг ҳикоя қилишича Туркистондан қочиб борган кишилар томонидан Иорданияда бир бозор ташкил қилинган ва бу бозор “Бухорийлар Бозори” деб аталар экан. Буларнинг ота боболари шу давлатда ўрнашиб фуқаро бўлиб қолишибди. Иордания Қироллигини ташкил қилишда уларнинг ҳам иштироки бўлган экан. (Чунки, бу давлат ҳудуди олдинроқ Туркия Халифалигига қарашли бўлиб, кейинчалик Англия қўлида турган) Бу ердаги Туркийлар ўзларини имоми Бухорийга нисбат бериб Бухорийлар деб аташар экан. Бу киши гапираётганда ўша бозорни суратлари катта экранда акс этиб турди. Мен Иорданияда ҳам ватандошлар борлигини шунда билдим. Лекин, улар тилини йўқотишган ва фақат арабча гапиришар эканлар. Яна шарқий Туркистонлик кишининг маърузаси кишида анча таассурот қолдирди. Бу киши уйғурларнинг Хитойликлар зулмидан озод бўлишга бўлган уринишлари тарихини ва бу ҳаракатнинг бугунги йўналишини гапириб ўтди. Бу аянчли тарих менга уйғур халқини мустақиллик учун қанчалар қурбонлик бераётганини ва бизлар эса мустақиллик қадрига етмаётганимизни яна қўлиқни қўмсаётганимизни англатди. Уйғурлар тарихи туркий халқларнинг тарихидаги энг қонли саҳифалардан бири бўлса ажабмас.

Аллоҳ уларга Хитойлик золимлардан нажот берсин.

Қурултойда туркманлар ва қорақалпоқлар вакиллари йўқ эди. Тожикистондан келган ўзбеклар бўлиб, улар ҳам тожик тилида алоҳида нутқ қилмадилар. Россиядаги тожик меҳнат муҳожирлари умумроссия ижтимоий ҳаракати раиси Каромат Шарипов ҳам қурултойга таклиф қилинган бўлиб, нима сабабдан у Туркияга келолмай қолган экан. Бу киши олдинроқ Марказий Осиё Республикалари Президентларига мурожаат билан чиқиб, уларни Ислом қадриятлари асосида бирлашишга ва шу асосда ўзаро миллий низоларга барҳам беришга чақирганди. Бу чақириқ соҳиби бу қурултойда иштирок этиши албатта муҳим эди.

Шунингдек, Россия ислом қўмитаси раиси Ҳайдар Жамол ҳам қурултойга келаолмагани маълум бўлди. Булар Туркий ва исломий асосда туркий халқларни минтақа мусулмонларини бирлашишга чақираётган кишилардир. Албатта бу қурултой расмий давлат ташкилотларидан мустақил ва сиёсий талаблардан узоқ ҳолда ташкил қилингандир. Қурултой охирида марказий Осиё давлатлари раҳбарларига ўзаро бирлашишга чақириқ қабул қилинди. Албатта бу чақириқ бугунги ҳукуматлар орасидаги ўзаро келишмовчиликларни бартараф қилиб, ўзаро алоқаларни яқинлаштиришларига жиддий бир тўртки бўлиши даргумондир. Авторитар режимлар ўзгармас экан бугунги ташқи сиёсатда ўзгаришлар бўлишини кутиш қийин. Лекин, нодавлат ташкилотлари орасидаги бу каби қурултойлар ташкил қилиш ва уларда турли зиёлиларни иштирок этиши барибир муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар ҳолда бу ҳаракатнинг бошланишидаги танланган йўл стратегия шундан иборат экан. Туркистонликлар қурултойи барча туркий халқлар вакиллари ўз ичига олган ва туркий мамлакатларда ўз бўлимларини оча оладиган нуфузли ташкилотга айланиши учун ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлиги кўриниб турибди. Бу ташкилот ўз маблағига эга бўлиши лозим. Ёки уни давлат томонидан ёки бошқа нодавлат фондлари томонидан маблағ билан таъминланиши ва асосий ишчи қўмитаси ташкил қилиниб, улар доимий иш ва маош билан таъминланмаган экан бу ҳаракатлардан жиддий самара бериши даргумон.

Аммо, нима бўлганда ҳам бу қурултой шу йўналишда қилинган биринчи қадам бўлди деб ўйлайман. Бу йўлда қилинаётган барча хайрли ишларга Аллоҳдан мадад сўраб бу йўлда улар билан имкон қадар ҳамкорлик қилиш ниятимни маълум қилиб қоламан.

2014 йил 7 май

III-қисм

2015 йилда ёзилган мақолалар

Сўз эркинлигига ва динга хиёнат

Икки юзламачилик ёки икки хил мезон

Маълумки Париждаги журналистларни Франция фуқароси бўлган икки киши тарафидан ўлдирилиши бугун дунё бўйлаб катта шов шувларга сабаб бўлди ва бу билан боғлиқ турли туман йиғилишлар ҳали ҳам давом этмоқда. Жумладан ўзбек тилидаги фаолият юритувчи расмий ва норасмий радиолар ва сайтлар ҳам бунга муносабат билдиришга шошмоқдалар.

Лекин, ўзбек забон сайтлар ёки Ўзбекистонлик журналистларни бу мавзунини ёритишдаги тутган позициялари мени янада ҳайратга солмоқда. Агар сўз эркинлиги тарафдори бўлсалар, бу қотилликни қоралаш билан бирга сўз эркинлиги деб бошқаларни эътиқодини ҳақорат қилиш ҳам жоизмас деган фикр билдирганларни сўзини ҳам ёритилиши керак эди. Бир тарафни фикрини ёритиш ҳам сўз эркинлигига хиёнат эмасми?!

Озодликни машҳур мухбираси Барно Анвар Чехиядаги намойишни кўрсатиб, уларни фақат журналистларни ўлдирганларни қоралаган дея кўрсатди. Ваҳолонки, улар сўз эркинлиги деб Пайғамбар алайҳиссаломни ҳақорат қилиш мумкинмас деган гапни ҳам айтган бўлишса керак?! Чунки, бу қотилликни қоралайдиган мусулмонлар айтиши дамбада бу журналистларни Пайғамбар алайҳиссаломни карикатура қилганларини ҳам қоралайдилар. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Ер юзиде сўз эркинлиги тарафдори бўлган бирорта мусулмон киши Пайғамбар алайҳиссаломни карикатура қилиш тарафдори бўлмайди. Агар бўлса демак у мўмин бўлмайди. Эҳтимол унга масалани фақат бир тарафдан ёритиш топширилгандир. Чунки, “замонанинг зўрлари” тарафидан ҳам бу воқеа айтиши шундай бир тарафдан ёритишмоқда. Мени ҳайрон қолдирадигани, ўзбек журналистлари ичидаги мусулмонлари нега ўз эътиқодларига қарши бормоқдалар?! Наҳотки, улар ҳам сўз эркинлиги дегани, Пайғамбар алайҳиссаломни ҳақоратлаш деб тушунсалар?! Бу жиддий масалага биров эътибор қилмаяпти.

Мен учун демократия ва сўз эркинлиги деган гаплар тагида яшириниб иш қиладиган ва бу ибораларни ўз ғараз мақсадида суистеъмол қиладиган кимсалар борлиги сир эмас. Мен жума кунини ББС радиосига интервью бердим. Ибрат Сафо деган журналист билан суҳбатлашдик.

Лекин бу суҳбат эфирга узатилмади. Демак, улар истаган гапни гапирмабман шекилли?! Мен ҳам бошқаларга ўхшаб террористлар ёмон, бечора журналистлар сўз эркинлиги қурбони бўлди дейишим керак эди. Шунда бу суҳбат эфирга чиқариларди. Мен эса ундай демадим ва ҳеч қачон демайман ҳам. Мен Пайғамбар алайҳиссаломни карикатура қилиш мутлақо мумкинмас. Бунинг жазоси аввалги фақиҳларнинг ижтиҳодларида ўлим эканлигини айтдим. Лекин, бу жазони ижро қилиш учун аввал исломий давлат бўлиши ва ўша ердаги одамлар шундай жиноят қилсагина жазоланиши лозимлигини айтдим. Сўз эркинлиги дегани бошқани эътиқодини ҳақорат қилиш эмаслигини айтдим. Шу сабабли бу суҳбат эфирга чиқмади. СЎЗ ЭРКИНЛИГИ дегани фақат улар истаган гапни гапирадиганлар учун эканлигини намоён қилишди. Бу эса мен учун янгилик ҳам эмас эди албатта. Мен иккиюзламачи икки стандартлик мезонини буларнинг тепасида турганлар амалда қўллаб келаётганини билардим. Бу воқеъани ёритган озодлик радиоси эса бирорта алтернатив фикр билдирадиган одамни чақирмасдан ёритди. Айниқса, Галима Бухорбоевани сўзларига қойил қолмасдан илож йўқ.

“Француз журнали бу каллакесар варварларга нисбатан жуда тўғри муносабатда бўлди. Журнал уларни жиддий олиб ўтирмасдан ҳажв қилди. Устидан кулди, мазах қилди. Агар сиз бу радикалларни бомбаласангиз, уларга жиддий ёндошган бўласиз. Аммо улар бомбага эмас, мазах қилинишга лойиқдирлар. Уларга сатира бомбадан ҳам кучли таъсир қилади. Кулги уларнинг жон-жонидан ўтиб кетади.

“Бу исломчиларга тик қараб туриб уларнинг пуч маъзи устидан қаҳ-қаҳ отиб кулиш зарур деб биламан” деган Г. Бухорбоева. Мен унга радиосуҳбат қилишга чорлаб хат ёздим. Ҳалигача жавоб йўқ. Галимани дунёқараши даҳрийлик устига қурилганини ва у атеист эканлиги яхши биламан. Атеистлар учун муқаддас нарса бўлмаслиги маълум. Улар ўзларини маймундан бўлган деб эътиқод қилишади. Майли қилишсин бу уларнинг иши. Лекин, улар каби эътиқод қилмайдиганларни эътиқодини ҳақоратлашлик ва уларнинг устидан кулишга ким ҳуқуқ берди уларга?! Галимани бошқа ўзбек журналистларидан мардлигини тан олиш керак. У ўзини атеистлигини очиқ айтади ва хатоми тўғрими шу йўналишда гапирди. Аммо, бу жойларда ишлайдиган ўзини мусулмон ҳисоблайдиган журналистлар қаерда?! Улар нега бу масалада динга хиёнакт қилмоқдалар?! Наҳотки, буларнинг ҳаммаси ўзини ёлғондан мусулмон кўрсатиб, аслида эътиқоди атеист бўлган ва атеистлигини яшириб юрган кимсалар бўлсалара?!

Мурса йўли борми?

Балки, бугунги атеистлар “Биз сизнинг устингиздан куламиз ва муқаддасотларингизни ҳақорат қиламиз. Сизлар ҳам шундай қилинг, маймунни ёки Дарвинни устидан кулинг”, дейишлари мумкин. Аммо, бу йўл биз учун яъни, бирорта осмоний динга эътиқод қиладиган инсоният вакиллари учун қабул қилиб бўлмайдиган йўлдир. Бу ўзаро бир бировни эътиқодини масхаралаб кулиш яхшиликга олиб бормайдиган йўлдир. Дунёдаги журналистларни ичида қанча мусулмони бор? Христиани ва яҳудийси ёки бошқа динга эъқод қилувчиси қанча?! Улардан сўраб кўрингларчи қайси бири бошқасини эътиқодини ҳақоратлаш мумкин дейди?! Фақат оз сонли атеистларгина мана шу йўл билан ўз газетасини обрўсини оширишга интиладилар халос. Биз ўзбеклар атеистларнинг зулми остида эзилган халқмиз. Тўғри бу атеистлар Европадаги демократ атеистлар эмасди. Булар қонхўр каллакесар террорист атеистлар эдилар. Минглаб диндорларни ўлдирган ва черков ва масжидларни бузган ва қуръон ва инжилларни ўтга ёққандилар. Бугунги либерал атеистлар эса динларни устидан мазах қилиб кулмоқдалар. Биз улар учун муқаддас нарсалар йўқлиги ва улар учун ҳалол ва ҳаром тушунчаси йўқлиги ва нафси истаган ишларни бемалол қиладиганларини биламиз. Атеист оилада отаси қизи билан, онаси ўғли билан, акаси синглиси билан жинсий алоқа қилишлари мумкинлигини ва ёки эркак билан эркак ва аёл билан аёл ўзаро оила қуриб яшашини биламиз. Бу каби ишларни Ўзбекистонда кенг тарқалишига йўл қўймаслик керак деган чақириқларимизга Галимани реакцияси қандай бўлган эди?! Галима уларни ҳимоясига чиқиб, гейларга қандай чора кўрасизлар деб, менга саволлар берганди. Мен Галимани гейлар ва лесбиянкаларни ҳуқуқини ҳимоя қилишдан қайтармоқчимасман.

Зеро атеистлар охиратга имон келтирмайдилар. Шу дунёда ўзлари истаган шаклда яшашлик учун имконият яратишни истайдилар. Бемалол. Лекин, бошқа фикрдагилар устидан кулиш ва уларни эътиқодини масхаралаш мумкинми?! Бу иш нафақат одамгарчиликга балки, мавжуд қонунларга ҳам тўғри келмаса керак?! Атеистлар истайдими йўқми, Биз учун Муҳаммад алайҳиссалом улуғ пайғамбардир. Шундай бўлиб қолади. У кишига қилинган тажовуз бугунги мусулмонларни барчасини ранжитади.Радикал гуруҳлар эса, айна шундай пайтдан фойдаланиб қоладилар. Чунки, бу масалада биз журналистлар тарафида туrolмаймиз! Мен радикал гуруҳлар қилаётган ишларни доим танқид қилиб келаман. Лекин, бугун бу каби атеист журналистларни ҳам танқид қиламан. Улар сўз эркинлигини суистеъмол қилгани учун қурбон бўлдилар. Улардан қаҳрамон яшашга уринишлик эса икки юзламачиликдан бошқа нарсамас. Кейин уларга суиқасд қилган шахслар ҳам франция давлати фуқароларидир. Бошқа жойдан келиб суиқасд қилинмади. Демак, бу жиноят битта давлат ичидага фуқароларнинг ўзаро келишмовчилиги натижасидир. Агар давлат раҳбарлари ўз фуқароларини тинч тотув яшашларини истасалар, бу каби нохушликга олиб борувчи ҳақоратлар ва карикатураларни чоп этиш ҳуқуқини ҳам чеклаш лозимлиги ҳақида ўйлаб кўришлари керак. Европада яшайдиган мусулмонлар сони тобора ошмоқда. Бу эса келажакда шу каби воқеалар такрорланмаслиги учун ҳам, диний қарашларидан қатъий назар барча фуқаролар бир бирларини динларини ҳақорат қилмасликлари лозимлигини тушунишлари лозим! Бугунги Европалик халқлар, атеистлар, католиклар, православлар, Протестантлар, буддистлар, яҳудийлар, ва мусулмонлар барчаси ўз динларида тинч эмин эркин бўлишлигини таъминлашлик керак. Бу эса фақат бири бошқасини эътиқодини ҳурмат қилиши билангина амалга ошади халос.

Хулоса;

Ўзбек журналистлари эса сўз эркинлигини ҳимоя қилишар эканлар, уларга ёқмайдиган сўзларни ҳам эфирга узатишлари лозимлигини унутмасалар яхши бўларди. Зеро агар бир тарафни фикрини ёритсалар ўша “Сўз эркинлигига” хиёнат қилишган бўладилар! Қолаверса агар мусулмон бўлсалар бу динга ҳам хиёнатдир. Шуни унутмангки, Пайғамбар алайҳиссаломга имон келтирган бўлсангиз, у кишини ҳақорат қилишганда жим туришга ва рози бўлишга ҳаққингиз Йўқ! Агар Озодлик радиосиданми, ёки ББСими , бирорта журналистни бошқасими, менинг сўзларимга эътирози бўлса, марҳамат мен уни ўз радиоблогимда суҳбатга таклиф қиламан. Шу нарсани олдиндан таъкидлаб ўтмоқчиманки жаноблар, мен сизлардан фарқли ўлароқ АҚШ давлат департаментига ёки Қиролича Елизаветага ҳисобот бермайман. Сизлар амал қилолмаётган “Сўз Эркинлигига” мен кўпроқ амал қиламан. Истаган мавзуда сизлар билан гаплашаман. Ва ҳеч кимдан рухсат сўрамасдан чоп қиламан. Шунингдек, мен бу мавзуда сизлар билан сизлар таклиф қилган майдонда ҳам суҳбатлашим мумкин. Агар мени ҳам баъзилар мавжудлигини айтадиган “қора рўйхат”ларинга туширсанглар марҳамат туширинглар. Одамлар эса, сизларни сўз эркинлигига ва динга хиёнат қилаётганларинга яна бир марта амин бўладилар. Аллоҳ эса барчасини кўриб турган Зотдир! Аллоҳга ҳамд ва Расулига савоту саломлар бўлсин!

12 январ 2015 йил.

Мисоқ аҳди ҳақидаги маълумотлар

Мисоқ масаласи ақида масалаларидан биридир. Таъкидланган аҳдга шартномага мисоқ дейилади. Бу ҳақида ақида китобларида турли хил маълумотлар берилган. Бу масала асли қуръони каримда ва қатор саҳиҳ ҳадисларда кўп марталаб зикр қилинади.

Ибни Аббос (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинишича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деган эканлар: “Оллоҳ Наъмонда яъни Арафада Одам болаларининг белларидан (яъни пушти камарларидан то Қиёмат Кунигача дунёга келадиган барча) зурриётларини олиб: «Мен Парвардигорингиз эмасманми?», деб, ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: «Ҳақиқатан Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», дейишган экан. Шунда Оллоҳ таъоло: (Сизлардан бундай гувоҳлик — аҳд- паймон олишимиз) Қиёмат Кунда: «Бизлар бундан беҳабар эдик», демасликларингиз учундир. Ёки: «Ахир илгари ота-боболаримиз мушрик бўлган эсалар, бизлар улардан кейин келган (ва уларнинг ўргатган йўлларига эргашган) авлод бўлсак, ўша ноҳақ йўлда ўтган кимсаларнинг қилмишлари сабабли бизларни ҳалок қилурмисан», демасликларингиз учундир.” -деган экан.

(Аъроф 172-173)

Изоҳ. Халқ орасида машҳур бўлган «алмисоқ, алмисоқдан қолган» деган ибораларнинг асл мазмуни юқоридаги икки оятда мазкур бўлди. Қуръон бизга уқтиришича, Тангри таоло ўз қудрати билан Одам алайҳис-саломнинг белидан ундан тарқайдиган барча зурриётларини чиқариб, уларга Ўзининг мўъжизаларини кўрсатгач: «Айтинглар-чи, Мен Сизларнинг раббингиз эмасманми», деганида, улар: «Парвардигоро, Ўзинг барчамизнинг раббимизсан, бизлар бунга гувоҳ, бўлдик», деб Тангрига аҳду паймон, яъни мисоқ берган эканлар. Шунинг учун ислом уламолари: «Кимда-ким кофир бўлса ёки динидан қайтса, ўзининг тангрига берган мисоқидан қайтган бўлади», дейдилар. Муҳаммад алайҳис-саломнинг: «Ҳар бир туғилган бола тоза ҳолда — исломда туғилади, Кейин ота-онаси уни ё яҳудий, ё насроний, ё мажусий қилиб бузуқ тарбия беришади», деган ҳадисларининг мазмуни ҳам юқоридаги оятларга ҳамоҳангдир.) Ақида китобларида ҳам мисоқ ҳақида турли маълумотлар берилади. Таҳовийя ақидасига шарҳ ёзган машҳур мушаррих Муҳаммад ибн абул Изз шарҳида мисоқ масаласида шундай жумлалар бор.

48-матн: Аллоҳу Таолонинг Одам ва унинг зурриётидан олган мийсоқи ҳақдир

Шарх: Аллоҳ таоло айтади:.

Имом Ахмад Умар бин Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: Мазкур оят ҳақида савол берилганда Умар айтдилар: Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ушбу оят ҳақида сўралганларида, бундай жавоб берганларини эшитдим: .

“Ҳакикатда Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломни яратди. Кейин ўнг (кўл)и билан оркасини силаб, ундан зурриётини чиқариб айтди: “Буларни мен жаннат учун яратдим. Булар жаннат аҳлининг амалини қилишади”. Кейин Аллоҳ (яна) Одам алайҳиссаломнинг оркасини силаб, зурриётини чиқариб, деди: “Буларни мен дўзах учун яратдим. Булар дўзах аҳлининг амалини қилишади». Шунда бир киши: “Ё Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унда амалнинг нима кераги бор?” деб савол берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Аллоҳ азза ва жалла бир бандани жаннат учун яратганда, унга жаннат аҳлининг амалини қилдиради. Бориб-бориб у банда жаннат аҳлининг амалларидан бири устида вафот этади. Кейин у ўша амал сабабли жаннатга қиради. Аллоҳ бир бандани дўзах учун яратганда, унга дўзах аҳлининг амалини қилдиради. У ҳам бориб-бориб дўзах аҳлининг амалларидан бири устида ўлиб, ўша сабабли дўзахга қиради”. Иқтибос тугади.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Мисоқ масаласи тақдир ва қазою қадар масалаларидандир. Буларни умумий тарзда ҳаммасини жамлаб ўқиб тушуниш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳадислардаги ва мантидаги келган Одам алайҳиссаломни зурриётини чиқариш масаласида ҳам турли хил қарашлар мавжуд. Баъзилар бу ерда Одам алайҳиссаломни қиёматгача келадиган фарзандларини руҳларини яратилганлигини ва улар билан ўша аҳду паймон қилинганлигини айтишади.

Баъзилар, бу ерда Одам алайхиссаломни зурриётлари кичикна чумоли шаклида жисмоний ҳолатида чиқарилиб, улардан аҳду паймон олинганлигини айтишади. Таҳовий ақидасига шарҳ ёзган Абдураҳмон Ҳомийснинг шарҳида Одам алайхис-саломнинг фарзандларининг руҳлари чиққанлиги айтилади;

Аллох таолонинг Одам ва унинг зурриётидан олган мийсоқ ҳақдир.

Шарх: Аллох таоло Ўзининг қўли билан Одам алайхис-саломнинг оркаларини силаганда ундан киёмат кунигача бўлувчи ҳар бир инсон руҳи чиққан. Шунда, албатта У, уларнинг Роббиси эканлиги ҳақида улардан аҳду-паймон олган ва уларни ўзларига гувоҳ қилган, улар гувоҳ бўлишган. Бу энг биринчи мийсоқ эди. Иқтибос тугади.

Инсонлар дунёга келганида ҳам пайғамбар воситасида улардан аҳду паймон олинган. Шу сабабли бу мисоқни биринчи эди дейилаёпти. Мусо алаҳиссаломнинг қавми яҳудийлардан ҳам Аллоҳу Таоло аҳду паймон олганлиги қуръонда зикр қилинади.

Қатор пайғамбарлар қиссалари битилган китобларда ҳам мисоқ воқеъасига тўхталиб ўтилган. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг қисасул анбиё асарида ҳам бу масалага қисқача тўхталиб ўтилган. Иқтибос;

Уламолар ихтилоф қилдиларки, Одамнинг зурриётини қай жойидан пуштикамаридан чиқарди, деб. Баъзилар жаннатга киргунча, баъзилар жаннатда, баъзилар жаннатдан чиққандан кейин дедилар. Оллоҳ Таоло Одам фарзандларини унинг пуштикамаридан чумолига ўхшаган кичик бир одамлар суратида чиқарди, уларнинг оқиллари ҳам, мўминлари ва кофирлари ҳам бор эди. Оллоҳдан хитоб келди: «Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?» Ҳаммалри: «ори, Парвардигоримизсан», деб жавоб бердилар. Одам уларни кўргач: «Илоҳо, булар кимлардир?» деди. Хитоб келди: «Булар сенинг то киёматга қадар дунёга келадиган фарзандларингдир». Одам уларнинг кўплигини кўриб: «Илоҳо, булар ер юзига қандай қилиб сиққайлар?» деди. Хитоб келди: «Эй Одам, тўрт улуш қилурман. Булар улуши оталар пуштикамарида, бир улуши оналар қорнида, бир улуши ер юзида, бир улуши ер қўйнида бўлади». Одам уларга қараб, бировни кўр, бировни оқсоқ кўрди, бировни оғриқ, бировни эса нимжон кўрди: Илоҳи, буларни не учун бирдек яратмадинг? Хитоб келди: «Эй Одам, жаннатни яратдим, унга киргувчиларни ҳам бино қилдим. Дўзахни яратдим, унга тушгувчиларни ҳам бино қилдим. Агар кўрларни яратмасам эди, кўзликлар шукур қилмас эдилар, бемаорни яратдим, соғлар шукур қилсинлар деб». Иқтибос тугади.

Бу масалада аниқ ва саҳиҳ мавқеъ шуки, бизга етиб келган саҳиҳ хабарларнинг зоҳирига таслим бўлишлиқдир валлоҳу аълам! Чунки, булар илми ғайб масалаларидир. Ўша пайтда бу аҳду паймон олишлик қай шаклда бўлганлигини Аллоҳ билади. Бу воқеъа бўлганлигига имон келтириш шартдир. Кайфияти Аллоҳга маълумдир.

2015 йил

Каззобларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!

Менга фаесбокда эълон қилинган Ҳамидуллоҳ Беруний деб, ўзини номлаган кимсанинг мақоласи чиққанини айтишди. Кўрдим ва ўқидим. Бундай шахсни фаесбокда борлигини ҳам билдим. У бошқаларга ўхшаб яширинмасдан очиқ ошкора ўз суратлари билан курашар экан. Менга аталган мақоласи ҳам ўз исмидан имзоланган. Мен одатда мана шундай ўз исмини ва номини яширмайдиган мардларни ўзини яшириб тош отадиганлардан устун ҳисоблайман. Менга қарши ёзганларига келсак, қуйидагиларни таъкидлайман;

Менга қарши ёзишлик мумкин ва мен ҳеч қачон ўзимни фаришта ва хатодан холи инсонман деб даъво қилмаганман. Демак, улардан менинг фарқим шуки, менга қарши ёзсалар, бу мумкин ва бунинг учун уларни айбламайман.

Менга қарши шу йигит каби, ўз исми шарифи билан ёзганларни барибир ҳурмат қиламан. Яшириниб тош отадиганлар мен учун номард кимсалардир. ИАК режими мени террористликда айблаб кино ишлаганди. Ким кимга қарши бўлса, далил исботсиз бадном қилиш йўлини ушлашлиги одат бўлиб бораяпти. Лекин, диндорлар ҳужжат билан гапиришлари лозим. Менинг ҳам ўз фикрим ва тутган манҳажим бор. Бу кимга ёқадими йўқми, қатъий назар шу йўлда фаолиятда давом этаман иншааллоҳ! Бу каби туҳмат ва бўҳтонлар тарқатувчи каззоблар, менинг ғоямга қарши ҳужжат тополмай шахсимга тош отишаяпти. Бўҳтонлар билан бадном қилишга уринишаяпти. Аллоҳу Таоло насоролар Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни ёлғончи қилганда, уларни ёлғончиларга Аллоҳнинг лаънати бўлишини сўраб дуо қилишга таклиф қилишга буюрган. «Сенга келган илмдан кейин, ким сен билан у ҳақида тортишса: «Келинлар, бизнинг болаларимизни ва сизнинг болаларингизни, бизнинг аёлларимизни ва сизнинг аёлларингизни, биз ўзимизни, сиз ўзингизни чақирамиз-да, сўнгра ёлбориб, ёлғончиларга Аллоҳнинг лаънати бўлишини сўраймиз», деб айтгин. (Оли Имрон 61 оят)

Бу оятда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни ёлғончи қилган Каззобларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин! деб, сўрашлик таклиф қилинган. Бу чақириққа лаънатдан қўрққан насоролар келмаганлар. Улар лаънатдан қўрқишарди. Ўзларини ёлғон гапираётганларини билишарди. Улар қўрққанлари учун ҳам келмадилар. Бугунги каззоблар лаънатдан қўрқмайдилар. Далил исботсиз туҳматлар қилишдан уялмайдилар. Шулардан бири мана шу мақолани ёзган кимсадир. Менга қарши ёзадиганлардан ва бу кимсадан ҳам ўша ёзганларига далил исбот билан ёзишни талаб қиламан. Далил исботсиз ёзилган нарсаси, туҳмат бўлади. Бу динимизда ва қонунларда ҳам қораланади. Бу кимса, ўзи шайхга муридлик иддао қилиб туриб, Аллоҳни танимайдиган кимсалар каби, турли туман туҳматларни ёзган. Мен шайхига ёзган ҳамма нарсасида исбот келтирганман. Иботу далилсиз гапирмаганман. Бу кимса менга туҳматлар қилган. Менинг ёзганларимни келтириб, шу гаплари хато. Мана далил, демаган. У менинг шахсимга қаратилган иддаоларни айтиб, шу билан ёмонлашга уринган. Бу қўлида ҳаққа қарши далили йўқлигини билган ва буни тан олиш ўрнига, пасткашлик билан бўлсада, рақибини қоралашга уринган муриднинг чиранишидир. Бу катта ҳарфлар билан ёзиладиган номардликдир. Бу мақола мазмунига қараганда, муаллиф менга қарши МХХ тавсияси ва талаби билан ишланган, 2012 йилда ўзбек телевидениясида намойиш этилган «Ватангадолар» номли кинофилмдаги туҳматларни қайта такрорлаган. МХХлар ва ўша киномани ишлаганлар, диндан узоқ кимсалар бўлгани учун, уларга эътирозим бўлмаган. Лекин, ўша иддолар бу мазҳабчи мутаассиб шайх МСМЮ нинг муридларидан бири тарафидан такрорлангани мен учун тушунарсиздир. Бу муридлар мени ёзганларимни қайта ёзиб, шуни сатрма сатр рад қилсалар бўларди. Бу мардларнинг ва мусулмоннинг иши бўларди. Муаллиф бу иддаоларга шаръий далиллар билан ва аниқ фактлар ва гувоҳлар билан жавоб беришлигини истардим. Чунки, бу кимса, ўзини диндор ва мазҳабчи ҳисоблар экан, у ўз ёзганларига шаръий жавоб бериши керак бўлади. Агар инсон бир туҳматга учраса, ва унга ўзини оқлаш учун имкон қолмаса, шариатимиз бундай ҳолда қасам ичишга буюради. Бу нарсасида Лион масаласида ҳам қўлланилади. Лион қилишлик ислом фикҳининг бир қисмидир. Мен муаллиф ўзини мусулмон деб иддао қилаётгани учун ҳам, у билан шариат мезонида мунозара қилмоқчиман. У мақоласида менга яна қатор туҳматлар қилган.

Бу туҳматлар қуйидагилардир

Мақола бошида келтирган имоми Шофийга тегишли ривоят, бировни устидан зинодан бўлган деб, ҳукм чиқаришга қанчалик ҳужжат бўлади?! Бу ривоятни динга қандай алоқаси бор?! Шофий илми ғайбни билганми? Шу нарсани далил исбот деб, ёзган одамни савиясини қандайлигини тушуниш мумкин?! Бу ривоятнинг Шофийга қилинган туҳмат эмасми?

Шу каби сафсаталарни дин деб, бу халқни ўзларига қул қилиб юришибди бу мутаассиблар. Буларнинг пирлари шу залолат йўлининг пешвоси эди. Бу тирранчадан нимани кутиш мумкин?!

Бу туҳматлардан бири шудир; Иқтибос; Бугунги кунда юртимизда туғилиб-ўсган, тузини еб, тузлиғига тупурган, жонажон Ватандан бош олиб чиқиб кетган, ҳозирда ватангадо бўлиб юрган Муҳаммад Солиҳ Абутов деганлари, уламоларимизни ва домла-имомларимизни сўкиб, ҳақорат қилиб, азиз юртдошларимизни ёмонлаб чиқмоқда. (Иқтибос тугади.)

Мени ватангадоликда айблаётган биринчи ва охирги кимса бу эмас. Бу гапни шаръий айблов деб бўлмайди. Дунёвий жиноят сирасига кирмайди. Бу каби иддаолар, одатда бошқаларни камситишлик учун қилинадиган, қуруқ гаплар халос. Мен бир ғазалимда, шу каби иддаоларга жавоб бергандим.

Мен ватанда гадо эдим, бу юртларда гадомас,
Бу юртларда, юртдагидек, юрак бағрим адомас.

Ватанимда маошимни ололмасдим ишласам,
Бу ерда “ишсизлар” биздан афзал десам, хатомас.

Мен инсоннинг қадрин билдим, айнан келиб шу ерга,
Инсон зотин бари бир хил, дейиш, билсам равомас.

Истар эдим юртимда ҳам, ғолиб бўлса адолат,
Чунки, бошқа халқлар биздек доим бахти қаромас.

Нега бизлар эркин, озод, яшашликдан маҳруммиз?,
Бошқа халқлар бизнинг каби, ҳақ-ҳуқуқдан жудомас?!

Нега булар тўкин-сочин, бизда битмас муаммо?
Булар, бизлар каби тинмай ишлаб, жони фидомас?

Сахвий қилур сиздан талаб, келиб кўринг буларни,
Бари фароғатда яшар, биздек рўйи сиёмас?!

.....

Туҳматларидан бири; иқтибос; Марказий Осиёнинг охирги юз йилликларининг энг таниқли уламиси, шайхулислом Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳини, сўнг Ўзбекистон Мусулмонлари диний идорасининг улуғ домла-устозлари ва масжид имом-хатибларини ҳақоратлашни бошлаб юборди. Иқтибос тугади. Мен муридларнинг бу иддаосини тўғри тушунаман. МСМЮ улар учун «охирги юз йилликларининг энг таниқли уламиси,» эди. Улар шундай тушунадилар. Улар бошқача фикрлай олмайдилар. Лекин, мен эса, бу нусхани ундай деб ўйламайман. Мен уни ислом ва мусулмонларга энг катта зарар етказган ва динфурушлик қилиб, зулмни оқлаб мустабидларга хушомадлик қилиб яшаб ўтган бир кимса деб биламан халос. Аммо, унинг амаллари ўзи билан кетди. Роббиси олдида ўз амалига ўзи жавоб беради. Шундай экан, у кимсани энди тинч қўйсалар бу муридлар ақлли иш қилган бўлишарди. Лекин, улар уни орқасига ўтиб тош отишдан тийилмоқчи эмаслар. Ёки, менинг ёзганларимни мен билан суҳбатга чиқиб далил исботи билан рад қилмоқчи ва ёки, ўшаларни ёзиб рад қилмоқчи эмаслар. Булар менинг шахсимга тош отишга ўтдилар. Бу мунозара майдонидаги мағлубиятга учраётган одамнинг охирги чорасидир. Демак, муридлар билан бу жанжаллар давом этади. Бу жанжаллар марказида эса, ўша мутаассибларнинг устози бўлган пирлари туради. Бу мурид иддао қилганидек, мен уни ҳақоратламаган эдим. Бу Пирга қарши нима гапирган бўлсам, шаръий ва ақлий далиллар билан гапирдим. Одатда мен ким билан талашиб тортишсам, ўша одамда мавжуд ва менда далили бўлган камчилигини айтаман. Ўзим билмаган нарсаларни унга нисбатлаб ёзмайман. Чунки, адолатли бўлишлик ва ёзган нарсамизга дунё ва охиратда жавоб беришликни унутмаслик керак. Бу динимиз талабидир.

Агар кимки, ўша кимсага нисбатан айтганларимни бирор жойини хатолигини исботламоқчи бўлса, марҳамат мен уни суҳбатга таклиф қиламан. Бу мутаассибларга қарши бутун бошли бир китоб ёздим. Улар эса, менинг келтирган далилларимни рад қилолмай, менинг шахсимга ҳужум қилаяпдилар. Улар ҳаққа қарши ботил ақидаси ожизлигидан келиб чиқиб, мардларча кураша олмасдан, муттаҳамлик ва туҳмат йўлига ўтдилар. Ҳатто, шунчалик пасткашликка бордиларки, бу туҳматларни динимизда кабира гуноҳлигини ҳам унутиб қўймоқдалар.

Мард одамлар, виждонли одамлар, ўша гапирган гапларига далил исботлар келтириши лозим. Мен уларни суҳбатга чақираман. Улар ўша иддаоларини исботлаш имконига эгадирлар. Яна навбатдаги туҳмат; иқтибос; Менимча, ҳар бир юртни ёмонотлиқ қилувчи, яхшилиқдан ҳам ёмонлик қидирувчи, буюликка интилаётган давлатларни кўра олмайдиган иғвогар, чақимчи ва туҳматчиларнинг малайларидан бўлган “Озодлик” радеоканали ҳам гўё уни ҳар бир ҳолатни таҳлил қилиб берувчи “олим” сифатида кўриб, мутлақо иғво ва ҳақоратдан иборат сўзларини тинглаб ўтирибди. Иқтибос тугади. Бу гап энди фақат менга эмас, озодлик радиосига ҳам туҳматдир. Улар ҳам агар истасалар ўша радиога чиқиб, ўз фикрини гапиришлари мумкин эдику?! Агар мен «мустақилликни кўра олмаётган қора куч»лардан бўлсам, шу сабабли улар севадиган ИАКга ва унинг хизматидаги динфурушларга қарши гапираётган бўлсам, марҳамат улар ҳам чиқиб, «мустақиллик шарофати»ни ва ИАКни яхшилигини гапирсинлар. Бу радиочиларга фарқи нима ким нима гапиришини?! Бизнинг иддоларимиз хатолигини ва ИАК диктатор эмаслигини, юртимиз гуллаб яшнаётганлигини гапирсинлар! Нега улар гапирмасаю, биз гапирсак, бунга озодликни айбдор қилишади. Биз ИАКни ва унинг режимига хизмат қилаётган бу динфурушларни аниқ исботу далиллар билан танқид қиламиз. Агар уларда бунга раддия бериш истаги бўлса, марҳамат озодликнинг баҳс онлайн дастурида баҳс қилайлик. Агар бунга журъат қилмасалар, фақат туҳмат ёзиб тарқатишни эпласалар. Булар ўз иддаоларида каззобдирлар! Бу каззоб мени исмимни хорижга келиб Муҳаммадсолиҳ деб, ўзгартирилганини айтади. Иқтибос; Муҳаммад Солиҳ Абутов деганларини ота-онаси Солий деб номлаган бўлиб, у хорижга кетиб, ўз номини ўзгартирганлардан бири бўлади. У асли Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл-Элликқалъа томонлардан. Иқтибос тугади.

Бу кимса мен қамалган 1995 йилдаги ҳужжатларга ҳам қарамаган кўринади. Исмим шундай бўлган ва бугун ҳам шундай. Агар уни ўзгартирганимда, буни очиқ айтишим мумкин эди. Бу нарсаси жиноят ҳам эмас ва бу умуман олганда менинг шахсий ишим. Мен ҳали ҳам шу исмдаман. Шу исмда бу дунёдан ўтаман иншаллоҳ. Мен агар ўзгартирганимда, буни бугун айтишдан мени тўсадиган нарсани ўзи йўқ. Мен бировдан кўриб бир нарсани гапирмай турадиган одам эмасман. Менинг исмим масаласи, аслида бу мутассиблар билан менинг орамиздаги можарога нима алоқаси бор? Бу масалани айб сифатида кўрсатишликдан мақсад нима?!

У мақоласида мени имомни уйини куйдирган деган. Бу иддаога ҳам на дунёвий ашъвий далил ва на диний ҳужжат келтирмаган. Иқтибос; Ўтган асрнинг 90-йиллари охирида Тўрткўл туманининг бош имом-хатибининг уйини ёқиб юбормоқчи бўлиб, қасддан ўтга берганлигини қорақалпоғистонликлар яхши билишса керак. Биласизми, бутун Хоразм ва Қорақалпоғистонда ўша даврларда ва ҳозир ҳам ушбу имом-домладан улуғроқ, олимроқ одам бўлган эмас! Иқтибос тугади. Булар ҳам навбатдаги қуруқ гаплардир. Буни ҳамма одамлар билади деган, мужмал гапни айтади. Бу каззоб бўлмаганда, ўша судда қатнашган одамлар билан гаплашиши керак эди. Чунки, ўзи ўша ерда бўлмаган эди. Бу воқеъа у айтгандек. 90 йилларнинг охирида эмасди. 1995 йил 29 августда Андижон Жомеъси имоми Абдували Мирзаев ўғирланди. Шу йил сентябрда мен Андижонга бордим. У кишининг акаси Абдуғани Мирзаевга учрашдим. У масжид аҳли имзоси билан Президентга мактуб йўллашни ва бошқа кўплаб масжидлар шундай қилаётганини айтди. Мен уйга қайтиб, масжид аҳли номидан 35 киши имзолаган мактубни ИАК номига юборганман. Орадан бир ой ўтиб, октябрда масжид ёпилди. Уни ёпган прокурорлар Президентга мактуб йўлаганинг учун ёпамиз демадилар, албатта. Ҳужжати йўқ бу масжидни деган, айблов қўйилди. Ноябрь ойидан бошлаб мен Урганчда яшириниб юрдим. Уйимга учасковой милициялар иккитаси =ар куни келиб суриштира бошлашди. Мени қамашмоқчи эдилар. 1996 йил янги йилда ўша ерда эдим. Январда мени ушлаб олиб келишди. Неғалигини КПЗга келиб билдим. Масжидимиздан ўн бештача одам қамалган экан.

Шунақа шунақа қилгансизлар бу имом билан ораларингда келишмовчилик борлиги учун дейишди. Мен ўшанда бу ишни мен қилдим дейман, болаларни чиқаринглар дедим. Кейин, уни уйига олиб боришди. Жиноятни қандай қилганингни кўрсат видеога оламиз дейишди. Нима гапиришимни Равшан исмли терговчи ўргатди. Шуларни қилдим. Натижада болалар озод бўлишди ва мен 7 йилга қамалдим. Бу мутаассибнинг иддаоларига нисбатан, Буюк Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки; Мен ўша мутаассиб имомни уйини куйдирмаганман. Лекин, шу нарса туфайли 7 йилга озодликдан маҳрум қилиндим. Имомни уйи куймаган эди. (Лекин, бу мараз динфуруш имомни имони куйганига шак шубҳам йўқ, Чунки, у мазорларга сиғинар ва шуни динда мумкин деб, фатволар берарди) Мен шу иш туфайли қамалган ўнларча болани озодликка чиқиши учун, терговчилар айтганига қараб, шу ишни қилдим деб, қамалиб кетдим. Болаларни озод қилишди. Шундай қилсанг булар озод бўлади деб, терговчи менга айтган ва мен шунга рози бўлгандим. Бу нарсаларни ҳам бир китоб қилиб ёзадиган пайт келди шекилли?! Мен агар шу ишни қилганимда, ҳам ҳозир қилдим деб, айтишдан мени ҳеч нарса тўсмасди. Мен қилганимда, қилдим деб, айтардим. Муаллиф имон даъво қилар экан, шу ишни мен қилганимга қасам ичиши керак! Мен қасам ичиб, қилмадим дедим.

Ҳамидуллоҳ Беруний деган туҳматчи, мени судда мени ота онасини мушрик деб айтди деган. Прокурор бунга ҳайрон қолибди. Аллоҳга қасамки, бу гаплар ёлғон. Бу иддаосида бу кимса каззобдир! Мақоладан иқтибос; Судда Абутовнинг ваҳҳобийлиги ва ақидапараст оқим вакили эканлиги айтилди. Бироқ, табиийки, судья бунга эътибор қаратмади. Бу нокас Абутов деганлари ўз ота-онасига “Сенлар мана шу имом-домлага, мана шу ҳукуматга лаганбардорлик қиладиган мушриксанлар!”, дея бақирганлигини бир тасаввур қилинг.

Неча ўн йиллик қазо намозларини ўқиб тугатган ва қазо қолган рўзаларини ҳам тутиб бўлган, ўзининг мўъмин-мусулмон отасига, муштипар онасига: “Сен мушриксан! Сен кофирсан!”, “Ота-онам мушрик ва мушрика!” деб турса-я! У худди шундай деган!

Бу Абутов деганлари ҳамманинг олдида, оғиздан чиққан ҳар бир сўз ёзиб қўйиладиган маҳкамада (фаришталар охираат учун ёзиб қўйишлари эса шубҳасиздир), мана шундай тарзда оқпадар бўлганлардан биридир! Унинг бу хилдаги бўлмағур гапларидан ҳамма қарахт ҳолига тушганлиги рост. Нима дейишини била олмай қолган прокурор ҳам: “Мен эллик йилдан ортиқ вақт давомида жиноятчиларга жазо берилишини сўраб келган эдим. Бироқ, бу нокас каби аблах одамни учратган эмасман! Ўз отасини мушрик ва кофирга чиқарувчи одам, ўз ота-онаси ҳамманинг олдида оқ қилган кимса яхши одам бўлмаслиги аниқ!”, дея олган холос.

Ота онамга нисбатан на судда ва на бошқа пайтда мушриксан ва бошқа нарса демаганман. Бу гаплар судда бўлгани, айниқса ёлғоннинг каттасидир. Прокурор менинг судимда умуман гапирмаган. Бу масалалар ҳали бир алоҳида китобда аниқроқ ёзаман иншааллоҳ. Мен ота онамни, табиийки ҳурмат қилганман. Ва уларни ҳам ўзим ўқиб ўрганган соф ақидага ва якка Аллоҳга ибодат қилишга чақирганимда, улар бу чақириқни қабул қилишган ва мазорларга ибодат қилиб, қўй сўйишдан ва улардан бахт саодат ва фарзанд талаб қилишдан ва шунга ўхшаган бемаъни амаллардан тийилишган. Алҳамдулиллоҳ!

Лекин, улар мени, шу каби ширк амалларига хурофий ишларга муккасидан кетган халқ билан ва уларни тепасида турган залолат пешвоси бўлган мушрик мулла билан жанжаллашмасликка кўп чақирганлар. Улар мени қамалиб кетишимдан, ота она сифатида хавотир олганлар. Мен эса, уларга қулоқ солмаганман. Ўзим билганимдан қайтмаганман. Охир оқибатда туҳматга учраб қамалганман. Охир оқибат, буларнинг жабрини шу қари ота онам кўрди. (Аллоҳ уларни раҳмат қилсин) Аллоҳ гувоҳки, бу каззобнинг гаплари бари туҳмат. Мен қасам ичиб бу иддаоларни туҳматлигини таъкидлайман. Агар муаллиф ўз иддаосида ҳақ бўлса, Аллоҳ номига қасам ичиб, шу гапларни ўша судда айтганлигимни таъкидласин! Буни ҳам худди шу туҳматни тарқатгани каби, ёзиб тарқатсин! Агар шундай қилмаса, у ўз иддаосида каззобдир. Мен уни имон даъво қилгани учун шундай қилишга чақираяпман. Билсинки, кимки Аллоҳ номи билан ёлғон қасам ичар экан, имонидан ажралади. У мени илмсизликда ва жинниликда айблаган. Иқтибос; Аслида, у нокас ким ўзи? Ҳеч қаерда диний таълим олган эмас, диний саводи йўқ ғирт бир саводсиз. Шунинг учун, ёшлигидан экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган.

Унинг калласида иш борлиги, кирди-чиқди, сал-пал етишмаслиги, ақлида нуқсон борлигини тўртқўлликлар яхши эшлади. Иқтибос тугади. Менинг калламда иш бўлса, буни Тўртқўлликлар эшласа, эҳтимол? Лекин, мен буни эслолмайман. Менинг ёнимдаги бугун бирга яшаётганлар эслолмайдилар. Менинг катта айбим шуки, ноҳақликни, зулмни адолатсизликни кўриб жим турмайман. Нимадир қилишга уринаман ёки, гап билан бўлсада, адоватимни баён қиламан. Агар шу одатим бўлмаганида, мен ҳам бу мутаассиблар ва уларнинг суянган тоғлари бўлмиш динфуруш имомларни ва ИАК режими амалдорларининг ғазабига учрамаган бўлардим. Менга қарши бунчалар тухмату бўхтонлар ҳам қилинмасди. Мен ўша эсим кирди чиқдилиги учун бўлса керак, бу мутаассибларнинг динфурушлигини ва золимга хизмат қилаётганлигини қайта қайта айтдим. Уларга эргашаётган холис инсонларни огоҳлантирдим. Натижа эса. Мана шунақа мақолалар чиқиб турибди. Менга бу мақоладаги оғир ботган нуқта мана шу қуйидаги гапдир! Иқтибос;

Шундан сўнг Абутовга уч-тўрт йиллик жазо таъйинланган. У жазодан қутилиб чиққанидан сўнг, азиз ота-онасидан ва азиз ватанидан беизб, хорижга кетиб қолган, ростакамига ватангадо бўлиб юрган оқпадардир. Ёшлигиданоқ уламоларни ҳақорат қилишни ўрганган, ҳеч қаерда диний савод чиқармаган, ўзининг беадаблиги ва бефаросатлиги билан тўртқўлликлар ва ёшликдаги танишлари қалбида машъум из қолдирган бу Абутов уламолардан ҳаё қилмаган, уларнинг илмидан ийманмаган, уларнинг салобати ва виқори олдида ҳурмат сақламаган бир нокасдир. Ана шу ўринда юқорида келтирилган Имом аш-Шофий раҳимахуллоҳнинг қиссаси, беихтиёр, эса келаверади. Наҳотки, у бугунга келиб “миллат қаҳрамони” бўлиб қолса!

Ҳеч қачон! Аллоҳ уни хор қилиб, ватанга зор, ота-она меҳрига муҳтож, юртдошлари эътиборига номуносиб қилиб қўйган экан, у ҳеч қачон қаҳрамон бўла олмайди. “Озодлик” ва Абутов орқасида турганлар уни қанчалик гиж-гижламасин, у ва улар мурод-мақсадига ета олмайдилар, иншаАллоҳ. Абутов ўзининг билимсизлигини неча бор кўз-кўз қилиб, интернет оламида кетма-кет алмойи-жалмойи мақоласифатларни тақдим қилмасин, (уларни ҳам ўзи ёзмаган, маълумотларни кимлардир берган, деган эҳтимол бор), Ватанимиз уламолари ва яхши инсонларининг обрўларини асло тўка олмайди. Хору зор, гуноҳга гирифтор Абутов деганлари Аллоҳ азизу мукаррам қилган зотларни хор қила олмайди. Иқтибос тугади.

Аввало; Бу мараз мени «жазодан қутилиб чиққанидан сўнг, азиз ота-онасидан ва азиз ватанидан беизб, хорижга кетиб қолган» деган иддаосида каззобдир. Мен ота онамдан ва ватанимдан безор бўлмагандим. Мен ишлашга Қозоғистонга кетган одам эдим. Кейин, Москвага кетишга ва у ерда қамалиб чиқиб, Швецияга кетишга мажбур бўлдим. Ноҳақ тухмат билан яна қамашмоқчи эдилар. бу воқеаларни алоҳида «Мустақиллик шарофатида» ўтган беш йил номли бир китобимда баён қилганман. Бу эса мени яна, уялмай нетмай, азиз дадажонимга мени оқпадар бўлган деган. Роббимдан тилагим, шу гапини ўзига ҳасрат қилсин!

Бу гапни қандайдир кўчадаги дайди одам эмас, мутаассиб ва манфур шайхнинг виждонсиз муриди бўлган, ўзини уламо санайдиган нусха айтаяпти. Мен кўп ўйладим. Бу мақолани унга мажбурлаб ёздиришдими ёки, ўз ихтиёрича ёздими?! Менинг келган хулосам шуки, бу мақолани у ўз ихтиёри билан ёзган. Шайхига қарши айтган гапларимизга муносиб шарият доирасида жавоб бераолмай, ночорликдан, шунақа тухмату бўхтон қилишга ўтган. Демак, бизга ҳақорат қилиш билан, унга ҳам шундай муомала қилиш ҳаққини бизга берди. Лекин, мен унга ўхшаб тухматлар ёзмайман. Ёзаолмайман. Мен ҳақни ва фақат ҳақни ёзишга мажбурман. Чунки, мен бу нарсаларга дунё ва охирада жавобгарликни ҳис қиламан.

Аллоҳдан сўрайманки, Агар у тўғри гапирган бўлиб, мен оқпадар бўлган бўлсам, демак, оқпадарлар қисмати ва жазосига учратсин! Агар бу кимса алдаётган бўлса, эй шериги йўқ Аллоҳ, (Унинг шу масалада каззоблигини Сен яхши биласан. Агар хатосига ошкора тавба қилмаса) шу маразни икки дунёда хор қилгин! Ўзингни буюклигинг ҳаққи ва покиза Зотинг ва Бирлигинг ҳаққи, иккимиздан ким ноҳақ бўлса, (Менинг ҳақлигимга Ўзинг гувоҳсан) шуни икки дунёда хор қил! Омин! Агар бу кимса ўз сўзларини ҳақлигига ишонса, «омин» десин!

Иккинчидан; мени «ватангадо» дегани ва «ҳеч қаерда диний савод чиқармаган» дегани эҳтимол тўғридир. Агар Тўртқўлда эмас, Швецияда яшаётганим ватангадолик бўлса, демак ватангадоман.

Агар Бухорода ёки Тошкентдаги мадрасани битирганлигим ҳақида дипломим бўлмагани, илмсизлигимга ҳужжат бўлса, бу гаплар тўғри дейиш мумкин. Беадаб ва бефаросатлигимга келсак, мен шу пайтгача ўзимни одобли ва фаросатлиман деб, иддао қилмаганман. Демак, бу гаплар тўғри бўлиши мумкин. Менинг ёзган шеърларим ва мақолаларни кимдир ёзиб бераётгани ҳам бир ажойиб тухматдир. Балким, радиосуҳбатларни ҳам мен эмас, кимдир олиб бораётгандир? Балким, озодликка ҳам менинг номимдан кимдир чиқаётгандир?! Балким, мазҳабчи шайхларинга мен эмас, ўша кимдир қарши гапираётган ва китоб ёзаётгандир?! Шундай бўлса, ўзингни гапинга ўзинг ишонсанг, нега менга тош отасан касофат?! Ўша мени номимдан иш қилаётган кимсани топиб гаплашсанг бўлмайдими?! Бу мақолани ҳам, ўша кимдир ёзган бўлиши мумкин?! Демак, шу сўзингда каззоб бўлмасанг, менга қарши нега гапирасан ва ёзасан?! Шуми сендаги фаросат? Шуми уламолигинг?! Ўзингни олим деб билсанг, диний саводинг бўлса, марҳамат мен билан суҳбатга чиқ. Бу суҳбатда мени илмсизлигимни исботла! Одамлар эшитсин ва сени ҳақлигингни билсинлар! Нега сен шу имкониятдан қочасан?! Ўз иддаоингда каззоб бўлмасанг, мени саводсизлигимни исботлаш учун ҳам суҳбатга чиқ ахир?!

Учинчи; «Аллоҳ уни хор қилиб, ватанга зор, ота-она меҳрига муҳтож, юртдошлари эътиборига номуносиб қилиб қўйган экан, у ҳеч қачон қаҳрамон бўла олмайди.» деган иддаосига келсак, мени Аллоҳ хор қилдими ёки азизми? Бу ҳали аниқмас. Ким хору, ким азиз бўлади, буни қиёматда биламиз. Қаҳрамонликка келсак, бу сифатлар сизларга хосдир. ИАК қаҳрамон. А. Орипов қаҳрамон. Ва яна бир неча қаҳрамонлар бор. Мен тупурдим бундай қаҳрамонларга ва қаҳрамонликка. Ва буларни ёзаётган виждонсиз сўфию муридларга. Жумладан шуларнинг бири мана шу Ҳамидуллоҳ Беруний (Аминов Ҳамидулла Абдирахимович) дир. Қаҳрамонликни эса, волейболни яхши ўйнагани учун, шу йўлда жон бергани учун шайхинга беришни сўраб ИАКга ариза ёзинглар. Ажабмас, «посмертный герой» бўлиб қолса?!

Сўзимнинг охирида каззобларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин! деб, дуо қилиб қоламан.

.....

Каззобларга;

“Аллоҳнинг лаънати бўлсин”, дейилган,
Каззоб кимсаларга атаб, қуръонда.
Бу лаънатга нега сазовор улар,
Буни тушунгандай бўлдим шу онда.

Исботи далили бўлмасдан туриб,
Одамларни ноҳақ қилишар бадном!
Албатта, лаънатга лойиқ бўлгандир,
Кимга лаънат эълон қилибди, Ислон!

Ҳаётнинг паст баланд, сўқмоқларини,
Босиб ўтган сари, тушунар одам.
Мен Аллоҳ китобин ҳикматларини,
Янада тиниқроқ тушундим шу дам!

Ҳар ишда бор экан, бир улуғ ҳикмат,
Ноҳақдан учрамас банда азобга!
Ҳақ каломин тасдиқ қиламан албат,
Лаънат бўлсин дейман мен ҳам каззобга!

2015 йил

IV-қисм

Ислом зўравонлар ҳокимиятини тан олмайди

Террор ёки, терроризм 20 асрда пайдо бўлган курашнинг замонавий воситасидир. Унинг бирорта миллатга ва динга алоқаси йўқ. Бу услубни барча дин ва миллат вакиллари ёки гуруҳлар ва баъзида давлатлар ўз кураш сиёсатида қўллаши мумкин ва қўлламоқдалар. Бу каби кураш воситасининг ихтирочилари мусулмонлар бўлган эмас эди. Баъзилар, террор курашининг алоҳида мафкураси бор деган фикрни билдиришади. Кўпчилик исломофоб экспертлар эса, бу мафкура ислом динидан чиққанига ишонишади. Бу аслида жуда нотўғри ва ноҳолис тушунчадир. Террор учун мафкура исломда йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган. Терроризмни бугунги замонавий шаклини энг аввал ихтиро қилганлар ҳам мусулмонлар бўлган эмас. Шунинг учун ҳам террор бу мафкура эмас, кураш услубидир деган фикрда қатъийман. Шу билан бирга ҳар қандай террор актига қандайдир маъно берувчи идеологияси мафкураси бўлади. Бу идеология коммунистик ғоядан ёки миллий ирқий устунлик ғояларидан ёки у бу диний асосдан олиниши мумкин. Террор атамасининг, шу сўз мазмунидан келиб чиқиб, араб тилида «Ирҳобий» атамаси ифодалайди деб, бугунги араб оламида уларга нисбатан «ирҳобий» калимаси ишлатилади. Бу услубда курашиш гарчи тарихда ҳам мавжуд бўлган бўлсада, уни у пайтларда террор атамаси билан аташмаганди. Бу услуб оз сонли одамнинг душман ичига кириб, катта зарар етказиши ва имкон қадар одамлар орасида ваҳима ва қўрқув пайдо қилишидир. Турли қабилалар бир бирлари билан уришиб юрган даврларда ҳам бу террор услубида курашлар бўлган. Инсоният тарихидаги энг катта террорчилар Рус болшевиклари бўлган эди. Улар Николайга қарши курашишда террор услубида курашишганди. Давлат органларига имкон қадар катта зарар етказиш, Банкларни ўмаришлик ва амалдорларни ўлдиришлик каби террор услублари Ленин бошлиқ коммунистларнинг кураш услубларидан эди. Бу гуруҳ давлатни қўлига олгандан сўнг ҳам террор услубида бошқарди. Тарихга «Қизил террор» атамаси билан кирган бу даврда, Сталин давридаги миллионлаб одамларни ноҳақ қурбон бўлган. Бу услубни дунёга тарқатди. У пайтларда телевидения ва интернет йўқ ва дунё давлатлари орасида хабар алмашинуви бугунгидек эмасди.

Табиийки, бу рус дахрийларнинг террористик жиноятлари у пайтда оламга шов шув бўлмади. Социал тенглик мафкурасига асосланган ва капиталистик иқтисодий тузумга қарши СССР ёрдамида қатор араб ва Жанубий Америка Республикаларида 20 аср давомида бўлиб ўтган инқилобларда ҳам террор услубида кураш олиб борилганди. Немис фашистлари давлати дунёда террор сиёсати олиб борган давлатдир. Шунингдек, унга қарши кураш ҳам шу услубда бўлган. Немислар эгаллаб олган ерлардаги партизанлар урушлари шубҳасиз террор услубидаги кураш эди. СССР қўшинлари Афғонистонга кирганда, унга қарши курашиш учун АҚШ ва унинг иттифоқчилари бўлган Покистон ва Сауд Қироллиги ва бошқалар ислом омилидан фойдаланишди. Покистонда лагерлар ташкил қилиб, у ерга АҚШдан қурол яроғлар олиб келишди. Саудия ва Покистон шайхлари СССРга қраши жиҳод қилишга чақириб фатволар беришди. Кейин, булар Афғонистонда турган совет қўшинларига қарши курашга отлантирилди. Бу уруш АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг сиёсий манфаати учун қилинди. Лекин, исломдан ва мусулмонлардан фойдаланишди. СССР Афғонистонни тарк этгач, Нажибуллоҳ режими қулади. Жиҳодчи гуруҳлар ҳукуматга келди. Кейин, кўп ўтмай Толибон иқтидорга келди. АҚШ ва Русияга қарши эканини эълон қилди. Айтиш мумкинки, ислом оламидаги мусулмонлар АҚШни ислом омилидан фойдаланиб қолишга уринадиган лекин, ўзи ислом ва мусулмонларга қарши куч эканлигини англашди. Буни Фаластин ва Исроил орасидаги урушлар тарихи ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Исроилдек, зўравон давлат фақат АҚШнинг моддий ва мафкуравий ёрдами ҳисобигагина ҳалигача дунё харитасидан ўчиб кетмай турибди. Мана оқибатда, АҚШ Россия кўмагида, Афғонистонда, бир пайтлар СССРга қарши, ўзи пайдо қилган жиҳодий гуруҳларга ва уларнинг ворисларига қарши курашмоқда. Уларни бугун террористик гуруҳ деб аташади. Замонавий террорчи давлатлар сифатида Исроилни кўрсатиш мумкин. Террор сўзининг бир маъноси, «зўрнинг заиф устидан зўравонлигидир» Исроил 60 йилдан ошдики, Фаластин халқига ана шундай террор услубида зўравонлик сиёсатини юргизиб келмоқда. Ўз навбатида Фаластинликлар томонидан Исроилликларга қарши террор услубида амалиётлар олиб борилади. Бугун Исроил оламида ИШИД пайдо бўлди. Шубҳасиз бу гуруҳнинг кураш услуби террор услубидир. Улар ҳам Болшевиклар каби террор йўли билан давлат қурмоқчилар. Фарқи шуки, униси атеистик ва социалистик мафкурада бўлса, буниси исломий асосларга таянадиган давлат қурмоқчи. Дунё жамоатчилиги қонуний Рус Императорини ағдариб, оиласи билан бирга қўшиб отиб ташлаган болшевиклар давлатини охир оқибат тан олди. То у давлат йўқолиб биттунича, дунёдаги гегемон давлат бўлиб турганди. Худди шунга ўхшаб, дунё жамоатчилиги бир кун, агар уни курашиб йўқ қилолмаса, демак, ИГИШни ҳам тан олиши мумкин. Чунки, улар кучни тан оладилар халос. Уларда бошқа қонун ва тартиб йўқ. Лекин, бу давлатни ва Халифани қонунийлигини, дунёдаги ҳақни таниган мусулмонлар барибир тан олмайдилар. Уммавийлар ва Аббосийларга қарши кўплаб исёнлар бўлганди. Ўша Халифаликларнинг легитимлиги ҳам ислом умматининг ҳақни таниган кишилари томонидан тан олинмаганди. Усмонли турк Халифалиги ҳам легитим ҳисобланмайди. Султон Салим Мамлуклар ҳукм сураётган Мисрни зўравонлик билан босиб олиб, номигагина ўтирган Аббосий Халифалар вакилини истеъфога чиқишга мажбурлаб, ўзини Халифа деб эълон қилганди. Унинг Халифалиги умуман ноқонуний эди. Лекин, куч билангина бу давлат узоқ вақт ҳукм суриб келди. Чунки, улар танлаган йўл ва давлат қуриш тартиби нотўғри эди. Чунки, улар зулм зўравонлик йўлини танлашганди. Ким умматни зулм билан байъатга мажбурласа, у байъат ботилдир. Бу иш ихтиёрий ва ўзаро розилик билан бўлиши шарт. Шу сабабли, тарихда машҳур фуқаҳолар тарафидан ўша Халифалик давлатларининг легитимлиги тан олинмади. ИГИШни ҳам замонамиз уламолари тан олмайдилар. Агар у ўз давлатини қуришга ва бутун дунё давлатлари уни тан олишига эришсада, бу умматнинг ҳақ йўлдаги рижоллари бу Халифани тан олмайдилар. Чунки, у ҳам аввалгиларнинг нотўғри йўлини, террор йўлини ботил услубини ушлаган эди. Шунинг учун ҳам у тан олинмайди.

2015 йил

Шайтон ҳақида қуръондаги маълумотлар

Шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрайман;

Бисмиллоҳи роҳмани роҳим;

Кириш;

Шайтон ҳақида кўп нарса эшитганмиз. Уни гапирмайдиган одамни ўзи йўқ. У ҳақида оз бўлсада маълумот эшитмаган одамни ўзи йўқ. Қадимдан турли халқларда ривоятлар афсоналарда унинг образи ёвузлик мисолида шакллантирилади. Унинг шахсиятига доир турли хил файласуфларнинг қатор назариялари мавжуд.

Шу билан бирга уни мавжудлигини инкор қилувчилар ҳам бор. Унинг борлигини тан олувчилар уни дунёдаги барча ёмонлик ва мусибатларга ва жиноятларга асосий сабабчи деб ҳисоблашади. У ҳақида барча динларда озми кўпми маълумотлар берилган. Жумладан қуръони каримда ҳам у ҳақида, деярли ҳар бир сурада, турли шаклда қатор маълумотлар берилади. Биз бу мақолада айти шу махлуқ ҳақида қуръони каримда қандай маълумотлар берилганлигини ўрганамиз. Шайтон деганда, ўша Иблисдан ташқари яна кимларни назарда тутилганига эътибор қаратамиз.

Шайтон жаннатдан қувилган махлуқдир

Шайтон инсон яратилишдан олдин яратилган махлуқлардан ҳисобланади. Инсонлардан олдин синов дунёсида жинлар яратилганди. Улар асли оловдан яратилгандир. Шайтон номини олган жин эса, жаннатда фаришталар орасида эди. Ўша пайтда Аллоху Таоло Одам алайҳиссаломни яратди. Фаришталарга Одамга сажда қилишга буюрди. Улар сажда қилдилар ва Иблис сажда қилмади ва шу сабабли жаннатдан бадарға қилинди. Бу воқеъа қуръони каримда қатор сураларда зикр қилинади.

«Аниқки, Биз сизларни яратдик, сўнг сизларга сурат бердик, сўнгра фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар», дейишимиз билан улар сажда қилдилар. Магар иблис сажда қилгувчилардан бўлмади.

(Аллох) деди: «Сенга буюрган пайтимда нима сени сажда қилишдан тўсди?» «Мен ундан (Одамдан) яхшироқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан яратдинг», деди у.

(Аллох) деди: «У ҳолда ундан (жаннатдан) тушгин! Сен учун унда кибру ҳаво қилиб юриш жоиз эмас. Бас, чиқ! Албатта сен хор бўлгувчилардандирсан!»

«Менга улар тириладиган Кунгача (қиёматгача яшаш учун) муҳлат бер», деди у.

(Аллох) деди: «Сен муҳлат берилганлардансан».

У айтди: «Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг тўғри йўлинг устида уларни кутиб ўтирурман.

Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу сўлларидан келиб (тўғри йўлдан оздирурман) ва (оқибатда) уларнинг кўпларини (берган неъматларингга) шукр қилган ҳолларида топмайсан». (Аъроф сураси 11 дан, 17 гача оятлар)

Инсоният ҳаётининг бошланиш палласидаги бу воқеъа, туфайли Иблис жаннатдан қувилади ва шу сабабли Одам алайҳиссаломга ва унинг зурриётига душман бўлиб қолади. Бу душманликни у ўша пайтдаёқ бошлайди. Унинг васвасаси туфайли Одам алайҳиссалом ва унинг жуфти Ҳавво ҳам жаннатдан ерга туширилади. Бу воқеъа қуръони каримда шундай зикр қилинади.

«Эсланг, (эй Муҳаммад), Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат Иблис кибр ва ор қилиб — кофирлардан бўлди.

Ва айтдик: «Эй Одам, сиз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг ва ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол таомланинг. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласиз».

Бас, уларни шайтон йўлдан оздириб, масканларидан чиқарди ва айтдик: «Тушингиз (жаннатдан ерга)! (Сизлар) бир-бирингизга душмансиз. Энди маълум вақтгача (ажалларингиз етгунча) Ерда маскан тутиб яшайсиз»» (Бақара 34,35,36 оятлар)

Айни воқеъа туфайли шайтон ва Одамзод бир бирига душман бўлишди. Бу душманлик то дунё ҳаёти тугагунча давом этадиган душманлик эди. Чунки, унга то қиёматгача яшашга муҳлат берилганди. Бошқа жинлар туғилиб маълум муддат яшаб ўлиб кетишади. Лекин, Иблис ўлмайди. Иблиснинг вазифаси Одам авлодини адаштиришдан иборат эканлиги ва унга эргашмаслик лозимлиги қуръонда қайта қайта зикр қилинади.

Эсланг, Биз фаришталарга Одамга сажда қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат иблис (кибру ҳаво билан): «Сен лойдан яратган кимсага сажда қилурманми?» деди.

У (яна шундай) деди: «Менга хабар бергин-чи, мана шу кимсани мендан улуг-устун қилдингми? Қасамки, агар Сен мени Қиёмат кунигача (тирик) қолдирсанг, албатта, мен унинг зурриётини

қириб юборурман, яъни, ҳақ йўлдан оздириб, ҳалокат йўлларига буриб юборурман, магар озгиналаригина (ҳақ йўлда) қолурлар». (Аллоҳ) айтди: «Бор, (сенга Қиёматгача умр бердим) Бас улардан ким сенга эргашса, У ҳолда, шак-шубҳасиз, жаҳаннам сизларга етарли жазо бўлур! Улардан кучинг етган кимсани овозинг билан қўзғат, уларнинг устига отлиқ ва пиёда (лашкарингни) торт, топган мол-давлат ва бола-чақаларида уларга шерик бўл (яъни, уларни ҳаромдан мол-дунё ва бола-чақа орттиришга унда), уларга (ёлғон) ваъдалар қил». Дарҳақиқат, шайтон уларга фақат алдов-ёлғон нарсаларнигина ваъда қилур. «Менинг (иймон-эътиқодли) бандаларим устига эса сен учун ҳеч қандай салтанат-ҳукмронлик бўлмас. Парвардигорингнинг Ўзи етарли қўриқловчидир». (Исро сураси 61дан 65гача оятлар)

Қуйидаги оятларда ҳам айни масала қайта қайта такрорланган.

«Эсланг, (эй Муҳаммад), фаришталарга Одамга таъзим қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат иблис (сажда қилмади). У жинлардан эди. Бас, Парвардигорининг амрига бўйинсунишдан бош тортди. Энди сизлар (эй Одам болалари)» Мени қўйиб, уни (яъни, иблисни) ва зурриётларини дўст турурмисиз?! Улар сизларга душман-ку! У (иблис) золим кимсалар учун (Аллоҳнинг ўрнига ибодат қилинадиган) нақадар ёмон «бадал ўринбосардир». (Кахф сураси 50 оят)

Юқоридаги оятлар мазмунидан билдикки, шайтон бу дунёда Одам авлодларини тўғри йўлдан адаштиришни истайди. Ва бу дунёдаги инсонлар унга эргашмасдан пайғамбарлар олиб келган таълимотга эргашишлари лозимдир. Шайтонга эргашсалар йўлдан адашадилар. Лекин. Улар ўзларини адашганлигини билмасликлари ва тўғри йўлдамиз деб ўйлашлари мумкин. Шуниси диққатга сазовордир. Адашган кимсалар ўзларини адашганлигини, жаҳаннам эгалари бўлиб қолганидагина биладилар.

Ким Раҳмон эслатмасидан кўр бўлиб олса, юз ўгирса, Биз унга шайтонни яқин қилиб қўюрмиз, бас у ўша (кимсага) ҳамроҳ бўлур. Шак-шубҳасиз (шайтонлар) йўлдан тўсурлар, ўзларини ҳидоят топгувчилар, деб ҳисоблайдилар. То қачон Бизнинг ҳузуримизга келгач, (ўзини Тўғри йўлдан оздирган шайтонга қараб): Орзу эди, мен билан сенинг ўртанг Шарқу Ғарбнинг ўртасидаги масофа (каби йироқ) бўлса. Бас (сен), нақадар ёмон ҳамроҳдирсан, дер.

(Зухруф сураси 36, 37, 38 оятлар)

Шайтон қандай адаштиради?

Юқоридаги оятларда шайтон адаштирувчи эканлигини ва энг аввал адаштиргани Одам алайҳиссалом эканини билдик. Шайтон мўмину кофирни адаштирувчи махлуқдир. Жин ва инсонларни ҳам адаштирувчи махлуқдир. Чунки, инсон ва жин фитратида нафс бор. Нафс шайтоннинг инсон ва жин қалбига йўл топадиган воситасидир. Нафс эса, ейиш, ичиш, ухлаш, жинсий лаззат олиш, кўриш ва эшитиш, таъм билиш ва ҳидлаш каби жасаднинг узвий эҳтиёжларини қондириш эҳтиёжидир. Булардан ташқари, нафснинг руҳий эҳтиёжи бор. Бу ибодат қилиш истагидир. Шуларни қондиришда, шариат белгилаган мезон бўлса, нафс эҳтиёжлари шу мезон асосида қондирилса, бу тўғри йўлдир. Исломот талаб қиладиган йўл шудир. Шу эҳтиёжлар шаръий мезондан ташқарида қондирилса, бу шайтон васвасасига алданишлиқдир ва бу адашишдир. Кураш айни шу нафсоний эҳтиёжларни қандай қондиришдан иборатдир. Дунё ҳаёти синови ҳам айни шудир. Аллоҳнинг кўрсатган мезонига амал қилувчилар, нафсоний истакларни гарчи нафси васваса қилсада, ва гарчи имкону шароитлар топилсада, барибир шаръий мезонга мувофиқ қондирадилар. Ана ўшалар тақводорлардир. Бу мезонга амал қилмайдиганлар шайтонга эргашган ва йўлдан озган кимсалардир.

(Иблис) айтди: «Парвардигорим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли албатта уларга ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб қўюрман ва албатта уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздирурман. Магар уларнинг орасидаги покиза бандаларинггина (ҳақ йўлдан озмай қолурлар)». (Аллоҳ) деди: «Менинг зиммамдаги Тўғри йўл будир: аниқки, Менинг бандаларим устида сен учун ҳеч қандай салтанат — ҳукмронлик йўқдир, магар сенга эргашган гумроҳ кимсаларнигина (бу Тўғри йўлдан оздира олурсан)». У кимсаларнинг барчалари учун ваъда қилинган жой, шак-шубҳасиз, жаҳаннамдир. (Хижр сураси 39 дан 43 гача оятлар)

Нафсга эса, тақво ҳам, фисқ ҳам илҳом қилинади. Яъни, ҳар бир одамнинг нафси у ё, бу гуноҳ ва фисқ амални қилишга мойил бўлади. Шунингдек, нафс тақвога ҳам мойил бўлади.

Инсон зоти ана шу икки мойиллик орасида умр ўтказади. Баъзида, яхши амаллар қилади. Баъзида эса, айни шу яхши амаллар қилган одамдан ёмон амаллар содир бўлади. Чунки, инсон табиати шундай яратилган.

Жонга ва уни расо қилиб-яратиб унга фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб — ўргатиб қўйган зотга қасамки. Дарҳақиқат уни (яъни ўз нафсини — жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. Ва у (жонни фисқ-фужур билан) кўмиб хорлаган кимса номурод бўлди.

(Шамс сураси 7, 8, 9, 10 оятлар)

Нафс эҳтиёжларидан бири ибодат қилиш дедик. Инсу жин бу эҳтиёжни қондиришга мажбурдир. Айни шу эҳтиёжни қондиришда аллоҳу Таъоло нозил қилган ваҳйга асосан қондирса, яъни, Аллоҳни яккалигини таниб, Унинг Ўзигига ибодат қилса, бу тўғри қондиришлиқдир ва ҳидоятдир.

Ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқдир. У сизларни ҳеч шак-шубҳасиз бўлган қиёмат кунда тўплайди. Аллоҳдан кўра ростгўйроқ ким бор?!

(Нисо 87 оят)

Агар бошқа нарсаларни илоҳ қилиб олиб, ўша нарсаларга ибодат қилишса, бу шаръий мезонни бузилишидир ва залолатдир. Шариат нозил бўлиши сабаби ҳам, шу адашганларни тўғри йўлга йўллашдир.

Аллоҳ сизларга шариат ҳукмларини баён қилишни, сизларни илгари ўтган (ҳақ йўлдаги) зотларнинг йўлларига ҳидоят қилишни ва тавбаларингизни қабул қилишни истади. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир.

(Нисо 26 оят)

Шайтон Одам авлодини Аллоҳга ибодат қилишларини истамайди. Шу сабабли бошқа сохта илоҳларга ибодат қилишга васваса қилади. Шу сабабли, инсоният тарихида сохта илоҳлар жуда кўп бўлган. Бугун ҳам етарлича топилади.

Аллоҳдан ўзгага ибодат қилишлик масаласи Иблис билан Пайғамбарлар орасидаги ва куфр билан имон орасидаги асосий курашдир. Аллоҳдан ўзгага ибодат қилувчиларни қуръонда Аллоҳу Таъоло «ўз ҳавои нафсини илоҳ қилиб олган» деб атади.

Хабар беринг-чи, ким ҳавои нафсларини илоҳ қилиб олган бўлса, сиз унинг устида вакил-қўриқчи бўлурмисиз?! Шунингдек, ҳар бир пайғамбар учун инсу жин(дан бўлган) шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини алдаш учун гўзал сўзлар билан васваса қиладилар. Агар Парвардигорингиз хоҳласа, ундай қилмаган бўлур эдилар. Бас, уларни тухмат, бўхтонлари билан бирга тарк қилинг! Ундай сўзларга охиратга ишонмайдиган кимсаларнинг диллари мойил бўлиши учун ва ўша сўзларга рози бўлишиб, ўзлари қилмоқчи бўлган гуноҳларини қилишлари учун (васваса қиладилар). (Анъом сураси 112, 113 оятлар)

Бу имон ва куфр масаласида адашиш, имондан жуда бўлишга олиб келади. Нафсининг бошқа истакларида шайтонга эргашиш эса, гуноҳкор бўлишга сабаб бўлади. Лекин, имондан чиқармайди. Аллоҳдан ўзгага ибодат қилиш ширкдир. Бу Аллоҳ кечирмайдиган гуноҳдир.

Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур. Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) шерик келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди.

(Нисо сураси 48 оят)

Зино қилишлик кабира гуноҳдир. Лекин, зинокор кофир дейилмайди.

Бу иккала гуноҳни, яъни, ширкни ва зинони қилган кимса. Шубҳасиз шайтонга эргашган бўлади. Бириси нафсининг руҳий эҳтиёжини қондиришда, бошқаси жинсий эҳтиёжини қондиришда шайтонга эргашиди. Биттаси агар аввал мўмин бўлса, имондан ажралади. Иккинчиси, кабира гуноҳ қилган бўлади. Бу ерда диққат қилиш лозим бўлган нуқта шуки, ҳар қандай тақводор одамда нафси бор. Демак, у ҳам гуноҳ қилишга мойил. Ва баъзида қилади ҳам. Тақводорлар гуноҳ қилмайдиган кимсалар эмас, балки, қилган гуноҳига тавба қилувчи кишилардир. Лекин, улар имкон қадар нафсини тийишга ҳаракат қиладиган ва гуноҳ амаллардан қайтишга уринадиган кимсалардир. Ана шу уларнинг тақвосининг белгисидир. Жаннат ҳам айна шундай амалнинг мукофотидир.

Энди ким Парвардигорининг (ҳузурида) туришидан қўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, У ҳолда фақат жаннатгина (унинг учун) жой бўлур.

(Нозиёт сураси 40, 41 оятлар)

Қуйидаги оятларда эса, Юсуф айлаҳиссаломнинг Зулайҳога мойил бўлганликлари зикр қилинади.

У (Юсуфни) уйида бўлган аёл (яъни, Зулайҳо) уни йўлдан урмоқчи бўлди. Эшикларни маҳкам беркитиб «келақолгин», деганида, (Юсуф) айтди: «Аллоҳ сақласин. Ахир у (яъни, эринг) менга яхши жойлар берган ҳожам-ку! Албатта, золим кимсалар асло нажот топмаслар».

Ҳақиқатан, (Зулайҳо) мойил бўлди. Юсуф) ҳам унга (Зулайҳога) мойил бўлди. Агар Парвардигорининг очиқ ҳужжат-аломатини кўрмаганида, (гуноҳкор бўлиб қолиши мумкин эди) Ундан (Юсуфдан) ёмонлик ва бузуқликни четлатиш учун мана шундай қилдик (яъни, бурҳон кўрсатдик). Зеро, у покиза бандаларимиздандир.

(Юсуф сураси 23, 24 оятлар)

Муфассирлар бу оят тафсирида, «Юсуф айлаҳиссаломнинг Зулайҳога мойил бўлиши, унинг нафсоний фитратидан эканлигини ва бу ҳар қандай эркак кишига хос сифатлигини зикр қилиб, мойил бўлмаслик эркаклик нуқсони бўлар эди» деган, фикрлар билдиришган. Синов гуноҳга мойил бўлмасликда эмас, балки, мойил бўлиб, шу амалдан тийилишликдадир.

Исломдаги қайтариқлар бари шу нарсаларни табиати ёмон кўриб тарк этишликни эмас, балки, табиати истаган ҳолда тарк этишни талаб қилади. Нафс ана шундай истакларга мойил бўлгувчидир. Бу унинг сифатидандир.

Қуръони каримда Юсуф алайҳиссалом тилидан шундай дейилади;

«Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса — албатта барча ёмонликларга буюргувчидир. Дарҳақиқат, Парвардигорим мағфиратли, меҳрибондир». (Юсуф сураси 53 оят)

Инсон тўғри йўлдан адашар экан, албатта, ана шу нафсининг истакларини қондириш йўлида залолатга кетади. Айни шу масалада шайтон унга турли нарсаларни васваса қилади. Айтиш мумкинки, инсон фитратидаги нафс бу шайтон қўлидаги тизгиндир. Бу тизгин орқали шайтон инсон устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Албатта, бу бирданига бўлиб қолмайди. Узоқ муддат давомида оз оздан нафс тизгинини қўлга киритган шайтон инсон устига ҳоким бўлади. Инсон унинг айтганидан чиқолмайдиган бўлиб қолади. Оқибатда охири вой бўлади. Қуръони карим эса, шу аҳволга тушиб қолмасдан илгари тавба тазарру қилиб покланишга чақиради.

Ким бирон бир ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳни мағфират қилгувчи ва меҳрибон эканини топар — кўрар. (Нисо сураси 110 оят)

Лекин тавба тазаррусиз ўтиб кетган кимсалар охиратда зиён кўрувчилардан бўлади. Азалдан шундай бўлиб келган ва то қиёматгача шундай бўлиб қолади. Шу сабабли, қуръони каримда Аллоҳу таъоло ўз адашган бандаларига қиёматда қандай хитоб қилишини хабарини беради;

Мен сизларга «Эй Одам болалари, шайтонга ибодат қилмангиз, чунки у сизларга очиқ душмандир. Менгагина ибодат қилинглари! Мана шу Тўғри йўлдир», деб буюрмаганмидим?!

Аниқки (шайтон) сизларнинг ичингиздан кўп авлодни йўлдан оздирди. Ахир ақл юритгувчи бўлмадингизларми?! (Ёсин сураси 60, 61, 62 оятлар)

Бу оятларда ҳали тирик, дунёда тинч омон яшаётган одамларга эслатма ва огоҳлантиришлик бордир.

Жинлар орасидаги шайтонлар

Қуръони Каримда Одам алайҳиссаломни алдаб жаннатдан чиқишига сабаб бўлган жин Иблисни, кейинчалик қиёматгача яшаш муҳлати берилиб, шайтонга айлангани юқоридаги оятлар шарҳида зикр қилинган эди. Бу қисмда Иблисдан бошқа, шайтон номига эга, кимсалар кимлар эканлигини ўрганамиз.

Ўзи бу дунёда синов имтиҳон учун яратилган махлуқлар, қуръон гувоҳлигига кўра, айнан жинлар ва инсонлардир.

Бу оят шунга далилдир.

«Жин ва инсонни фақат Менгагина ибодат қилишларит учунгина яратдим».

(Зариёт сураси 56 оят)

Жинлар инсонлардан олдин яралганди. Уларни олдин адаштирувчи алоҳида махсус жин бўлгани ҳақида маълумот йўқ. Лекин, ўша пайтда улар ҳаммаси тақводор ибодатда бўлишганмас. Улар орасида бузғунчилик қиладиганлари ва ноҳақ қон тўкадиганлари бўлган. Уларга ўзларидан пайғамбарлар келгани айтилади. Инсоният яралгач, уларга ҳам инсонларнинг расулларидан бўлган баъзи пайғамбарларга эргашиш буюрилди. Муҳаммад алайҳиссалом инсу жинга расул бўлган эдилар.

«Албатта бизларнинг орамизда яхшилар ҳам бордир ва (шунингдек) орамизда ундоқ эмаслар (яъни ёмонлар) ҳам бордир. Бизлар (Қуръонни эшитишдан илгари) бўлак-бўлак йўлларда эдик.

(Жин сураси 11 оят)

Одам Ато яралгандан кейин, шу жинлардан бўлган Иблис кофир бўлиб, шайтонга айланади. Айнан Иблис Одам Ато ва Ҳаво онамизни жаннатдан чиқишига сабаб бўлади. Бу ҳақида қуйидаги оятда шундай дейилади;

Эй Одам, сен эса жуфтинг (Ҳавво) билан жаннатни маскан тутиб, хоҳлаган жойингиздан таомланинг. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қолурсиз. Сўнг шайтон уларни беркитилган авратларини очиб юбориш учун васвасага солди ва: «Парвардигорингиз фақат фаришталарга айланмаслигингиз ёки (жаннатда) абадий яшаб қолмаслигингиз учунгина сизларни бу дарахтдан қайтарди», деди. Ва уларга: «Албатта мен сизларга холисларданман», деб қасам ичди. Бас, алдов билан уларни (тубан ҳолатга) тушириб қўйди. Ўша дарахтдан тотиб кўришлари биланоқ авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. (Шунда) уларга Парвардигорлари нидо қилиб : «Сизларни бу дарахтдан қайтармаганмидим ва албатта шайтон сизларнинг очиқ душманингиз демаганмидим?! (деди) »

(Аъроф сураси 19 дан 22 гача оятлар)

Иблис энди ўз қавмидаги жинларни кўпларини ўзига эргаштириб, ўзи каби, адаштирувчи шайтонга айлантирди. Энди шу жин ва инсон зотидан бўлган кимса, шайтонга эргашиб, кофир бўлса, у ҳам шайтон ҳисобланади. Шу маънода, шайтонлар ҳам жинлар ва ҳам инсонлар ичида бўлиши мумкин. Бундайларни шайтоннинг малайлари дейилади. Аллоҳу Таъоло шундай кимсалар борлигини хабарини бериб айтади;

Эй Одам болалари, шайтон Оталарингизнинг авратларини ўзларига кўрсатиш (яъни, уятли аҳволга солиб қўйиш) учун либосларини ечиб, жаннатдан чиқаргани каби, сизларни ҳам алдаб қўямасин! Чунки у ва унинг малайлари сизларни ўзингиз билмайдиган тарафдан кўриб турадилар. Албатта Биз шайтонни иймонсиз кимсаларга дўст қилиб қўйганмиз.

(Аъроф сураси 27 оят)

Юқоридаги оятда шайтоннинг ўзи ва унинг малайлари сизларни кўриб туради дейилган. Яъни, шайтон катта куч қувватга эга бўлган жиндир. Жинлар ичида кофирлари ва мўминлари борлигини биламиз. Улар ичидаги кофир жинлар шайтонга эргашган ва ўзлари ҳам шайтонга айланган жинлардир. Унга эргашган жинлар яъни, унинг малайлари ҳам куч қудрат соҳиблари саналадилар. Шайтонларнинг ҳаммаси кофир ҳисобланади. Мусулмон жинларга шайтон дейилмайди. Ана ўша шайтон ва унинг малайлари инсонларга қараганда анчагина устунликларга эгадирлар. Лекин, улар бу куч қудратини мусулмон жинлар ва инсонларни йўлдан уриш учун ишлатадилар. Шунинг учун ҳам улар шайтон дейилади. Уларга қиёматда шу амаллари учун жазо берилиши қуръонда хабари берилади;

(Аллоҳ) уларнинг барчаларини тўплайдиган кунда: Эй жинлар жамоаси, инсонлардан жуда кўпини (адаштирдингиз), дер.

Шунда у жинларнинг инсонлардан бўлган дўстлари: Парвардигоро, бизлар бир-биримиздан фойдаландик ва Ўзинг биз учун белгилаб қўйган ажалимизга етиб келдик, деганларида, Аллоҳ айтур: Жойингиз дўзахдир! Унда абадий қолурсиз, магар Аллоҳнинг хохиши билангина (чиқишингиз мумкин). Албатта, Парвардигорингиз ҳикмат ва билим соҳибидир.

(Анъом сураси 128 оят)

Юқоридаги оятда айни жинлар йўлдан урган инсонлар қиёматда дўзахга тушиши баён қилинмоқда. Қўйидаги оятда ҳам шайтон итнсонга душман эканлиги эслатилади ва уни душман тутишга буюрилади;

Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас уни душман тутинглар! Шак-шубҳасиз у, ўз фирқасини (яъни ўзига эргашган кимсаларни) дўзах эгалари бўлишлари учун даъват қилур.

(Фотир сураси 6 оят)

Инсонлар орасидаги шайтонлар

Инсонлар орасидаги шайтонлар ҳам кофир кимсалардан ташкил топади. Инсон шайтони гарчи, жин шайтони каби, куч қудратга эга бўлмасада, унга ҳам бошқаларни алдашлик ва адаштиришлик қобилияти берилган бўлади. Айтиш мумкинки, уларга ҳам «илм» берилган бўлади. Бу илм охирагача учун манфаати йўқ илмдир. Бу илм шу дунёда ҳам инсониятга манфаат келтирмайдиган илмдир. Илм агар инсониятга манфаат келтирмаса, у илм шайтоний илмдир. У илм шайтонга хизмат қилаётган илмдир. Уни устида ўтирганлар шайтонга қул бўлган кимсалардир. Шу туфайли улар ҳам шайтон бўлади. Чунки, у ўзидаги мавжуд ақл ва тафаккурини фақат залолатга ишлатади. Инсоният бошига балолар келтиради. Ўзини йўлини тўғри деб, ўйлайдиган ва тўғри йўлни кўришдан маҳрум кимса бўлади.

У (Аллоҳ) бир гуруҳни ҳидоят қилди, бошқа бир гуруҳга эса йўлдан озиш ҳақ бўлди. Чунки улар Аллоҳни қўйиб, шайтонни дўст тутиниб олганлар-да, яна ўзларини ҳидоят топгувчилар, деб ҳисоблайдилар.

(Аъроф сураси 30 оят)

Уларнинг ўзлари баъзида, Иблисга қуллигини англамаслиги мумкин. Кўплари яхши англашади. Фолбин ва сеҳргарлар шубҳасиз ўзларини кофир жинлар билан алоқа қилаётганлигини тушунишади. Тавҳид ақидасига зид ва ширкка олиб боровчи ҳар қандай дин, ақида, йўл бу шубҳасиз шайтон йўлидир. Бу йўллар барчаси жаҳаннамга олиб боради. Бу йўлларни ичида инсу жиндан бўлган шайтонлар бор. Ҳаммасини устидан Иблис назорат қилиб туради. Аллоҳ таоло «Шуаро» сурасида қуйидагиларни айтади:

«Сизларга шайтонлар кимга тушишини айтиб берайми? Улар ўта уйдирмачи ва ўта гуноҳқорларга туширлар. Улар (шайтонларга) қулоқ осарлар. Ва уларнинг кўплари ёлғончилардир»

(Шуаро сураси 221-223 оятлар)

Бундай кимсалар ҳақида, улар чорва ҳайвонларидан ҳам баттарроқ пасткаш эканлигини Аллоҳу Таъоло ўз китобида хабар берган;

Ёки сиз уларнинг кўплари (ҳақ сўзни) тинглай оладилар ё англай оладилар деб ўйлайсизми?! Улар ҳеч нарса эмас, чорва ҳайвонлари кабидирлар халос. Йўқ, улар янада йўлдан озганроқ кимсалардир!

(Фурқон сураси 43, 44 оятлар)

Яъни, шайтонлар инсонлар ва жинлардан иборат махлуқотлардир. Аниқроғи улар инсу жинларнинг кофирларидир. Бу тоифа сафига мўмин жин ва инсонлар орасидаги фитначилар кирмайди. Яъни, имон эгалари ҳам у бу фитнага сабаб бўлиб қолишлари мумкин. Бу уларнинг ўзларини шайтон дегани эмас. Имон эгалари шайтон дейилмайди. Ўша шайтонлар васвасасига кўра, баъзан мўминлар орасида бахиллик, қўрқоқлик, адоват, кибр, кизб, қон тўкиш, шаҳватга берилиш, зино ва ўғирлик қилиш каби қатор кабира гуноҳлар содир бўлади. Бундай ҳолатда, ўша кишилар гуноҳқор дейилади. Улар кофир ёки, шайтон дейилмайди. Шубҳасиз бу гуноҳлар ўша шайтон мўминларга ўз ҳукмини ўтказган пайтдагина содир бўлади. Баъзида эса, уларга бўйсунган мўминлар имондан ажралиб мушрик бўлиб қолиши мумкин.

Албатта, шайтонлар ўз дўстларини сизлар билан жанжаллашишлари учун васвасага солурлар. Агар уларга бўйинсунсангизлар, ҳеч шак-шубҳасиз мушриклардан бўлиб қолурсизлар.

(Анъом сураси 121 оят)

Бошқа бир оятда эса, шайтон ўз ҳукмронлигини ўтказа олмайдиган бандалар борлиги ҳақида хабар берилади.

(Иблис илтижо қилиб) деди: «Парвардигорим, у ҳолда менга улар қайта тириладиган кунгача (ўлмасдан яшаш учун) муҳлат бергин». (Аллоҳ) деди: «Бас, сен маълум вақтда (етиб келадиган) Кунгача (қиёматгача) муҳлат берилганлардансан». (Иблис) айтди: «Парвардигорим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли албатта уларга (Одам болаларига) ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб кўюрман ва албатта уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздирурман. Магар уларнинг орасидаги покиза бандаларинггина (ҳақ йўлдан озмай қолурлар)». (Аллоҳ) деди: «Менинг зиммамдаги Тўғри йўл будир: аниқки, Менинг бандаларим устида сен учун ҳеч қандай салтанат — ҳукмронлик йўқдир, магар сенга эргашган гумроҳ кимсаларнигина (бу Тўғри йўлдан оздира олурсан)».

(Хижр сураси 36 дан 42 оятлар).

Бу оятларда Иблиснинг ўзи Одам авлодини йўлдан оздиришини айтаяпди ва Покиза бандаларни йўлдан оздира олмаслиги маълум қиляпди. Иблис ҳам адаштира олмайдиган кишилар борлиги айтилди. Хўш, улар кимлар?

Шайтон кимларни адаштирмайди?

Иблис Одам Атони ва унинг жуфтини йўлдан урганди. Одам Ато эса инсоният отасидир. Биринчи инсондир. Ундан ташқари шайтон жуда кўп одамларни адаштиргани қуръони каримда баён қилинади. Аллоҳу Таъоло шайтон фақат унга эргашган кимсаларни йўлдан оздиришини баён қилди.

(Аллоҳ) деди: «Менинг зиммамдаги Тўғри йўл будир: аниқки, Менинг бандаларим устида сен учун ҳеч қандай салтанат — ҳукмронлик йўқдир, магар сенга эргашган гумроҳ кимсаларнигина (бу Тўғри йўлдан оздира олурсан)». (Хижр 42 оят)

Иблис ҳам қиёмат куни ўзига эргашганларга қарата шундай дейди;

«Иш битиб бўлганда шайтон: «Албатта, Аллоҳ сизга ҳақ ваъдани қилган эди. Мен эса сизга ваъда бердим-у, ваъдамга хилоф қилдим. Менинг устингиздан ҳеч қандай ҳукмронлигим йўқ эди. Фақат даъват қилсам, ўзингиз менга ижобат қилдингиз. Бас, мени маломат қилманг, ўзингизни маломат қилинг. Мен сизларни қутқарувчи эмасман, сизлар ҳам мени қутқарувчи эмассизлар. Энди, мен, албатта, илгари мени шерик қилганингизни инкор қиламан. Албатта, зolimларга, ҳа, уларга аламли азоб бор», деди» (Иброҳим» сураси 22 — оят)

Бу оятлар мазмунига кўра, шайтон ўзига эргашганларнигина йўлдан оздиради халос. Унга эргашмасликка эса, барча мўминлар буюрилганлар. Аллоҳу Таъоло шайтон васваса қилганда унинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрашга буюради. Ҳатто, улуғ пайғамбарлар ҳам Иблиснинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрашган.

Ва айтинг: «Парвардигорим, мен Сендан шайтонларнинг васвасаларидан паноҳ беришингни сўрайман. Яна мен Сендан (ё) Парвардигорим, улар менинг ҳузуримга келишларидан паноҳ беришингни сўрайман». (Муъминун сураси 97, 98 оятлар)

Агар сизни шайтоннинг васвасаси йўлдан урмоқчи бўлса, Аллоҳдан паноҳ сўранг! Албатта, У эшитувчи, билгувчидир. (Аъроф сураси 200 оят)

Мусо алайҳиссаломга хитобан Аллоҳу Таъоло шундай деб буюради;

Бас, сени (қиёматга) ишонмайдиган ва ҳавои нафсига эргашган кимсалар ундан тўсмасинларки, у ҳолда ҳалок бўлурсан. (Тоҳо сураси 16 оят)

Аллоҳу Таъоло Довуд алайҳиссаломга ўз ҳавои нафси(шайтон)га эргашмасликка буюради;

Эй Довуд, дарҳақиқат Биз сени ерда халифа қилдик. Бас сен (нафс) хоҳишига эргашиб кетмагин! Акс ҳолда у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур.

Албатта Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини (яъни Қиёматни) унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир. (Сод сураси 26 оят)

Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам яҳуд ва насороларга эргашмасликка буюрилади;

Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар. Айтинг: «Аллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир». Қасамки, агар сизга қелган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам бергувчи бўлмайди. (Бақара сураси 120 оят)

Демак, юқоридаги оятдан биламизки, пайғамбар алайҳиссаломлар ҳам шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўрашга ва унга эргашмасликка буюрилганлар. Шайтонга эргашишлик ҳавои нафсга эргашишлиқдир. Яъни, Аллоҳ нозил қилган ваҳйни тарк этиб, у бу кимни ҳавосига эргашишлиқдир. Айни шундай қилишликдан пайғамбарлар қайтарилдилар. Ўзларига буюрилган каби истиқоматда бўлишга ва кофирларга итоат қилмасликка буюрилдилар.

Тақводор мўминларга ҳам шайтоннинг васвасасидан қутулиш учун Аллоҳни эслаш лозимлиги айтилади. Тақво қилгувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирон васваса ушласа, (Аллоҳни) эслайдилар, бас (тўғри йўлни) кўра бошлайдилар. (Аъроф сураси 201 оятлар)

Демак, шайтон ўзига эргашган одамларнигина адаштира олади. Ва унга эргашмаган инсонларни адаштира олмас экан. Энди унга эргашмаслик қандай бўлади? деган саволга жавоб излаймиз. Шайтонга эргашиш деганда, шариатда гуноҳ эканлиги айтилган амалларни бажаришлик тушунилади. Гуноҳ ишни қилувчилар шайтонга эргашаётган одамлардир. Нафси васваса қилганида Аллоҳни эслаб, шу гуноҳдан тийилганлар шайтонга эргашмаган одамлардир. Бу эргашиш ва эргашмаслик баъзан инсон ўзи англамасдан содир бўлиши мумкин. Баъзида одам ўзини тўғри иш қилаяпман деб хато қилиши мумкин. Ёки аксинча.

Бундай ҳолатда мезон шариатдир. Ва инсон ниятидир. Бу нарса эса Аллоҳгагина аён дир халос. Шунинг учун инсон доим адашиш эҳтимолини ўзидан соқит қилмасликка маъмурдир. Хавф ва рижодан холи қалб бўлмаслиги шунинг учун шарт қилинди. Шайтон макридан васвасасидан холи бўлиш мушкул ишдир. Бунинг учун ҳам қуръонда кўрсатилган каби амаллар қилиш керак. Айтинг: «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан, барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг Илоҳидан (менга) ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган, (қачон Аллоҳнинг номи зикр қилинганида) яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман». Нос сураси

Бу сурани ўқиб шайтоннинг ёмонлигидан сақланиш мумкин. Шунингдек, инсон табиатида бўладиган ҳасад ва адоватни уйғотувчи нарсаларни ошкора қилмасдан, беркитишлик ҳам шайтон васвасасига йўл бермаслик учун қилишлик тавсия қилинади;

У (отаси Яъқуб) деди: «Эй ўғилчам, бу тушингни оға-иниларингга ҳаргиз айта кўрма, токи улар сенга қарши бирон ҳийла қилмасинлар. Чунки шайтон инсон учун очик душмандир».

(Юсуф сураси 5 оят)

Исломда аёлларни авратларни беркитиб юришликка буюрилгани ҳам шу сабаблидир. Аёллар макри қаттиқ фитна эканлиги ва шайтон макри ундан заифлигига далил бор.

Шубҳасиз, шайтоннинг макри заифдир. Нисо сураси 76 оят

Қуръони Каримда Юсуф алайҳиссаломга фитна қилган аёл Зулайҳонинг эри тилидан айтилган оятда шундай дейилади; Энди қачонки (Зулайҳонинг эри Юсуфнинг) қўйлаги орқа томонидан йиртилганини кўргач: «(Эй аёллар-а), албатта бу (иш) сизларнинг макр-ҳийлаларингиздандир. Дарҳақиқат, сизларнинг макрларингиз жуда зўрдир». (Юсуф сураси 28 оят)

Шайтон тузоғига тушмаган одамни ўзи бўлмаса керак. Инсон зоти борки, у бу даражада унинг васвасасига дучор бўлади. Асосийси эса, унга қул бўлиб қолмасликдир. Тавба қилиб ўзини ўнглаб олишлиқдир. Шайтонга қул бўлишликнинг энг олий кўриниши, бу диндан чиқиб кофир бўлишлиқдир. Шундай бўлиб ўлганлар ҳолига вой! Аллоҳу Таъоло шундайлар ҳақида хабар бериб айтади; Албатта ўзларига ҳидоят (йўли) аниқ-равшан бўлганидан кейин яна ортларига (куфрга) қайтиб кетган кимсаларга (бу ишларини) шайтон чиройли қилиб кўрсатди ва улар учун (пуч орзу-хаёлларни) узун қилиб қўйди. (Муҳаммад сураси 25 оят)

Уларнинг мисоли шайтон кабидир. Эсланг, у инсонга «Кофир бўл», деган эди. Энди қачонки (инсон) кофир бўлгач, (шайтон унга) «Албатта мен сендан безорман. Зеро мен барча оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан қўрқурман», деди. Бас иккисининг (шайтон ва унинг сўзига кириб, кофир бўлган инсоннинг) оқибати дўзахга кириб, унда мангу қолишлари бўлди. Золим кимсаларнинг жазоси шудир! (Ҳашр сураси 16, 17 оятлар)

Ҳулоса;

Шайтон шубҳасиз инсоният душманидир. Шайтон мўмин инсу жинларга доимий адоват қиладиган махлуқдир. Шайтон лаънатлангандир. Унга то қиёмат кунигача барча мўминлар лаънат айтажаклар.

(Аллоҳ) деди: «Бас, ундан (яъни, жаннатдан) чиқ! Энди сен, шак-шубҳасиз, (Менинг даргоҳимдан) қувилган — малъунсан. Ва албатта то жазо (қиёмат) кунигача сенга (барчанинг) лаънати бўлур». (Хижр сураси 34 ва 35 оятлар)

Ана шу малъун шайтоннинг васвасасидан барча мўминларни ва мени ва зурриётимни саломат сақлашлигини Роббимдан сўрайман. Унинг васвасаси билан қилган хатою гуноҳларимга истиғфор айтаман. Сўзимнинг охири оламлар парвардигори ёлғиз Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин! Расули ва бандаси Муҳаммад алайҳиссаломга саловоту саломлар бўлсин!

.....

09. 10. 2015

Жумбоқлар

Сурия қирғини давом этар экан, бу қирғиннинг оғир асоратлари кун кундан тобора кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Интернет ҳали ўтда куйган ва ҳали сувда чўккан Сурияликлар суратлари билан тўлиб тошмоқда. БМТ деб, номланган ва дунё муаммоларини ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб олган ташкилотни, аллақачон бу вазифани уддалай олмаётганлигини гапирмай қўя қоламиз. Бугун дунёдаги қудратли давлатлар ҳар бири ўз билганича, истаган ишини қилиб ётганига ҳам тупурамыз. Бу уришаётган томонларга, гоҳ унисига бир гуруҳ давлатлар ва бунисига бир гуруҳ давлатлар ошкора ва яширин қурол яроғ ва пул билан ёрдам бериб, уларни уриштираётганига ҳам тупурайлик. Биз бугун оддий, имон даъво қилган одамлар ҳақида ёки, имони бўлмасада, инсонийлигини намоён қиляётганлар ҳақида гапирайлик. Бу суратларни кўрган дини ва миллатидан қатъий назар барча виждонли кишилар уларга ачинаяпдилар. Европа давлатлари уларни қабул қилиш устида бош қотирмоқдалар. Швед газеталари ёзишича, шу йилда 200 мингта Суриялик қочоқлар турли йўллар билан Европа давлатларига келишган. Улардан 2,300 таси ўрта ер денгизда кема ҳалокати туфайли ҳалок бўлганлар. Турли хил инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ва хайрия фондлари бу масалани кун тартибига олиб чиқишга ва дунёга бонг уришга шошилмоқдалар. Эрдўғон бошлиқ Туркия ҳукумати бир ярим миллионга яқин Суриялик қочоқни қабул қилиб, озми кўпми егулик ва кийим кечак билан таъминлаб туришибди. Ҳатто, Ливан каби, аҳолиси 4 миллион атрофидаги кичкина давлат ҳам бир миллион Сурияликни қабул қилганлигини билямиз. Тўғри, булар оғир аҳволда уч йилдан бери ўтиришибди. Лекин, уларнинг вақтинчалик бошпаси бор. Ҳатто, Иордания ва Миср каби, камбағал давлатларда ҳам юз минглаб Сурияликлар паноҳ топишди.

Лекин, дунёдаги энг бой ва аҳолиси мусулмон бўлган араб давлатлари Саудия, БАА, Қатар, Қувайт, ва ҳаказолар ўз эшикларини Сурияликлар учун тақа тақ беркитишган. Бу давлатлар қўшниларидан бирорта қочоқни қабул қилишмаган. Бу давлатлар Суриядаги урушаётган томонларни моддий қўллаб қувватлаб, тургани маълум. Лекин, шу урушдан қочиб чиққанларга улар тарафидан ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаяпти.

Улар Суриялик қочоқларни ўз давлатларидаги барқарорликни бузишини ишашмайди. Улар региондаги камбағал давлатларнинг ҳукуматларини ўзлари истаган томонга айлантиришга уринишади. Мурсий ҳукуматини йиқитишга Саудлар миллиардлаб доллар берганлигини биламиз. Қўшниси Яманни Президенти Ҳоди Мансур шиаларнинг Ҳусий гуруҳидан қочиб Риёзга келганида, уни жойига қайтариш учун, Саудия бошлиқ коалиция Яманни бомбардимон қилди. Регионда ўзини лидер ҳисобловчи бу мустабидлар давлати нега бирорта Суриялик қочоқни қабул қилмайди? Нега юз йил олдинги Саудияга келган турли миллатга мансуб қочоқларга фуқаролик бермайди? Лекин, айти дамда Суриялик қочоқларни Европа давлатлари қабул қилмоқдалар. Шу кеча кундузда Македония ва Греция чегараларида юз минглаб Сурияликлар тўпланиб қолгани айтилмоқда. Бундан хабар топган Европа давлатлари фуқаролари ўз ҳукуматларидан Сурияликларга ёрдам беришни талаб қилмоқдалар. Швециядан аллақачон юз минглаб Суриялик қочоқ бошпана олишга улгурди. Яқинда Меркел хоним Европа давлатларини Сурияликларни кўпроқ қабул қилишга чақириқ билан чиқди. Ҳатто, кичкина Исландия аҳолиси ҳам, агар давлатни бу қочоқларга шароит яратиб бериш имкони бўлмаса, Сурияликларни ўз оиласига аъзи сифатида қабул қилишликни айтиб чиқишди. Булар Сурияликларни на дини ва на мазҳаби ва на қайси сиёсий манҳажда эканига қарамасдан, уларни қочоқ ва муҳтож инсон сифатида қабул қилмоқдалар. Саудлар, ёки Форс Кўрфазининг миллиардер амирлари эса, бу қочоқлар билан бир динда ва бир миллатга мансуб кимсалардир. Қолаверса, улар Бани одам сифатида ўзаро ака укалардир. Қани буларда на диний ва на миллий ва на инсоний ўз биродарига ғамхўрлик?! Қани буларда инсофу имон? Қани буларда Европаликлар каби, инсонийлик?! Булар шунчалик тубанликка тушдиларми? Ёки, ўзи аввалдан шу ерда собит туришганми?! Бу воқеъликни кўриб, одам ҳайратдан ёқа ушлайди. Бу Саудлар, БАА, Қувайт амирларининг дини, миллати, қолаверса, инсонийлиги қаерда қолди?! Ўзи бу нарсалар уларда олдин бўлгану, энди йўқ бўлдими? Ёки, уларда бу нарсалар, аввал ҳам мавжуд бўлмаганми?!

Ёки, биринчи ва иккинчи жаҳон урушларини пайдо қилиб, бошқа ўлкаларни ўзларига вассал қилиб олган ва у ерларда ўзларига тобеъ мустабидлик тузумларини умуман, бугунги дунёда мавжуд адолатсиз низомни ўрнатган учун бугунги Европаликлар, оталари хатолари учун бадал тўлашяпдими?! Ёки, мусулмон мустабидларига тегишли, Европа банкларидаги юзлаб ҳисоб рақамларда қолиб кетган миллиардлаб долларлар, мана шу бугунги қочоқларнинг пуллари бўлиб, улар ўзларига тегишли мол мулкни олиш учун бу ерларга келишяпдимикан?! Нима бўлганда ҳам, ислом умматининг ёш бегуноҳ гўдаклари қурбон бўлмоқдалар. Бу биз учун катта мусибатдир! Инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожиун! Бу жумбоқлар жавобини мен билмайман. Шояд, бу саволларга, биладиганлар жавоб беришар?!

2015 йил

Режим бизнинг жим бўлишимизни истаяпти

Мени ҳайрон қолдирадиган бир нуқтага эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана хорижда яшаётганимга олти йил бўлган бўлсада, доим интернетда, ва ўзимга тегишли сайтларда ва радиоблогимда бўлиб ўтган ва бўлаётган воқеъа ҳодисаларга муносабат билдириб келаман.

Шунингдек, бошқаларнинг ҳам фикрларини ёритиб бораман. Шу пайт ичида Ўзбекистонда қолган яқинларимга, юз марталаб турли даражадаги маҳаллий ва каттароқ доирадаги ички ишлар ходимлари «айтинглар, жим юрсин!» деб таъкидлашган. Бу дўқ пўписалар аввалига ватанга қайтсин, акс ҳолда ўзимиз олиб келамиз» каби ултиматум шаклда бўлган бўлса, кейинги пайтларда «Унга айтинглар, жим юрсин!» қабилида юмшоқроқ оҳангда айтиладиган бўлди. Мен яқинларим билан жуда кам гаплашаман. Гап сўзларимиз эшитилишини биламан. Уйдагилар ҳам билишади. Гаплашиб қолганда эса, албатта, улар «Жим юр» деб такрорлашдан чарчамайдилар. Мен ҳам шу гапларни эшита туриб ҳалигача жим бўлмадим.

Энди гапиришликка келсак, бугун ОАВда ёки, интернет оламида зулмга қарши овози чиқаётган шахслар бармоқ билан санарлиқдир. Бугун хориждаги ватандошларни сонини миллионлар билан саналади. Тўғри буларнинг аксари меҳнат муҳожирларидир. Лекин, Туркияда ўзбеклар сони ўн минглардан ошади. Европа ва Америкадагилар юз минглардан ошади. Булар эркин шароитда яшаётган кишилардир. Шунга қарамасдан мен радиоблогимда суҳбатлашишга одам тополмайман. Мабодо топиб суҳбат қилсам ҳам, эшитувчилар жуда кам. Бу кўрсаткичга қараганда менинг саъй ҳаракатларим умуман бефойдага ўхшайди. Шунга қарамасдан яна «жим юрсин» деган талаблар тўхтамаяпди. Мен таниган билган ўнлаб ватандошлар эса, бугун шу режим талабига бўйсуниб «жим юришибди» Улардан ҳам жим юриш талаб қилинганми йўқми, буниси менга қоронғу?! Жим юришганлигини диний важлар билан оқлашади. Ваҳолонки, дин зулмга қарши жим туришга чақирмаганлигини, ҳатто, золим подшоҳ олдида туриб ҳақ сўзни айтишга буюрганлигини улар яхши билишади. Билиб туриб, золимдан минглаб чақирим олисда туриб жим туришади. Тўғри, мени гапирганим билан у ердаги аҳвол ўзгариб қолганим йўқ. Зулму зўравонлик камайгани йўқ. Аммо, модомики, улар «жим юрсин» дейишаётган экан, демак, бу гапларни кимгадир қандайдир таъсири бор?! Агар бўлмаганда, улар минг марталаб «жим юрсин» дейишмасди. Демак, шу узоқларда ўтириб, зулмга қаршилигимни изҳор қилишим золимларга ёқмаяпди. Ғашига тегяпди. Бундан чиқадики, балки уларнинг ўзлари ўқишаётгандир ёки эшитаётгандир бизнинг овозимизни?! Энг асосийси, зулмга қарши гапириш вожиботини зиммамиздан соқит қилаяпмиз! Бу эса жиддий амалдир. Демак, шу гапиришлик ҳам зулмга қарши кураш экан. Балки, курашни таъсирлироқ тури бўлиши мумкин. Демак, гапиришда давом этиш керак. Хориждаги ва Ўзбекистондаги юзлаб ватандошларни эшитиши мумкинлиги ҳам аниқ экан. Менга яқин орада уч тўртта киши фаесбокдан чиқиб, «Нега озодлик радиосига чиқмай қўйдингиз? деб сўрашди. Мен уларга вақтим йўқлиги учун чиқолмаяпман дедим. Қолаверса, у радиога чиқиш фақат менинг ихтиёримдаги иш эмаслигини айтдим. Улар эса сизни чиқишингизни эшитиб маза қилардик. Тез тез чиқиб турунг деб илтимос қилишди. Менинг чиқарган хулосам шу бўлдики, одамлар бизни овозимизни эшитишяпди. Айни шу нарсга режимга ёқмаяпди. Шунинг учун улар яқинларимиз орқали бизни жим туришга даъват қилишяпди. Чунки, жим туришлик бу улар учун айтиш муддаодир. Лекин, уларнинг зулму зўравонлигига жим туришлик, бу аломати ризодир!

25 декабр 2015

Ҳақ устидан ботил келганда ғолиб

Бугун Фергана ру сайтида рус тилида ёзилган «Долина Чудес» номли бир мақола ўқидим. Мақола муаллифи Сид Янышев деган Тошкентлик русий забон мустақил журналист экан. Бу мақолада Қорақалпоғистондаги элликқалъа районидаги «шифобахш» мозорлару у ердаги табиблик билан шуғулланувчи Тўхтабой ота ҳақида узундан узун сафсаталар ёзилган. Яъни, менинг наздимда сафсаталар ёзилган. Аслида эса бу мақола ижобий нуқтаи назардан ёзилган. Шунингдек, бу мозору бу табиб ҳақида менга эмаилдан бир мактуб ҳам келганди.

Мактубда Елена Урлаева ва Малоҳат эшонқулова ўша ерларга бориб, Тўхтабой отадан шифо топганлиги ёзилганди. Мен бу мақолага эътибор бермагандим. Бугун Фергана рудаги мақолани ўқиб, бу масалага муносабат билдиришни ният қилдим. Бу жуда катта жиддий диний масала бўлиб, энди бунга муносабат билдирмаслик мумкин эмасдир. Қолаверса, бу ерлар мен учун бегона эмас. Мен туғилиб ўсган диёр бу. Эллиққалъа райони Тўрткўлнинг бир қисми бўлган. Уни алоҳида район бўлганига ҳали 40 йил бўлмади. Қолаверса, мен Елена Урлаева мўъжизакор («чудотворец») деб атаган Тўхтабой отани ҳам яхши танийман. Бу мазорларни тарихини ҳам қисман биламан. Бу қилинаётган ишлар дин номидан қилинаётгани учун ҳам, буни динга алоқаси йўқлигини билганим учун ҳам бунга муносабат билдиришим шарт.

Мен ислом динини асоси тавҳид яъни, якка аллоҳга ибодат қилишлик эканлигини тушунганимдан бери одамларни тавҳидга чақириб, ширкдан қайтараман. Имомлик давримда ҳам шундай қилганман. Мен яшаган диёр эса, дин номидан тарқалган ширк ва бидъату хурофотга тўла эди. Бу шикр турларидан бири мана шу мазорларга ибодат қилиш, уларга атаб қўй сўйиш, улардан ўз дардларига шифо ва фарзанд талаб қилишлик эди. Бу амалларни Аллоҳдан ўзгадан талаб қилишлик эса, айни ширк ва хато эди. Айни шу каби амалларга қарши курашган Ислом номидан бугун шу амаллар қилинарди. Қабристонларда қўй сўйиб, уни пишириш учун махсус бир қанча катта катта қозон ва ўчоқлар ўрнатилганди. Одамлар турли жойлардан бу ерга автобусларда ёш қари эркак аёл тўпланиб келиб, қўй сўйиб, овқат пишириб еб ичиб кетишарди. Бу ўзига хос бир дам олиш кунига ўхшаган амал эди. Фақат фарқи шуки, бу зиёратчилар бу ердаги мазорларда ётган қариндош уруғлари тепасига бориб, йиғлаб сиқтаб, ҳар бир мазор бошида қуръон ўқитиб, шу ўқувчига пул бериб кетишарди.

Шу билан бу амаллари шунчаки дам олиш эмас, диний тус берилган ўзларича ибодат ҳисобланадиган амалга айланарди. Бу амал аслида ширк эди. Бу каби ширк амалларни тарғиботчилари саводсиз муллаю эшонлар жуда кўп бўлиб, улар авом халқни шунақа турли куф суфлар билан алдаб пулларини олишарди. Қабристонларда кўплаб касаллар ўн йигирма кунлаб тунаб қолишарди. Баъзи аёлларга фолбинлар қирқ кеча тунаши лозимлигини айтишар, шунга биноан баъзи аёллар оила бола чақасини ташлаб шу ердаги фирибгарлар олдида қирқ кеча тунашарди. Менга бир тракторчи кишини аёлини гапириб беришганди. У эрига итоат қилмай қайсидир фолбинни буйруғига кўра. Қайсидир қабристонда қирқ кеча тунаган. Уйда болаларига овқат пишириш керак. Эрига хизмат қилиш керак. Аёл буларни тарк этиб кетган. Бу амал бир неча марта такрорлангач, эри норози бўлиб гапирган экан. Аёллар эрига бу амалларни диний амал деб уқтиришарди. Эри қарши чиқса, унга динга қарши чиққан каби муомала қилишарди. Аҳвол ўта янчли эди. Мен ислом ҳақиқатини тавҳидни англагач, буларга қарши омонсиз курашга кирдим. Мазорларга атаб қўй сўйиш ширк ва бу қўй гўшти ҳаромлиги ҳақида маърузалар қилардим. Бу амалларни бизнинг масжиддаги кўплаб одамлар биргаликда қилардик. Атрофдаги жойларга бориб, масжидларда ширкка қарши маърузалар ўқирдик.

Мен ўзим ҳам шу мақолада зикр қилинган ва Тўрткўл райони аҳолиси учун энг «азиз» бўлган, менинг ота онам ва бувим бобом ва қариндош уруғларим ётган шу Наринжон бобо қабристонига бориб у ердаги зиёратчиларни масжидга йиғиб, уларга ширк ва тавҳид ҳақида соатлаб гапирганман. Аёлларни эрини рухсатисиз бу ерга келиб қирқ кун тунашларини хатолиги ва улар учун шариат буюрган савоб амал эрини хизматини қилишлигини айтганман. Қизиги шундаки, шу маърузалардан кейин масжиддан чиққанимизда шу мазорга атаб қўй сўйиб, овқат пишириб уни еб ўтирганлар бизни ҳам овқатга таклиф қилишганди. Биз рад қилгач. Улар бир товоқда қоврилган қўй гўштини тўлдириб беришди. Биз оч бўлишимизга қарамасдан уни рад қилиб кетганмиз. Бу одамлар шу овқатни ҳаромлигини айтган одамга шу овқатни ейишни таклиф қиладиган даражада содда одамлар эдилар. Улар моҳиятини тушунмасдилар. Бу атрофдаги машҳур қабристонлар асосн иккитадир. Бири Норинжон бобо қабристони бўлса, иккинчиси Султон Увайс қабристонидир. Султон Увайс қабристони Беруний райони ҳудудидаги тоғлар орасида жойлашган қабристондир. Бу қабристон машҳур яманлик тарихий шахс Увайс ал Қараний номидадир. Бу кишини Пайғамбар алайҳиссаломни кўрмасдан имон келтирганлиги машҳурдир. Наби саллоллоху алайҳи васаллам вафотлари олдидан ўз чопонларини ўзлари учрашмасида айни шу кишига беришга васият қилганликлари айтилади.

Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам даврида яшаган бу кишини ҳаётида бу ерга келгани маълум эмас албатта. Уни қабри бу ерда пайдо бўлганига доир афсоналар мавжуд. Эмишки, бу авлиё вақот этганда, етти иқлим шоҳи уни ўлигини ўз ватанига олиб кетиш учун боришибди. Шунда шу ердаги қандайдир шайх подшоҳларга қараб, еттита тобут олиб келиб қўйишни, ва Увайс кимни тобутида бўлса ўша одам уни олиб кетишини айтибди. Улар еттита тобут ясаб қатор қилиб териб қўйиб кутишибди. Эрталаб туриб ҳар ким ўз тобутини қарашга тушибди. Хоразмшоҳлар тобутини очишса у ерда авлиёнинг жасади ётибмиш. Улар хурсанд бўлиб, дарров тобутни олиб йўлга тушибди. Иккинчиси келиб қараса уникида ҳам шу авлиё жасади бор экан. У ҳам тезда жўнаб қолибди. Хуллас, ўша еттита подшоҳнинг тобутида еттита жасад бор экан. Ҳаммаси ўз ватанига олиб бориб, қўмиб устига мақбара қурганмиш. Шунинг учун бу кишининг қабри еттита ерда мавжудлиги айтилади. Айни шу номдаги қабристон Наманганда бор эканлигини мен биламан. Шу Намангандаги Увайс ал Қараний мақбарасига мен борганман. Мана шу номдаги мақбара Беруний райони ҳудудидаги тоғлар орасида ҳам бор. Табиийки, мен у ерга ҳам кўп марталаб борганман. Бу мозорлар доғруғи ва шухрати жуда катта эди. Советлар даврида ҳам бу ерга зиёратчилар келишни канда қилмасди. Мен ҳам ёшлигимда мана шу мозорларга сиғинишни, қўй сўйишни, уларга атаб ибодат қилишни исломий савоб амал деб тушунганман. Ҳаётимнинг ёшлик қилми шу мозорларга ибодат қилиш билан ўтган. Кейинги қисми эса уларга қарши курашиш билан ўтди. Совет даврида Атеистлар мозорларга борадиганларни диндорлар деб уларни мозорга боришдан қайтарар эдилар. Бу даҳрийларни мозорга борганларни суратга олаётганлигини кўриб, ёшлигимда улардан нафратланганман. Бу аҳмоқ атеистлар бу амалларни дин деб тушунганлар. Динга қарши курашаямиз деб одамларни мозорга боришдан қайтарар эдилар. Қизиги шундаки, кейинчалик мен ҳам айни шу ишни қилдим. Лекин, энди мен бунини дин номидан қилардим. Шу тоғ тизмаларидан бирига муножот тоғи дейишади. Эмишки, бу тоғда Увайс ал Қараний Аллоҳга муножот қилганмиш. Бу тоғ тизмаси бугун ибодат маскани ҳисобланмоқда. Бунини ўша мақолада аниқ тиниқ айтилган. Мақолада зикр қилинган учинчи машҳур қабристон «Кечирмас ота» қабристонидир. Бу номда қабристон борлиги маълум эмасди. Лекин, шу табиблик иддао қилаётган Тўхтабой ота дегн фирибгар атрофи ўн километрча одамзод яшамайдиган чўлда қандайдир авлиёни қабрини топди. Бу қабр устига катта мақбара қурди. БУ одам асли Тўртқўллик киши эди. Ўзи камаз ҳайдаб тирикчилик қиларди. Мустақиллик даврларида оммавий диндорлик бошланганида бу одам камазни ташлаб шу мозорга қатнай бошлади. Норинжон бобо деган машҳур мозорларда камазчига ўрин бўлмагани ва у ерда ўтирган фирибгар динфуруш муллаю эшонлар орасида катта қаробат борлиги сабабли, бу одам ўзига алоҳида мазор топди. Қандайдир таниш билишлари ёрдамида ўша мазор устига мақбар қурди. Атрофига яна хужралар қуриб, ўша ерда ўзи табиблик қиладиган «авлиёга» айланди. Бир кўзи қисик ва кўриниши важоҳатли бу кимса, заррача диний саводи бўлмасада, шу ерда макон тутиб қолди. Мен уни дажжолга ўхшатаман. Башарсини ақлли қилиб гапириб, ботилни ростга айлантириб авомни ишонтириш қобилиятига қойил қолганман. Охир оқибат уни доғруғи шунчалик бўлдики, мана бугун у ҳақида Елена Урлаева ва Малоҳат Эшонқулова ва бошқалар ёза бошлашди. Мен бу қабристонга борганман. Бу Кечирмас бобо мақбарасига қараб сажда қиладиганларни кўрганман. Уларга бу ишлари динга зид эканлигини ва бундай қилмаслик лозимлигини айтганман. Лекин, афсуски, ўша пайтларда ваҳҳобийларга қарши давлат томонидан мафкуравий кураш бошланганди. Давлат имомлари мазҳабчи мутаассиблар барча ерда ваҳҳобийларга қарши маърузалар ўқишарди. Бу одамлар мени ваҳҳобийсан, бизга ақл ўргатма деб қайтариб ташлашди. Давлатнинг расмий имомлари динга хоинлик қилдилар. Улар бу амалларни динга зидлигини билишарди. (Албатта, ҳаммасимас) Лекин, улар бу хурофотга қарши чиқмадилар. Аксинча, қарши чиққанларни ваҳҳобийликда айблаб айблашди. Диндан балониям тушунгмайдиган МХХ ва ментларга бизни ёмонлашди. Оқибатини эса мана кўриб турибмиз. Мен сўзимнинг охирида айтмоқчи бўлганим шуки, қуръон бизни ширкдан қайтаради. Мозорларга сиғинишлик эса ширкдир. Улар устига турли матоларни олиб бориб ёпишлик исрофдир. Мозордан ёрдам сўраш ширкдир. Бахт сўраш ширкдир. Шифо сўраш ширкдир. Тўхтабой ака диндан бирор нарсани тушунмайдиган кимсадир.

У авом халқни алдаб юрган ва бу ишини тўғри деб тушунадиган жоҳилдир. У бу ишини нотўғрилиги тушунадиган фирибгарлардан эмас. У шу сафсаталарни дин деб ўйлайдиган ва ўзи қилаётган ишларини астойдил қиладиган жоҳилдир. Бугун у одамларни шифо топиши учун ўзи ўтирган Кечирмас ота деган номли сохта қабристонга сиғинишни ва Султон Увайс қабристонига Муножот тоғига чиқиши лозимлигини ва Норинжон бобо қабристонини зиёрат қилишни талаб қилмоқда. Комил шифо топиш учун ана шу учта ерга бориш шарт эмиш. Журналист Сид Янышев буларни ва ўша мазорлар билан боғлиқ халқ орасидаги афсоналарни эринмасдан ёзибди. Диндан узоқ одамларни алдаш осонлигини ва бу одамлар ўзлари кўрганларига қойил қолиб ёзаётганлигини тушуниш мумкин. Давлат амалдорлари динсизлигини тушуниш мумкин. МХХга эса, халқни шундай хурофотлар билан оввора қилиб қўйиш айтиш муддаолигини биламиз. Бу хурофотчилар давлатга хавф соладиган одамлар эмас. Улар аксинча халқни алдаб овутиб турадиган кимсалардир. Мени ҳайратга соладиган жиҳати шундаки, бу сафсаталарга Диний Бошқармадаги казо казолар нега эътибор қилмайдилар? Ахир улар бу амалларни диндан эмаслигини билишардику?! Улар вақтида буларга қарши курашганларни ваҳҳобийликда айблашган. Бадном қилишган. Нега ўзлари энди халқни бу хурофотдан халос қилмайдилар?! Наҳотки, бу ишлар имоми аъзам мазҳабида мумкин бўлса?! Ҳақ келганда ботил қочади деган оят бор. Бизда Ўзбекистонда ҳақ келганда ботил қочмади. Ҳақ келганда ботил унга қарши курашиб ҳолиб бўлди. Ҳақ аҳли эса дарбадар ватангадоларга айланишди.

.....

Ҳақ устидан ғолиб, келганда ботил

Шундай бўлди бизга қисмату қазо,
Начора бандалик шартидир ризо.

Лекин, мункар ишга эмасмиз рози,
Чунки, бу динда бор тошу тарози.

Ботилни шу сабаб қиладирмиз рад,
Роббим берсин бизга бу ишда мадад!

Қаранглар қандайин фитналик замон,
Ёмонлар яхшидир, яхшилар ёмон.

Қаҳрамон дейилар, золиму қотил,
Ҳақ устидан ғолиб, келганда ботил.

Оқлар қора бўлар, қора эса, оқ,
Бу эл ҳақиқатдан қанчалар узоқ.

Лек казо казолар, паришонхотир,
Ушбу ҳолат бизни қилар хавотир!

Бу ахир исломга хиёнатмасми?,
Ҳақда собит туриш диёнатмасми?!

Авом халқ жаҳолат майидан мастлар,
Нега жимдир бугун мазҳабпарастлар?!

Нега ҳақни айтган киши бўлар хор?,
Ҳақиқатни жойи қамоқ, ёки дор?!

Ширк хурофот бўлди бугун устувор,
Бунчалик жаҳолат айтинг қайда бор?!

Қани тавҳид қани ислом шиори?,
Ширкка тўлди Бухорийнинг диёри!

Иқтидорда турган бир тўп ғаламис,
Бугун бу диёрни қилди беномус.

Қолмади адолат, дину диёнат,
Элга қилмоқдалар фақат хиёнат.

Тобора ҳалокат кўринмоқда фош,
Залолатга ботган бугун кекса ёш.

Мен буларга бугун, қилиб надомат,
Дерман яқин қолди, балким қиёмат?!

Шайхлар динфурушлик қилса оламда,
Диёнат қоларми Бани Одамда?!

Фирибгар учун кулдику омад,
Куф суф қилиб топар, мўмай даромад.

Ҳақ сўзни айтганлар ётар зиндонда,
Ёки, дарбадардир юрар ҳар ёнда!

Бу сўзимга қилай энди ниҳоя,
Шу ерда тугади, ушбу ҳикоя!

12.12. 2015

Толиб аканинг саволларига жавоблар

Ассалому алайкум, Муҳаммадсолиҳ!

Сиз Обидхон қори Назаровни отган одам устидан ўтказилган судни ўз кўзингиз билан кўрибсиз. Менда учта савол туғилди. Мен Ўзбекистонда суд жараёнларини кўп марта кузатганман.

Албатта, Швецияда ўтказилган суд Ўзбекистонда ўтказилган судлардан фарқ қилади, сўзсиз. Лекин инсон ҳамма жойда инсонлигича қолади ва баъзилар қўрқоқлигини, мунофиқлигини, сотқинлигини билдириб қўяди. Ўзбекистонда кўпинча қаралаётган жиноий иш ҳукумат закази эканлиги суд зали “ҳавоси”да сузиб юргандай сохта гувоҳларнинг юзидаги саросима, кўзининг ола-кула бўлиши, тилининг тутулиб қолишидан билиниб турарди. Судьялар ҳар қанча ҳаракат қилсалар-да, улар ҳам суд сохта, уюштирилган эканлигини яшириши қийин бўларди. Баъзан ж/и ва суд сохталлигини суд материалларидан яққол билса бўларди.

Мас, жиззахлик ҳуқуқбонлар менга учта суд ҳукмини олиб келишди. Суд ҳукмлари вилоятнинг турли, бир-биридан узоқ учта туман судларида чиқарилган. Мен бир нарсага эътибор қилдим. Бир одам уччала судда ҳам гувоҳ бўлиб қатнашган – исми-фамилияси, туғилган йили ва санаси, яшаш адреси бир хил! Бу тасодиф эмас, албатта – бу “гувоҳ” терговчиларнинг дежурний, карманний гувоҳи бўлган. Худди шунга ўхшаш терговчиларда карманний адвокатлар ҳам сероб эди. Швециядаги судида, табиий энг асосий нарса қотил Ўзбекистон МХХ томонидан юборилганини исботлаш эди.

Биринчи савол: Шу нарсага прокурор эришдими? Суд залида шунга эришиш билиниб турдими? Агар эришилган бўлса, у ҳолда Жуковскийнинг швед адвокатининг реакцияси қандай бўлди? Судда кузатувчи бўлиб иштирок этган ватандошларимиз ва журналистларники-чи?

Иккинчи савол: Менинг тушунишимча, эру-хотин Пўлатов-Аминовалар яна сувдан қуруқ чиқишган. Мен тўғри тушундим-йўқми?

Учинчи савол: Сиз матбуотни мендан кўра изчилроқ кузатиб борасиз. Ўзбекистон ҳукуматининг реакцияси бирор нарсадан билиндими? Швеция ҳукумати ўз позициясини билдирдими? Ё ҳали эртами?

Жавобингизни кутиб қолувчи Толиб акаман.

.....

Валекум Ассалом ҳурматли Толиб ака!

Мен Судда бир кун иштирок этдим. Суднинг учинчи куни Остерсундда ётиб шу судда қатнашдим. Шу куни Прокурор Кристер Питерсон гумонланувчи Юрий Жуковскийни сўроқ қилди. Сизнинг учта саволга шу ерда кўрганларимдан ҳулоса қилиб жавоб беришим мумкин.

Биринчи саволга жавобим; Жуковскийнинг прокурор саволларига берган жавоблари очиқ ойдин Суднинг устидан кулиш десам хато бўлмаса керак. Биласиз, бу ерда гумонланувчини биздаги каби, уриб сўкиб босим ўтказиб айбига иқдор қилинмайди. Шунинг учун бўлса керак, Юрий Жуковский башарасини «невинный рожа» қилиб, прокурор саволларига «возможно», «незнаю», «я уже забыл» каби, улук юлиқ шаклда жавоб бериб турди. Баъзи ҳолларда Суд раиси қари киши экан, Жуковский жавобларидан ҳайратга тушиб, унга кулиб қараб тургани эсимда. Прокурор бу ишни орқасида ўзбек ҳукумати турганига доир саволлар берди. Жиноят мотиви асли шу эканига урғу беришга уринди. Бу уринишни унинг биринчи ва иккинчи кунлардаги саволларидан ва аниқроғи Обид қорининг Ўзбекистондаги фаолиятига батафсил тўхталиб ўтганидан ҳам билиш мумкин. Бу суд иштирокчиларида ҳам айти шундай таассурот қолдирган бўлса ажабмас. Лекин, сизни саволга келсак, Судга, бу жиноят ортида ўзбек МХХси турганига оид далил исботлар тақдим қилинмади. Ва Жуковский жиноятни қилганлигини бўйнига олмади. У мен отмаганман деб турди халос. Жуковскийнинг адвокати эса, ҳеч қандай эҳтироссиз, совуқонлик билан ўз ҳимоясидаги кимсани имкон қадар ҳимоя қилишга уринди. У балки, инсон сифатида бу жиноятни Жуковский қилганига ишониши ҳам мумкин. Лекин, бу ерда уни вазифаси гумонланувчини ҳимоялаш эди. У гарчи бунга имкони чегараланган бўлсада, ўз вазифасини бажаришга уринди.

Яна бир қизиқ факт;

Жуковский ўзининг Остерсундга қилган ташрифидан мақсадини айтар экан, Умид Аминов деган кимса унга шу ерга боришини айтганлигини ва у шу сабабли келганлигини айтди. Бу судда очиқланган яна бир муҳим маълумот эса, шу шахснинг иккинчи исми Тигран Каплан эканлигидир. Айтиш мумкинки, бу суиқасдлар ортида шу одам турган деган, гумон ўртага чиқди. Лекин, унинг ўзи йўқлиги ва Жуковский бу суиқасдни қилганлигини тан олмани бу жараёни боши берк кўчага киритиб қўйди. Шундай экан бу жиноят ортида МХХ турганлиги фактлар асосида ўз исботини топмади дейиш мумкин.

Лекин, бу жинойтларни аслида шулар уюштираётганига қўпчилик мутлақ ишонади. Иккинчи саволга жавобим; Эру-хотин Пўлатов-Аминоваларга келсак, улар Юрий Жуковский Швецияга экстрадиция қилинишидан олдин Швецияни тарк этишгани маълум бўлди. Довуд Назаров айтишича, Прокуро Кристер Питерсон унга шундай деган. Демак, Юрий Жуковский Швецияга келгач, прокурор бу эр хотинни яна қайта бу тергов жараёнида қатнаштирмоқчи бўлган. Лекин, Швеция чегара хизмати компютерида буларни Швециядан чиқиб кетгани қайд қилинган экан. Шунинг учун бўлса керак, улар Юрий Жуковский устидан ўтказилган Судда иштирок этишмади. Шунингдек, уларга қарши жиноий иш қайта очилдими йўқми, бу ҳақида менда маълумот йўқ. Аммо, шуниси аниқки, бу икковлон Юрий Жуковскийга катта ёрдам беришган. Акс ҳолда у бу жинойтни амалга ошириши имконсиз эди. Буни Швеция адлия тизими вакиллари жуда кеч тушунишди. Демак, айтиш мумкинки, улар сувдан қуруқ чиқишган. Сиз буни тўғри тушунгансиз.

Учинчи саволга жавобим; Агар озодликдаги шу судга доир мақолалар тагидаги Ўзбек ҳукуматини ёқлаб ёзилган баъзи аноним изоҳларни ҳисобга олмаганда, Ўзбекистон ҳукуматининг расмий реакциясини мен кўрмадим ва эшитмадим. Швеция ҳукумати вакиллари ҳам бу борада расмий муносабатлари ҳам менга маълум эмас. Лекин, швед матбуотида бу суд жараёни керагича ёритилди. Марказий телевидения, радио ва газеталар ва интернет нашрларида қўплаб мақолалар ёзилгани аниқ. Мен бир қанчасини кўрдим ва ўқидим. Ҳазратқул Хубойберди баъзиларини таржима қилиб ўзбек тилида тарқатиб ҳам турди. Шунингдек, суд залида швед журналистлари уч тўрттаси ўтириб суд жараёнини онлайн тарзда кузатиб ёритиб туришди. Ўзбек журналистларидан эса Норвегиядан мустақил журналист Улуғбек Бакиров келди. Озодлик радиоси эса Қудрат Бобожонни юборган экан. Булар ҳаммаси судга доир маълумотларни матбуотда ёритиб боришди. Лекин, расмий швед ҳукумати бу судга доир расмий баёнот бермади. Бермаса ҳам керак. Жуковский устидан ҳукм ўқилгач, бу нарсаяна матбуотда ёритилиши мумкин. Лекин, бу жинойт орқасида ўзбек МХХси турганига доир фактлар ашёвий далиллар билан исботламаган экан, швед расмийлари бу судга доир баёнот беришлари ҳам имконсиздир.

Хулоса; Менинг кузатишим хулосаси шу бўлдики, швед судларида аниқ исбот далиллар асосий рол ўйнаган экан. Исботи бўлмаган учун бу ерда жазо берилмас экан. Жуковскийнинг пистолетда бармоқ излари қолмаган. Қўлқоп кийган бўлса керак. Фақат шу ягона далил уни бу жинойтни мен қилмадим деб туришига сабаб бўлмоқда. Аммо, бу пистолет топилган рюкзакни уники эканлигини у тан олди. Шунга ўхшаган ўйинчоқ пистолетни у Умид Аминовни талабига кўра, Литвадан кема орқали Швецияга олиб келганлигини у тан олди. Лекин, у Нодирани қизига совға эди деди. Нега бу совғани унга бериш учун Мальмога, Нодира турган ерга бормадинг? деган саволга, у Умид Остерсундга бориб бир одамга бериб кел деди шунга Остерсундга бордим деди. Савол жавоблардан ҳам жинойтчини довдираганлигини кузатиш мумкин эди.

Лекин, у айбини тан олмади. Ўзбек режимини қораламади. Боз устига Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилишига оид фактларни инкор қилишга уринди. У ўз эгаларига садоқатини намоён қилди дейиш мумкин. Сизнинг саволларга қисқача жавобим шулардан иборатдир.

Сизга саломатлик тилаб Муҳаммадсолиҳ Абутов.

28 ноябр 2015

Чирмовиқ

Анчадан бери ёзаман деб юрган мавзуим, ижтимоий босимнинг ҳаётимизга салбий таъсири ҳақидадир. Менинг кузатишларим шундан иборатки, биз ўзбеклар ҳаётида одамлар ҳаётини жамоатчиликнинг кўзга кўринмас руҳий маънавий босими назорат қилиб туради. Мен ҳали диктатура режимларини ва ёки, мавжуд қонунларни назарда тутмаяпман.

Маҳалла раисларию, яна аллақандай маҳаллий қўмиталарни ҳам четга қўя турайлик. Қўни қўшнилари ва йиллар давомида шаклланган урф одатлар, ёки қариндош уруғ ва таниш билишлар босимини назарда тутаяпман. Динимиз талаб қиладиган амалларни ҳам шу босим остида адо қилинишини назарда тутаяпман. Биз туғилганимиздан бошлаб, уйимизда ота онамиз ва катта қариндошларимиз назоратида яшаймиз. Бу табиий албатта. Лекин, катта бўлаганимиз сари бу босим ўтказувчилар доираси кенгая боради. Мактабда ўқитувчилар ундай қилма, буни қил деб ўқитишади. Нима кийишимизни ва нима ейишимизни ҳам ана шу босим остида танлаймиз. Фалончи фалон нарса кийибди, демек мен ҳам кияман. Пистончи пистон нарса олибди мен ҳам оламан. Тўйларимизни ҳам албатта, фалончилар қандай қилганига қараб қиламиз. На динга ва на мавжуд қонунга қаралмайди. Бу иллат жамиятдаги барча қатламга хосдир. Ўликлари билан боғлиқ маросимларни ҳам шу маҳалла мезонига мувофиқ амалга оширамиз. Бу нарсалар динда борми? Дунёмизга бирор манфаати борми? Шу ўлган одамга бирор манфаати борми? Булар бизни қизиқтирмайди. Урф одатлар атрофимизни ўраб олган. Уйда ўтирганда дастурхон устидаги мавзу ҳам шу. Фалончи қизини чиқарибди. Пистончи ўғлини уйлабди. Писмадонни қизи ўтириб қолибди. Яна кимнидир ўғли уйланолмайдигани.

Бизга на дин ва на устимиздаги ҳукумат сиёсатини қизиғи йўқ. Халқаро воқеъларни гапирмай қўяверинг. Уй қурсак, кимгадир мақтаниш учун қурамиз. Машина олсак миннишдан ташқари уни кўз кўз қилиш режаси албатта қалбимиз тўрида туради. Энди дин ёйила бошлагандан кейинги аҳволга қаранг. Бугун янаям ачинарли аҳволга тушдик. Намозни одамлар кўрсин деб ўқиймиз. Рўзани одамлар тутмабди деб айтмасин деб тутамиз. Беъмани урф одатларни оғишмай фарзни бажаргандек бажарилишини қандай тушунамиз? Айниқса, «тақводор» аёлларнинг адо бўлмайдиган на динда ва на дунёвий қонунда кўрсатилмаган минг хил маросимларичи?! Дин пешволари динни монополия қилиб олишди. Улар дин воситасида халқни ўзларига ва албатта ҳукуматга тобеъ қилишга уринишмоқда. Бугун улар халқни устидан назорат ўрнатишда диктатура тузумларидан қолишмайди. Бугун улар ҳукумат аралашмаган нуқталарга назорат ўрнатишмоқда. Кимни қайси мазҳабга киришини ва кимни қандай ибодат қилишига улар кўрсатиб бермоқдалар. Ваҳолонки, бундан ҳуқуқ уларда умуман йўқ эди. Дин инсониятга берган эркинлик умуман бўғилди. Тўю маъракалар имомлар, маҳалла раислари, шунингдек, давлат органлари назоратига олинган. Ишхонадаги бошлиқларнинг дағдағасию, ҳокимларнинг дўқ пўписасини айтмай турайлик. Мабодо у бу еринг оғриб дўхтирга борганда, унинг буйруқ ва қайтариқларини ҳам гапирмайлик. Кўряписизми, инсон туғилганидан то ўлгунигача унга эркинлик йўқ. Ҳали бирорта жиноят қилиб қамалиб кетганларни ҳам гапирмайлик.

Намозхонлиги учун қамалганларнику умуман гапирмайлик. Бизнинг ҳаётимиз мана шундай даҳшатли тотал назорат улкан босим остида ўтади. Биз ўлиш билангина булардан қутуламиз.

Ҳўш, аслида шу тўғрими? Шундай бўлиши динга мувофиқми?

Дин инсонлар устидан шундай тотал назорат ўрнатишга буюрадими? Турли туман йиғинларни инсонлар ўйлаб топишган. Охир оқибатда унинг асирига айланишган. Булар чирмовиқдек жамиятни ўраб олади ва то ўлгунгача қўйиб юбормайди. Мабодо у бу киши баъзида бу ёзилмаган қоидаларга қарши чиқиб қолса, шубҳасиз бадном бўлади. Диннинг асл ҳолатига қайтаришни истовчилар шу сабабли ваҳҳобийга айлангандилар. Шу сабабли, жамият уларга қарши кураш эълон қилганди. Мен мана шу жамиятни чирмаб олган ёвуз чирмовуққа қарши исён қилганман. Шу сабабли бадном бўлдим. Бугун хорижда яшаяпман. Бу ерда ҳам ўша чирмовиқнинг узун панжалари етиб келиб мени таъқиб қилмоқда. Бу ерда ҳам ўша ўзбекона на динда ва на дунёвий қонунда йўқ, лекин бажарилиши шарт бўлган талабларни бажаришлик сўзсиз талаб қилинмоқда. Табиийки, мен яна исён қилмоқдаман. Мен эркин яшашни истайман. Бу эркинликни айни шу ислом инсониятга берган эди. Ислом келганида на тўй ва на бемаъни маъракалар ва урф одатлар бу умматни чирмовиқ бўлиб ўраб олмаганди.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Бир қора киши ёки аёл масжидни тозалаб юрар эди. У вафот қилди. Бас, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам у ҳақда сўрадилар. «У вафот этди», дейишди. «Буни менга билдирсаларингиз бўлмасмиди! Менга унинг қабрини кўрсатинглар!» дедилар ва унинг қабрига бориб(жаноза) намоз ўқидилар».

Бу ҳадисдан шу тушунамизки, Пайғамбар алайҳиссалом даврида вафот этган мусулмон одамни жанозасига пайғамбар алайҳиссалом айтилмаган экан. Бошқа бир ҳадисда эса, саҳобалар Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни тўйга айтмасдан уйланганлари хабари берилади.

Жобир ибн Абдуллоҳ; ривоят қиладилар: «Бир куни Жаноб Расулуллоҳ мендан: «Эй Жобир, уйландингми?» — деб сўрадилар. Мен: «Ҳа», — деб жавоб бердим. «Қиз болага уйландингми ёки жувонгами?» — деб яна сўрадилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, жувонга уйландим!» — дедим. «Қиз болага уйлансанг бўлмасмиди, сенга муҳаббат қўярди!» — дедилар Жаноб Расулуллоҳ. Мен: «Ё Расулаллоҳ, отам Уҳуд жангида ўлдирилиб, менга 9 та қизни ташлаб кетдилар. Мен 9 та опасингилларим бирлан қолдим. Уларга ўзларига ўхшаган яна битта эси паст қизни қўшиб қўйишни маъқул кўрмадим. Хотиним уларни ювиб-тарайди, хизматини қилади», — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Тўғри қилибсан!» — дедилар». Демак, Жобир разияллоҳу анху уйланганида расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тўйга айтмаган. Бу билан демоқчи бўлганим шуки, бу тўй ва жанозалар ўша пайтларда бугунгидек, жамият аъзоларини кўзга кўринмас иплар билан чирмовикдек ўраб эркинлигини бўғиб турмаган. Пайғамбар алайҳиссалом ҳам ана шу воситалар орқали умматни назорат қилмаганлар. Ким қандай уйланса уйланган. Ким ўлса уни ўша ерда ҳозир бўлганлар жаноза ўқиб кўмиб қўя қолишган. Бу нарсалар учун узундан узоқ маслаҳатлар ва дабдабалар бўлмаган.

Бу нарсалар бугун умматни устидан назорат қилиш воситасига айланган. Бу нарсалар бугун риёкорликка ва исрофгарчиликка айланган. Бу нарсалар бугун диннинг асосий устунига айланган. Ким бажарса муттақий, ким бажармаса аксинча ҳисобланади. Бу нарсаларда диндан узоқ кишилар динсизларга эргашмоқдалар. Дин биздан ҳар бир амални Аллоҳ розилиги учунгина қилишни талаб қилади. У бу кимга яхши кўриниш учунмас. У бу кимдан гап эшитмайин деб амал қилинмайди. Одамлар нима дер экан деб, уч, етти, қирқ каби, маросимлар ўтказилмайди. Одамлар нима дер экан деб, тўйлар қилинмайди. Одамлар гапирмасин деб ифторлик берилмайди ва рўза тутилмайди. Бу нарсаларни одамлар учун қилишлик айни риёдир. Одамлар нима дер экан деб бир иш қилиш ёки қилмаслик айни хатодир. Одамлар нима дейишидан қатъий назар инсон ўз Роббиси билан муносабат ўрнатиши керак. Шунга биноан яшаши керак. Ижтимоий босим бир танишим айтганидек, ижтимоий нифоқни келтириб чиқаради. Кейин эса, ҳар бир амалимиз «одамлар нима дер экан?» деган, ботил мезон устига қурилади. Бу аллақачон шаклланиб бўлган қурилмадир. Бунинг оти мана шу кўзга кўринмасада, жамиятнинг ҳар бир азосини ўраб турган чирмовикдир.

Чирмовикнинг фойдаси ҳам бор дейувчилар топилиши шубҳасиз. Бу эса, одамлардан уялиб кимдир бир ёмон ишни қилмаслигини айтишлари мумкин. Аслида, ўша ёмон ишдан қайтишлик ҳам Аллоҳ учун бўлиши лозим эди. Агар Аллоҳдан қўрқмасдан ёки уялмасдан шу ишни қилар экан, одамлардан уялишга сира ҳожат йўқ деб ўйлайман. Валлоҳу аълам!

4 декабр 2015 йил.

25 йил бўлди аҳвол шу!

Яна 25 йилдан сўнг нима бўлади? Мен шу ҳақида ўйлаб ўйлаб ҳеч ўйимга етолмадим.

25 йилдан бери «ислоҳотларни чуқурлаштириш» ҳақида фармонларни мингтасини кўрдик. «Демократияни такомиллаштириш» ҳақида баёнотларни эшитдик. «Халқимизнинг иқтисодий фаровонлиги ошганлиги» ҳақида эшитдик. Яна 25 йилдан бери эшитганимиз «Хорижда Ўзбекистонни мустақиллигини кўролмайдиган қора кучлар бор» Бу нарсаларни эшитмаган одам қолмади. Бутун бошли авлод шу даврда туғилиб ўқиб йигит бўлди. Лекин, оддий халқдан эшитадиганимиз, ток йўқ, газ йўқ, бензин йўқ, иш йўқ, ойлик неччи ойдан бери берилмаяпти,

порахўрлик авж олди, ун қимматлади, юз доллар ярим миллион сўм бўлди, фалон ерни ҳокими фалончини урди ва ё тепди. Пахта теримига ҳайдашди. Фалон фермер ўзини осди. Яна хориждаги ўзбек тилидаги ОАВдан эшитадиганимиз «Гулнора фалон миллиард ўғирлади», «Лолани фалон ерда фалон миллионлик қасри бор» , ва ҳаказо, ва ҳаказо....., 25 йилдан бери бир мустабид ҳукмрон. Қайта қайта сайланади. Халқни шу ночор аҳволга олиб келиб қўйган раҳбар, ўз ихтиёри билан «мен эплаёлмадим, узр» деб, истеъфога кетмайди. Нега бу аҳволдамиз деб, биров ундан сўраёлмайди. Ютуқларимиз шуки «тинчлик» бор. Сурияда уруш, Ироқда уруш, яна қаерда уруш, бизда тинчлик! Шу ютуқ! Минг минглаб диндорларни қамашликка ҳам шу «тинчликни сақлаш» ғояси асосий ғоядир.

Сиёсий муҳолифатни йўқ қилишга ҳам шу «тинчликни сақлаш» ғояси сабаб бўлган. Аҳвол буткул инқирозда бўлишига қарамасдан Ўзбекистон раҳбарлари истеъфога кетишни хаёлига ҳам келтирмайдилар. Улар кетса тинчликни ким сақлайди?! Ер ости ва усти бойликлари бор, халқи меҳнаткаш бу халқ қачон фаровонликка эришади? Қачон рўшноликка чиқади? Қачон эркин яшайди? Бу халқ ҳам дунёдаги бошқа юзлаб давлатлардаги халқлар каби, эркин фаровон яшашга ҳақли эмасми?! Нега бизга доим Сурияни ё Афғонистонни мисол қилиб, улардан яхшироқ яшашимиз дейишади? Нега дунёда биздан яхши яшаётган юзлаб давлатларни мисол қилиб, «нега биз улар каби яшашимиз?!» деб, сўрашмайди?! Қачон бизда бир ўзгариш бўлади? Қачон бу мустабид кетади? Ўрнига келадигани қандай одам бўлади? Нима кутиш мумкин келажакдан? Халқ ғалаён қилиб, бу мустабид режимни улоқтириб ташлай олмаса. Унинг ўрнига келадиганлари ҳам ўзига ўхшаганлар бўлади халос.

Баъзи қуролли диний гуруҳлар ҳам, келиб режимни улоқтириб ташлашга қурби етмасада, мустабид зулмини кучайишига ва унинг қатағон сиёсатини оқлашга «хизмат» қилиб турсалар? Шундай экан яқин келажакда қандай ўзгариш бўлиши мумкин? Мен ИАКни ўлими билан кўп ўзгаришлар бўлишини кутардим. Энди эса, агар у ўлсада, аҳвол ўзгаришидан умидим узилди. Чунки, унинг атрофидагилардан кимдир келиши аниқ. Демак, эски ҳаммом эски тос бўлади. Валлоҳу аълам! Мен бошқа вариантини кўрмайман. Наҳотки шу ҳулосамда адашган бўлсам? Агар адашган бўлсам, аҳвол мен ўйлагандан яхшироқ бўлиб чиқса, албатта хурсанд бўлар эдим.

05.11. 2015

Имонга лойиқ синалганлар

(Абдували қори Мирзаев ўғирлаб йўқ қилинганининг 20 йиллиги муносабати билан)

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Имонга лойиқдир синовнинг бари,
Буни хабар берди Ҳақ пайғамбари,
Шундай бўлиб келган доим илгари,
Ўзига маълумдир ҳикмат, устозим!
Азалдан битилган қисмат, устозим!

Бу дунё қуръони каримда синовлар дунёси экани айтилади.

Одамлар: «Иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?!

Ҳолбуки Биз улардан аввалги (иймон келтирган барча) кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!

Бас (шу имтиҳон воситасида) албатта Аллоҳ («Иймон келтирдик» деб) рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур.

(Анкабут сураси 2, 3 оятлар)

Синовлар эса турлича оғир машаққатларга учраб, қамоқда калтаклар еб, оч юпунлик, хору зорлик билан бўлиши ёки, егани олдида емагани орқасида бўлиши мумкин. Кимга қайси хил синов келишини қуйидаги ҳадиси шарифдан англаб олиш мумкин.

Саъд ибн Аби Ваққос разияллоҳу анҳу Наби соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Ё Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайси тоифа одамлар оғир балоларга гирифтор бўлишади?» деб, сўради. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам; «Пайғамбарлар ва кейин солиҳ бандалар ва кейин уларга ўхшаганлар ва уларга ўхшаганлар» дедилар.

Аллома Қарзовий бир мақоласида бу ҳақида шундай ёзади; «Қайси бир банда Аллоҳга ва Унинг расулига соллаллоҳу алайҳи васаллам имон келтирганликни иддао қилар экан, албатта, унинг имони баробарида унга балолар келади» Қуръони каримда бу каби оғир меҳнат машаққатлар мўмин мусулмонларга бўлишлигини ва уларнинг ажру мукофотлари шу туфайли улуғ бўлишлигини хабари берилган. «Бас, ватанларидан ҳижрат қилган, диёрларидан қувилган, менинг йўлимда азиятлар чеккан ва (менинг йўлимда) жанг қилиб, қатл этилган зотларнинг қилган гуноҳларини ўчиргайман ва уларни Аллоҳ ҳузуридан савоб — мукофот қилиб тағларидан дарёлар оқиб турадиган боғларга (жаннатларга) киритурман. Ва энг гўзал савоб — мукофот Аллоҳнинг ҳузуридадир». (Оли Имрон сураси 195 оят)

Албатта, бунга тарихда ҳам ва шу кунимизда ҳам етарлича мисоллар бор. АбуҲанифа Халифалар томонидан калтакланиб зиндонда ўлганди. Имоми Молик ҳам ҳақ сўзи фатвоси туфайли халифа Мансур томонидан калтакланган. Имоми Аҳмад ва Шофий қамалган. Имоми Бухорий қариганда юртига қайтиб келганида Бухоро Амири уни юртидан чиқиб кетишга буюради. Аллоҳга вафотини сўраб дуо қилганларида дуолари ижобат бўлиб, вафот этадилар.

Давримиз уламоларидан Албоний, Саид Қутб, Ҳасан ал Банно, Абдуллоҳ Аззом, Имоми Қарзовийлар юртидан бадарға қилиндилар ва баъзилари қатл қилиндилар.

Қуръонда кўплаб пайғамбарларни ва уларга эргашган солиҳ кишиларни золимлар тарафидан ноҳақдан қатл қилингани хабари берилади. «Уларга (золим яҳудларга) хорлик ва мискинлик ёзиб қўйилди ва Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлдилар. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ оятларини инкор қилганлари ва Пайғамбарларни ноҳақ қатл қилганларидир. Бунга сабаб итоат қилмай тажовузкор бўлганларидир. (Бақара сураси 61 оят)

Бу ҳақ йўлдаги синовлар, ҳақ йўлдаги уламоларга оғир бўлиб келган эди. Бугун улар сафига ўлкамиз уламоларидан 1995 йилда ўғирлаб йўқ қилинган Абдували қори Мирзаевни, ватанидан ва ўғлидан жудо бўлиб, Швецияга келиб яшаётганда золимлар тарафидан суиқасдга учраган Обид қори Назаровни, 24 йилдан бери қамоқда ётган Муҳаммад Ражаб акани ва 1992 йил декабр ойида ўғирлаб кетиб йўқ қилинган Абдуллоҳ Ўтаевни ва бошқа ўнлаб ёки юзлаб мусулмонларни қўшиш мумкин. Буларнинг имонлари улуғ эканки, валлоҳу аълам, буларга имонлари баробарида улуғ синовлар келди. Баъзилар қуйидаги оятни пул ва молга нисбатан тушунишади.

«Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эхсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагaysиз. Ҳар қандай нарсани инфоқ қилсангиз, албатта Аллоҳ уни билур.»

(Оли Имрон сураси 92 оят)

Аслида эса, инсон учун дунёда пул ва молдан ортиқ суядиган нарсалари бўлади. Булар эса, фарзандлари, аҳли аёли, ота онаси ва албатта ширин жонидир. Нега Иброҳим алайҳиссаломга ўғли Исмоилни қурбон қилишлик буюрилди? Гарчи пайғамбар бўлсада, у киши ҳам қаттиқ синалган эди. Иброҳим алайҳиссалом ўғлини қурбонлик қилишга ҳозирланганда, унинг ўрнига қурбонликка қўчқор туширилди. Шунинг учун ҳам синовнинг каттаси Аллоҳ учун ширин жонни қурбонлик қилишлик экани қуръонда кўп таъкидланади.

«Одамлар орасида Аллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига ғамхўр, меҳрибондир. (Бақара сураси 207 оят)

Бу жонфидолар, бошқалар каби, мол дунё, пул топаман деб жонини хатарга қўйган одамлар эмаслар. Булар одамларга ҳақ йўлни етказаман ва уларни жаҳаннамнинг мангу азобидан қутулишларига сабаб бўламан деб, ҳаракат қилган ва шу туфайли ўша одамлар тарафидан хорликка учраган кишилардир. Албатта, дин олимлари пайғамбарларнинг ворисларидир.

«Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир» деган, ҳадиси шариф бор.

(Термизий ривояти)

Динни ҳақиқатини етказишлик учун жони фидо бўлаётган кишилар билан бир қаторда динфурушлик қилиб, шунинг эвазига иззату ҳурматда яшаётганлар ҳам кўплаб топилади. Улар шу дунё эвазига охиратини сотган кимсалардир.

Бундайлар дунёда бор ва қиёматгача бўлиши мумкинлигини қуръонда хабари берилган.

Ким (фақат) шу ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини (нг ажр-мукофотини) шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар. Ундай кимсалар учун охиратда дўзах ўтидан ўзга ҳеч қандай насиба йўқдир. Уларнинг бу дунёда қилган барча яхшиликлари беҳуда кетур ва қилиб ўтган амаллари бефойдадир. (Ҳуд сураси 15, 16 оятлар)

Улар дин ҳақиқатини била туриб, золимларга айтмайдилар. Айтишдан қўрқадилар. Аксинча, золимларни мақтаб, улар истаган фатволарни чиқарадилар. Бундай илмни ва дин ҳақиқатини яширувчилар ҳам дунёда доим бўлишлигини қуръони каримда хабари берилган.

Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни одамларга Китобда равшан қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар лаънатлагайлар. (Бақара сураси 159 оят)

Демак, бундайлар малъун кимсалардир. Аллоҳ лаънатлаган кимсалардир.

Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очиқ айтсалар, бас, уларнинг тавбаларини қабул қиламан. Ва фақат Менгина тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмлидирман. (Бақара сураси 160 оят)

Булар туфайли холис имомлар бадном бўлдилар. Минглаб мусулмонлар турмаларга қамалдилар. булар динни ўз томорқаси қилиб олдилар. Турли бидъат тўйу маъракаларга бориб, пул олганлари етмагандек, қуръону ҳадисни сотиб пул ишлашга ўтдилар. Китоблар ёзиб «бу китоб муаллифлик ҳаққим, менинг китобимни ҳеч ким мендан берухсат сотмасин» деб, бошқаларга шу китобларни чоп қилиб сотишни маън қилдилар. Агар бошқа китобфурушлар сотсалар ҳам халқ олиб ўқиса, муаллифга ажру савоб бўлардику?!

Лекин, улар фойдадан қуруқ қолишни истамасдилар. Савоб эса, унчалик муҳим масала эмасди.

Қуръону ҳадис ҳақиқатини одамларга айтиш, яширмасдан етказиш эвазига калтак еб, хорликка учраган имомларни бадном қилиб, «адашганлар» деб, фатволар беришди.

Ўзлари эса, китобу суннатни сотиб, золимларга маддоҳлик қилиб, иззату ҳурматда ошини ошаб, ёшини яшаб, халқни золимга мутеъ қилиб, бидъату хурофотларни «мазҳаб амалидан» деб, жар солиб, одамларни ўз шахсига қул қилиб, ўтиб кетдилар.

Пайғамбарлар Аллоҳдан келган ҳақиқатни сотган эмаслар. Буни одамларга ҳеч бир эвазсиз етказиш, зиммаларидаги вазифа деб, тушунганлар. Бу даъвати учун, одамлардан ажру мукофот сўрамаганлар. Қуръони каримда Нуҳ алайҳиссалом тилидан шундай дейилади;

Мен сизлардан бу (даъватим) учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳнинг зиммасидадир. (Шуаро сураси 109 оят)

Ҳуд алайҳиссалом тилидан шундай дейилади;

Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. (Шуаро сураси 127 оят)

Солиҳ алайҳиссалом тилидан шундай дейилади;

Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир.

(Шуаро сураси 145 оят)

Лут алайҳиссалом тилидан шундай дейилади;

Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир.

(Шуаро сураси 164 оят)

Шуайб алайҳиссалом тилидан шундай дейилади;

Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. (Шуаро 180 оят)

Аллоҳу Таъоло Муҳаммад алайҳиссаломда ҳам шундай сифатлар борлигини зикр қилиб айтади; Сиз улардан бу (даъватингиз) учун бирон ажр-ҳақ сўрамайсиз. Бу (Қуръон) фақатгина барча оламлар учун бир эслатмадир, холос. (Юсуф сураси 104 оят)

Пайғамбарлар ва уларга эргашган уларнинг ҳақиқий ворислари бўлган олимлар дин ҳақиқатини одамларга бепул беминнат, тугун олмасдан, холисона етказишган ва яна шу етказиш йўлида кўп озору машаққатлар тортишган. Бугунги динфурушлар ўзларини «Пайғамбарларнинг ворисларимиз» деб, иддао қиладилару, китобфурушликдан бошқа иш қилмайдилар. Улар қуръондаги «Оятларимни оз пулга сотманглар ва Мендангина қўрқинглар. (Бақара сураси 41 оят) оятини ҳам таржима қилиб сотишмоқда.

Имону исломни, бепулу беминнат етказиб, шу йўлда қатл қилинганларни эса, ҳеч андиша қилмасдан «адашганлар» дейишади. Модомики, синов имон баробарида келар экан, кимларга оғир синовлар келди? Кимлар бу йўлда қатл қилиндилар, қамалдилар, ватандан бадарға бўлдилар? Кимлар эса, қўлини совуқ сувга урмасдан иссиқ ўрнини совутмасдан яшаб ўтишди ёки ўтмоқдалар?! Кимнинг имони қанақа бўлганлигини, мана шундан ҳам қисман тасаввур қилишимиз мумкин. Валлоҳу аълам!

27 июл 2015 йил

Қай биримиз Ҳанафийроқмиз?

Кириш;

Маълумки, бугунги мустабид режимга итоатга тарғиб қилувчи ўзбек имомлари ўзларини Ҳанафий мазҳабдамиз деб иддао қилишади. Бугун диёримиздаги бидъату хурофотларни ҳам «ҳанафийлик» деб ҳисоблашади. Мустабид режимга хизмат қилиб, унга итоат этишни «ҳанафийлик» ва унга қарши чиқишни «вахҳобийлик» дейишади. Мустабидларга итоат қилишликни ҳанафий мазҳабига қандай алоқаси бор? Абу Ҳанифа мусулмонларни мустабидларга итоат қилишликка чақирганми? Бугунги ўзбек режими тарафидаги шайхлар ва уламолар билан унга муҳолиф турган диндорларни қай бири ҳанафий мазҳабига амал қилмоқдаю, қай бири каззоблик қилмоқда? Бу каби саволларга умумий жавоб сифатида куйидаги мақолани ёзишни ният қилдим.

Абу Ҳанифа зулмга исён қўтарувчи мазҳаб асосчиси бўлган эди

Аслида эса Ҳанафий мазҳаби асосчиси Нўъмон ибни Собит раҳимаҳуллоҳ зулмга қарши исёнкор шахс бўлганлар. Бизнинг диёримизда имоми аъзам лақабли машҳур мужтаҳид Абу Ҳанифанинг тарихи деярли ўрганилмайди. У кишининг тарихига доир баъзи ўзбек тилидаги китобларда ҳам олди қочди хурофотлардан бошқа нарса топилмайди. Бугунги ўзбек имомлари у кишининг ҳаётини афсоналаштириб, ўзлари қилаётган бидъату хурофот амалларини унинг мазҳабига нисбат бермоқдалар. 80 ҳижрий йилда туғилган имом 150 ҳижрийда вафот этган. (мелодий 699-767) Умрининг 52 йили Уммавийлар халифалиги ва 18 йили Аббосийлар халифалиги даврида ўтган Абу Ҳанифа ижтимоий фаол шахс сифатида шу даврдаги ҳукумат талашаётган

турли гуруҳлар орасидаги сиёсий курашлар жабҳасида фаол иштирок этган.

Гарчи у кишини ўзидан кейинги 13 аср орасидаги мусулмон авлодлар ҳанафийя мазҳаби асосчиси сифатида таниган бўлсада, шайх ўз замонасида ўлимидан кейингидек машҳур ва қадрли бўлган эмас. Энг ёмони эса, у кишидан кейин у киши номидан тўқилган афсоналарнинг кўплигидадир. Турли хил бидъату хурфотларни у кишининг мазҳабига алоқадор қилиб кўрсатишлиқдadir. У киши яшаган давр Халифат тахти учун турли гуруҳлар орасида курашлар авжига чиққан фитналик давр эди. Абу Ҳанифа зулм ва зўравонлик сиёсатини юритган Халифалар уммавийлардан бўладими ёки Аббосийлардан бўладими ҳаммасига қарши турган. Абу Ҳанифа мазлумлар тарафида турган имомдир. У кишининг ҳаётини тушуниш учун ўша даврдаги қонли воқеаларга бир назар солишлик лозим бўлади. Мен мақоламда тарихий фактларни ёритиш учун 20 асрнинг буюк олими Мисрлик доктор Муҳаммад Абу Зухра (1898-1974) нинг «Абу Ҳанифа» деб номланган ва Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳнинг ҳаёти зикр қилинган китобидан қисқача иқтибослар келтираман. Истовчилар қуйидаги линкдан имом Абу Зухранинг «Абу Ҳанифа» номли китобини ўқишлари мумкин.

Абу Ҳанифанинг Уммавийлар Халифалигига қарши исёнларда иштироки

Али разияллоху анху вафотидан кейин, Уммавийлар сулоласи Халифатни ўз қўлларида ушлаб қолар эканлар, уларнинг ҳокимиятини ислом оламида ноқонуний нолегитим деб ҳисоблагувчилар жуда кўп эди. Шулардан бири Али разияллоху анхунинг авлодлари ва уларнинг тарафдорлари бўлса, иккинчиси Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакилари Аббос разияллоху анхунинг авлодлари эдилар. Бу иккала авлод вакиллари Ислом дини пайғамбарига қариндош бўлганликлари ва Муовия разияллоху анхунинг эса қариндошлик риштаси бўлмагани учун ҳам ислом уммати уламолари халифа бўлиш ҳуқуқига Уммавийлардан кўра «Аҳли Байт» Али разияллоху анхунинг авлодлари ҳақлироқ деб билишарди. Аббосийларга ҳам хайрихоҳлар бор эди. Аббосийлар ва Алавийлар (Али разияллоху анхунинг авлодлари ва тарафдорлари) муҳолифат иттифоқи ташкил қилиб иқтидордаги Уммавий Халифаларга қарши курашга кирдилар. Ислом умматининг бирлигига раҳна солган бу сиёсий фитна сабабли, ҳаммаси мусулмон бўлган гуруҳлар ўзаро қирғинбарот жанга кирдилар. Бу қонли курашлар узоқ давом этди. Аббосийлар ва Алавийлар уруғидан кўпчилик шахслар Халифат тарафидан қатағон қилинди. Ислом ёйилган улкан ҳудуддаги барча вилоятларда Уммавийлар маркази Дамашққа қарши исёнчилар кўпая бошлади. Уммавийларнинг 10 чи Халифаси Ҳишом ибн Абдулмалик даврида Али разияллоху анхунинг авлодларидан бўлган Зайд ибн Али Зайналобидин унга қарши исён кўтаради. 121 ҳижрий йилда бошланган бу исён ҳаракати 11 йил давом этиб, охири 132 ҳижрий йилда Зайд ибн Алининг қатл қилиниши билан тугади. Халифага қарши бу ҳаракатни 41 ёшли Абу Ҳанифа қўллаб қувватлаганди. Доктор Муҳаммад Абу Зухра «Абу Ҳанифа» китобида бу воқеъани шундай ёритади.

Иқтибос; Зайд ибн Али Зайналобидин Халифа Ҳишом ибн Абдулмаликка қарши исён кўтарганида Абу Ҳанифа имомни қўллаб қувватлаганлардан бири бўлганди. Абу Ҳанифа «Унинг (Халифага қарши бу чиқиш гўё Наби САВнинг Бадр жангидаги мушрикларга қарши чиқиши кабидир» деганди. Ундан нега ўзи ҳам бирга чиқмагани сабаби сўралганида, «Агар одамлар уни ҳам отасини хор қилганлари каби хорламасликларини билганимда эди, албатта у билан бирга чиққан бўлардим. Чунки, у ҳақ имомдир.

Лекин, мен унга мол билан кўмаклашаман.» деди ва унга 10 минг дирҳам жўнатиб юборди.

Аҳли Байтдан бўлган бу имомни Абу Ҳанифа наздида қадрли қиммати бор эди. Абу Ҳанифа имоми Зайдни илмини, динини ва хулқини қадрларди. Уни хилофатга ҳақдор деб ҳисобларди. Мол билан уни қўллаб қувватларди. Ва кўрдикки бу имомни ўзи ва кейин ўғиллари ва кейин неваралари барчаси уммавийлар қиличи билан қатл қилинди. Буларни бари Абу Ҳанифани қаттиқ қайғуга солганди. Иқтибос тугади. (Абу Ҳанифа китоби 36 чи саҳифа)

Бу имом қатл қилинган 132 ҳижрий йилда Ҳанафийя мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа 52 ёшда эди. Уммавийларнинг Кўфадаги волийси Абу Ҳанифани ўзига муҳрдор котиб бўлишга таклиф қилади. Абу Ҳанифа уммавий Халифалардан норозилиги учун бу мансабни қабул қилишдан

бош тортади. Доктор Муҳаммад Абу Зухра «Абу Ҳанифа» китобида бу воқеъани шундай ёритади.

Иқтибос; Волий агар Абу Ҳанифа бу таклифни рад қилса уни жазолайман деб қасам ичади. Одамлар келиб Абу Ҳанифага амални қабул қилишни маслаҳат беришганда, Абу Ҳанифа «Агар мендан Восит масжидига эшик таёрлаб беришни талаб қилганида ҳам мен бунга кўнмаган бўлардим. Одамни ўлдиришга фармон ёзиб, унга муҳр босишни мендан талаб қилишса мен қандай қабул қиламан? Аллоҳга қасамки, мен буни ҳеч қачон қабул қилмайман» деб жавоб берди. Миршаблар уни ҳибсга олишди ва зиндонбанд қилиб калтаклашди. Имом барибир таклифга кўнмади. Жаллоднинг ўзи охири Волийни олдига келиб, «бу киши ўлиб қолади» деди. Волий «унга айт бизни қасамимиздан чиқиш йўлини кўрсатсин» деди.

Жаллод Абу Ҳанифага келиб волийнинг сўзини айтганида, «Агар мендан масжидга эшик таёрлаб беришни талаб қилганида ҳам мен бунга кўнмайман» деди. Волий уни қўйиб юборишни буюрди. Қамокдан чиққан имом Кўфани такр этиб, Маккага жўнаб кетди. Ўша пайт 130 ҳижрий сана эди. То Аббосийлар давригача ўша ерда яшади. Абу Жаъфар ал Мансур даврида Кўфага қайтиб келди. Иқтибос тугади. (Абу Ҳанифа китоби 39 чи саҳифа)

Абу Ҳанифанинг Аббосийлар Халифалигига қарши исёнлари

Аббосийлар ва «Аҳли Байт» вакиллариининг уммавийлар ҳукмдорлигига қарши исёнлари узоқ давом этсада, натижа бермаётганди. Хуросондаги Абу Муслим бошчилигидаги исёнчилар ҳижрий 132 (750 мелодий) йилда Хуросон маркази Марвни кейин кетма кет Тус ва Нишопур қалъаларини босиб олади. Уммавийлар Халифаси Марвон Абу Муслимга қарши катта қўшин жўнатади. Аббосийлар ва алавийларнинг кўп йиллик исёнларини аёвсиз тарзда бостириб келган Уммавий Халифалар Абу Муслимга қарши чорасиз қолдилар. Абу Муслим бошчилигидаги қўшинлар 750 йилда (ҳижрий 132 йил.) Зеб дарёси бўйида уммавийларнинг катта қўшинини мағлубиятга учратди ва халифат заифланиб қолган Дамашқ осонлик билан Аббосийлар қўлига ўтади. Аббосийлардан Аҳмад ас Саффоҳ Халифалик тахтига ўтиради. Абу Муслимни Хуросон волийси қилиб тайинлайди. Аҳмад ас Саффоҳ халифат пойтахтини Дамашқдан Ироққа кўчиради. Саффоҳ кўп ўтмай вафот этади. Унинг ўлиmidан сўнг 754 йилда укаси Абу Жаъфар ал Мансур Халифа бўлади. Абу Муслимнинг Аббосийларга шунча қилган хизматларига қарамасдан уни ўзи учун ҳам таҳдид ҳисоблаган Халифа ал Мансур Абу Муслимни 755 йилда учрашувга чақириб, хиёнаткорона ўлдиради. Бу вақтда Абу Ҳанифа Маккадан Кўфага қайтиб келади.

Ўша пайтда имом 56 ёшда эди. Уммавийлардан қонли қасос олган Ал Мансур ўзи билан иттифоқчи бўлган «Аҳли Байт» вакилларига ҳам катта кичик мансаблар улашганди. Лекин, Алавийлар ва Аббосийлар орасидаги иттифоқ дарз кета бошлайди. Кеча уммавийларга қарши бирга курашган мухолифатчи иттифоқчилар энди ўзаро бир бирларига адоват қила бошлашганди. Бу орадаги адоват тобора кучая борди.

Доктор Муҳаммад Абу Зухра «Абу Ҳанифа» китобида бу воқеъани шундай ёритади.

Иқтибос; Кўфага қайтиб келгач имом яна масжидда халқа қилиб дарсларини давом эттира бошлади. Уммавийларга байъат қилган барча фақиҳлар энди Абу Жаъфар ал Мансурга байъат беришганди. Абу Ҳанифа хутбасида ўзини янги Халифага байъат берганига ишора қилиб ўтади.

Булар Абу Ҳанифанинг Аббосийлар билан аввалги даврда яхши муносабатлар ўрнатганига ишора қилади. Аммо, Абу Ҳанифа уммавийларнинг Али разияллоҳу анҳу ва Наби САВ авлодларига нисбатан қилган зулму зўравонликларига гувоҳ бўлиб келган эди. Аббосийлар ҳам шу йўлни ушлашди. Аҳли байтни қадри қимматини лозим тутмади. Натижада Аббосий Халифа ал Мансур билан Абу Ҳанифа орасида совуқлик пайдо бўла бошлади. Бир куни Халифа ал Мансур хотини Ҳирра билан жанжаллашиб қолди ва Абу Ҳанифани ҳузурига чақиртирди. Ҳузурига келган имомга қараб Халифа; Эй Абу Ҳанифа эркак кишига қанча аёлга уйланиши мумкин? деб сўради.

Тўрттагача мумкин деди имом.

Чўри, канизаклардан қанчагача мумкин? деди Халифа.

Истаганича. Уларнинг адади чегараланмаган деди имом.

Энди бирор кимсага бунга қарши гап айтиши жоизми? деб сўради Мансур.

Йўқ деди, имом.

Эшитдингми? деди, Халифа хотинига қараб.

Шунда Абу Ҳанифа Халифага қараб «Аллоҳу Таъоло буни адолатли кишиларга ҳалол қилгандир. Агар кимки адолатли бўлмаса, ёки адолат қилолмай қолишидан қўрқса, битта аёл билан кифояланиши лозим. Аллоҳу Таъоло қуръонда «Агар адолат қилолмасликдан қўрқсангиз, Бас, биттасига (кифояланинг)!» деган ва бизга Аллоҳнинг одоби билан одобланишлик ва мавъизаси билан ибратланишлик лозимдир» деди.

Халифа узоқ сукутга чўмди. Абу Ҳанифа саройдан чиқиб уйига кетди. Кўп ўтмай орқасидан Халифанинг хотини Ҳирра юборган совға саломларни кўтариб ходимлар келишди. Ҳирра имомга канизак, сарполар, олтин ва Миср эшагидан совға қилганди. Имом совғани рад қилди. Ва унга саломимни айтинг ва айтингки, «Мен Аллоҳ учунгина бу мақомда турдим. Кимгадир яқин бўлишлик ёки мол дунё орттириш учун эмас деди. (Абу Ҳанифа китоби 43 чи саҳифа)

Аббосий Халифа Абу Жаъфар ал Мансурга қарши Аҳли Байтдан бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва унинг укаси Иброҳим исён кўтардилар. Буларнинг отаси Абдуллоҳ ибн Ҳасан Халифанинг зиндонида эди. Абу Ҳанифа эса у билан кўп йиллик илмий алоқаси бор эди. Бу исён воқеъасини Муҳаммад Абу Зухра «Абу Ҳанифа» деб номланган китобида шундай ҳикоя қилади.

Иқтибос; Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 145 ҳижрий йилда (762 мелодий) Мадинада Халифа ал Мансурга қарши исён кўтаради. Уни Хуросон волийлари ҳам қўллаб қувватлашарди. Лекин, улар йўлнинг узоқлигидан ёрдамга етиб келолмадилар. Мадинада ўша пайтда яшаётган имоми Молик ҳам ал Мансурга қарши исён қилишга фатво берганлиги ибн Касир ва ибн Жарир тарих китобларида ривоят қилинади. Имоми Молик одамларни Муҳаммад ибн Абдуллоҳга байъат беришга чақирган. Одамлар зиммамизда Мансурга берилган байъат борку деб сўраганларида, Имоми Молик «Сизлар унга байъатга мажбур қилингансиз. Мажбурий байъат байъат ҳисобланмайди.» деб жавоб берган. Кейин одамлар Муҳаммад Абдуллоҳга байъат бера бошлашган. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва Ироқда исён бошлаган унинг укаси Иброҳим ибн Абдуллоҳ исёнлари уларнинг қатл қилиниши билан якун топди.

Имоми Молик ўз фатвоси учун жазоланди ва калтакланди. Абу Ҳанифанинг мавқеъи эса Моликдан ҳам қаттиқроқ бўлган эди. Абу Ҳанифа ўз дарсларида Мансурнинг амалдорларини мусулмонларни қатл қилишда унга ёрдам бермасликга даъват қилган эди. (Абу Ҳанифа китоби 45 чи саҳифа)

Айтиш лозимки, бу сиёсий курашларда дин уламолари иштироки албатта улкан бўлган. Чунки, ўша пайтдаги ҳукмдорлар мусулмон бўлганлар ва шаръий аҳкомлар асосида жиноятларга жазолар белгиланган. Лекин, ўша пайтдаги Халифалар ва улардан кейинги Усманий Халифалар асрлар давомида мустабидларча ҳукмронлик қилганлар. Ҳеч қачон халқни ва дин олимларини ўз эркига қўймаганлар. Дин олимлари ўша даврлардаги фитналарнинг қурбонлари бўлиб келишган.

Муҳаммад Абу Зухра «Абу Ҳанифа» деб номланган китобида шундай ҳикоя қилади.

Иқтибос; Ибни Жарир ат Табарий айтади; Халифа Абу Жаъфар ал Мансур Абу Ҳанифани Боғдодга чақириб, Қозиюл қуззот лавозимига таклиф қилди. Имом бош тортди. Халифа унга бошқа амаллар таклиф қилди. Имом рад қилди. Охири уни шаҳар ишларига масъул қилиб қўйди. Халифанинг имомни Бағдодга чақирибдан мақсади уни Кўфадан узоқлаштиришлик эди. Абу Ҳанифа Бағдоддалиқ пайтида Халифа Кўфадаги барча Алавийларнинг раисларини тўплади ва қамоққа ҳукм қилди. Мол мулкларини мусодара қилди. (Абу Ҳанифа китоби 47 чи саҳифа) Бу воқеъадан хабар топган Абу Ҳанифа қалбида Аббосийлар Халифалигига нисбатан адоват ва нафрат пайдо бўлади. Адолат тарафдори бўлган имом Халифанинг бу зулмига рози

бўлиб туролмасди. Халифага нисбатан муносабати совуқлашган имом унга тик қараб золим олдида ҳақ сўзни айтишга қарор қилади.

Абу Зухра «Абу Ҳанифа» деб номланган китобида шундай ҳикоя қилади.

Иқтибос; Мусулликлар Халифага қарши исён кўтаргани хабари келди. Мансур барча фуқаҳоларни тўплади ва улардан « Мўминлар зиммасидаги шартномага амал қилиши вожибдир. Мусулликлар менга итоатга байъат қилишганди. Энди мен тайинлаган волийимга исён қилмоқдалар. Уларнинг қонлари мен учун ҳалолми? деб сўрайди. Шу ердаги шайхлардан бири « Сизнинг улар ҳақидаги гапларингиз тўғри. Агар уларни авф этсангиз яхши. Агар жазоласангиз бунга ҳақлисиз» деб жавоб беради. Шу ерда ҳозир бўлган Абу Ҳанифа «Нималар деяпсиз эй шайх? Бизлар (мўминлар) Халифат давлатида ҳам тинчлик ва омонликда бўлмаймизми? деди. Кейин Мансурга қараб, «Сен улар билан сенинг ҳаққинг бўлмаган нарсага шартнома қилгансан. Улар ҳам сенга, сен ҳақдор бўлмаган нарса билан шартнома қилишган. (Яъни, сен Хилофатга ҳақдор эмассан. Ва уларни сенга итоат қиламиз деган байъати ҳам ноҳақдир) деди. Мўминларни қонини тўкиш ҳалол бўлмайди магар учта ҳолатда ҳалолдир. Агар уларни мол мулкини мусодара қилсанг, молни ноҳақ олган бўласан. Аллоҳнинг шартлари риоя ва амал қилишга ҳақлироқдир» деди. (Абу Ҳанифа китоби 49 чи саҳифа)

Бу воқеадан сўнг Мансур имомга Кўфага қайтиб кетишга буюради. Бу вақтда 148 ҳижрий йил эди. (765 мелодий) Имомнинг икки йил умри қолганди. Бу каби жонини хатарга қўйиб Халифага ҳақ сўзни айта олишлик ҳақиқий олим мужтаҳид имомларнинг сифатларидир. Абу Ҳанифа ҳам фидокор олим бўлган эди.

Халифа уни ўзига оғдиришлик ва у орқали ўзи олиб бораётган зулм сиёсатини халқ орасида қонунийлигини таъминлашга урининаётганди. Абу Ҳанифа ислом оламида машҳур бўлган ва кўплаб шогирдларга эга бўлган олим эди. Бундай одамларни мустабидлар ўзларига хизмат қилишларини истайдилар албатта. (Худди бугунги мустабидлар истаганлари каби)

Лекин, қанча ҳаракат қилмасин, мансаб ва амал таклиф қилмасин, кўрқитиб тазйиқ қилмасин, совға салом юбориб ўзига мойил қилишга уринмасин Халифа ал Мансур бунга эришолмади. Абу Ҳанифа совғаларни рад қилди. Мансабга унамади. Халифага ҳақ сўзни айтишдан кўрқмади. Бугунги дин пешволари каби, мустабидларга хизмат қилмади. Гарчи у даврдаги мустабидлар Халифалар эдилар. Бугунги мустабидлар даҳрий дин душманларидир. Бугунги дин пешволари бутун ҳаётида зулмга қарши курашиб жонини фидо қилган Абу Ҳанифанинг мазҳаби номидан бугунги мустабидларга хизмат қилишмоқда. Бу имоми аъзамга ҳам ва динга ҳам хиёнатдир! Бу хиёнатни қилаётганлар Абу Ҳанифанинг мазҳаби номидан эмас, ўзларининг номидан қилсалар яхши бўларди. Чунки, Абу Ҳанифа булар каби, зулмга хизмат қиладиган кимса бўлмаган. У киши зулмга қарши тургани учун қамоққа ташланди ва калтакланди. Калтак оқибатида жон топширди.

У кишининг вафоти тарихини Абу Зухра «Абу Ҳанифа» деб номланган китобида шундай ҳикоя қилади.

Иқтибос; Ривоят қилинадик, Халифа ал Мансур Абу Ҳанифани Бош Қозилик лавозимига ўтиришга таклиф қилади. Имом бош тортади. Халифа уни ҳибсга олишга ва 110 дарра уришга буюради. Кейин зиндондан чиқариб уйига юборади. Ва кейин баъзи масалалар юзасидан фатво беришни сўраб унинг уйига одам жўнатади. Имом фатво беришдан бош тортади. Халифа уни яна қамоққа қайтаради ва унга нисбатан қаттиқ ёмон муомала тазйиқ қилишни буюради. Ровийлар мана шундан сўнг имомни бошқа дарс мажлисида ўтирмаганлигига иттифоқ қилишган. Лекин, ровийлар уни шу зарбадан кейин етган жароҳат туфайли ўлдими ёки зиндонда заҳарлаб ўлдирилдими бу масалада ихтилоф қилишади. Абу Ҳанифа 150 ҳижрий сана Бағдодда вафот этади. Хизрон қабристонида дафн этилади. Ва қабри машҳурдир ва зиёратгоҳдир. (Абу Ҳанифа китобидан иқтибос)

Имоми Суютий ёзишича «Абу Ҳанифа ўлимини яқинлигини ҳис қилди ва саждага борди. Шу саждада пайтида жон берди.» Имоми Заҳабий Абу Ҳанифа вафоти ҳақида шуларни ёзади; Абу Ҳанифа жасадини Халифа томонидан тортиб олинмаган тоза ерга кўмишларини васият қилади. Ироқ аҳли улуғ имомнинг жанозасига тўпланади. Ривоят қилишларича унинг жанозасида эллик мингта одам қатнашган.

Халифа ал Мансур ҳам жаноза намозида иштирок этган. Ҳанафийя мазҳаби асосчиси Нўъмон ибн Собит Абу Ҳанифа мана шундай вафот этганди. Бугун у кишининг мазҳабидамиз деярлигилар эса, золимларга хизмат қилиб, шу амалларини Ҳанафий мазҳабидан деб иддао қилмоқдалар. Зулмга қарши турганларни эса ҳанафий мазҳабидан чиққанлар деб жар солишмоқда. Ваҳолонки, зулмга қарши исён қилишлик, айни ҳанафийлик яъни, Абу Ҳанифанинг йўли, мазҳаби эканини қўпчилик билмайди. Шундай экан ким ҳанафийроқ ёки ҳанафийликка яқинроқ ва кимлар даъвосида қаззоблигини ўқувчилар ўзлари ҳулоса қилиб оладилар деган умиддаман. Аллоҳу Таъоло золимлардан қилмасин ва золимларга ён босадиганлардан қилмасин. Динфурушлик қиладиган ва динини дунёга сотадиганлардан қилмасин. Омин.

15 май 2015 йил.

Шаҳриёр Норбоевга жавобим

«Мазҳабингиз шумиди шайхим» деган, мақоламни фаесбоқда қўйгандим. шуни тағига профессор Ботир Норбоевни ўғли Шаҳриёр Норбоевдан бир қисқача хат келибди.

Ассалому алайкум.

Менимча Шайх ҳазратлари ёзган нарсалар, аччиқ булсада ҳақиқат.

«Мазҳабсиз» сузи Сизга нега бунчалик тегиб кетти хайронман. Узундан узок, агрессив бир мақола ёзишизга сабаб бўлибди))

Расмга келсак, ким кимни ёнида туриб расмга тушишдан фахрланиши бу ҳали тортишиладиган масала

Юсуф Жумаев шеърларига келсак улар ҳам худди Сизга ухшаб воқеа-ҳодисалардан тула воқиф бўлмасдан ёзганлар менимча...

(Май ойида одам калин палто кийиб юрмиди. Репортаж воқеадан олдин ёзилган бўлиши керак)

Ҳуллас жавоби топилмаган саволлариз қўп экан...

Ҳар бир инсонни уз фикри, уз йули бор. Бир бошқа инсонни йули узини йулига ухшамаслиги учун у одамни айблаш тугримас манимча.

Балки у Инсонни Аллоҳ наздидаги даражаси биздан 100 (балки 1000) чандон баланддир.

Буни фақат Аллоҳ билади...

Ассалому алайкум.

Бугун бу хатга жавоб беришга имконим бўлди.

Валекум Ассалом!

Шаҳриёр сизни деярли танимасамда, дадангиз Ботир Норбоевни яхши танийман. Қатор суҳбатлар ҳам қилгандик Сиз билан Туркияда учрашгандик адашмасам. Ботир акани саломини етказгандигиз. Менинг мақоламга шайхингизни ҳимоя қилиб, бу каби қисқа бўлсада мактубчани ёзиб муносабат билдирганингиздан миннатдорман. Чунки, одатда қўлаб Ўзбекистонлик ёшлар бугун на сиёсатга ва на динга қизиқади? Баъзи динга қизиқувчилари ҳам ИШИД сафида қаллақесарлик билан машғул.

Хорижда турли давлатларда ўн минглаб Ўзбекистонликлар борлигига қарамасдан мухолифат сафларида ёшлар йўқ. Бугунги ўзбек халқининг муаммоларини ҳал қилиш фақат ИАКни зиммасига юклаб қўйилган. Мавзуга ўтсак, сизда ҳам ёзувчилик таланти бор экану, нега сизни шу пайтгача бирор муаммога нисбатан муносабат билдирганингизни кўрмадик? Хусусан, 25 йилдан бери ИАК деган золим ўзбек халқига ва диндорларга нисбатан зулм қатағон сиёсатини юргизиб келди. Қўплаб дин олимларини ўғирлаб йўқ қилди. Қамади ва суиқасдлар уюштирди. Сиз яшаётган Туркияда яқинда Абдуллоҳ Бухорий деган ватандошимиз отиб кетилди. Нега сиз булар ҳақида бирор жойда бирор нарса ёзмагансиз? Ёки, сиз фақат ўз шайхингизнигина ҳимоя қиладиган манқурт муридмисиз? Динингиз сиздан фақат шу шайхнигина ҳимоя қилишликни талаб қиладими?

Иқтибос; Менимча Шайх хазратлари ёзган нарсалар, аччиқ булсада ҳақиқат. дебсиз. Агар ҳақиқат бўлса, диндан хабардор бўлсангиз, шу гапларни тўғрилиги исбот қилмайсизми? Фақат «менимча ҳақиқат» деган билан исбот далил бўлмайдида? Сиз шунга ишонишингиз мумкин ва қиёмат кунигача шунга ишонаверинг. Бу ҳаққингиз. Лекин, шайхингизни фикрини нотўғрилигига мен қанча мисоллар келтирдим. Бунақа тутуруқсиз ва масъулиятни ҳис қилмасдан гапирилган гапларни «ҳақиқат» деб тушунадиган манқуртлар борлигини ва сиз улардан бири эканингизни энди билдим.

Иқтибос; «Мазҳабсиз» сузи Сизга нега бунчалик тегиб кетти хайронман. Узундан узок, агрессив бир мақола ёзишизга сабаб бўлибди»

Менга мазҳабсиз сўзи тегди деб хайрон бўлибсиз? Хотиржам бўлинг МЕН МАЗҲАБСИЗМАН! Ёки, фақат Ҳанафийликни ушлайдиган мазҳабпарастмасман. Бу гап менга тегиб кетмайди. Мен бундан ФАҲРЛАНАМАН! Менга сизни ибора билан айтганда «тегиб» кетгани, шайхни ўша китобидаги адолатсиз бемаъни фикридир. Араб диёридаги барча уруш қон тўкилишлар учун бемазҳаблар айбдор деган фикридир. Мен айти шу фикрни ҳаттолигини исботлаш учун қатор мисоллар келтирганман ўша мақолада.

Бу мақоламни «узундан узок» ва «агрессив» дебсиз. Ваҳолонки, мен шайхингизни ҳурматини жойига қўйиб уни ҳаққига мағфират сўраб ёзгандим бу қисқа мақолани. Сиз агрессив ва узундан узок мақола қандай бўлишини ҳали билмас экансиз. Мен умид қиламанки, сиз энди бунга биласиз. Шайхни ҳимоя қилишга чиқдингизми бас, охиригача давом этинг энди. Мен сизни жавоб мақолангизни кутаман. Ва албатта сизга жавоблар бераман. Шу гапларни ИАК зулмидан қочиб юрган одамнинг боласи айтаётганига нима дейиш мумкин?! Агрессивликка келсак, шайхингиз ҳали тириклигида ёзган баъзи шеърларимниям ўқимагансиз шекилли? Ўқиб қўйинг шуларниям. Бу нафақат сизга балки, сиз каби шайхни барча мутаассиб муридларига тегишлидир. Мана бу линкдаги аудиосуҳбатни ҳам эшитинг вақтингизга ачинмайсиз. Агар сиз булардан кейин ҳам «ўз ҳақиқатингизда» турсангиз, сизни ўз радиоблогимга суҳбатга таклиф қиламан. (Истаган шайхни муриди ҳам суҳбатга чиқиши мумкин) Ўзаро ҳурматни сақлаб шайх фаолиятига баҳо берамиз. Ўз фикр муносабатларимизни билдирамиз. Истасангиз марҳамат.

Хатингизни кутиб қоламан.

Иқтибос; Расмга келсак, ким кимни ёнида туриб расмга тушишдан фахрланиши бу ҳали тортишиладиган масала.

Агар бу шайхни казо казолар ёнида туриб расмга тушиши ва бу расмдан фахрланиши тортишиладиган масала бўлса, марҳамат мен сизни ўз радиоблогимда тортишишга таклиф қиламан. Бу шайх ИАКни «муҳтарам президентимиз» деб гапирадиган золимга пахта қўядиган кимса эди. Шу гапларим сизга ёки кимгадир ёқмаса марҳамат чиқинглар суҳбат қиламиз. (Мен шайхни мутаассиб муридлари орқамдан ғийбату бўхтон қилиб юрганлигини биламан. Аммо, мард бўлишса, шайхини мақтаб мени мақоламга раддия беришса, мен уни сайтимда чоп қилардим ва жавоб берардим. Аммо, на жиддий мақола ёзадиган ва на суҳбатга чиқадиган одамни ўзи йўқ. Фисқу фасод тарқатиш билан банд шайхнинг муридлари. Сизларда инсоф бўлганида, шунча диндорни қамаган золимни мақтаб гапирадиган шайхга мурид бўлмасдинглар. Диндорларни ҳимоясига чиққан ва золимга қарши гапирган бўлардинглар?!

Иқтибос; Юсуф Жумаев шеърларига келсак улар ҳам худди Сизга шҳшаб воъеа-ходисалардан тшла вокиф булмасдан ёзганлар менимча... (Май ойида одам калин палто кийиб юрмиди. Репортаж воқеадан олдин ёзилган булиши керак)

Юсуф Жума воқеадан тўла воқиф бўлганми йўқми сиз сўраб кўрсангиз бўлар экан. Дадангизни яхши алоқаси бор. Юсуф Жума ўзи шу шеърига тавба қилган бўлса, ўзи айтарди. У билмай ёзган деган фикрингиз бу далил исботсиз қуруқ гумон халос. Сиз шайхни хато қилмайдиган одам деб биласиз. Ва унга қарши айтилган фикрга тоқатсизлик қилаяпсиз. Мен сизни яхши тушунам. Бу мутаассиблик дардига учраган одамнинг аломатидир. Суратга тегишли фикрингиз эса, томдан тушган тарашага ўхшабди. Бу суратни майга алоқаси йўқ. Бу сурат сеvimли шайхингиз Рамзан Қодиров олдида борганида тушган сурати. Шайхингиз бу каби казо казолар олдида суратга тушиш ва уларни мақтаб гапириш ва уларга тўн кийдиришдан фахрланмаган бўлса, демак, унда қалбида «нафрат» билан суратга тушган ва тўнлар кийдирган бўлади. Аммо, бу шундайми йўқми сизда ҳам далил исбот йўқ.

Иқтибос; Хуллас жавоби топилмаган саволлариз кшп экан...

Ха Шаҳриёр саволларим жуда кўп. Шу сабабли сизни ва шайхни муридларидан ким истаса марҳамат мени радиоблогимда суҳбатга чақираман. Менга жавоб берсанглар ва жавобларинга қониқиш ҳосил қилсам, хатолигимни тушунсам ўша хатоимга узр айтаман. Тавба қиламан. Акс ҳолда сизларга тавба қилишларинг лозим бўлади. Суҳбат тўлалигича эфирга узатилади. Мардликларингни ва олимликларингни ошкора намоён қилинглар. Сизларга бу имкониятни (яъни, шайхни мақтаб қолиш ва салафийларни шарманда қилиш) бошқа ҳеч ким бермайди. Мен ҳали тириклигида шайхларингни ҳам суҳбатга чорлагандим. Унга очиқ хатлар ёзгандим. Табиийки, бу хатларга жавоб олмаганман. Иқтибос; Хар бир инсонни уз фикри, уз йули бор. Бир бошқа инсонни йули узини йулига ухшамаслиги учун у одамни айблаш тугримас манимча.

Балки у Инсонни Аллох наздидаги даражаси биздан 100 (балки 1000) чандон баланддир.

Буни фақат Аллох билади...

Ассалому алайкум.

Албатта, шайхни ҳам ўз йўли ва фикри бор бўлгани каби, менинг ҳам ўз йўлим ва фикрим бор. Мен шайхни йўли мени йўлимга ўхшамагани учун айбламадим. Сиз бунчалик соддалаштирманг воқеъликни. Шайхингизни ҳақни билиб, Ботилга хизмат қилганликда айблаганман. Мен нафақат бу шайхга балки, ИАК режимига хизмат қилаётган барча дин пешвосиман деяётган салласи қозондек кимсаларга қарши шу иддаодаман. Мен уларни динга ва умматга хиёнат қилганликда айблайман. Аллоҳни сўзини эсланг; Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни одамларга Китобда равшан қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар лаънатлагайлар. Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очиқ айтсалар, бас, уларнинг тавбаларини қабул қиламан. Ва фақат Менгина тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмлидирман. (Бақара сураси 159. 160. оятлар)

Аллоҳ олдидаги кимни даражаси қандайлиги эса, фақат Аллоҳагина аёндир! Жумладан сизниям, мениям, шайху пирларниям ҳаммамизни оқибатимиз қандай бўлишини фақат Аллоҳ билади. Унинг раҳматидан умид қилиб, азобидан хавф қилиб яшаймиз тамом. Сизгаям менгаям ўша шайхларгаям айний суратда жаннат башорати берилмаган. Тавҳид моҳияти нимада? номли мақоламда сиз каби шайхпараст ва мазҳабпарастларга озроқ панд насиҳат бор эди.

Агар ўқиб кўрсангиз балки, унга қарши фикрларингиз бўлса уларниям ёзарсиз? Мен сизни барча мақолаларингизни сайтимда чоп қиламан. (Агар юборсангиз) Ва сизга лойиқ даражада жавоб бераман. Шунингдек, радиосуҳбатларгаям чорлаб қоламан. Охирги сўзим, фақат шайхлар ҳимоясига қўлга қалам олмасдан, умматни ғамидаям ёзиб туринг. Зеро сиз бундан масъулсиз. Зулмга қарши курашмас экансиз, шайхингиз каби зулмга жим қараб тураркансиз, эртага қиёматда бундан сўраласиз! У пайтда сизга на шайх ва на бошқаси ёрдам беролмайди Ҳақни ботилга аралаштирманглар ва билган ҳолингизда ҳақни беркитманглар.

(Бақара сураси 42 оят) Валекум Ассалом!

18 апрел 2015 йил

Маданиятлар аро кураш бошландими?

Кириш;

Бугунги глобализация даврида яшар эканмиз динлар аро, маданиятлар аро ва миллатлар аро низолар чиқмаслиги ва дунёнинг барча аҳолиси тинч омон яшаши учун ўзаро бир келишув лозим бўлади. Бу келишув БМТ тарафиданми, минтақавий диний ва инсонпарварлик ташкилотлари тарафиданми давлатаро ёки ҳукуматлар аро бўладими қайси даражада бўлсада тезда амалга оширилиши лозим. Дунёнинг эртанги кунига назар сола оладиган ақл эгалари, виждон ва инсоф эгалари бу ҳақида жиддий бош қотиришлари лозим. Бу бугунги давр талабидир.

У ё бу динга, ёки миллатга мансуб фитначилар, ёки сиёсий авантюристлар ҳамма давлатда ва ҳар доим топилади. Агар “сўз эркинлиги” ёки бошқа шунга ўхшаган иддаоларни рўқач қилиб бунақаларга эрк берилса, динлар аро ва миллатлар аро низоларга йўл очилиши шубҳасиз. Бунга дунё давлатларида яқин ва узоқ тарихида ўнлаб мисоллар бор.

Дунёдаги мавжуд 200 тадан ошиқ давлатнинг барчасида мусулмонлар яшайди. Булардан мусулмон бўлмаган давлатларда яшайдиган диний озчиликлар бор. Шунингдек, аҳолисининг аксариятини мусулмонлар ташкил қиладиган давлатларда яшайдиган христианлар ва бошқа дин вакиллари мавжуд. Бугун дунёнинг кўплаб аҳолиси мусулмон бўлмаган давлатларида мусулмонлар яшайди. Жумладан Осиё, Африка, Европа, ва Америка қитъаларида жойлашган давлатларда ҳам.

Осиёнинг мусулмон бўлмаган давлатларидаги мусулмонлар

Осиё қитъасидаги давлатларда насронийлар, мусулмонлар, буддавийлар яҳудийлар доимо аралашиб яшашган. Бу динларга эътиқод қилувчиларнинг бирортаси бошқасини келгинди ҳисобламайди. Осиёнинг ҳар бир давлатида мусулмонлар бор. Ва аҳолисининг энг кўпини мусулмонлар ташкил қиладиган Индонезия давлат ҳам Осиёда жойлашган. Биз аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлмаган давлатга назар соламиз.

Хитой давлати босиб олиб ўзига бўйсундириб қўйган Шарқий Туркистондаги 25 миллион уйғур мусулмонлари ва ёки Ҳиндистондаги 1 миллиардга яқин буддист ва ҳиндулар орасида яшовчи 300 миллионга яқин маҳаллий мусулмонлар ва Бирмадаги 60 миллион буддистлар орасида яшайдиган 3 миллион роҳинжа мусулмонлари ва Таиланднинг 70 миллион аҳолиси ичида яшовчи 4 миллион мусулмонларнинг бу ерларда яшаш тарихи минг йилларга боради. Булар бошқа ердан кўчиб келган эмаслар. Шундай бўлсада, бу диёрларда динлар аро, маданиятлар аро ва миллатлар аро низолар узоқ ва яқин тарихда доимо кузатилган.

Африканинг мусулмон бўлмаган давлатларидаги мусулмонлар

Африка ислом оламидаги муҳим аҳамиятга эга мусулмон давлатлари жойлашган қитъадир. Африка қитъасининг шимолидаги Миср, Жазоир, Ливия ва Судан каби давлатларда аҳолининг аксариятини мусулмонлар ташкил этади. Марказий ва жанубий Африка давлатларида эса дярли барчасида мусулмонлар асрлардан бери христианлар ва маҳаллий динлар билан аралашиб яшашиди. Бу ерда на мусулмонлар ва на христианлар келгинди ҳисобланмайдилар. Чунки, минг йиллардан бери бу ерларда яшовчи халқлар ўзларини маҳаллий динларидан ташқари мана шу динларга ҳам эътиқод қилиб яшашган. Шундай бўлсада, бу диёрларда ҳам динлар аро, маданиятлар аро ва миллатлар аро низолар узоқ ва яқин тарихда доимо кузатилган.

Европанинг мусулмон бўлмаган давлатларидаги мусулмонлар

Европа мусулмонлар билан танишганига минг йилдан ошган бўлсада, бу диёрларга мусулмонлар кириб келиб яшаб бошлари 18 асрга келиб оммалашди. Европа қироллари узоқ асрлар давомида мусулмонлар билан катта кичик урушлар қилишган. Бу урушлар даврида Ислом дини европага тарқалган. Испанияда Кордова Амирлиги ҳукмрон бўлган юз йил ичида Европа давлатлари ислом маданияти билан яқиндан танишганлар.

Бугунги Венгрия ва Болгария, Македония, Албания, Косово, Босния ва Герцеговина давлатлари Усмонли турк Халифалиги ҳудудлари бўлиб турган. Аҳолиси оммавий исломга кирган. Бугун бу Европа давлатлари аҳолисининг 90% мусулмонлар ташкил қилади. Улар бир жойдан келган муҳожирлар эмаслар. Биринчи жаҳон урушидан кейин Турк Халифалиги барҳам топди. Аммо, тобора куч қувватга тўла бошлаган АҚШ, Англия, Португалия, Испания, Белгия, Нидерландия ва Россия қироллари ва Франция Республикаси Африка ва Осиё қитъасидаги ва яқин шарқдаги қатор мусулмон давлатларини мустамлака қилдилар. АҚШга Африкадан қора танли қуллар оммавий равишда олиб келиниб мулкдорларнинг ерларида қул сифатида ишлатилди. Кейинчалик, бу мустамлака давлатлардаги мусулмонлар ва бошқа халқлар ўқиш ва ишлаш учун ўша хўжайинлари яшайдиган ерларга кўча бошлашди. Бугунги Англияда Ҳиндистонликларнинг учинчи ва тўртинчи авлодлари яшамоқда. Франция, Белгия, ва Нидерландияда ҳам Жазоирликлар ва бошқа Африка давлатлари вакиллари учинчи ва тўртинчи авлодлари яшамоқдалар. АҚШ даги қора танлиларнинг боболари уч аср олдин қул бўлиб АҚШга келгандилар. Бугунги Россия таркибидаги Бошқирдистон, Татаристон, Доғистон, Чеченистон, Ингушетия, Кабардино-Балқария, Карачаево-Черкесия каби Республика ва автоном округлар олдинги рус Империяси даврида узоқ муддат давомида босиб олинган мусулмонлар ўлкаларидир. СССР даврида эса Марказий Осиё Хонликлари тугатилиб 5 та мусулмон Республика ташкил этилди. Бу Республикалар СССР қулагач, москванинг назоратидан чиқиб кетишди. Бугун Россия ҳудудида яшовчи мусулмон аҳоли 20 миллионни ташкил қилади. Бугун бу 20 миллион мусулмон аҳоли 145 миллионлик Россия аҳолисининг қарийб 15% ташкил этмоқда. Асрлардан бери Россия таркибида яшаб келаётган бу мусулмон ўлкаларда 20 аср охирига келиб катта диний ва миллий низолар рўй берди. Чеченистон Россиядан мустақил бўлишга уриниши оқибатида бўлиб ўтган жангларда юз минглаб одамлар қурбон бўлдилар. Нисбатан тинч яшаётган бўлсаларда, барибир бу Россия таркибидаги мусулмон диёрларида динлар аро, маданиятлар аро ва миллатлар аро низолар узоқ ва яқин тарихда доимо кузатилган. Лекин Россия ўз фуқароларининг 15 % мусулмон бўлганини ҳисобга олиб бўлса керак, мамлакатдаги ОАВга мусулмонларни муқаддасотларини масхаралашликни қонунан таъқиқлаб қўйди.

Бу албатта ўзаро низоларни олдини олиш учун зарур бўлган қарор эди.

Қуйидаги рўйхатда Европа давлатларининг аҳолиси ичидаги мусулмонлар сони мамлакат аҳолисининг муқобил фоиз ҳисобида кўрсатилган.

1% (Украина, Белоруссия, Польша, Чехия, Финляндия, Венгрия, Португалия, Ирландия, Молдавия, Словакия, Руминия, Арманистон, Эстония, Латвия, Литва, Исландия, Мальта, Монако)

1%-2% (Андорра, Хорватия)

2%-4% (Италия, Испания, Норвегия, Сербия, Словения, Люксембург)

4%-5% (Англия, Греция, Дания, Лихтенштейн)

5%-10% (Германия, Франция, Швеция, Австрия, Швейцария, Белгия, Нидерландия)

10%-20% (Россия, Болгария, Грузия, Черногория)

20%-30% (Кипр)

30%-40% (Македония)

40%-50% (Босния ва Герцеговина)

80%-90% (Албания)

90%-95% (Косово)

Турли маданият ва дин вакилларининг ўзаро тинч тотув яшаш йўли борми?

Бугун Африка, Осиё, Европа ва Америкада ҳам фақат битта дин, миллат, маданият ва зеҳниятга

эга аҳоли яшайдиган давлат йўқ. Деярли барча давлатларда турли дин ва миллат вакиллари биргаликда истиқомат қилмоқдалар. Шу билан бирга булар орасидаги турли туман низолар ҳали ҳам барҳам топганича йўқ. 1948 йилда БМТ ташкил топди.

Ва БМТ қошида қочоқлар қўмитаси ташкил этилди. Қочоқлар учун махсус халқаро қонунлар қабул қилинди. Шундан бошлаб дунёдаги уруш жанжал бўлган жойлардаги аҳоли, қочоқлар қўмитаси орқали бошқа тинч давлатларга кўчирила бошланди. Асосан, Европа ва АҚШнинг ва СССРнинг мустамлакалари бўлган Африка, Осиё ва Яқин Шарқдаги нотинч ва иқтисоди ночор мамлакатлардаги турли хил сиёсий, миллий, диний низолар сабабли ўз ватанини тарк этишга мажбур бўлган одамлар у ё бу мамлакатдан бошпана берган асосан АҚШ ва Европа мамлакатларига кўчирилди. Бу каби БМТ доирасида қочоқларни кўчириш жараёнлари 60 йилдан ортиқ давом этди. Ва бугунги кунга келиб АҚШ ва Европа давлатларда Афғонистон, Фаластин, Сурия, Ироқ, Сомали ва Марказий Осиё Республикаларидан келган қочоқлар қатлами пайдо бўлди. Ўзларининг орасидаги майда этник озчиликдан ташқари бугун Европа давлатларида юзлаб мамлакатлардан келган турли хил дин ва миллат вакиллари яшамоқдалар. 60 йил олдин бу давлатларда муҳожирлар жуда озчиликни ташкил қилган. Аҳоли асосан монокултурализм — яъни, бир хил маданият асосида яшаганлар.

Швеция мисолида айтсак, 50 йил олдин муҳожирлар 3% бўлган бўлса, бугунга келиб, 15% ни ташкил этади. Умуман Европа давлатларида яшовчи муҳожир мусулмонлар аҳоли умумий сонининг 6% ни ташкил қиладилар ҳалос. Лекин, бу 6% мусулмон муҳожирлар Европа давлатларига ўзлари билан Ислонни ҳам олиб келишди. Ўз диёрларида мавжуд бўлган ислоннинг турли турли туман кўринишини ва турли гуруҳлар аро ички ихтилофларини ҳам олиб келишди. Муҳожирлар кўпаяр экан, айни дамда уларга қарши миллатчилик ва ислмофобия кайфиятдаги унсурлар ҳам кучайди. Бугунги Европа давлатларидаги мусулмон муҳожирлар маҳаллий ислмофоблар ва миллатчилар нишонига айландилар. Бу вазиятга чора излаш ва тарангликни юмшатиш ўрнига бугунга келиб, Европа давлатлари раҳбарлари ўз маданиятини бошқалардан устунлигини таъминлашга урина бошлашди. Немис канцлери Ангела Меркел ва Англия бош вазири Д. Кэмероннинг “Мультикултурализм яъни, турфа маданиятчилик сиёсати муваффақиятга эришмади” деган, фикрлари машҳурдир. Бу дегани бошқа дин ва маданият вакиллари бизнинг маданиятимизга зид бўлган амаллардан воз кечиши лозим дегани эди. 2012 йилда Францияда мусулмон аёлларга ҳижоб кийиш қонунан маън қилинди. Яқинда Пайғамбар алайҳиссаломни карикатура қилган Шарли Ебдо газетаси 12 та ходими, Франция фуқароси бўлган асли Жазоирлик араблар томонидан отиб ўлдирилди.

Бу воқеъага Франция ҳукумати муносабати эса, Меркел ва Д. Кэмеронларнинг тутган позицияси билан уйғун бўлди.

Президент Олланд “Бу сўз эркинлигига қарши қилинган тажовуздир. Биз сўз эркинлиги ҳимоя қиламиз. Ва террористлар бизни бу йўлдан қайтаролмайдилар!” дея баёнот берди. Бошқа сўз билан айтганда, Европа лидерлари ўз маданиятларини бошқалардан ҳимоя қилишларини эълон қилишди. Бу позиция эса, Европа давлатларидаги 6% мусулмонни динини ҳақорат қилишга бошқа маданият вакилларига рухсат беришлик эди. Бу позиция дунёдаги бошқа 1,7 миллиард мусулмонни ҳақорат қилишни “сўз эркинлиги” деб уқтиришликдан бошқа нарсаси эмасди. Шу сабабли ўша газетада яна карикатура чоп қилинди. Ва 3 миллион нусхада тарқатилди. Турли соҳада ривожланган ва инсон ҳақларини ва эътиқод эркинлигини тан оладиган Европа давлати раҳбарлари мусулмонларга нисбатан мана шундай позицияда турди. Албатта, Европа давлат раҳбарлари ва оддий аҳолиси орасида “Сўз эркинлиги” бошқани эътиқодини ҳақорат қилиш деган фикрга қарши бўлганлар кўпчиликни ташкил этади. Бунини оддий одамлар билан қилинган суҳбатлардан ҳам англаш мумкин. Қатор сиёсатчилар ва дин пешволари сўз эркинлиги бошқаларни ҳақорат қилиш дегани эмас” деган мазмунда баёнотлар қилишди. АҚШ, Россия ва қатор мусулмон давлатларнинг мустақил ОАВлари мусулмонларнинг динини ҳақоратловчи карикатураларни ўз нашрларида босмасликларини маълум қилишди. Швецияда миллатчилар нашрлари ва баъзи бошқалари ҳам бунини чоп қилишди. Лекин, нуфузли нашрлар жумладан Aftonbladet карикатурани босмаслиги эълон қилди. Сиёсий партиялардан Сўлчи коммунистлар партияси Шарли Ебдога қаршилиги маълум қилди. Швеция яшиллар

партияси Стокгольм мактабларида муслималар мактабда ниқоб билан ўтириш ҳуқуқи учун курашди. Социал Демократлар партияси депутати Nillevi Ларссон Исроил давлати жаҳон харитасидан ўчиб кетишини айтиб, янги харитага уни киритмаслиги айтган. Бу фактлар эса ҳали икки маданият ислом ва насронийлик орасидаги уруш бошланганига эмас, балки, Ислон ва насронийликга қарши либерал атеизм томонидан хуруж бўлаётганига далилдир. Карикатурани миллионлаб нусхада чоп этилганига қарши бугун Шарли Ебдога қарши дунёнинг қатор мусулмон давлатларида маҳаллий мусулмонлар тарафидан Франция элчихоналари олдида норозилик намойишлари ўтказилди. Покистон Бош Вазири Навоз Шариф ва Афғонистон Президенти Ашраф Ғани Ислон динини масхара қилишликни қоралаб баёнот бердилар. Туркия бош Вазири Довуд Ёғли ҳам бундай баёнот билан чиққанди. Баъзи жойларда одамлар нобуд бўлди ва жароҳатланди. Нигерияда намойишчилар иккита черковга ва француз маданий марказига ўт қўйгани хабар қилинди. Ўша давлатдаги Франция фуқароларига эса, ташқарига чиқмасдан уйда ўтириш тавсия қилинди. Энди французларга мусулмон давлатларига саёҳат қилишлари ҳам хавфли бўлиб қолди.

Бундан ким ютди?

Кимга қандай фойда бўлди?

Ва бу ўзаро адоватни оқибатида ким қандай фойда кўради?

Бу каби бошқаларни эътиқодини масхаралаш қулиш сўз эркинлиги ҳисобланадими?

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар қонуний нормативларда “сўз эркинлиги”ни чегарасини белгилашганими?! Агар чегараси бўлса, у қаерда тугайди?! Менда мана шу саволларга жавоб йўқ. Сиздачи...?

.....

Хулоса;

Ғарбдаги жамоатчилик каби ғарб давлатларида бошпана олиб яшаётган Ўзбекистонликлар ҳам бу масалада икки гуруҳга ажралиб қолишди. Либерал ва атеист ва диндор каби турли қарашдаги Ўзбекистонлик гуруҳларнинг орасидаги эски адоватларини Шарли Ебдо воқеъаси аланга олдириб юборди. Ўзларининг ичидаги бошқа ватандошларига бўлган адоватларини Шарли Ебдога муносабат билдириш жараёнида изҳор қила бошлашди. Баъзилари эса, диндорлар эътиқоди устидан қулиш лозимлигини ва уларга нега Европа давлатлари бошпана бераётганига ҳайронлигини айтиб, диндорларни ислом давлатига депорт қилдириш ҳаракатига тушиб қолдилар.

Ғарбдаги ОАВда ишлайдиган ўзбек журналистлари эса, бу воқеъаларни хабари берилган мақоласини «Charlie Hebdo — маданиятлар тўқнашувининг оғриқ нуқтаси» дея номлади. Мен билан кеча суҳбат қилган таниқли Намоз Нормўмин жаноблари ҳам бунга айнан шундай «Цивилизациялар аро ёки маданиятлар аро кураш кетаяпти» деб шарҳ берган эди.

Менинг фикрим эса, бу каби баҳолаш, воқеъликни бўрттириб кўрсатишлиқдир. Ғарбда ҳам Шарқда ҳам Charlie Hebdo воқеъаларига хайрихоҳлар ва қаршилар етарлича топилади. Мусулмонлар орасида ҳам атеистлар орасида ҳам Charlie Hebdo тарафдорлари ва қаршилари бор. Маданиятлар аро кураш эса, мусулмонлар бир тарафда насронийлар бир тарафда туриб ўзаро омонсиз курашиш деганидир. Ҳали инсоният бу каби қоқ иккига бўлиниб жанга кирганича йўқ. Бу воқеъалар менинг назаримда ҳали маданиятлар аро кураш бошланганини англатмайди. Бу бўлиб ўтган нохуш воқеъалар эса, ўзаро мулоқот ва ақл инсоф виждон мезонлари асосида ҳал қилса бўладиган можаролардир. Мен илғор ҳур фикрли адолатли кишилар бу муаммони ечимини топишларига ишонаман.

17 январ 2015 йил.

Ота онасини қадрига етмаган фарзанд оқибати икки дунёда хорликдир!

Инсонлар туғилишидан фарзандига меҳр қўяди. Фарзанд ҳам ота онага меҳр қўяди. Бу дини ва миллатидан қатъий назар барча инсон зотиға тегишли умумий яратилиш қонунидир. Меҳр ва муҳаббатға асосан инсонлар ўзаро жуфтлашади оила қуриб кўпаядилар. Меҳрға асосланган оилада ҳамма ўз бурчини беихтиёр бажараверади. Иноқлик ва аҳиллик ҳукм суради. Қачонки, ўзаро меҳр муҳаббат йўқолиб, ораға адоват тушса, вазиятни ўнглаш учун қонун керак бўлади. Аммо, ҳеч қайси қонун меҳрни қайта тиклашға қодир эмас. Меҳрни инсон пайдо қилмагани каби, уни инсон чиқарган қонунлар қайта тиклай олмайдилар ҳам. Лекин, қонунға биноан амал қилишға мажбур бўлган одамлар ўз бурчини жазодан қўрқиб бажаришлари мумкин. Бу каби қонундаги жазодан қўрқиб у бу шахсни ўз зиммасидаги вазифасини бажаришлик, инсонлар чиқарган қонун бўйича нормал ҳисобланади. Аллоҳнинг қонунлари бўйича, бу мукаммал ҳисобланмайди. Охиратда мукофоти бўлмайди. Бу гапни қонун назарида ёки атеистлар назарида ҳеч қандай қиймати бўлмаслиги мумкин. Чунки, қонунлар инсонлар уйдирмасидир. Инсон эса, ҳеч қачон мукаммал махлуқ бўлмаган. Доим хатокор ва гуноҳқордир. Фарзандға нисбатан меҳр муҳаббат мавзусида ҳам бугун гапиришға эҳтиёж бор. Гарчи, бу фарзанд меҳри нафақат инсонни балки, ҳайвонотни ҳам табиатида бўлиши ва улар ўз фарзандларига ихтиёран (ҳеч қандай ташқи таъйиқсиз) меҳр беришларини дунё яралгандан бери бўлиб келаётган жараён бўлсада, бугун бу жараёнға ҳам путур етаётганини ва ўша меҳр берувчилар табиатлари бузилиб, бемеҳр бўлиб бораётганини кўришимиз мумкин. Аммо, менинг бугунги мақолам мавзуси фарзанднинг ота онасига нисбатан меҳр кўрсатиши ҳақидадир. Аниқроғи, бу меҳрни инсон табиатидаги ўрни ҳақидадир.

“У (Аллоҳ), сизларнинг қай бирингиз яхшироқ амал қилишингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир”. Мулк сураси 2 оят.

Инсониятни яратган Зот уни бу синов дунёсига юборар экан, у ёки бу амални беихтиёр (Темирдан ясалган роботлар каби) қилавермасдан, онгли равишда ўқиб тушуниб, амал қилишини ирода қилди. Шу сабабли ҳам бу дунёдаги амаллар ихтиёрий қилинади ва шунга яраша ажр ёки жазо бўлади. Гарчи, инсон фитратига фарзандига нисбатан меҳр солинган бўлсада, бу меҳр талаб қиладиган амални қилиш инсонға буюрилди. Ва фарзандига меҳр кўрсатган ота онаға улкан ажрлар ваъда қилинди. Айни дамда, ота онаға нисбатан меҳр инсон қалбига қисман солинсада, уларға меҳр кўрсатишликға инсонлар яна буюрилди.

Ота онаға меҳр кўрсатишлик улкан савобли амал эканлиги хабари берилди. Аллоҳ таоло айтади: «Парвардигорингиз ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онаға яхшилиқ қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалиқ ёшиға етсалар, уларға қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларға (доимо) яхши сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут — хокисор бўл ва: «Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларға раҳм-шафқат қилгин», деб (ҳақларига дуо қил)!» (Исро сураси 23-24 оятлар).

Бошқа бир оятда мўминларға «Аллоҳға бандалиқ қилинглار ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизға... яхшилиқ қилингиз!» (Нисо: 36). деб буюрилди.

Яъни, ота онаға яхшилиқ қилиш Аллоҳға ибодат қилишдан кейинги ўринға қўйилди. Балки, шу амални ёнида зикр қилинди. Бу буйруқларни буюришға зарурат бормиди?

Албатта, инсонлар ота онасига кофиру мусулмон ким бўлишидан қатъий назар яхшилиқ қилади. Чунки, бу инсон фитратида бор. Лекин, яна уларға яхшилиқ қилишға буюрилди. Чунки, инсон зоти фитрати айниб, ота онасига яхшилиқ қилмай қўйса, балки ўшаларға алоҳида эслатма бўлади. Ёки, инсон ота онасига яхшилиқ қиладиган экан, бу амални Аллоҳ буюргани учун қиладиганлигини англаш учундир. Балки, Аллоҳ буюрганми йўқми, бундан беҳабар бир инсон ота онасига яхшилиқ қилар экан, барибир у Аллоҳ унга буюрган вазифани қиладиган бўлади. Бу амали учун унга шу дунё ҳаётида мукофоти қайтарилади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «кофир кимсаларнинг қилган яхши амалларига шу дунёнинг ўзида мукофотлари берилади» деган мазмундаги ҳадислари бор. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Албатта кофир, агар бир яхшилик қилса, бунинг эвазига дунёда унга бир неъмат берилади. Аммо мўмин бўлса, Аллоҳ унинг ҳасанотларини охиратга захира қилиб қолдириб, дунёда эса унга тоатига яраша ризқ беради”

(Имом Муслим ривояти).

Мўмин бандалар қилган баъзи яхши амаллари учун фақат охиратда мукофоти берилса, баъзи амаллар учун шу дунёда ҳам охиратда ҳам мукофотланадилар. Шунингдек, ҳар икки дунёда ҳам жазо бериладиган ёмон амаллар бор. Ота онага яхшилик қилишлик мукофоти икки дунёда берилади. Аксинча, ота онага ёмонлик қилишликнинг жазоси шу дунёда ҳам берилади ва охиратда ҳам жазоланади. Албатта, бу ўғитлар имону ислом даъво қилган кишилар учундир.

Қолаверса, мусулмону кофир кимсаларнинг ҳаёт тажрибаларида ҳам бу гапларнинг ҳақлиги кўп бора ўз исботини топган. Бу масалада гап бошлашдан мақсад бугунги кунда Ўзбекистонлик ватандошлар орасида ҳам ўз ота онасига ва фарзандига меҳр оқибат йўқолиб бораётгани сабабли, уларга бир насиҳат қилиб қўйиш учундир. Инсонлар фитрати ўзгариб, улар қалбидаги ота онага ва фарзандига меҳр муҳаббат қолмаётган экан, ва дунёдаги қонунлар бу муаммони ҳал қилишда ожизлик қилаётган экан, энди Аллоҳнинг нозил қилган қонунларига эҳтиёж тушади. Яъни, ўлик қалбларни уйғотадиган ва уни меҳр муҳаббатга тўлдирадиган ягона восита шу халос. Ота онага яхшилик қилишлик аслида ҳар бир инсоннинг инсонийлик бурчидир. Агар ўзларини мусулмон деб ҳисоблайдиган кимсалар бўлса, унда шуни унутмаслик керакки, бу ҳар бир мусулмоннинг дини ва имони буюрадиган вазифадир. Бугун кўплаб одамлар Аллоҳ розилиги топаман деб жонини тикмоқда. Лекин, ота онага яхшилик қилишлик жиҳоддан афзал амалдир. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулуллоҳ, қайси амал Аллоҳга энг суюмли?» деб сўрадим. У зот: «Вақтида ўқилган намоз» дедилар. «Кейин қайси?» дедим. «Ота-онага яхшилик қилиш» дедилар. «Кейин қайси?» дедим. «Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш» дедилар

(Бухорий ва Муслим ривоят қилган)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!», дедилар.

«Ким ё Расулуллоҳ?» деб сўралди.

«Ким ота-онасидан бирини ёки ҳар иккаласини кексайган пайтларида топса-ю, (уларни рози қилмагани сабабли) жаннатга кирмаса», дедилар.

(Имоми Муслим ривояти)

Агар қайси бир фарзанд ўз ота онасига нисбатан ўз зиммасидаги вазифасини бажармаётган бўлса, шуни билсинки, бу кимса икки дунёда жазо оладиган жиноятни қилмоқда.

Атеист кофир кимсалар ҳам кўпчилиги ота онага яхшилик қилишни ўз инсонийлик бурчи деб бажарадилар. Агар бугунги қонунлар нуқтаи назаридан ўз ота онасини оқ бўлган фарзанд жазо олмасада, бундан нобакор кимсани Аллоҳ тарафидан жазоланиши муқаррардир! Бунга ҳаётда минглаб мисоллар бор. Ота онасини ранжитган кимсани бу дунёда хору зорлик кутади халос. Охиратда эса дўзах азоби бор! Икки дунё хорлигига қараб кетаётган нобакор кимсалар бундан огоҳ бўлишлари ва вақт борида ўз хатоларини ўнглашлари лозим. Туғёнга тушган одам хорликка ва тубанликка юз тутати. Кейин дардига даво топмайди. Мусулмон ота онасини розилиги олмасдан қолган фарзанддан Аллоҳ рози бўлмайди. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Парвардигорнинг розилиги отанинг розилигидадир, Парвардигорнинг ғазаби отанинг ғазабидадир»

(Термизий ривояти)

Кўплаб одамлар ўтган ота онасига бирорта хизмат қилолмай қолганидан афсусда юрсаю, кўплаб одамлар вақтни ғанимат билмай ота онани ноҳақдан ранжитсалар?

Аллоҳ ҳаммага инсоф берсин! Аллоҳу Таъоло имон билан ўтган ота оналаримизни раҳматига олсин. Ота онаси тирик юрган фарзандларга ота онасини тириклигида розилиги олишга тавфиқ берсин! Нобакор фарзандни ҳеч бандасига рўбарў қилмасин! Кимки, бу каби синовга учраган бўлса, сабру жамил берсин! Омин.

16 апрел 2015 йил

ИШИД баҳона дийдор ғанимат

(ШХТга аъзо давлатлар махсус хизматлари ва ҳуқуқ тизимлари раҳбарлари яна Тошкентга йиғилишига муносабат)

26 февраль 2012 йилда ШХТ фақат авторитар режимларга хизмат қиляпти деган мақоламда ШХТ ҳақида шундай фикрлар бор эди. «Хуллас, ШХТ ташкил топганидан бери асосан Хитой коммунистик режими ва Ўзбек диктатори манфаатига етарлича хизмат қилди. Ва умуман олганда ўша ташкилотга аъзо мамлакатлардан қочган барча диндор қочоқ фуқароларга, барча халқаро қонунларни бузган ҳолда катта зарар етказди. Бу ташкилот авторитар режимларни «экстремизмга қарши кураш» баҳонасида ўз мухолифларига қарши курашиши учун, ўзаро келишиб ташкил этилган ва мавжуд халқаро ҳуқуқ нормативларига ҳилоф бўлган қурилмадир. Бу қурилмани ва шунга ўхшаган КХШТ (ОДКБ) фаолияти бугунги кунда Халқаро ҳамжамият томонидан халқаро қонунлар нуқтаи назаридан ҳуқуқий баҳоланиши керак. (Агар шундай қонун механизми бўлса, албатта?!). Чунки, КХШТ ҳарбий блок сифатида танилган ва аъзо давлатларни хавфсизлигини биргаликда ҳимоя қилишга келишиб олингандир. Бунақа қурилмалар мавжуд авторитар режимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади халос.»

Мен уч йил олдинги фикримга бугун янгилик қўшмоқчи эмасман. Фақат икки оғиз ИШИД масаласи билан, бу ташкилот ва айниқса Тошкент режимининг ваҳимасига муносабат билдирмоқчиман. Маълумки, ШХТга аъзо давлатларнинг ички муомаласи ҳам илиқ эмас. Русия ва Хитой каби кучли давлатлар бу каби регионал ташкилотга аъзо бўлар экан, бу ташкилотдаги майда давлатларга раҳнамолик қилишга интилади. Ҳеч бўлмаганда ташкилотга аъзолардан ўзи билан муомалада «ҳаддидан ошаётган» аъзони жоловини тортиб туриш воситаси сифатида фойдаланади. Ўзбекистон 3 апрель куни Бишкекда ўтган МДҲ ташқи ишлар вазирлари йиғинида Россияга нисбатан Ғарб давлатлари жорий этган санкцияларга норозилик билдирилган қўшма баёнотни имзолашдан бош тортган эди. Энди ШХТ доирасида Тошкентга келган Рус махсус хизматлари Тошкент билан савдолашиш имконига эга бўлди. Ўз навбатида Тошкент ҳам уларнинг талабларига бўйсунушга мажбур бўлади. Масалан, ИАК (ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари) ғалабанинг 70 йиллиги муносабати билан ўтказилиши кутилаётган парадга бориши лозим. АКС ҳолда бугун Русия ҳудудида ушланиб, Ўзбекистонга бериб юборилаётган «экстремистлар»ни депортацияси тўхтатилиши мумкин? Агар Тошкент ҳаддидан ошаверса, улар «экстремист» бўлмай қолишлари ҳам мумкин? Қорақалпоғистонлик айирмачилар ҳам Қрим каби ўзлари истаган давлатга референдум орқали қўшилиб олиш ҳаққини Москва тан олиб юбориши ҳам мумкин? Энг охирида агар ИШИД Ўзбекистонга бостириб келса, Москва бунга аралашмаслиги мумкин? Бу ва бошқа кўплаб мисоллар борки, Тошкент Москва билан ҳисоблашишга мажбур бўлади. ШХТ юқорида таъкидлаб ўтганим каби, Рус, Хитой ва Ўзбекистон каби авторитар режимларга хизмат қилиб келган ташкилотдир. Аслида бу ташкилотга аъзо давлатларга ташқаридан хавф солаётган ҳеч қандай хавфу хатарнинг ўзи йўқ.

Русиянинг НАТО билан Қримни аннексия қилиб олганидан кейинги келиб чиққан тарангликка келсак, бу масалада ШХТга аъзо давлатлар умуман битта фикрга келган эмас. Бу масалада улар «ўзинг пиширган ошни ўзинг е» дегандек, Русияни ўз ҳолига қўйиб қўйишди. Демак, ташқи хавф йўқ экан бу ташкилот қайси хавфга қарши курашади? Албатта, ўзаро бир бирини ички интригалар билан ўз иродасига бўйсундириш, ҳеч қаерда ёзилмасада, бу ташкилотга аъзо ҳар бир давлатнинг асосий вазифасидир. Путин учун бугунги кунда ҳар қандай минтақавий ёки халқаро ташкилотга аъзолик муҳим рол ўйнайди. Албатта, охириги 25 йил ичида дунё сиёсатида пайдо бўлган «экстремизмга қарши кураш» масаласи ШХТнинг бош ғоясидир. Аввалроқ Афғонистондаги Толибон режими ёки ўзбеклар уюшмаси ЎИХ бўлса, энди ИШИД пайдо бўлди. Руслар учун эса Чеченистон масаласи доимо муҳим бўлиб келган. Қизиғи шундаки, бу ИШИДга Ўзбекистонга нисбатан яқинроқ ёки Туркияга ўхшаган қўшни давлатлар бунчалик ваҳимага тушаётганлари йўқ. Минглаб фуқаролари ўша ерга урушга кетаётган ғарб давлатлари бунчалик ваҳимага тушаётгани йўқ. ИШИДдан минглаб чақирим олисда бўлган Тошкент ваҳимага тушаяпти. Тошкент ШХТни ишга солди. «Тошкент ИШИД жангариларини «муносиб» кутиб олишга тайёр!» лигини эълон қилди. Аслида ИШИД ҳали Тошкентни ўз ҳадафи деб эълон қилгани йўқ. Қўшни Толибон ҳам Тошкентни ўз ҳадафи деб эълон қилган эмас. Тошкентнинг ИШИДдан бунчалик қўрқувини албатта, тушуниш мумкин.

Конституцияга зид равишда 4 марта президентликка сайланиб олган ва бугун 10 апрелда «Конституцияга сўзсиз амал қилишга» яна бир бор қасам ичган Каримов кўпроқ ўз халқининг норозилигидан қўрқиб яшайди. У бу халқ норозилиги эртами кечми қалқиб юзага чиқишидан ва унинг чорак асрлик ҳукмронлиги Қаддафий каби якун топишидан қўрқади. Бу халқ норозилиги аланга олмаслиги учун эса, халқни доимо қўрқувда ушлаб туриши ва бош кўтарган одамни «диний экстремист» сифатида қамоққа олиши лозим бўлади. ШХТ эса ИАК режимининг ўз халқига қарши мана шундай адолатсиз жирканч курашида унга ёрдам беради. ИШИД Ўзбекистонга ҳеч қачон бормаслиги ИАКгаям бошқагаям кундек равшан бўлсада, ШХТ терроризмга қарши кураш бўлимлари улар билан тўқнашувга таёрланмоқдалар. Аниқроғи, улар билан эмас, ўз фуқаролари билан курашга тайёрланмоқдалар. ИШИДга рўбарў келса, улар бир соат ҳам жанг қилиб туролмаслиги маълум нарсас. Шунинг учун ҳам Тошкент учун ИШИД баҳона бу тайёргарликлар фақат халқ норозилигини бостиришлик учундир. Русия эса ИШИД баҳона ўзининг «катта оға»лик мақомини кичик укаларга яна бир кўрсатиб, уларни «рамкада юришга» чақириб қўйишди. Хитой эса, уйғурлар масаласида халқаро босимларга учраётган ва бу Хитой учун доимий муаммони ҳал қилишда қўшнилар ёрдамига суянишди. Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон учун бу йиғилиш шу режимларни мустаҳкамлигини таъминлаш учундир халос. ИАК ИШИД муаммосини қанча кўп гапирар экан, ички ва ташқи сиёсатини шунга мослайди. ИШИД хавфи баҳонасида ички қатағон давом этади. ИШИД сафида ўзбеклар борлиги аниқ. Аммо, ИШИД сафига бораётган Ўзбекистонликлар эса, ҳеч қачон Ўзбекистонга қайтиб келишмайди. Агар келадиган бўлса ҳам улардан давлатга зарар бўлиши имконсиз. Аммо, диктатор доимий қўрқув ва васваса ичида яшагани учун, ИШИДга алоқадор ким бўлсада қамашга таёрланмоқда. Қамоқда ётган диндорлар муддатлари узайтирилмоқда. Озодликда юрганлари янгидан қамоққа олинмоқда. Уларнинг яқинлари қариндошлари ҳам қамоққа олинмоқда. Бир сўз билан айтганда «профилактика» ишлари олиб борилмоқда. Бу каби «профилактика» чорак асрдан бери олиб борилаётган эди. Яна давом этаяпти. Аввал Толибон ёки ЎИХ бунга баҳона бўлган бўлса, энди бу вазифани ИШИД бажармоқда.

10 апрел 2015 йил.

Мулалар синовидан ўтолмаган маҳкумлар

1999 йил 16 февралда Тошкентда бўлиб ўтган қатор портлашлардан сўнг, ўзбек режими минг минглаб ёш диндорларни оммавий қамоққа ола бошлади. Бу жараён 2000 йилда ҳам тўхтамади. Янги турмалар очилди. Жаслиқ қамоқхонаси қурилди. Дунё бўйлаб шов шувлар кўпайди. ИАК «диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш»ни АҚШ ва Европадан олдинроқ бошлаб юборганди. 2001 йилда 11 сентябр воқеълари АҚШ бошлиқ НАТО га аъзо давлатларни ҳарбий кучларини ҳам «диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш»га жалб қилди. Афғонистондаги Толибон режимига қарши НАТО кучлари кураш бошлади. Бу ИАК учун айтилган муддао бўлди. Қаршидаги хонобод таёрагоҳини АҚШ учқичларига ижарага бериб қўйди. ИАК учун қўшни давлатда Толибондек жангари гуруҳлар режими қулагани маъқул эди. Дунё бўйлаб барча ривожланган давлатларда «диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш» масаласи актуал бўлиб, инсон ҳақлари масаласи эътиборсиз қолди. ИАК қамаган мусулмон ёшларнинг кўпчилигини турмалардан ўлиги чиқди. Турмаларда қаттиқ қийноқлар бошланди. Машҳур 159 модда билан қамалганлар турмаларда иккинчи даражали, ҳақ ҳуқуқдан маҳрум одамларга айландилар. 2002 йилда БМТ инсон ҳуқуқлари қўмитаси ва қийноқларга қарши қўмиталар ва Халқаро Қизил Хоч Жамияти каби, халқаро ташкилотлар Ўзбекистон турмаларига эътибор қаратдилар. Ўзбекистон қамоқхоналарига БМТ қийноқларга қарши қўмита маърузачиси Тео Ван Бовен ташриф буюрди. Унинг ҳукуматдан талаби Жаслиққа олиб боришлик бўлди. У ерга боришдан олдин албатта, имкон қадар вазиятни яхшилашга ҳаракат қилинади. Калтаклаш тўхтатилиб, овқатлар бир оз яхшиланади. Бирор ҳафтача шу ҳолат давом этади. Ўзбекистон қамоқхоналарини кўриб чиқиб, Тео Ван Бовен жаноблари БМТда «Ўзбекистонда қийноқлар муттасил қўлланиши» ҳақида ўз ҳисоботини берибди. Бу анча шов шувга сабаб бўлди албатта. Афғонистонда Толибон режими қулаган ва НАТО қўшинлари мамлакатга ўрнашиб олганди. Президент Буш бошлиқ АҚШ ҳукумати Ироқ диктатори Саддамнинг Ироқликларнинг ҳақ ҳуқуқларини поймол қилаётганини катта катта минбарлардан тез тез гапира бошлаганди. Бу пайтга келиб, АҚШ билан алоқаси илиқлашиб қолган ИАК учун, БМТ каби нуфузли ташкилот вакилининг бу ҳисоботи албатта яхшиликдан дарак эмасди. 2003 йилда АҚШ бошчилигидаги НАТО ҳарбийлари Бағдодга ҳужум бошлади. Саддам режими кўпга бормай қулади. Бутун дунёда унинг диктаторлиги ва инсон ҳаққига риоя қилмаслиги гапирилди. Бу шов шувли қама қамалар давом этар экан, оқибати хайрли бўлмай қолиши мумкин деган хавотири бор эди. Саддамга қарши халқаро қоралаш компаниясига қўшилган ва уни мустабидликда айблай бошлаган ИАК аслида ўзи ҳам ундай фарқи йўқлигини биларди. Шу пайтда ИАК ўз ички сиёсатини ўзгартиришга юмшатишга мажбур бўлди. Саддам режимининг қулаши ИАКнинг «кўзини очганди». У бир пайтлар АҚШ билан дўст бўлган, улар талаби билан Эронга қарши 8 йил урушиб, минглаб фуқароларини ўлимига сабаб бўлган диктатор Саддамни бир пастда кераксиз чиқиндига айланганини кўриб, хулоса чиқарганди. Энди ИАК МХХ, СУД, ИИБ, каби давлат органлари зиммасига уч йилдан бери тинмасдан елиб югуриб, ушлаб қамаган диндор фуқароларни «бир оз камайитириш» вазифасини кўяди. Бу ишда уларга кўмак кўрсатиш учун Президент ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси томонидан махсус давлат комиссияси ташкил этилади. Бу комиссия қамалган диндорларни қайта тест синовидан ўтказиши ва кимни «ҳақиқий экстремист» ким бошқа фуқаролигини аниқлаш и лозим эди. Шунинг учун унинг таркибига диний Бошқармадаги «уламолар», МХХ ходимлари, Олий Суд ва Ўзбекистон Парламенти қошидаги инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи давлат қўмитаси ходимларидан иборат жами тахминан 50 тача киши бор эди. Бу қўмимага Президент девони ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси раҳбарлик қиларди. Қўмимага қамоқхоналарга ташриф буюриш ва дитний маҳкумлар билан биттама битта суҳбатлашиш ва ўша суҳбат асосида уларнинг қайсилари Президент чиқарадиган авф этиш фармони тахтига дохил бўлишга лойиқ ва қайсилари «бу бахтдан» маҳрум бўлишини бу кимсалар аниқлашлари лозим эди. Бу комиссия Ўзбекистон қамоқхоналари бўйлаб вилоятма вилоят сафарга чиқди. Аввалроқ Тошкент Вилоятларидаги қамоқхоналарга ташриф буюргани ҳақида бизларга хабарлар келиб турарди.

2003 йил ёзида бу ваҳимаси улкан «Президент Комиссия»деб ном олган гуруҳ, ўз таркибида Анвар Турсунов бошлиқ беш ўнта «диний уламо»лар ва давлат органлари ходимлари билан Навоий Вилоятидаги қамоқхоналар бўйлаб ўз ташрифини бошлади. Камина ўша пайтда Навоийдаги 46 сонли қамоқхонада жазоимни ўтардим. 1995 дан 2000гача Товоқсойда жазо ўтагандим. Олдинги муддатим тугагандан кейин, тартиббузар деган Ўз. Рес. ЖК. 221 моддаСИ билан қайта жиноий иш очиб, иккинчи муддат 3 йилу 6 ой қўшиб беришганди. Навоийда ўша жазо муддатимни ўтаётган эдим. Бу муддатимнинг тугашига эса 6 ой қолган эди. Яна раскрутка қилармикан деган хавотирим бор эди. Нафақадаги ота онамни кўролмай қоламанми деган қайғуда эдим. Ёшим 34 га кирган ҳали оила бола чақа йўқ эди. Бу комиссия келиши кўнглимда бир яхшиликка умид уйғотти. Булар сабабли озодликка чиқиб кетсам деб ўйлардим. Зобитлар ҳам Президент Комиссияси Навоийда зонама зона айланиб юрганлигини ва эрта индин 46 га келишини айтишарди. Хулласи калом, узоқ кутилган «Президент Комиссияси» Навоий 46 сонли зонага кириб келди. Ўша куни 159 модда билан қамалганларга «Промзонага» кетмаслик топширилди. Зобитларнинг муомаласи ўзгарди. Бир пастда хушмуомала одамга айланиб қолишди. Тушликкачи баракда ўтирдик. Тушликдан кейин соат бирларда ТСБ (Тартибни сақлаш бўлими) ходимлари бўлмиш маҳбуслар (Гадлар) бизни отряд олдида саф тортишга чақира бошлашди. Бир секторда 4 та отряд бўлади. Ҳар бирида 200 тадан ортиқ маҳбус яшайди. Улар орасида 50 тача 159 лар бор. Зонада 5 та сектор бор эди. Хуллас, секторлар очилиб, гуруҳ гуруҳ бўлиб, ташқарига чиқа бошладик. Ҳар бир отрядни олдида отряд бошлиғи ва тезкор бўлим зобитлари назорат қилиб туришарди. Бу сафарги сафда юришни бошқаларидан фарқи шундаки, бугун «Мадҳия» куйламасдан бемалол юриб бордик. Одатда бирорта сафда юриш Мадҳиясиз бўлмасди. Зимний эстрада деб аталадиган қишки клуб олдида бориб саф тортдик. Бошқа секторлардан келганлар ҳам навбат кутиб туришарди. Тахминан 500 тача одам муллалар билан учрашувга навбатда турдик. Атрофимизда зонадаги барча зобитлар гирдикапалак бўлиб юришарди. Зона бошлиғи полковник Азиз Бозорович Мардонов ўзи ҳам у ёқдан бу ёққа югуриб юрарди. Нима бўлар экан деб ҳаммамиз ҳайрон эдик. Лекин, шу бир кун бўлсада, бизга нисбатан муомала ўзгарганига ва озроқ бўлсада дам олаётганимизга хурсанд эдик. Қуёш чарақлаб қиздирарди. Лекин, бизга сояга ўтишга рухсат йўқ эди. Тезкор бўлими бошлиғи Шавкат қўлида қозоғ кўтариб олиб, маҳбусларни исм шарифини ўқиб ичкарига таклиф қила бошлади. Ўнтача маҳбус кириб кетди. Қолганлар кутиб турардик.

Шу зайлда ўн ўн беш дақиқа ўтгач яна шунча одам таклиф қилинди. У қозоғда кимни исми шарифи ўқилса, ўша маҳбус сафдан чиқиб ичкарига кириб кетарди. Кейин, улар бошқа эшикдан чиқиб ўз отрядларига кетишарди. Шу зайлда мен ҳам то ўз навбатим келгунича кутдим. Охири Абутов Муҳаммадсолиҳ деб қолди. Мен деб чиқдим. Битта зобит қўлимдан ушлаб ичкарига олиб кирди. Катта залда ўнта ёки ўн бешта стол айланасига қўйилган бўлиб, ҳар бирини ортида уч тўртта киши ўтирарди. Улар орасида салла ёки оқ дўппи кийган биттаси диний бошқарма вакили экани кўриниб турарди. Қолганлари костюм шим кийган кишилар эди.

Ўртадаги столда Анвар Турсун ўтирарди. Барча столлар устида ранг баранг ичимлик сувлари ва стаканлар бор эди. Бунақа нарсаларни йиллаб кўрмаган маҳбуслар буларни кўриб ичида ютиниб қўйишарди. Мени зални чеккасидаги бўшаган курсига олиб бориб ўтқазган зобит қўлидаги қоғозни мулланинг қўлига бериб кетди. Курсига ўтиришим билан оқ кийимда оқ дўппида ўтирган кўз ойнак таққан мулла менга кўз ойнаги остидан тикилиб қараб, ассалому алайкум тақсир деб, салом берди. Валекум салом дедим. (Ичимда «ало ман иттабал худо») деб қўйдим. (Тўғри йўлдагиларга салом бўлсин) Ўша пайтда унинг ёнидаги иккита костюм шим кийиб, галстук таққан кимсалар унга бир нарса деб туриб кетишди. Столда мулла билан мен ёлғиз қолдик. Атрофдаги бошқа столларда ҳам ўнлаб маҳбуслар ўтиришар ва олдидаги муллалар билан нималарнидир гаплашишарди. Мен олдимдаги одамни қаердадир кўрганга ўхшардим ҳеч эслаёлмаётгандим. Бир пайт у қўлидаги мени маълумотларим ёзилган қозоғга қараб ўтириб, сиз 159 модда билан қамалмаган экансизу?, деди.

Мен ҳа, мен қамалган модда бошқа, дедим.

Нега сизни бу ерга таклиф қилишди деди?

Билмадим, дедим.

Кейин, нарироқда турган тезкор зобитни чақирди. У келгач, иккаласи четроққа ўтиб, озроқ гаплашишди. Чамада, мулла зобитга бу оддий жиноятчини бу ерга адашиб чақириб шекилли? деди. Зобит эса унга бир нималарни тушунтирган бўлди.

Мулла бир пас эшитиб туриб, кўнди шекилли, индамай бош чайқаб столга келиб ўтирди.

Менимча, зобит унга буни моддаси бошқа бўлсаям. Сизлар суҳбатлашадиган одамлар жумласидан деб, тушунтирди шекилли?!

Хуллас, мулла кўз ойнагини тагидан менга тикилиб, Қанча йилдан бери ўтирибсиз? деди.

8 йилдан ошди, дедим.

Диний таълим олганмисиз? деди.

«Тақсир менда диний илм йўқ, бирорта диний илм даргоҳида ўқимаганман. Оддий намозхонман» дедим. Кўзимни столда турган ранг баранг ичимликлардан узолмай.

Ҳмм, дея қўлидаги қоғозга қараб ўтирган мулла, «Президентимизнинг олиб бораётган сиёсатларига қандай қарайсиз? деб қолди.

Мен айтдимку тақсир, мен на диний ва на дунёвий таълим олмаганман. Сиёсат ҳақида гапириш учун уни тушнадиган ўқиган одамлар гапириши керакда. Мен нимаям дердим билмасам дедим. Шу пайтда уни телевизорда кўрганимни эсладим. У «Ҳидоят сари» деган диний эшиттириш олиб борувчи кимса эди.

Кўз ойнаги остидан менга ўқрайиб қараётган муллага бу гапим ёқмаганини англадим. Намоз ўқийсизми? Деб сўради у бир пас жимликдан сўнг.

Ҳа, Намоз ўқишга рухсат борку, намоз таъқиқланган экстремистик амал эмаску?! дедим.

Ҳа, албатта, деди у бир оз юмшаган оҳангда.

Намозни қайси мазҳабга асосан ўқийсиз?

Тақсир мен тўғриси шу бирорта мазҳабни тушунмайман. Ҳамма ўқиган каби ўқияпман дедим.

Мулланинг башарсидан кулимсирагани сезилди.

Қайси мазҳабдасиз?

Ҳмм, шу эл қатори намозхонман. Мазҳабни нималигини билганимда балки, айтардим. Менда бу нарсалар тўғрисида илм йўқ дедим.

Иккаламиз ҳам яхши тушуниб турган нарсалар устида, ўзаро сўз ўйини қилиб гаплашаётган эдик. Лекин, у мени гапдан ушлай олмаётган эди. Қочириқлар ва сўз ўйинлари яна давом этди.

Қанча сура ёдлагансиз?

Озроқ ёдлагандим ёшлигимда эсимдан ҳам чиқиб кетган ҳозир.

Қорақалпоқда ҳам диний ҳужралар борми? деб қолди у, бир пас ўйланиб.

Мен унга «Қорақалпоғистонни биласизку, на диний ва дунёвий илм ривожланмаган бир жой. У ерда водийдаги каби, диний уламолар йўқ.

Мени ҳам адашиб қамашган аслида. Мен на диний на дунёвий илми йўқ одамман. Мақсадим шу қари ота онамга хизмат қилишлик, оила қуришлик. Одамларга ўхшаб тинчгина яшашлик, дедим.

Хуллас, мени жавобларим муллани қониқтирмаётгани кўриниб турарди. У қўлидаги қоғозга қараб тез тез саволлар бера бошлади.

Менинг жавобимга қараб, ўша савол ёзилган қоғоздаги каталарга + ё – белгиларини қўярди.

Қайси диний оқимга аъзосиз?

Ҳеч қайси.

Қаерда ва кимдан диний таълим олгансиз?

Ҳеч қайси мадрасада диний таълим олмаганман. Ота онам намозхонлиги учун ўшалардан ёшлигимда намозни ўрганганман.

Машҳур диний олимлардан кимларни танийсиз?

Тақсир мен Қорақалпоқданман ва айтганимдек, у ерда на бир машҳур диний уламо бор ва на диний таълим бор.

Водийдагилардан кимни танийсиз?

Шу одамлар ҳамма танийдиган касеталарини эшитадиган битта иккитасини танирдим.

Улар кимлар?

Анвар қори Турсунов. Шайх Муҳаммад Содиқни ҳам эшитганман.

Бошқа яна кимларни биласиз?

Абдулазиз Мансурни, яна исмларини унутдим баъзиларни.

Учрашганмисиз?

Ким билан?

Ўшалар билан.

Тақсир мен кичкина одамман. Катта имомларни олдида ўтирмаганман. Узоқдан кўрганман халос.

Диний Бошқарма фаолиятига қандай баҳо берасиз?

Энди Диний Бошқармани биладиганлар баҳо бермаса, мен ҳеч кимни танимасам билмасам нима дейишим мумкин?!

Ўзбекистонда диний таълим ва ибодатларга эркинлик берилган..., Шундайми?!

Ҳа, мана сиз намоз ўқияпсиз. Демак, рухсат бор эканки, ўқияпсиз.

Ваҳҳобийлик, Ҳизбут Таҳрир оқимлари ҳақида нима дея оласиз?

Мен уларни шу ерда кўрдим. Бирга жазо ўтаяпмиз. Булар ким нима қилган билмайман...,

Шу орада ҳалиги туриб кетган икки шериги қайтиб келиб ўрнига ўтиришди. Улардан бири менга қараб, озодликка чиқсангиз нима қиласиз? деб сўраб қолди.

Озодликка чиқсам ота онамга хизмат қилардим. Уйланардим. Нима қиламан бошқа?, дедим.

Мулла эса, қўлидаги қоғозни катакчаларини тўлдириб бўлганди. У ердаги эллитача саволдан менга шу 20 тачаси савол берилди. Шу билан мулла зобитга қараб, бўлдиқ ишорасини қилди. Менга қараб, сиз кетаверишингиз мумкин деди.

Индамай столдан туриб, олдимга келган зобитга эргашиб, залнинг бошқа эшигидан чиқиб кетдим. Қишки клубдан ташқарига чиқиб, юзимдан тинмасдан оқаётган терларни артдим. Сахро қуёши қаттиқ қиздирар, нафас олиб бўлмас эди. Мендан олдинроқ чиққан беш олти та маҳкумлар Муассаса зобитлари билан гаплашиб туришарди. Ташқарида турган зобитлар тезда отрядларинга кетинглар деб буюришди.

Йўлдаги шерикларим билан ўзаро гаплашиб кетдик. Клубдан чиқиб атрофига тикан сим тортилган секторнинг темир панжара эшигигача икки юз уч юз метрча йўл.

Ким ким билан суҳбатлашди?

Кимга қандай савол тушди?

Каби масалаларда ўзаро қисқа гаплашиб бордик.

Мени ўйлантираётган нарса, отрядда мен билан бирга «оила» (Семейка) бўлган Тошкентлик биродарлар кимга учрашгани ва натижаси нима бўлгани эди.

Отрядда ҳамма маҳкумлар ўзаро уч тўрт киши «оила» бўлишади. Бу оила аъзолари топган тутганини ўртада бўлиб ейишади. Менинг ҳамроҳларим Анвар қори Турсуновнинг маҳалласидан бўлган ёш намозхон йигитлар эди. Улар Анвар қори Турсунов Янгиобод масжиди имоми пайтида ундан диний таълим олишган болалар эди.

Кейинчалик булар экстремистликда айбланиб қамалишган. Уларни устози эса, аксинча амали юқорилаб, Тошкент шаҳар Бош имом хатиби лавозимига чиққанди.

Бугун эса, уларни энди имтиҳон қилиб, диний илмини тушунчасини тўғри нотўғрилиги аниқлашга келганди. Уларнинг шу ерда ўтирганлигини Анвар қори билишини ҳам бу йигитлар биларди. Клубдаги учрашувда ўшалардан кимдир суҳбатга Анвар қорини олдига тушиб қолганми йўқми шуни билолмаётгандим.

Бу йилги Амнистия катта бўлишини ва «Бағри кенг» Юртбошимиз, билмасдан адашиб хато йўлга кириб қолган маҳкумларни авф этиши мумкинлиги ҳақида зонада кўп гап сўзлар юрарди. Бу биродарларни жазо муддатлари 17, 20 йил орасида бўлиб, энди бу муддатнинг икки уч йилди ўтганди. Булар учун Амристияга тушишлик катта аҳамияти бор эди.

Менинг эса, бир йилдан камроқ муддатим қолганди. Мен яна раскрутка қилмасмикан деган қайғуда эдим. Мени Амнистияга тушиш масаласи ўйлантирмасдиям. Муддатини 9 йил ўтириб, 6 ой қолганида Амнистияга тушиб чиқиш, маҳкумлар учун хурсанд бўладиган ҳолат эмасди. Шунинг учун ҳам шерикларимни тақдирига қизиқардим. Бу болалар Анвар қорининг маҳалладоши бўлмаганида ва айнан унда ўқимаганида ва айнан Зонага Анвар қори келмаганида ҳам бу унчалик муҳим бўлмасди. Лекин, аксинча бўлгани учун ҳам натижаси

қизиқ эди. Бирон соатларда семейкамиз барча аъзоси отрядда йиғилди. Бир биримизга қараб кулишиб, ким кимга учрадию, қандай савол жавоб бўлганини гаплашдик. Ёши мендан каттароқ битта биродаримиз Анвар қорига рўбарў бўлиб қолибди. Қори уни танибди. Ҳол аҳвол сўрабди. Уйдагилари тинч омонлигини айтибди. Бу йилги Амнистия катта бўлишини ва унга кўп маҳкумлар тушишини айтиб, сиз кетаверинг дебди. Яъни, унчалик «оғир» савол жавоб бўлмабди.

Иккинчиси, ҳам ундан кейин кириб, айнан Анвар қорининг столига дуч бўлибди. Булар ўз маҳалладошлари бўлгани учун ҳам ва айнан Анвар қорининг ўзи уларга «Ҳизбут Таҳрирнинг» китобидан ҳужраларда дарс берганлиги учун ҳам Анвар қори уларни табиийки, таниган.

Ва улар билан инсоний муомала қилиб, яхши гапириб, ўша қоғоздаги катакларни + қилиб уларни юртбошининг марҳаматига «лойиқ» қилиб қўйганди. Бу иши уни аллоҳнинг марҳаматига лойиқ қиладими йўқми? бунисини Аллоҳ билади.

Бунинг декабр ойида Конституция қабул қилинганининг 11 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Амнистияга биноан озод қилинганларидан кейин билдик. Яъни, уларга Анвар қори китобдаги саволлардан бермаган. Ва уларни чиқиб кетишлари учун ўз қўлидан келадиган ҳаракатни қилган. Тан олиш керакки, бу Анвар Турсунни ўз маҳалладошларига қилган беминнат «яхшилиги» эди. Агар уни ўрнида бошқа кимса ўтириб, ўша саволларни берганида, уларнинг жавоблари уларни Амнистияга тушишга имкон бермаган бўларди.

Бу ишни Анвар Турсун ўз шогирдлари олдида виждони қийналгани учун қилдими ёки, у ростданам ИАКни золимлигини яхши биладиган ва билиб туриб, қўрққанидан уни мақтайдиган иккиюзламачими, Аллоҳу аълам. Лекин, яна битта йигит бошқа бир кишига рўбарў келиб қолган. Табиийки, савол жавоблар бўлган. Унинг жазо муддати 20 йил эди. 2000 йилда қамалганди. У ҳалигача ўтирибди. Бу савол жавоблар натижаси ўлароқ, ўша йили 159 модда билан қамалганлардан ҳар бир зонадан 50, 60 тача маҳбус озодликка чиқди. Лекин. минг минглаб маҳбуслар муллалар синовидан ўтолмай турмаларда қолиб кетишди. Уларнинг баъзиларига эса. биринчи муддатлари тугагандан сўнг яна жиноий иш очиб, қайта муддат қўшиб берилди. Укам Абутов Саидкамол ҳам ўша йили Товоқсойдан ўша 29 декабрда озод қилинган эди. Уни 1999 йил 20 февралда Тошкентдаги портлашларидан кейин ҳизбутларнинг варақасини ташлаб беш олтита намозхонга қўшиб қамашганди.

Ўша пайтдаги олган муддати 17 йил эди. У уч ярим йилдан кўпроқ ўтириб юртбошининг «бағрикенглиги» туфайли Амнистияга тушганди. Кейин, уни 2008 йилда мен Россия турмасидан озодликка чиққанимда яна қамашди. Бу сафар 13 йилга қамалди. Ҳалигача ўтирибди. Бу Амнистияга чиққанларни биринчи ва иккинчи гуруҳларини телевидениядан келиб видеога олиб, уларни гапиртириб, айбига иқроқ бўлганликларини ва юртбошининг марҳамати туфайли озод қилинганликларини қайта қайта таъкидлатиб кейин чиқаришган. Тўғри, кейинроқ буларнинг аксар қисми яна қамалди. Бу энди бошқа масала. Мен эса, муддатим тугашига 6 ой қолганимга қарамай. Амнистияга тушмадим. 2004 йилда апрел ойида Навоий шаҳар Суди Судяси келиб, мени зонада Суд қилди. Суд ҳукмига кўра, мен озодликка чиққанимдан сўнг 6 ой уй қамоғида ўтиришим лозимлиги ҳукми чиқарилганди. Бу ҳукм чиққунгача мен озодликка чиқаманми ёки, яна янги муддат қўшадими билмасдим. Май ойининг 8 куни, соат тушдан кейинги иккиларда мени штабга чақириб, уч йилу 6 ой умрим ўтган масканни ташқарисига олиб чиқишди. Ташқаридаги штабга кириб, ўн йилдан бери қўрмаган паспортимни ва озроқ пулни олиб. Бир зобит етакчилигида автобусда автовокзалга йўл олдик. Зобит мени Нукусга кетаётган автобусга ўтқазиб, менинг ҳужжатимни шоферга берди. Ва то Туртқўлга боргунича ҳужжатни қўлимга бермасликни уқтирди. Бу озодликка чиққан кунимнинг энг унутилмас лаззатли онлари эди. Мен муллалар имтиҳонидан ўтолмаган эсамда, муллалар ўтолмаган бошқа бир имтихондан ўтган эдим. Алҳамдулиллоҳ! мен уларнинг саволларига берган жавобларим ёлғон эмасди. Лекин тўла очик ва ошкора эмасди. Менга ҳозир ҳам шу саволлар берилса, шу жавобларни берган бўлардим. Лекин, энди янада очикроқ аниқроқ тушунтиришим мумкин. Бу имтихон ўзига яраша оғир эди. Шу ерда уларга тик қараб ҳақни айта олишлик ҳам оғир эди. Айтганлар ҳам бўлди, ёки, менга ўхшаб, қўрқоқлик қилган сўз ўйини қилганлар ҳам бўлди. Ёки, астойдил росткам «тавба тазарру қилиб, ИАКни мақтаб, ўзини адашганини

таъкидлаганлар ҳам бўлди. Бу имтиҳон аслида бизга Аллоҳнинг имтиҳони эди. Бу имтиҳон муллалар имтиҳонидан кўра оғирроқ эди. Бу синов муллаларга ҳам бизга ҳам, имон йўлидаги синов эди. Бу синов ҳалиям давом этмоқда.

.....

13 август 2015 йил

Фарзандлик бурчи

Бундан мелодий сана билан 40 йил олдин 1975 йил 8 апрелда дадамнинг дадалари Саййид Обид хўжа вафот этганлар. Менинг фамилиямни Обидов эмас Абутов бўлишлиги эса, ўша пайтларда ҳужжатлар русча ёзилиб қолгани сабаблидир. Бобом вафот этганларида мен 6 яшар бола бўлганман. Бобомни озми кўпми эслайман. Лекин, барибир у киши менинг аниқ тиниқ эсимда қолмаганлар. У кишининг ҳаёти ҳақида кейинчалик Дадамдан кўп нарсалар эшитдим. Орадан 31 йил ўтиб, 2006 йил 19 мартда дадажоним вафот этдилар. Аллоҳ барчаларини раҳматига олиб мағфират қилсин. Шу ўтган 31 йил давомида дадам ўз отаси ўтган 8 апрелни кунини унутмаганлар. Бу кун ҳар йили уйга одам чақирилар ва ўтиб кетган бобомни эслаб тиловатлар қилинади. Бу кун 19 март билан бирга менинг ҳам эсимдан чиқмайдиган кунларга айланди. Бунга сабаб эса, албатта дадамнинг ҳар йили шу куни уйга беш ўнта одамни чақириб, овқат еб дуо қилиб ўтирганлари эди. Кейинчалик динни озми кўпми ўргана бошлагач, туғилган кун ва ўтган кунларни нишонлаш бидъат деган тушунчалар пайдо бўлди. Айниқса ёшлар ўз тушунчаларини ҳаётдаги мавжуд урф одатларга зидлигини кўриб ўз ота оналарига эътироз билдира бошлашди. Бу масалаларда кўплаб оилаларда турли туман низолар бўлиб ўтган.

Мен ҳам бир кишининг вафотидан кейин қилинадиган бемаъни бидъат маросимларга қарши бўлганман. Ҳозир ҳам катта сарф харажатлар талаб қиладиган маросимлар ва тўйларни йўқ қилиш тарафдориман. Чунки, халқни кундалик турмуши шу каби ортиқча сарфу харажатлар туфайли оғирлашмоқда. Қолаверса, иқтисодий фаровонлик бўлганида ҳам бу каби на дунёга ва на динга фойдаси йўқ амалларни қилмаслик тарафдориман. Лекин, ҳар бир инсон ўз ота онасини ўтган кунида уларни эслашлиги ва улар ҳаққига дуолар қилишлиги нафақат динга зид балки динга мувофиқ амаллар деб ҳисоблайман. Лекин, эслашлик фақат шу кунларда бўлиб қолмаслиги лозим. Аслида биз мусулмонлар бундан бошқа кунларда ҳам ўтганларни доимо эслаймиз. Чунки, ҳар намоздан кейин албатта дуо қилинади.

Буни жоизлигига кўплаб далиллар бор.

Абу Усайддан ривоят қилинган бир ҳадиси шарифда айтилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ўтирган эдик. Бир одам:

«Ё Расулulloҳ! Мен учун ота-онамга улар дунёдан ўтгандан кейин қиладиган яхшилик қолдими?» – деб сўраб қолди.

Наби САВ; унга қараб «Ҳа! Уларнинг ҳаққига дуо қилиш, истиғфор айтиш, аҳдига вафо қилиш, уларнинг дўстларини ва уларсиз силаи раҳм бўлмайдиган кишиларни иззат икром қилишингдир», – дедилар».

Мен ҳам одат бўлиб қолган учун, ҳар куни намозлардан сўнг ота онамни дуо қилишимдан ташқари, айни улар ўтган кунларда ҳам уларни ва ўтган ота боболаримни эслаб, уларга ва барча ислом аҳлига дуолар қиламан. Мен одатда у бу шахсни туғилган ёки ўтган кунини нишонламаган бўлсамда, аслида бу амални диний амал деб қарамайман. Буни диндан деб қилиш бидъатлиги ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Бидъат эса диндан бўлмаган бирор нарсани динда жорий қилишдир. Лекин, у бу мен учун қадрли бир кишини ўтган ёки туғилган кунини

нишонлаш ўша кунда уни эслаш ва ҳаққига дуолар қилишда кароҳият кўрмайман. Албатта. нишонлаш деганда шаръан ҳаром бўлган нарсалар истеъмоли қилинмаслигини, шунчаки ҳар кундаги каби овқатланиб суҳбатлашиб ўтиришни назарда тутаяпман. Бугун ҳам 8 апрел муносабати билан Бобомнинг ўтганларига 40 йил, бувимни ўтганларига 25 йил, бўлганлигини ва дадамнинг вафотларига 9 йил ва онамнинг вафотларига 7 йил бўлганлигини эсладим. Менинг ақрабларим ва яқинларим ана шулар эдилар. Ҳаммаси бу дунёдан ўтиб кетишди. Улар ҳаққига Роббимдан мағфират сўраб дуолар қиламан. Ва бир куни менинг ўғлим ҳам менга ўхшаб ўз дадасини ва бобосини ва катта бобосини ўтган кунларини эслаб ҳаққимизга дуолар қилишини умид қиламан. Фарзанднинг зиммасидаги ота онасининг ҳаққи улар ўтиб кетганидан кейин ҳам ҳақларига мағфират сўраб дуолар қилишликда эканлигини юқоридаги ҳадисдан билдик. Илоҳо, ўткинчи дунёдан ўтсак, имон билан ўтишимизни насиб эт. Имон билан ўтган барча мўмину мусулмонларни шулар жумласидан менинг ота онамни ва бобо момоларимни раҳмату мағфират қилгил. Улар олдидаги фарзандлик бурчимизни адо этишликка тавфиқ бер. охиратда жаннат диёрида бирга қил улар билан Парвардигорим! Омин!

8 апрел 2015 йил.

Тавҳид моҳияти нимада?

Маълумки, тавҳид якка Аллоҳга ибодат қилишликдир. Аллоҳни ибодатга лойиқ ягона Илоҳ деб билиш ва Унгагина ибодат қилишдир. Ислом олиб келган ақида шудир. Ла илоҳа иллоллоху Муҳаммадан Расулуллоҳ калимасининг маъноси ҳам шудир. Аввалги ўтган пайғамбарлар ҳам айни шу тавҳид ақидасини олиб келишган. Бу мақолада мен тавҳиднинг исломдаги ақидавий жиҳатларига тўхталмоқчи эмасман.

Зеро бу масалада қуръону ҳадисдан ташқари яна кўплаб уламолар тарафидан асрлар давомида минглаб китоблар битилган. Мен эътибор қаратмоқчи бўлган жиҳатим тавҳид аҳли бўлган бугунги мусулмонларнинг тушунчаси, руҳияти, яшаш турмуш тарзи ва урф одати тавҳидга қанчалик мос ва мувофиқлиги ҳақида фикр билдирмоқчиман. Бугун ислом оламида ўнлаб турли туман фирқалар, гуруҳлар ва тариқатлар мавжуд. Уларнинг ҳаммаси исломдан гапирди. Ўз қилаётган иш ва амалларини дин номидан эканлигини таъкидлашади. Уларнинг ҳар бирини минг минглаб эргашувчилари бор. Ҳаммаси ўзларини аҳли тавҳид ҳисоблашади. Мен уларни тоғутга ибодат қилувчи мушриклар демоқчимасман албатта. Улар суратидан якка Аллоҳга ибодат қилувчи кимсалардир. Бу жиҳатидан улар аҳли тавҳидлардир. Аммо, сийрати жиҳатидан ҳам улар аҳли тавҳидмилар? Менинг назаримда уларнинг тавҳидга зид жиҳатлари жуда кўпдир. Бу мақола мавзуси ҳам шудир. Бу диннинг мағзи Ла илоҳа иллоллоху Муҳаммадан расуллоҳ калимасида жо бўлган. Шу калимани айтиб мушрик мусулмон бўлган. Бу калиманинг мазмуни эса, Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ зот йўқ. Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳнинг расулидир» деган маънони билдиради. Яъни, ибодатлар фақат Аллоҳга қилинади пайғамбар Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам кўрсатган каби. Ваҳй фақат шу кишигагина тушган. У кишининг ваҳй тушиши бошлангандан кейинги ваҳйга асосланган ҳолда айтган сўзлари қуръон Аллоҳнинг каломидир. Нубувват илҳоми билан гапирган сўзлари ҳадислардир. Шу икки манба диннинг асосидир. Инсон сифатида айтган сўзларини динга ҳужжат сифатида тан олинмайди. Дунёвий ишларда баъзи масалаларда хато қилганларига кўп мисоллар бор. У кишидан бошқа инсонларнинг эса айтган сўзлари умуман диний асосларга алоқаси бўлмайди. Чунки, ваҳй фақат Муҳаммад саллаллоху алайҳи васалламга тушган. Имом Моликнинг «Пайғамбар саллаллоху алайҳи васалламдан бошқа ҳар қандай инсоннинг гапи олинади ҳам, тарк қилинади ҳам.» деган машҳур сўзлари ҳам шу маънодадир. Тавҳиднинг асл мағзи ҳам ана

шундадир. Бугун дунёдаги фирқаларга қаранг. Улар ўз пешволарини сўзларини диний ҳужжат сифатида қабул қилишади. У пешволар ичида баъзилари ўз сўзини қуръону ҳадисга асосан гапириши мумкин. Агар шундай бўлганида ҳам айнан уни тушунган шаклини қабул қилиш шарт бўлмайди. Аммо, аксарият пешволар ҳаволаридан келиб чиқиб гапирадилар ва бу гаплар дин сифатида қабул қилиниб унга амал қилинмоқда. У бу шайхни ўзларига раҳнамо қилиб олган тоифалар қанча? У бу кимсани амрига биноан мусулмонларни қатл қилаётганлар қанча? У бу мустабидни буйруғи билан на Худодан на бандадан қўрқмасдан ўз халқига зулму зўравонлик қилаётганлар қанча? Аллақайси кимсани пир деб унга қўл бериб, унинг этагини кўзига суртаётганлар қанча?

Бунақалар шахспараст ва шайхпараст ва мустабидпарастлар, кейин ўша кимса ўлиб қоладиган бўлса, унинг мазорини саждагоҳ қилиб олишади. Мазорпарастлик ислом оламида ёйилган каби, бошқа элларда кенг ёйилган эмас. Турли туман авлиёлар ва уларнинг ажабтовур «кароматлари» ҳақида юзлаб китоблар бор. Мазҳабпарастликда қанчалик мутаассибликка кириб кетишган? Қалблардаги муҳаббат ва қўрқувни кимларга қаратилганига назар солинг!

Ахир ўша шайхлар, пирлар, амирлар, мустабидлар ҳам ўзимиз каби оддий одамлар эмасми?

Бизга уларни амрини Аллоҳу Расули саллаллоҳу алайҳи васаллам айтган каби қабул қилишимизга ва уларни Аллоҳу Расулни яхши кўрган каби яхши кўришимизга қандай далилу ҳужжат бор?! Тавҳид қани?

У бу кимсага итоат қилаётган ва унинг фатвосини ҳақиқатнинг асли деб ҳисоблаётган ва ўз раъйига тўғри келмасада уни қабул қилишга бажаришга қасам ичаётган ва ёки, аллақандан амир ёки халифа деб ўзини номлаган кимсани амрига биноан ўзини ўзи портлатаётган ёки бошқа мусулмонларни ўлдираётган кимсаларда тавҳид борми?!

Мана битта ҳадис; Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қилинди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар; 1. Мусулмон мусулмонни биродаридир. Унга зулм қилмайди ва уни хорламайди. 2. Кимки бир биродарини ёрдамида бўлса, Аллоҳ унинг ёрдамида бўлади. 3. Кимки бир мусулмондан дунё ташвишларидан бир ташвишини енгиллатса, Аллоҳ унинг қиёмат кундаги ташвишларидан бирини енгиллатади. 4. Кимки бир мусулмонни бир айбини беркитса, Аллоҳ унинг қиёмат кунда айбини беркитади. (Бухорий ва муслим ривояти)

Шу сўзлар Нубувват илҳоми билн Расуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтган сўзлардир. Шу сўзга хилоф бўлган буйруқни қайсидир амир, Халифа ёки шайх берар экан, унга амал қилиш қанчалик исломга тўғри келади?! Ўз пирини тариқатига сўзсиз амал қилаётган сўфиларда тавҳид борми? Ўзини мазҳабини мутаассибларча ушлаб олиб, бошқа нарсани диндан эмас деб жар солувчиларда тавҳид борми? Мен бугун шайхпараст ва шахспараст бўлмаган бирорта жамоани кўрмайпман. Ҳаммасида ўз идеал қилиб олган одамлари бор. Ҳаммаси ўша кимгадир эргашади ва ўшанинг чизган чизиғида юради. Қани бу ерда Тавҳид? Тавҳид динда фақат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиш ва якка Аллоҳга ибодат қилишлик эмасми?! Нега шайхлар қуръону ҳадисни етказиш билан кифояланиб қўймасдан, ўша одамларни руҳан ўз шахсига қўл қилиб оладилар? Қуръону ҳадисни етказишлик уларни вазифаси эмасми? Буни эвазига пул ишлаш ёки одамлар муҳаббатини қозониш ва уларни руҳий жиҳатдан ўзига қарам қилиб олиш тавҳидга қанчалик мувофиқ келади?! Бу динни суитеъмол қилишлик эмасми? Умматни дин билан манипуляция қилиш, ўз шахсига ёки бирорта мустабидга қўл қилиб қўйиш ҳуқуқини ким берган уларга?! Нега битта ўзини мужтаҳид сановчи кимса, сени раъйинга тўғри келмасада, мени раъйимни қабул қиласан, деб бошқалардан қасам ичишни талаб қилади?! Нега аллақайси шайх қуръону ҳадисни ўзи тушунган тарзда бошқаларга етказган учун, улардан айнан шуни, яъни, у тушунган шаклда амал қилишни талаб қилади? Нега диндаги у бу масалада ўз фикрини билдирганига бошқалардан меҳр муҳаббат, иззат обрў талаб қилади?! Тавҳид қани?

Шайхпараст ва шахспараст, мустабидпараст ва мазҳабпараст, амирпараст ва амалпарастларга саволим сизларда тавҳид борми? Бўлса менга тушунтиринглр. Мен тавҳидни фақат Аллоҳгагина ибодат қилишлик ва Унинг расулига эргашиш деб тушунаман. Мен учун аллақайси шайхни ёки шахсни бор йўқлиги муҳим эмас. Унинг бору йўқлиги ҳеч нарсани ҳал

қилмайди. Агар мени тушунганим тавҳидга зид бўлса тушунтиринг исботланг. Агар сизларни йўллариңиз тавҳидга зид бўлса, бу йўлдан қайтинглар. Тавҳид Аллоҳу Расулга эргашишдир. У бу кимсага эмас. Бу динни Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келганлар. У кишидан бошқа кимсаниң аслида сизу биздан фарқи йўқ. Ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Тавҳид мен учун шудир. Аллоҳу Таолодан мени ҳам ва бу ислом умматини ҳам ҳақиқий Ўзи рози бўладиган тавҳидга етказишини сўраб дуо қилиб қоламан.

.....

2015 йил. 7 апрел.

Саудлар исломга хиёнат қилмоқдалар

12 кундирки Саудия етакчилигидаги кўрфаз давлатлари коалицияси қўшинлари Яман президенти Мансур Ҳодийга қарши чиқаётган ҳамда Эронга иттифоқчи бўлган Хусий (الحوثيون) қабиласи ҳарбийларини нишонга олмоқда. Каолиция амалиётини АҚШ ҳам қўллаб қувватлади. Баъзи рус нашрлари иддаосига кўра ҳатто Пойтахт Сано устига АҚШнинг форс кўрфазидида турган ҳарбий кемаларидан бомбалар отилган. Хўш, бу каолициянинг Яманга ҳужум қилиш сабаблари нимада эди? Саудия томони иддаосича улар Яманнинг қонуний сайланган президенти Мансур Ҳодийни ўз ўрнига ўтиришга ёрдамлашмоқчи эмиш. Мансур Ҳодий ҳам унинг ҳукуматига қарши чиқаётган ҳусийларни “Эроннинг қўғирчоқлари”, деб атади. Ўз халқини қиришга қўшни давлатдан ёрдам сўраган президент давлат бошқарувига лойиқ эмас. Бу АҚШ параст ўз халқига хоинлик қилди. Бу сиёсий ўйинларда диний омилларни суистеъмол қилиш давом этмоқда. Мансур Ҳодий жанжалга диний тус беришга ва бу урушни гўёки шиа ва сунний можароси сифатида кўрсатишга уринмоқда. Бу каби уриниш албатта, дунёдаги мусулмонларнинг 90% ташкил этувчи суннийларни Яман жанжалида Саудлар бошлиқ жиноий каолицияни қўллаб қувватлашига эришиш учунгина қилинади албатта. Бу каби иддаоларга ишонаётганлар ҳам етарлича топилади. Саудия эса шиа сунний можароси факторини ўз сиёсий мақсадига мувофиқ келсагина ишлатади халос. Қўшни Ироқдаги Халифат ғирт сунний бўлишига қарамасдан унга қарши ҳам бомбардимон бошлашни ташаббускори айни шу Саудлар бўлган эдилар. Энди эса булар гўёки шиа гуруҳи ҳусийлар Яманда сунний президентга қарши чиққани учун уларни бомбардимон қилишмоқда. Бу «олийжаноб» мақсад учун Саудлар миллионлаб доллар пулини сарфлашга тайёр турибди. 4 апрель куни БМТ Бош котибининг гуманитар масалалар бўйича ўринбосари Валери Амос Яманда сўнгги икки ҳафта давомидаги зўравонликларда 519 одам ҳалок бўлгани, улардан 90 нафари болалар эканини маълум қилди. Унга кўра, ўн минглаб одам ўз уйини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда. Саудия бошлиқ коалиция шу 12 кун ичида тахминан 519 та инсонни ўлдиргани ва уларнинг 90 таси бегуноҳ гўдаклар экани аниқ бўлди. Аммо, Саудия каби сунний ислом оламида лидерликни иддао қилувчи давлат учун қонуний сайланган президентни ўз жойига қайтариш учун 90 та бегуноҳ гўдакни ўлдириш ҳеч нарса эмас балким? Бу каби ўз қўшнисига тажовуз қилиш жоизлигига Сауд шайхлари фатволар ҳам беришгандир балким? Халқаро қонунларга кўра ҳам бу каби амалиёт мумкин эмаслигини биламиз. Саддам Қувайтни босиб олганида, «қувайтни озод қилиш учун» НАТО учқичлари Боғдодни бомбардимон қилишган эди. Яқинда мана Русия Кримни ўзхига қўшиб олгани учун халқаро ҳамжамят томонидан турли туман санкцияларга дучор бўлди. Фақат Исроилгина АҚШнинг кўмагида Фаластин ерига тажовуз қилсада халқаро жазоларга тортилмасдан келаётган эди. Энди бу шарафга Саудлар ҳам эришган кўринади. Шиорлар олийжаноб! Қонуний сайланган президентни ўз ўрнига қайтариш!

Хоин генерал Сисига 5 миллиард доллар бериб, уни қонуний сайланган президент Мурсийни ағдаришига кўмаклашган ҳам Саудлар эмасмиди? Қонуний сайланган президент Мурсий тарафдорлари Адвия майдонида тириклайин ёқиб юборилганида нега ҳеч ким қонуний сайланган президентни ўз жойига қайтариш учун Сисига қарши уруш бошламади?! АҚШ давлат котиби Жон Керри «Сиси демократияни ҳимоя қиляпти» деб иккиюзламачи мунофиқлигини ошкора айтди қўйди. Ғарбни иккиюзламачилиги янгилик эмас албатта. Лекин, Саудия чириган режими исломий етакчиликти иддао қила туриб, бирор марта исломга мувофиқ иш қилмаётганини қандай тушуниш керак?! Бу мустабидлар давлати қачонгача умматга хиёнат қилади? Қачонгача динни суистеъмол қилади? Бу давлатдаги шайхлар на диний ва дунёвий қонунларга биноан Саудларнинг Ямандаги гўдакларни ўлдиришга мутлақо ҳаққи йўқлигини айтмайдилар?! Биз Эроннинг таъсирида Яман аҳолисини 5% ташкил этмайдиган Ҳусийларни Яманда ҳукуматни ўз қўлига олиб, Эронпараст сиёсат юритишларини асло қўллаб қувватламаймиз! Лекин, Яманда ким ҳукуматга келишини ҳал қилишлик фақат Яман халқининг ҳаққидир! Бу халқ шиаси ва суннийси бирлашиб асрлар давомида яшаб келишган. Бундан кейин ҳам улар тинч яшай олишади. Фақат ташқаридаги кучлар бу халқнинг ички ишига аралашмасдан муаммоларни ҳал қилишни уларнинг ўзларига ташлаб қўйишлари лозим. Курашаётган томонларнинг вакиллари муаммоларни ўзаро келишиб ҳал қилиш учун музокарага келишга чақиришлари лозим. Тепасидан бомбардимон қилиб, ўзлари маъқул кўрадиган Мансур Ҳодийни иқтидорга келтириб беришлик билан муаммо ҳал бўлмайди. Агар исломий мамлакатлар раҳбарлари ўз аҳолисига шиа ё суннийлиги, ёки мусулмон ё христианлиги, демократ ё динсизлиги каби қайси эътиқодга мансублигидан келиб чиқиб муносабатда бўлишар эканлар, бу мамлакатларда ҳеч қачон ички низоларга барҳам бераолмайдилар. Бу каби ёндошиш эса, аввало исломий тамойилларга зиддир. Эрон бўлсин ёки Саудия бўлсин, ёки шуларга ўхшаган давлатлар ва бу давлатлар таъсиридаги дунё бўйлаб сочилган турли туман майда гуруҳлар бўлсин, ўз сиёсий мақсадларига эришиш учун динни суистеъмол қилаётган динга ва умматга хиёнат қилаётган хоин давлатлар ва хоин кимсалардир. Ислом уммати буни теран англаш вақти аллақачон келди.

2015 йил 5 апрел

Қонунлар моҳияти

Инсонлар тарафидан ўйлаб чиқарилган қонунлар албатта ўша муайян давр ва тушунчаларда ва географик ҳудудда яшовчи ҳукмрон синфларнинг манфаати учун чиқарилган. Адолат тушунчаси қонун чиқарувчилар учун ва унга бўйсунувчилар учун баробар бўлмаган. Ва бу шакллашиш жараёни узоқ асрлар давом этган. Бугунги 21 асрга келиб, давлатлар ва фуқаролар орасидаги қатор ҳақ ҳуқуқлар такомиллашгач, қонунлар давлатнинг ва унда яшовчи одамларнинг манфаатлари ҳақ ҳуқуқларини ҳимоя қилишга киришди. Бунда энди муайян географик ҳудудда яшовчи халқ бир ёки бир нечта этник миллатдан ташкил топган фуқаролар «тинчлиги учун» қонун чиқарувчилар жамият учун зарарли деб билган ниманидир таъқиқлайди. Ва уни қиладиган кимсага жазолар белгилайди. Албатта, бу қонун юқоридаги учта асос давр, тушунча ва ҳудуд ўзгариши билан ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Шу 3 асосга кўра айни бир давлатда қонунга зид бўлган амал, бошқа давлатда қонунга мувофиқ бўлиши ҳам мумкин. Ёки айни бир давлатдаги қонунлар маълум муддатдан кейин ўзгариши ва аввалги кўринишни тамоман аксини намоён қилиши мумкин. Бунга совет даврида таъқиқланган ва жиноий жазо белгиланган чайқовчиликни, бугунга келиб тадбиркорликка дея ўзгартирилиши каби ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Сабаби эса маълум. Ўша эски ғоя тушунчалар ўзгарди.

Аввал жиноят бўлган амаллар энди жиноят бўлмай қолди. Қачон ва қайси давлатда қабул қилинишидан қатъий назар қонунлар жамиятга хавф соладиган муайян амалларни тўсишга қаратилгани тушунилади. Англия қироллиги Ҳиндистонни босиб олганида, маҳаллий аҳолига денгиз бўйига бориб овқатга ишлатадиган тузни олишни қонунан таъқиқилаб қўйди. Сабаби, Англия корчалонлари тузни ўзларини монополиясига олиб, фақат улар тузни қайта ишлаб аҳолига сотиши ва одамлар бориб уларнинг магазинларидангина туз сотиб олишлари керак эди. Бу қонун Англия корчалонларини бойитишни кўзлаганди. Махатма Ганди шу қонунни намойишкорона бузди. У ва уни тарафдорлари минглаб одамлар бенгиз бўйига чиқиб тузни ўзлари қайта ишлаб уйига олиб кета бошлашди. Бу адолатсиз қонунни бузувчилар миллионларни ташкил этгач, Англия қироллигини Ҳиндистондаги генерал губернатори ўзи чиқарган қонунини бекор қилишга мажбур бўлди. Демак, қайсидир қонунни қабул қилишга ёки бекор қилишга эҳтиёж туғилар экан, бу албатта бирорта муаммони ҳал қилиш учун қилинади. Жазолар ҳам шунинг учун тайинланади. белгиланади. Агар ўша муаммо қонун билан ҳал бўлмаса, ўша қонунга эҳтиёж қолмайди. Ёки аксинча, ЎША МУАММОНИ БОШҚА АДОЛАТЛИ ҚОНУН БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИНАДИ. Қонунларни вазият тақозосига кўра қабул қилиш ва ёки бекор қилиш табиий жараёндир. Демак, у ёки бу давлатнинг баъзи қонунларини айти пайтда бошқасига тўғри келмаслиги мумкинлигини тан олган ҳолда, яна дунёдаги барча одамлар ва жамиятларга мос мувофиқ келадиган ва барчаси бирдек жиноят деб ҳисоблайдиган умумий қонунлар борлигини ҳам тан олишимиз зарур. Бу умумий қонунларга кўра, ўғирлик, фирибгарлик ноҳақ одам ўлдириш каби амаллар доимо барча даврда ва давлатда жиноят ҳисобланган. Жамиятга хавф солувчи жиноятлар кўпаяр экан, уни олдини олиш учун қонунлар қабул қилинади. Айти вақтда ҳукмрон синфлар ўзларини ва улар бошқараётган давлат манфаати учун шу каби жиноятларни доимо қилиб келишган. Бугунги кунда ҳам дунёда ўзига хавф соладиган фуқаросини турли йўллар билан йўқ қилмаган давлат раҳбарини ўзи йўқ. Ҳатто, бошқа давлатларни талон тарош қилишлар ва миллионлаб одамларни ўлдиришлар ҳам тарихда бўлгани каби, бугун ҳам у бу қудратли давлатларнинг манфаати учун қилинмоқда.

Давлат тирик жонзот эмас

Ҳар қандай давлат хоҳ тарихда бўлсин, хоҳ бугун албатта, маълум одамлар томонидан бошқарилади. Бу битта шахс атрофига жамланган гуруҳ бўлиши мумкин. Бу бирорта партия ҳукмронлиги бўлиши мумкин. Бу турли партияларнинг вакилларида ташкил топган ҳукумат бўлиши мумкин. Бугун дунёдаги давлатлар шу уччала турдаги бошқарув билан бошқарилмоқда. Битта шахс атрофига жамланган бошқарувни авторитар ёки диктатура тузumi дейилади. Бунда давлат номи республика бўладими ёки қиролликми моҳиятан фарқи йўқ. Бошқарув услуби битта. Саудия қироли билан Ўзбекистон Президенти ИАКни бошқарувида моҳиятан фарқ йўқдир. Якка ғоя ва якка партия ҳукмронлигига мисол СССР ва соцлагерга кирувчи давлатлар бўлган эди. Бугун Шимолий Корея, Куба ёки қисман Тожикистонни айтиш мумкин. Коммунистик ғоя ҳукмрон бўлган даврда бир шахс эмас, бир партия ҳукмронлик қилган ва тоталитар тузум дейилган. Тожикистонда ҳам бугун битта партия эмас, якка шахс ҳукмронлик қилмоқда. Учинчи турли бошқарув турли партияларнинг вакилларида ташкил топган ҳукуматлар бўлиб, буни бугун демократик бошқарув дейилади. Бунда битта ғоя ва битта шахс яккахокимлиги бўлмайди. Лекин, турли нуфузли гуруҳлар ва улар орасидаги ўзаро носоғлом рақобатлар бўлади. Матбуоти эркин бўлгани учун бу каби тузумларда бу рақобатларни яшириш қийинроқ кечади. АҚШ фуқаролари дунёни бошқараётган кўринмас кучлар дея ҳисобланувчи «Комитет 300» ни йиғилишларига қарши очиқ намоишлар ўтказадилар. Бу комитет ҳақида бугун дунёда етарлича маълумот тарқалишига қарамасдан булар ўзларини ошкор этишни истамайдилар. Айтиш жоизки, давлатлар бор ва уларни бошқараётган гуруҳлар ва шахслар бор. Давлат номидан ҳукмлар ўқилади. Мукофотлар топширилади. Урушлар қилинади. Аслида эса, давлат тирик жонзот эмас.

У йўқ нарса. Аслида давлат номидан барча ишларни сизу бизга ўхшаган «хом сут эмган» конкрет одамлар қиладилар. Шундай экан улар чиқарган қонунларни мукаммал дейиш ва уларни ўз манфаатини ўйламайдиган холис одамлар дейиш мутлақо мумкин бўлмаган нарсадир.

Халқаро қонунлар

Бугунги дунёда халқаро қонунлар тушунчаси бор. Бунда барча давлат тарафидан тан олинадиган қонунлар мажмуаси назарда тутилади. Халқаро қонунлар барча давлат аъзо бўлган энг катта ва энг нуфузли халқаро ташкилот БМТ томонидан ишлаб чиқилади. Бундан ташкари БМТ қошидаги турли йўналишда фаолият юритадиган бошқа қатор халқаро ташкилотлар бор. Дунёдаги барча давлат мана шу ташкилотларга аъзодир. У ёки бу давлат қонуни халқаро қонунларга зид келиб қолган вақтда халқаро қонунлар миллий қонундан устун бўлиши алоҳида уқтирилади. Инсон ҳақлари декларацияси каби инсоннинг асосий ҳақлари белгилаб қўйилган қонунлар мажмуаси, одамлар бири иккинчисида шу ҳақларни мавжудлигини тан олмагани ва минг йиллар давомида бир бирини қирғинбарот қилгани сабабли пайдо бўлди. Аммо, давлатлар зиммасига юклатилинган бу Инсон ҳақлари декларациясига доир мажбуриятлар давлат томонидан ҳеч қачон мукаммал бажарилган эмас. Аниқроғи давлатни бошқараётган ҳуруҳлар ёки мустабидлар томонидан бажарилган эмас. Албатта, бу борада демократик давлатларда инсон ҳуқуқлари аҳволи бош тузумларга нисбатан бир мунча яхшироқ. Буни тан олиш керак. Лекин, халқаро қонунларни бажаришликни маҳаллий ҳукуматлар зиммасига юклатиб қўйиш билан иш битмас экан. Ўша мустабидларни баъзи геосиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан демократик тузумлар томонидан қўллаб қувватланиши ва халқаро қонунларни амалда жорий қилинишини назорат қилувчи ва лозим топганда босим ўтказиш механизмлари йўқ экан, мустабидлар бошқарадиган давлатларда бу қонунлар ҳаётда ўз аксини топиши даргумон бўлиб қолаверади.

Исломий аҳкомлар

Илоҳий қонунларга келсак, моҳиятан улар ҳам жамиятдаги муаммоларни ўнглаш ва инсонларни моли жонини ҳимоя қилиш учун кимлар томонидан ўйлаб топилган эмас. Балки, дунёни яратган Зот Аллоҳ томонидан ўзи танлаган Расулига (САВ) туширилгандир. Шаръий аҳкомлар тушурилишидаг кўзланган мақсад бор. Бу мақсад аввало инсонларни руҳан тарбия қилиш ва якка Аллоҳга ибодат қиладиган қилиб тарбиялашдир. Бу таълим тарбия бу мақсадга элтувчи асосий омил ҳисобланади. Кейин мана шу инсонлар яшайдиган жамиятни бузуқликдан сақлаш учун восита сифатида жазо чоралари қўлланилади. Қайсидир жамият ва муайян муҳитда зарур бўлган қонунлар бошқа жамият ва муҳитда зарур бўлмаслиги мумкин. Аммо, қуръонда нозил қилинган ҳукмлар то инсоният ҳаёти тугагунича зарурлигига эътиқод қилинади. Чунки, бу аҳкомлар бирор шахс ёки гуруҳни манфаати учун ўйлаб чиқарилган эмас. Буларнинг тамойили илоҳий адолат устига қурилган бўлиб, барчага баробардир. Шу жиҳати билан ҳам бу аҳкомлар одамлар ўйлаб топган қонунлардан тубдан фарқ қилади. Агар жамиятда мавжуд муаммони ечишга қуръонда ечим берилмаган бўлса, унга одамлар ўзлари ечим излашлари жоиз. Дунёвий муаммоларни ҳал қилишда бунга шариат йўл берган. Йўл ҳаракати қонидаси автомобиллар пайдо бўлганидан кейин пайдо бўлган. Бу қоидаларни моҳияти эса, асосан инсонлар хавфсизлигини таъминлаш учундир. Бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатида амал қилинадиган йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш айтилган муддаодир. Чунки, буларга амал қилинмайдиган жамиятда инсонлар беҳудага нобуд бўладилар. Қуръони карим асосан таълим тарбияга кўпроқ урғу беради. Шахсни тавҳид эгаси қилиб, якка Аллоҳга ибодат

қиладиган қилиб тарбиялайди. Шу билан бирга мўминлар жамиятида бузуқликларни олдини олиш учун баъзи жиноятларга жазолар белгилаган. Бу дегани жиноятга доир қуръон аҳкомларини турли хил жамиятда доимо тўлалигича амалда қўллашга эҳтиёж бор деган маъно чиқмайди. Чунки, жиноят бўлмаса жазо берилмайди. Лекин, бу аҳкомлар бу китобда туради, мўминлар томонидан доимо ўқилади ва жамият тақозо қилганига қараб уларга амал қилинади. Масалан талоқ, никоҳ, мерос каби, мўминларнинг кундалик ҳаётидаги зарурий аҳкомларга доимо ҳар қандай жамиятда амал қилишга имкон ва зарурат топилади. Аммо, қатор аҳкомлар борки, уларга тўлалигича амал қилинмай турган аҳолиси мусулмон давлатлар тарихда ҳам кўп бўлган ва ҳозир ҳам етарли. Аввалги тўртта хулафои рошидин даврини ҳисобга олмаганда, асрлар давомида ҳали бирорта исломий давлатда бу китоб аҳкомлари адолатли равишда тўлалигича амалда қўлланилган эмас. Тарихдан ёки бугунги кунимиздан у ёки бу шаклда шаръий аҳкомларга амал қилинганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин, буларни тўғри деб тан олинмайди. Уларни дин номини суистеъмол қилаётган кимсалар деймиз ҳалос. Ислом аҳкомларини амалда комил суратда қўлланилмай келгани сабаби иккита. Бири муайян даврда ва жамиятда шаръий ҳукми қўллашга жамиятда эҳтиёж бўлмаган бўлиши мумкин. Масалан, жиноят қилинмаган бўлса жазо ҳам бўлмаслиги табиий. Иккинчиси эса, ўша аҳкомларни амалда қўллаш ваколатига эга ҳукуматнинг ўзи мавжуд бўлмаган. Яъни, ҳукмрон синфларнинг ҳукумати уммат тарафидан ҳақ деб тан олинмаган. Чунки, улар ўзлари ўз шахсий ҳаётида ва бошқарувчида исломий шариатга амал қилмаганлар. Шунинг учун ҳам ислом оламида хулафои рошидинлардан бошқа бирорта султонлар ва подшоҳлар даврни шариатга мувофиқ амал қилинган давр деб тан олинмайди. Бугун ҳам шундай ваколатга эга ҳукумат мавжуд эмас.

2015 йил

Ҳафта кунларининг боши ва охири қайси?

Ҳафтанинг кунлари еттита эканини бугун бутун дунё тан олади. Бунда халқлар ва давлатлар ва динлар орасида ихтилоф йўқ. Лекин, ҳафтанинг қайси куни боши ва қайси куни охири деган масалада ихтилофлар бор. Бу масалада ҳали охириги нуқта йўқилганича йўқ. Гарчи бугун дунёнинг аксар давлатларида бозор кунини яъни, воскресенияни ҳафтанинг охириги куни деб тан олингани кузатилсада, бу масалага доир атамалардаги ихтилофлар ҳали бартараф қилингани йўқ. Бизнинг диёримизда ҳам бу масалада талай муаммолар бор. Масалан, Душанба дегани тожикча иккинчи шанба дегани яъни мазмунан иккинчи шанба ёки кун дегани. Уни ўзбеклар негадир биринчи кун деб қабул қилишган? Шанба ҳафтанинг охириги дам олиш куни бўлиб, эртасига якшанба биринчи кун бўлган. Аммо, бугунги Тожикистонда ҳам негадир душанба биринчи кун бўлиб қабул қилинган. Араб тилида дам олиш куни жума бўлиб, ундан кейин явмуссабт яъни олтинчи кун, ёки шанба келади. Кейинги кунлар явмулаҳад яъни, тожикчада якшанба мазмуни биринчи кун демакдир. Лекин, нега биринчи кунни номи душанба иккинчи шанба ёки кун дейилади? Арабларда ҳам душанба кунни, явмулиснйин яъни, Иккинчи кун дейишади. Бозор кунини арабларда явмулаҳад дейдилар. Яъни, биринчи кун дейишади. Бу ҳисобда явмуссабт яъни, олтинчи кун ҳафтанинг охириги куни ва бозор куни ҳафтанинг биринчи куни ҳисобланганини кўрамыз. Бизнинг атамаларда Бозор куни якшанба дейилади. Мазмуни биринчи шанба ёки кун. Яъни, бизда ҳам бозор кунини ҳафта кунларини боши деб саналган. Шу сабабли, душанба бозордан кейинги ҳафтанинг иккинчи куни бўлиши керак эди. Шунга кўра унинг номи душанба яъни, биринчи кун дейилган.

Лекин, бугун бозор куни ҳафтанинг охири куни ҳисобланиб, ундан кейинги кун биринчи кун ҳисоблангани учун ҳам бугун тожикча атама «душанба» дегани иккинчи шанба (кун) дегани бўлсада, бугун уни ҳамма биринчи кун деб тушуниб қолган. Тарихий келиб чиқиши ва луғат мазмунига қаралса якшанба биринчи кун бўлиши керак. Биз бозор деяётган кунни эса, авваллари Туркистонда ҳам ҳафтанинг биринчи куни ҳисоблашган. Яъни, у кун бугунги тушунчада, «иш куни» ва ҳафтанинг аввалги куни бўлган. Нега бундай деса, аслида жума куни ҳафтанинг охири (бугунги тушунчадаги) иш куни куни бўлиб, ундан кейин явмуссабт ёки шанба ёки олтинчи кун (бугунги тушунчада) дам олиш куни ёки ҳафтанинг охири куни бўлган. Ёки, бугунги бозор куни бўлган. Исломи оламида бозор куни деган алоҳида кун бўлмаган. Бозорлар ҳафтанинг етти кунида ҳам ишлаб турган. Жума куни жума намози вақтидагина савдо сотиқ тўхтатилган. Умман тарихда ҳафта кунларини ҳозиргидек, 5 таси иш куни ва иккитаси дам олиш куни деб ҳисобланмаган. Ҳафта кунларини етти кун деб ҳисоблаш ва унинг бир кунини ибодат куни ва байрам қилиш барча осмоний динларда мавжуд бўлган. Яҳудийлар учун шанба куни явмуссабт ибодат қилиш ва тирикчилик қилишдан дам олиш куни бўлган. Насронийлар учун воскресения ёки якшанба куни (арабчаси явмулаҳад) дам олиш куни бўлган. Муслмонларда жума куни жамоат бўлиб, ибодат қилинадиган кун бўлган. Бугун дунё бўйлаб, ҳафта кунлари насронийлик анъанаси асосида қабул қилинган ва кенг ёйилган. Насронийлик анъаналари устувор тараққий топган давлатлар дунёга ҳукмронлик қилгани учун ҳам бу шаклда ҳисоблаш бугун «халқаро стандарт» ҳисобланади. Туркистонга руслар кириб келиши оқибатида эса, ҳафта кунлари руслар анъанаси устига қурилади. Биз якшанба деб атайдиган ва ҳафта кунларининг боши ҳисобланган кун руслар келгач, ҳафта кунларининг охири ҳисобланиб қолди. Лекин номи сақланиб қолди. Воскресения (бозор куни) насронийларда ҳафтанинг охири куни бўлади. Бугунги муаммо шундаки, бизнинг тилимиздаги атамалар бу кунлар мазмунига мос тушмайди. Биз бозор кунини дам олиш куни деб, ундан кейинги кунни эса, ҳафтанинг биринчи куни ҳисоблаймиз. Аммо, бу биринчи кунни номи арабчада «явсулиснайн» ёки, тожикчада душанба бўлиб, яъни ҳар иккаласининг мазмуни ҳам «иккинчи кун» демакдир. Бу тартиб ҳамма ёқда қабул қилинган ва нормал ҳисобланиб қолинган. Ҳеч ким буни нега бундай деб ўйлаб ҳам қўрмайди. Хоразмда эса, аксинча, шу кунни ўз номи билан биринчи кун дейилади. Буни ислом анъаналаридан биров чекиниш дейиш мумкин. Чунки, бунда ҳафтанинг охириги куни насронийлар қабул қилган бозор куни экани тан олинаёпти. Лекин, бу ерда куннинг мазмун моҳияти аниқ баён қилинаёпти. Аксинча бўлса, масалан, тожикча атамалар асосида айтилса, биринчи кунни душанба (иккинчи кун) дейилади. Ду икки дегани. Шанба иккинчи шанба. Яъни, тан олиш керакки, агар ҳафтанинг охириги куни воскресения ёки бозор куни деб, тан олинар экан, бу атамалар хато бўлиб қолаверади. Бу хато асрлар давомида такрорланиб келди. Энди ё ҳафта кунларини боши ва охири қайта аниқлаштириб олиш керак ёки атамаларни ўзгартириш керак. Бу иккаласини шаклланиш жараёни асрларга тенг бўлса, уни ўзгартиришлик учун ҳам шунча муддат лозим бўлади. Бу дегани эса, бу муаммо, яна кўп йиллар шундай хато қолиб кетиш эҳтимоли бор.

2015 йил

Суиқасднинг уч йиллигида ўқилган нутқ

Ассалому алайкум ҳурматли Ватандошлар!

Бугун биз Обидхон қори акани ҳаётига суиқасд уюштирилганига уч йил тўлиши муносабати билан ҳар доимгидек яна мана шу майдонга тўпландик. Биз Швеция ҳукуматидан ҳалигача топилмаган жиноятчилар ушланиши ва жазоланишини талаб қиляпмиз. Гарчи борган сари бу жиноятчилар топилиши ва жазоланишидан умид узаётган бўлсакда, барибир тинмасдан жиноятчилар топиб жазоланишини талаб қилиб чиқишлигимиз лозим. Бу каби ҳақиқат рўёбга чиқишини талаб қилишда тўхтамасдан давом этишлик, ҳар йили бўлсада намоишлар қилишлик бу ҳукуматга ва унинг ҳуқуқ тартибот органларига эртами кечми, ўз зиммасидаги вазифаларини бажаришлари, жиноятчилар топиб жазолашлари лозимлигини эслатиб туради. Улар бу суиқасдга учраган одамни, Обидхон қори Назаровни биз учун, ўзбеклар учун, ўзбек халқи учун кимлигини қандай қадр қимматга эгаллигини оз бўлсада тушунишларига хизмат қилади. Шу билан бирга ИАК номли диктаторга унинг буйруғи билан суиқасдга учраган имомни ҳали тириклигини ва унинг тарафдорлари ҳали мавжудлигини ва у кишига қилинган жиноят унутилиб кетмаслигини ва бу жиноят эртами кечми очилиши ва иншааллоҳ жиноятчилар жазоланиши яна бир англашига сабаб бўлади. Бу йил ИАКнинг мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлганига 25 йил тўлди. Бу каззоб ўзи ёзган «бир киши икки мартадан ортиқ Президент бўлиши мумкин эмас» дейилган, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 90 моддасини намоишкорона бузиб, 77 ёшга кирган қари тулки, уялмасдан мана 4 марта Президентликга ўз номзодини қўймоқда. Бу ўтган 25 йил давомида бу мастабиднинг зулмига дучор бўлмаган хонадон қолмади. Ўз халқини адолат истаб майдонга чиққанида ёш қари эркак аёл демасдан оммавий отиб ўлдирадиган ва яна ҳеч нарса кўрмагандек, ўз ўрнида ўтирадиган давлат раҳбари борми яна?! Халқи ейишга нон тополмай сарсон юсада, қизлари Парижда, Женевада, Америкада миллионлаб долларга қасрлар сотиб оладиган давлат раҳбари яна қаерда бор?! Бизга ўхшаб халқи кунига икки соат чироқ ёқадиган ва қишда ўчоғига тезак ёқадиган ва лекин газини чет элга сотадиган давлат яна қаерда бор?! Ўз халқини 25 йил давомида ўзи ваъда қилган «Буюк келажак»га олиб чиқиш ўрнига, буюк инқирозга олиб келди. 25 йиллаб қамоқда қолаётган маҳбуслар яна бошқа қайси мамлакатда бор? Жами аҳолиси 30 миллион бўла туриб, 5, 6 миллионга яқин фуқаролари иш излаб бошқа давлатларга кетадиган давлат қаерда бор?! Ўзи туққан боласини пулга сотадиган аёллар ўзбекдан бошқа яна қайси бир миллатда бор?! Ўз имомларини дин пешволарини ўғирлаб кетиб йўқ қиладиган ҳукумат яна қаерда бор?! Ўз фуқароларини хорижда ҳам отиб ўлдираётган давлат қаерда бор?! Мана яқинда Туркияда биродаримиз Абдуллоҳ Бухорий жонига суиқасд қилинди. Обид қори акадан олдинроқ биродаримиз Фуад Шокирий отиб кетилган эди. Булардан олдин қанча инсонлар жонига суиқасдлар қилдинди. Ҳалигача бу жиноятлар очилмади. Ҳалигача жиноятчилар жазоланмадилар. Биз буларнинг барчаси Аллоҳнинг адолатли жазосига учрашига шубҳа қилмаймиз. Бу дунёда бўлмаса, охиратда бу жазо муқаррардир! Аммо, мана шундай мустабиднинг қилаётган ҳийла найрангларига Ғарб олами бепарволигини қандай тушуниш мумкин?! АҚШ ва Англия давлатлари Афғонистондан олиб чиқаётган ҳарбий машиналарни ИАК режимига бераётганларини қандай тушуниш мумкин?! Германиянинг эса ўз ҳарбийлари жойлашган Термиздаги ҳарбий Базани ижара муддатини яна узайтирганлигини ва бу база учун ИАК режимига ҳар йили 10 миллионлаб доллар бераётганлигини қандай тушуниш мумкин?! Бу қурол аслаҳалар кимга қайси душманга қарши ишлатилади?! Андижонда бўлгани каби ўз халқини қиришга ишлатилмайдими? Андижон фожеъаси сабабли ИАК режимига қурол сотмаслик каби санкцияларни қўллаганлар ҳам ва кўп ўтмай уни бекор қилган ҳам ўшаларнинг ўзлари эмасмиди? Бу ўзбек халқининг дод фарёдига қулоқ соладиган Аллоҳдан ўзга ким бор? Биз фақат Аллоҳга суянишимиш ва зулмга қарши турли йўл ва воситалар билан курашишимиз лозим! Бу қонхўр режим ағдарилмас экан, ўзбек халқининг боши балою офатлардан ташқарига чиқмайди. Бу ИАК каби мустабидлар тирик экан, бу халқ рўшнолик кўрмайди. Бунга мана ўтган 25 йил ичида амин бўлдик. Обидхон қорининг бизга ўрнаги ҳам шундаки, у зулмга қарши ҳақни гапирган киши эди.

Жим ўтирганида ҳақни айтмаганида ИАКнинг имомларидан фарқи қолмаган бўларди. Унинг улуғлиги ва азизлиги ҳам айни шундадир. Ва эртага Аллоҳнинг ҳузуридаги улуғлиги ҳам айни шу сабабдан бўлса ажабмас?! Зулмга қарши индамай жим туришлик, унга рози бўлишликдир! Мен бугун бу майдонда турган ва бошқа ердаги Обидхон қорининг издошларини ҳаммасини у кишига амалда эргашишга ва зулмга қарши жим ўтирмасдан имкон қадар курашишга чақираман! Акс ҳолда бу инсонга лойиқ издош бўлолмаслигинингизни англашликка чақираман! Сўзимнинг охирида Аллоҳдан қори акамизга шифои комил сўраб барча ислом аҳлини рўшноликка етказишини дуо қилиб қоламан.

20 феврал 2015 йил

«Валентин куни» ёки мафкуралараро кураш ҳақида баъзи мулоҳазалар

Ғарб оламида пайдо бўлган Авлиё Валентин куни ёки янада бемаънироқ аталадиган «севишганлар куни» бугунги даврда мусулмон оламига ҳам кириб кела бошлади. Бунинг сабаби эса аниқ. Бугунги техника тараққиёти интернет майдонидаги ахборот алмашинуви дунё халқларини урф одатларини бир бирларига ошно қилиб қўйди. Бунинг оқибатида на динни ва на дунёвий илмлардан орқада қолиб кетган мусулмон давлатларидаги ёшлар бу каби ғарбона урф одатларга эргаша бошлашди. Бугун Ўзбекистонда Валентин кунини нишонлаш маън қилинганини айтишади. Ёшлар орасида тобора ивожланиб бораётган бу кунни маън қилиш ИАК каби мустабид режимига нимага зарур бўлиб қолди экан?! Албатта, бу таъқиқ қонуний эмас, фақат «юқорининг оғзаки буйруғи» асосида қилингани айтилади. Энди у ёки бу кунни қандайдир бир воқеъа ва ҳодисага бағишлаш масаласини ўзи диний нуқтаи назардан қанчалик мумкин ё мумкин эмаслигига эътибор қаратайлик. Ислом динида ҳам жуда кўплаб кунлар у бу нарсага боғлиқ ҳолда тарихда қолгани маълум. Ва бу кунларни айнан шу нарсага боғланиб аталишига фуқаҳолар ихтилоф қилишмаган. Масалан табук ғазоти, Уҳуд жанги каби атамаларда айнан бир тарихий кун зикр қилдинади. Бундай мисоллар бошқа халқлар тарихида ҳам мавжуд. Урушда қозонилган ғалабалар ва бошқа шунга ўхшаган у бу кунлар тарихда қолади. Янги номлар сифатида турли давлатларда турли соҳаларга бағишланган кунлар бор. Ўқитувчилар куни. Милиция куни каби кунлар ва атамалар бугун оддий ҳолга айланди. Совет давридаги 1 май халқаро меҳнаткашлар куни дейиларди. 8 март эса халқаро хотин қизлар куни эмиш. Шунга ўхшаган халқаро кунлар бор. Ҳозирги кунда ИАК бошлиқ ўзбек режими йилларга ҳам ном бера бошлашди. Ҳар йили битта ном билан аталади. Валентин куни ҳам шунга ўхшаган кундир. Қадимги Рим императори «Клавдий II» ҳукмронлиги даврида, уйланиш жангчини урушда заиф қилиб қўяди деган ваз билан, император ўз аскарларига уруш давомида аёлларга уйланишни тақиқлаб қўяди. Насронийлар пешвоси Авлиё Валентин бу қарорга зимдан қарши чиқиб, уйланмоқчи бўлган аскарларни махфий равишда никоҳлаб қўядиган бўлади. Бундан хабар топган император уни зиндонга ташлаб ўлимга ҳукм қилади. Бу афсона агар рост бўлса, демак бу кун ўша авлиё Валентин қатл қилинган кундир. Унинг айби эса, аскарларни никоҳлаб қўйгани бўлган. Оқибатда бу кунни севишганлар куни деб айтала бошланган. Бугунги Европа давлатларида бу куннинг тарихини биров билмасада барибир ёшлар орасида бу кунни нишонлаш урф бўлган. Бу кунни йигит ва қиз орасидаги ношаръий алоқаларни қонунийлаштиришга сабаб бўлиши туфайли исломда маън қилинади. Бугунги мусулмон давлатларда диний тушунчаларни йўқолганлиги туфайли Ғарбдаги каби ёш йигит ва қизлар орасидаги шаръан ножоиз бўлган алоқалар мусулмонлар фарзандларига ҳам таъсир қилмоқда. Улар ҳам никоҳдан олдин ўзаро учрашиб ўпишиб юришни одат қилмоқдалар.

Бу кунни айнан шунинг учун ҳам ислом тарафидан қораланади. Чунки, бу кун шаръан ҳаром бўлган амалларга йўл очади. Аммо, бу кунни нишонлашга қарши турган ИАК режими айни дамда, ислом динига ҳам қарши эканлигини ҳисобга олсак, уларни валентин кунига қаршилиги мантиқан тушуниш қийиндир. Бу кунни ислом оламида тарқалиши яна шу сабабдан хавфли ҳисобланадики, бу кунда ҳали никоҳдан ўтмаган йигит ва қиз ўзаро ношаръий ишларни бузуқликларни қилишликга сабаб бўлади. Аммо, бу каби бузуқликлар валентин кунидан бошқа кунларда ҳам давом этаётганини ҳисобга олсак, фақат валентин кунини таъқиқлаш орқали бузуқликларга чек қўйиш имконсизлигини англашимиз мумкин. Диний савияси бўлмаган ёшларни орасида тури хил бузуқликлар авж олиши табиий. Бунга нафақат «валентин кун» балки, бошқа кўплаб ички ва ташқи омиллар бор. Буларни барчасини таъқиқлаш бугунги глобализация даврида имконсиздир. Бунга қарши курашиш эса қайси шакл ва кўринишда бўлиши лозим деган савол мени ўйлантиради. Лекин бу кунни нишонлашни мустабид тузумлардаги каби, фақат юқоридан берилган буйруқ ҳисобидан йўқ қилиб бўлмаслиги аниқ. Шу сабабли бугунги исломий мамлакатларда ғарб урф одатлари тарқалиши ва аксинча, ғарбда ислом одатлари тарқалиши табиийдир. Бу курашни ўз ҳолича табиий ривожланишига қараб турсак, эртами кечми барибир ислом бу курашда ғолиб бўлаши аниқдир. Чунки, ботил ҳақ билан курашда мағлуб бўлиши шартдир. Лекин, бу курашда куч ишлатишликга уринилса, кутилган натижани бермаслиги мумкин. Биринчидан ислом номидан куч ишлатиш ваколатига эга легитим ҳукуматнинг ўзи йўқ. Иккинчидан бу жараёни куч билан тазйиқ остига олишга уринилса, у ҳолда куч ишлатар тараф ғалабага эришолмаслиги аниқроқ. Бунга мисоллар узоқ тарихда ҳам бугунги глобализация даврида ҳам етарлича топилади. Эрон ва Саудия қироллиги каби консерватив тизим устувор давлатларнинг бузуқликларга қарши куч ишлатишаётгани ва натижага эришолмаганликлари яққол мисол бўла олади. Ғарбдаги эркинликлар ичида туриб ҳам минглаб немислар ва французлар ислом динига кираётганлиги эса, эркин майдонда кетаётган бу курашда ислом дини ғолиб келаётганига мисолдир. Бу курашда ҳар икки мафкурага тенг шарт шароит берилиши лозимдир. Бундай эркинлик бўлмаса, кураш жараёни табиий бўлмайди. Демак, ислом оламига ёпирилиб келаётган ғайри исломий урф одатларга қарши туриш йўли эркинлик асосидаги танлашга имконият беришликдир.

Мафкуравий тарғиботлар учун имкониятлар беришликдадир. Бу куршда ғолиб чиқиш учун, бугунги даврда бундан бошқа йўли мавжуд эмас деган фикрдаман.

14 феврал 2015 йил.

Менинг йўлим шудир!

(Ёхуд, баъзи танқидларга жавобим)

Кириш;

Яқинда фаесбукдош дўстларимдан бир иккитаси менинг радиодаги фаолиятимга танқидий фикрлар билдиришди. Бу ҳақида олдинроқ менга бошқалар орқали ҳам хабар етказишган эди. Танқидларда асосан менинг илмонийлар (демократлар) тоифаси билан суҳбатлар уюштиришим ва динни етарли даражада ҳимоя қилмаслигим экани айтилади.

Мен бу масаладаги саволларга ўз жавобимни ва ўзимни бугунги тутган позициямни кенгроқ мақола тарзида ёзиб эълон қилишимни айтган эдим. Мана шу мақола менинг шу каби танқидларга жавобим ва бугунги тутган позициям нимадан иборатлигини оммага маълум қилишдир.

Ўзбекистондаги диний уйғониш

Биз ўзбеклар 70 йил дахрийлик ғояси ҳукмрон бўлган диёрда яшаб ўсиб улғайдик. Ва табиийки, динни тушунишдан оммавий суратда бошқа мусулмон диёрларидан анчагина орқада қолдик. Бу ҳолат мустақиллик деган даврга келиб ҳам кўп ўзгаргани йўқ. Аммо, бугун ҳар ҳолда чегаралар нисбатан очиқ ва интернет пайдо бўлди. Булар ўз навбатида ўзбеклар диний онгини тушунчаларини ошишига сабаб бўлди ва бўлмоқда. Ўтган асрнинг 90 йилларида эсан эркинлик шамоли юртимизда бир қанча машҳур дин даъватчиларини пайдо бўлишига имконият берди. Абдували қори, Обид қори ва ҳакозо қори акалар элга даъватлар қила бошладилар. Бу даъватлар кимга қандай таъсир кўрсатди. Динни озми кўп тушунган одамлар билан ўзларини ҳанафий мазҳабчи деб билган имомлар ва ёки ҳали динга жиддий эътибор бермаган оддий одамлар орасида жанжаллар пайдо бўла бошлади. Диндорлар, у ё бу имом атрофида янги шаклланаётган диний гуруҳлар ҳали диний тушунчаси шаклланмаган одамлардан ўзларини узоқ тута бошладилар. Аввалига диндорлар орасидаги мавжуд бўлган нисбий бирлик кўп ўтмай йўқолди. Энди диндан озроқ хабардор бўлганлар билан умуман беҳабарлар орасида адоват бошланди. Аслида эса икки тараф ҳам мусулмонлар эдилар. Турли йўналишдаги гуруҳлар пайдо бўла бошлади. Диндорлар орасида ўзаро ихтилофлар авж олди. Аммо, бу ҳали ўзаро оғзаки суҳбатларда намоён бўларди. Ҳали интернетда ёзишадиган пайтлар эмасди. Диндор жамоатлар нисбатан диндан узоқ одамлардан (бугунги атамада илмонийлардан) узоқлаша бошлади. Бу жараён то шу кунгача давом этмоқда. Булар умумий воқеълар тасвиридир. Булардан ёши каттароқ бўлган ҳамма диндорнинг хабари бор. Бу ҳолатнинг кейинги босқичига назар солайлик.

Фикҳий ва ақидавий ихтилофлар

Динимизда кўплаб масалалар борки, бир хил тушунилмайди. Бу масалаларда асрлардан бери ихтилофлар мавжуд. Шулардан бири чин мусулмон бўлиш ёки диндан чиқиб кофир бўлиш масаласи, ва имон ва амал яхлит бир нарсами ёки алоҳидами? деган, масала ва шаръий ҳукм юрмаётган давлатлардаги мусулмонлар устидаги вазифалар каби масалалар.

Бу каби ихтилофли масалаларга биз кейинроқ кириб келдик. Бугунги ўзбек мусулмонлари ҳам шу масалаларга нисбатан тутган позициясига қараб турли гуруҳларга ажралганлар. Бугун бир гуруҳ ёки бир имом барча ўзбек мусулмонлари номидан гапириш ваколатига эга эмас. Ҳатто расмий имомлар ҳам бундай ваколатга расман эга бўлишсада, халқ уларни тан олмаслигини яхши тушунадилар. Ҳар гуруҳни ўзи тан олган имоми ва муфтийси бор. Намоз дин устун бўлган амал ҳисобланади. Уни тарк этган киши ким дейилади? Бу мавзу асрлар оша турли фикҳ мактаблари орасида бир хил тушунилган эмас. Беузр намоз ўқимаган одамни баъзи фақиҳлар кофир бўлиб диндан чиқади дейишган. Баъзилари кабира гуноҳ қилган бўлади лекин, кофир эмас дейишади. Буларни ҳар бирининг жиддий ақлий ва шаръий далиллари бор. Диний гуруҳлар ичида хоҳлаб хоҳламай қуролли кураш манҳажини танлаган тоифалар пайдо бўлди. Ва улар ўз олдларига шаръий ҳукмлар билан бошқариладиган давлат қуриш каби диний сиёсий мақсадларни қўйишди. Айни шу мақсадни кўзлаган Ҳизбут Таҳрир исломий партияси ғоялари ҳам Ўзбекистонга кириб келди. Бугун ҳам бу масалаларда ўзбек диний гуруҳлари

орасида яхлит ва аниқ тушунча йўқ. Бу масалалар турлича тушинилади ва талқин қилинади. Юқорида зикр қилганимиз динга ҳали жиддий эътибор бермаган кишиларни бугун илмонийлар деб аталади. Бу атама араб диёрларида асосан ҳаётда динни ўрнини чеклаш тарафдори бўлган ва жамиятда тўла эркинлик бўлишини истайдиган қатламга нисбатан ишлатилади. Истаймизми йўқми, араб ва мусулмон оламидаги атамалар ва турли тушунча ва ихтилофлар ўзбек диндорлари орасида ўз аксини топди. Бу нарса бугунги ўзаро муносабатларда яққол намоён бўлмоқда.

Диний гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари

Албатта, бу мавзуга киришдан олдин унга қайси қандай муносабатда бўладиган гуруҳлар таркибига назар соламиз. Баъзи диндорлар бу мусулмонлар орасидаги ички ихтилофларни четдаги ёвуз кучлар тарафидан атайин уюштирилаётган фитна деб ҳисоблайдилар. Бу энг содда ва осон тушунтиришдир. Баъзилари, бу ихтилофлар умматнинг ўзаро битта давлатга бирлашмаганлиги ва сиёсий бирлик бўлмагач, турли ҳукмдорлар ва тузумларнинг манфаат учун ўзаро кураши натижасида келиб чиққан деб биладилар. Бу фикрда қисман ҳақиқат бор деб биламан. Бошқалари эса бу ихтилофлар диний ақида ва фикр ҳар хил тушунишликдан келиб чиққан деб айтишади. Яъни, бу ихтилофлар ўзаги айнан ташқи омиллар эмас, балки шу ички манбаларнинг тушунишликдаги хилма хилликдир. Мен шу фикрга тўла қўшиламан. Хуллас, шу омиллар таъсирида уммат гуруҳларга бўлинган ва бир бирларини рад қилиб талашиб тортишишади. Бу талашиб тортишиш тарихи минг йилларга бориб тақалади. Шиа ва суннийлар орасидаги бошланган ихтилофга 14 аср бўлди. Мазҳаблараро ва фирқалараро ихтилофлар жараёни доимо давом этиб келган. Ва бугун ҳам ўша жараён давом этмоқда. Бугун ҳатто битта мазҳаб ва битта ақида устида турган гуруҳларнинг ҳам, сиёсий манҳажлар ва мақсадлар учун ўзаро тортишувлари ва ҳатто қон тўкишгача боришаётганларини кўриб турибмиз. Интернет майдонидаги виртуал курашни гапирмасак ҳам бўлади. Бугунги ўзбек диний гуруҳлари ўзаро келишмовчилиги борлигидан ва дунёдаги мусулмон давлатларидаги турли хил диний гуруҳлар бир бирларини қонини тўкаётганлигидан қатъий назар, улар битта нарсада бирлашадилар. У ҳам бўлса, ўзлари илмоний деб ҳисоблаган одамлардан олиб қочиш ва уларга қарши душманлик назарида қарашликдир. Ҳизбутларми, Салафийларми, жиҳодчиларми бошқасими ким бўлмасин айни шу тоифани душман тутишади. Баъзилари уларни кофир деб билишади. Бошқалари кофир дейишгача бормасада, уларга қарши кураш позициясида туришади. Энди илмонийлар кимлигига бир назар солсак.

Диний гуруҳларнинг илмонийларга муносабатлари

Илмонийлар (демократлар) ёки жамиятда диннинг ролини чеклаш тарафдорлари бугунги ислом оламида барча мамлакатда мавжуддир. Бу қатлам Марказий Осиё давлатларида аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этади. Миср, Сурия, Ироқ, Иордания, Кўрфаздаги қатор араб давлатларида ҳам шундай. Саудия, Яман, Фаластин ва шимолий Африкадаги мусулмон мамлакатларда нисбатан камроқ. Ўзбекистонда эса бу қатлам 80% дан кўпроқ деб тахмин қиламан. Аммо, Ўзбекистон илмонийларининг Миср илмонийларидан фарқи шуки, Мисрликлар динни асосларини тушуниб, онгли рад қилишган. Биздагилар эса, тушунмасдан туриб илмонийлар гуруҳига қўшилиб қолган одамлардир. Улар яшаётган жамият уларни ўзлари билмаган ва истамаган ҳолда шундай қилиб қўйган. Бу тоифа орасидан у ёки бу диний тоифа сафига ўтувчилар доим топилади. Бу жараён ошкораликдан бери тўхтаган эмас. Бугунги диний гуруҳлардаги диндорлар ҳаммаси кечаги илмонийлардир. Уларнинг ҳеч бири Марсдан мусулмон бўлиб тушган эмаслар. Шу халқ ичидан чиққан оддий ўзбекларнинг

фарзандларидирлар. Улар орасида даҳрийлик даврида ақидаси шаклланган ва динга нисбатан онгли равишда салбий муносабатда бўладиган ҳақиқий илмонийлари бор. Аммо, ҳали ўзини у бу масалада аниқ фикри шаклланмаган ва ким қаёққа тортса кетаверадиган кимсалар бор. Улар ичида динга мойиллиги бўлиб, лекин кўп нарсаларга ўзи жавоб топа олмаётган ва қандай муносабатда бўлиши лозимлигини ўзлари ҳал қилолмаётган одамлар бор. Уларнинг ҳаммасига ёвқарашлик қилиш ва диндорлар гуруҳидан узоқ тутиб муносабатлар қилишлик менимча нотўғридир.

Бугунги ихтилофли масалаларда менинг тутган мавқеъим

Менга бугунги диний гуруҳлар ақидаси ва манҳажлари бегона эмас. Мен ҳаммасини яқиндан танийман ва лекин ўзим салафийлик манҳажидаман. Яъни, ақидада ва динга амал қилишликда салафий, мақсадга элтувчи манҳаж масаласида Қарзовийнинг васатийя манҳажидаман. Бу мавқеъимга тасодифан адашиб келиб қолмаганман. Бу мавқеъга келишим кўп йиллик шаръий ва ақлий изланишлар ва хулосалар натижасидир.

Ақидамда яҳудлар, мушриклар ва насронийларни кофир деб биламан. Мусулмонларни шиа ва суннийларни барчасини (Баъзи тоифалар мустасно) мусулмонлар деб ҳисоблайман. Ўзим аҳли суннат тарафидаман. Умнат устидаги Халифани умматнинг кўпчилиги ихтиёрий тан олиши билан қонуний бўлади ва кейин унда уммат устидан шаърий ҳукмларни юргизиш учун ваколат пайдо бўлади деб тушунаман. Амирлар ўз қавмининг аксарияти тан олиб байъат бериши билан қонуний бўлади. Уларда агар Халифадан ваколат олмаса, ўзича қавми устида шаръий ҳукмни юритиш ваколати бўлмайди. Бугунги у ё бу гуруҳни ўзича у бу шахсларни устидан шаръий жазо бераётгани умуман ноқонуний амалиёт деб биламан. Бир бирини қирғин қилаётган жиҳодчи гуруҳларни катта гуноҳ қилаётган фитнага тушганлар деб тушунаман. Мусулмон мамлакатларидаги Раҳбарларини ва у ерлардаги ҳукумат вакиллари умумийятла кофир деб айтмайман. ИАК, Сиси, кабилар ва буларга хизмат қиладиган МХХ, Суд, ва Прокурорлар бундан мустасно. Динни рад қилувчи, Худони ва пайғамбарни рад қилувчи кимсаларни кофир эканига шубҳам йўқ. Аммо, бу кимсалар ўз фикрини айтиш ва ўз эътиқодида қолишга ҳақли деб биламан. Илмонийларга яъни, бутун дунёдаги ва Ўзбекистондаги илмонийларга ёки демократия қурамиз деяётганларга нисбатан муносабатим шуки, уларни диндан чиққан кофир деб билмайман. Менинг такфир масаласидаги аниқ тиниқ мавқеъим шу; “Ла илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадан Расулуллоҳ! деган одамни ким бўлишидан қатъий назар кофир деб ҳисобламайман! Лекин, ислом аҳкомларидан демократия қонунлари афзал деган фикрни куфр деб биламан. Бу гапни айтган шахсни кофир демайман. У адашяпди дейман. Бугунги мавжуд шароитда демократиядан фойдаланиш лозим деб ўйлайман. Ўзбекистонда демократиятик тузум қурулиши мусулмонлар учун манфаатли бўлади деб ишонаман. Бунга қатор ақлий ва воқеъий далиллар бор. Зарарлар келиши ҳам эҳтимолиддан соқит эмас. Имон келтириб аммо, ислом арконларига амал қилмайдиган одамларни, агар ўша амалларни фарзлигини (инкор қилмай) тасдиқ қилиб бажараётган бўлса, кофир деб ҳисобламайман. Агар шунақа одамлар намоз ўқимаётган ёки ароқ ичаётган бўлишса, кабира гуноҳ қилаётган мўмин одамлар деб ҳисоблайман. Яъни, уларни куфрга чиқаришликдан узоқман. Ҳозир Ўзбекистонда ёки Марказий Осиё Республикаларида Халифат ёки исломий давлат қурилишига ақлий ва шаръий далилим ожизлик қилади. Ҳар нарсани қазода битилган вақти муддати бўлишига, шу муддат келса бу диёрда ҳам исломий қадриятлар тўла ўз қард қимматини топишига умид қиламан иншааллоҳ! Ҳар қандай жамиятда динни ва диний шахсиятларни тадрижийлик асосида вужудга келган ва ривожланган ва яна шу тарзда ривожланиши шарт деб тушунаман. Хаёлпарастлик қилиш, воқеъликга номувофиқ уринишлар, динда буюрилган фойдалиқ нарса эканига ишонмайман.

Ироқдаги халифаликни тўғри йўлдаги рошид халифалик деб тан олмайман. Дунёдаги барча мусулмонларни мазҳабидан манҳажидан қатъий назар диндош биродар деб биламан. Аммо, баъзи манҳажлар кўзлаган мақсадга олиб бормайди ва амалда хато қўлланилаяпти деб ҳисоблайман. Худкушликни мусулмонларнинг кураш воситаси қилиб олиншига қаршиман. Озчилик кўпчиликга қарши урушиши вожиб бўлмаган амал деб биламан. Иккита зарар турганда кичикроқ зарарни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Илмонийларга менинг шахсий муносабатим

Бугунги Ўзбекистон аҳолисининг 90% ни мусулмонлар ва 10% ни насроний динига мансуб шахслар ташкил этади. Шу 90% мусулмонлар қатламининг 80% илмонийлар ташкил қилади. Мен шахсан ўзим ҳам бугунги барча тақводорлар ҳам ўша илмонийлар гуруҳидан бўлганмиз дейишим мумкин. Яъни, 20, 30 йил олдин динни сиёсий мақсадларини тушунадиган одамлар бўлган эмас. Бизнинг диний тушунчамиз бирданига шу бугунги кундагидек бўлиб қолган эмас. Менинг қирқ беш йиллик умримнинг қирқ йили шу диний тушунчаларимнинг шаклланиш жараёни бўлди десам хато бўлмаса керак. Сиёсий мақсадларим эса, оламшумул глобал мақсадлар эмас. Мақсадларим жуда чегаралангандир. Бугунги Ўзбекистондаги ИАК режимига барҳам бериш керак деган қатъий ишончдаман. ИАК режимининг амалдорларини ҳам ўша илмонийлардан ташкил топган деб биламан. Аммо, ҳозир куч билан давлат тиклаш учун уринишлик жуда кўп беҳуда қон тўкишликга ва халқ учун кўплаб зарарлар келтиришига қатъий ишонаман. ИАК режимини қулатиш учун демократ бўлсин, коммунист бўлсин, мушрик бўлсин, диндор бўлсин ким бўлишидан ва қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар ҳамкорлик қилиш керак деган фикрдаман. Келажакда айнан шу илмонийлар билан Ўзбекистонда тинч ва эркин яшашимиз учун лозим бўлган мулоқотни бугундан бошлаш керак деб тушунаман. Истаймизми йўқми бугун ўзбек жамиятида илмонийлар кўпчиликни ташкил этадилар. Ва улар гарчи ўзаро ихтилофлари бўлсада, бундан кейин ҳам кўпчилик бўлиб қолаверадилар деб ўйлайман. Айнан шуларни ташқи кучлар қўлаб қувватлаши эҳтимоли катта. Диний гуруҳларга бундай қўллов бўлиш эҳтимолдан жуда узоқдир. Диктатор Қаддофийни ёки Асадни режимини қулатиш учун куч ишлатиш халқаро ҳамжамият наздида мумкин ва қонуний бўлсаю, ИАК зулмини тугатиш учун ҳам шундай йўл тутиш ноқонуний дейилишига тушунолмайман. Бу режимга қарши курашга на муҳолифат ва на имкону шароитни ўзи йўқ бўлсада, барибир режимга қарши сўз билан бўлсада мафкуравий курашда давом этиш шарт деб биламан. Бугун радиосўхбатлар қилиб унга турли тоифа ватандошларни таклиф қилаётганимни ва турли фикрдаги одамларни ўзаро фикр алмашишга ва бир бирини тушунишга ҳаракат қилаётганимни сабаби ҳам ана шулардир. Бир тоифа ўзи алоҳида бирор нарсага эришолмайди. Агар ҳамма тоифалар орасида ҳамкорлик йўлга қўйилса, шубҳасиз имкониятлар кенгаяди. Асосий масала шу мақсад йўлида ҳар қандай одам билан бўлсада гаплашиб мулоқот қилаолишликдир. Менинг йўлим шу. Бу мулоқот ўша илмонийларни диний савиясини ошишига ва илмонийлар гуруҳидан чиқишига олиб келишини унутмаслик керак. Агар натижа бўлмаса ҳам, уларга ҳақни етказиб қўйганни савобини оласиз. Қолаверса, ҳамманинг амалини қиёматда Аллоҳнинг Ўзи ҳисоб китоб қилади. Дунёда кўнгилни кенгроқ қилиб, мулоқотни давом эттириш лозим.

Хулоса;

Бу мақолада келтирилган турли масалаларга доир менинг мавқеъимни белгиловчи қатор шаръий далилларим бор. Уларни бу кичик мақолада зикр қилиш имконсиздир. Диндан хабардор одамлар бу далилларни биладилар. Хатоми тўғрими, кимгадир ёқадими йўқми, булар менинг тутган мавқеъимдир. Шу асосда мен фаолият қилаяпман. Менга эътироз билдирувчилар иддао қилган шахслар ёки майда нарсаларга алоҳида тўхталмадим. Мен нисбатан кенгроқ каттароқ доирада айна шу иддаоларга жавоб беришга ҳаракат қилдим. Менинг ҳаммага мулоқот таклифим сабаби ҳам шудир. Мен ИАК режими амалдорларини ҳам Прокурор, МХХ раиси, Суди ва ҳаказоларини ҳам мулоқотга чақирган бўлардим. Мен ИАКни ўзи билан ҳам суҳбатлашишга тайёрман. Уларнинг тарафдорларини ҳам чақирардим. Агар улар сўз майдонида ўзларини ҳақлигини исботлашса уларга қойил қолардим. Агар айбим бўлса тан олиб узр сўрардим. Аммо, одатда ботил тараф сўз майдонига чиқмайди. Ботил доимо куч билан ўзини сўзини ўтказишга уринади. Менинг фаолиятимга муносабат турличадир. МХХлар мени террорист дейишади. Демократлар мени диндор деб тушунадилар. Диндорлар мени демократ дейишади. Бугун мени ўз сафига қўшадиган гуруҳ қолмади. Ҳатто, шоирлар мени шеър ёзолмайсан деб ўзидан четлатишса, журналистлар мени яхши журналистлик қилаолмаганликда айблашади. Ҳуқуқбонлар мени сиёсатчи десалар, сиёсатчилар имом дейишади. Ҳаммаси мени улар истагандек одам бўлолмаганим учун ва улар истагандек фаолият қилмаганим учун ёқтиришмайди. Мен уларни ўзларини ҳам, шу мен қилаётган каби фаолиятни қойилмақом қилиб бажариб, «иш дегани мана бундай бўлади» деб, кўрсатишларини истар эдим. Мен қилолмаётган нарсаларни ташқарида туриб танқид қилиб гапираётганлар нега ўзлари қилишмаяпди? Ҳатто суҳбатга чақирганда қатнашмайдилар. Менинг фаолиятимга эътибор бериб кузатиб келаётган дўстларга ва душманларга ҳам инсофли бўлишни ва улар ўйлаётгандек фаолиятда бўлишим менинг зиммамда на шаръан ва на қонунан вожиб эмаслигини тушунишларини истар эдим. Чунки, динга мен ўзим тушунган ҳолда амал қиламан. Мен сизлар ўйлаётган ёки истаётган каби эмас, ўзим истаётгандек ва тушунгандек амал қиламан. Менинг амалларимни эса Роббимнинг Ўзи баҳолайди. Агар менинг мавқеъимда тўғрилиқ бўлса Аллоҳ мени собитқадам қилишини ва агар хато бўлса тўғри йўлга солишини Ўзидан тилаб қоламан. Агар менинг бу жавобимга кимни эътирози бўлса, марҳамат мен уни радиоблогимда суҳбатга чақираман. Ўша у киши хато деб билган жойларини муҳокама қиламиз. Ҳақиқий баҳони эса ҳаммамизга Аллоҳу Роббил оламинни Ўзи беради. Охирги сўзим эса, оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин!

1 январ 2015 йил

Адолат ва қонунга жой қолмадими?

Саудияда ўзининг хур фикрлиги ва ҳукуматни «эҳтиёт қилиб» бўлсада танқид қилиши билан танилган шайх Муҳаммад ал Арифий икки ойга яқин қамоқда қолмоқда. Уни қаердалигини оиласи ҳам билмайди. Яқинда ўғли отасини озод қилинганини ва уйша қайтганини ўз твитларида ёзиб чиққанди. Аммо, бу хабар ҳам тасдиқланмади. Шайхни айби Сауд Қироллиги оила аъзоларидан бирига тегишли темир йўллари компаниясини танқид қилгани бўлган. Ўз шериги билан поездда сафарга чиққан шайх поезддаги йўловчиларга хизмат кўрсатишни сифатсизлигини ва поездлар ўз ватқида манзилига етиб бормаслиги ва шунга ўхшаган нарсаларни ўз твиттерига эълон қилади. Бу оддий нарса бўлсада, Сауд қироллиги хавфсизлик органлари буни «катта жиноят» деб ҳисоблашаган кўринади. Шайхни поезддан тушириб қамоққа оладилар. Шу кунгача таниқли даъватчини қаердалиги ноаниқ қолмоқда.

Шайх Муҳаммад ал Арифий 2013 йилда ўзи имомлик қиладиган Риёздаги масжидидаги хутбаларидан бирида бир масжид имомини танқид қилгани учун ҳам қамоққа олинганди. Ўшанда у катта жарима тўлаб озодликга чиқарилганди. Кейинчалик қамоқда пайтида унга қандай муомала қилинганини гапириб берганди. Унинг айтишича қамоқда хавфсизлик ходимлари ундан аллақайси имомни танқид қилгани ҳақида эмас, балки, Суриядаги оч яланғоч халқга ёрдам бериш учун нега ўз масжидида пул йиққанлигини сўраб суриштиришган. Сауд Қироли Абдуллоҳ Сурия мужоҳидларига моддий ёрдам берилмаслик ҳақида фармон чиқарганидан кейин, бу фармонга итоат қилмаган шайхни «хорижий»ёки «хаворижий» яъни, мсулмонлар амирига итоат қилмаган кимсалар сифатида айблашган. Шайх Муҳаммад ал Арифий Мисрдаги ихвонларни қўллаб қувватлаб, Сиси бошлиқ ҳарбийларга қарши гапирган. Шунингдек, шайх дунёдаги бўлаётган ўзгаришларни доим кузатиб, муносабат билдириб келган. ИШИДга нисбатан шайхни муносабати салбий эди. Аммо, шайх очиқчасига ўз давлат раҳбарларига қарши гапирмаган. Зеро бу имконсиз нарсадир. Аммо, шунга қарамасдан махфий хизматлар уни ўз қора рўйхатига киритган ва доим назорат қилиб юрадиган шахсга айланганди. Бугунги кунда ўз режимини ҳар қандай йўл билан бўлсада сақлаб қолишга уринаётган Саудлар оиласи мамлакатдаги ҳар қандай эркин фикрловчи одамни назоратида ушлашга ва агар ундан хавф сезилса тезда қамоққа олишга уринмоқда. Яқинда Қирол Абдуллоҳ «Мамлакатдаги имомларнинг ИШИДга ва ёки шунга ўхшаган террористик ташкилотларга мойиллиги сезилса» уларни қамоққа олиш ҳақидаги махсус қарори эълон қилинган эди. Машхур шайх Салмон ал Авдо, Қувайтлик шайх Ториқ Сувайдон, ва шуларга ўхшаган хур фикрли олимлар диктатор режимларни танқид қилиб тазйиққа учраганлар. Сиси бошлиқ Миср ҳукумати бугун Саудия Қироллигидан Шайх Муҳаммад ал Арифийни Мисрга юборишни талаб қилмоқда. Ахбор 24 сайтининг хабарига кўра, Миср ҳукумати уларни танқид қилган ва ихвонларни тарафида бўлган барча шайхларни рўйхатини тузган ва уларни интерполга беришга уринмоқда. Дунё Уламолари Уюшмаси Раиси аллома Юсуф Қарзовийни ҳам интерполга берилгани яқинда эълон қилинди. Гарчи Қатар шу тқунгача ташқи сиёсатда кўрфаз диутаторларига ён босмай келаётган бўлсада, улар АҚШнинг таъсиридаги давлатдир. АҚШ бу уламоларни ушлаб Мисрга бериб юборишни Қатарнинг ҳали 35га кирмаган ёш Амиридан талаб қиладими йўқми буниси аниқмас. Лекин, бу шайхларни АҚШни танқид қилиб келаётганлари аниқдир. Хулоса қиладиган бўлсак, холис уламолар катта синовлага дучор бўлдилар ва бўлмоқдалар. Энг ёмони эса, бу уламоларни қийноққа солаётган ва тазйиқ қиладиганлар ҳам ўзлари мусулмон деб ҳисоблашадиган кимсалардир. Ва бунданда ёмони эса, улар тарафида туриб, қиладиган зулму зўравонликларини оқлаб фатво бериб турган «уламолар» борлигидир. Бу тоифадаги «уламолар» қонхўр Сисини, ва турли хил амиру қиролларнинг саройида уларни мақташлик ва ош ейишлик билан машғулдирлар. Ўзбек диктаторига яқин турадиган шунақа шайхлардан бири куни кеча Азҳарга бориб, меҳмон бўлганлигини оғзи қулоғига етиб гапириб берди. Аллома Қарзовий жаноблари интерполга қидирувга берилганини эшитганда шундай деганди; «Одам ўлдирмадим. Одамларни ўлдиришга чақирмадим. Мени интерполда қидириладиганлар сафига қўйишибдими?! Робия, Наҳза, Рамсис ва бошқа майдонлардаги минглаб одамларни ким ўлдиргани ҳаммага маълум. Ғарб давлатлари, Русия, БМТ ва бошқалари уни қучоқ очиб кутиб олишаяпти. Адолат ва қонунга жой қолмади! Аллоҳу Таъоло айтиди; Албатта, Аллоҳнинг оятларига кофир бўлганлар ва Пайғамбарларни ноҳақдан ўлдирадиганлар ва одамлардан адолатга буюрадиганларни ўлдирадиганларга аламли азобнинг «башоратини» бер. Ана ўшалар амаллари бу дунёю охиратда ҳабата бўлганлардир ва уларга ёрдам берувчилар йўқдир! (Оли Имрон 21,22 оятлар)

2015 йил

2016 йилда ёзилган мақолалар

ЎИХнинг инқирозига муносабатим

ЎИХ деган тоифа ҳақида матбуотдаги ўқиган хабарларимга кўра, булар ўз табиий инқирозига етиб келишди. Бундан 4 йил олдин уларга бир мурожаат қилиб бошим балого қолганди. Ўшанда менга қарши улар ҳам узундан узун жавоблар ёзиб ҳақоратлар қилишганди. Уларга тарафдор бўлган Швециядагилар ҳам қўшилишиб мақолалар ёзишганди. Ҳатто, Тошкентлик Мўътабар деган аёл ҳам мени демократларга хизмат қилаётганликда айблаганди. Ҳатто, ЎИХдаги жаллодлар бир шеърӣ нарса ёзиб, унда мени муртадликда кофирликда айблаганди. Бир марта Швециядаги уларни қўлловчилар ёрдамида уйимни суратга олиб сайтларига қўйиб қўйишганди. Бу каби таҳдидлар кўп бўлди. Ва албатта мен тарафдан шунга яраша жавоб ҳам олишганди. Бир марта Швециядаги тарафдорларидан бири мени ҳақоратлаб бир нарса ёзиб уни ўзи юбормай бир ҳизбут орқали юбортирганди. Хуллас, кўп нарсалар бўлиб ўтди. Мени сайтимда уларга қарши ёзилган «Асирлик ичидаги асирлик» номли китоб ҳам чоп қилинди. Бу китобни ўшалар ичида бўлиб, кейин уларни тарк этган кишилардан бири ёзиб юборганди. Мен таҳрир қилиб чоп қилганман. Мана орадан 4 йил ўтди. Бугун ўша бузғунчи тоифа бу дунёда мавжуд эмас. Бугун улар Толибонга қарши чиқиб, оқибатда улар томонидан қатл қилинди. Бу ҳақида маълумотлар ОАВда тарқалди. Менга буларга тарафдор бўлган биттаси (Россиядан) хат ёзиб, киноя билан хурсандмисиз? деган савол беришга ҳам улгурди.

Мен бугун ЎИХ билан менинг орамдаги можароларга нуқта қўйиш ва уларнинг аянчли ҳалокатларига муносабат билдириш учун бу мақолани ёзаяпман. Шу нарсани айтиш керакки, бу гуруҳ мени кофир дегани каби, уларни кофирликда айбламайман. Уларни мусулмонларга қилган зулмига ва мазҳабда юрасан деб мажбурлашига қарши бўлганман ва ҳозир ҳам қаршиман. Улар ўз жиноий қилмишларини жазосини тортилар деган фикрдаман. Улар мусулмонларни пичоқ билан сўйган ва қийнаб азоблаб отиб ўлдирган эдилар. Шунга мувофиқ уларни ҳам мусулмонлар (Толиблар) худди шундай қилишди. Уларни қўллаб қувватлаганлар эса, бугун Швецияда маза қилиб яшашмоқда. Мен уларни ўша ерларда фитналарга учраб ўлиб кетмасликлари учун бошпана олиб чет элларга чиқиб кетишга чақиргандим. Бу ерга чиқиб, бошқаларга ўхшаб жим ўтирмасдан ИАК режимига қарши сиёсий йўл билан курашишга чақиргандим. Менинг фикримча зулмдан қочган бу одамларга халқаро қонунлар ёрдамида бирор жойдан бошпана олиш имконияти бор эди. Ўша хатимда Гуантанамога тушган ўзбекларни Европа давлатларидан бошпана олганликларини айтиб, уларни ҳам, шундай бошпана олиб бу ерларга келишга чақиргандим. Болаларини мактабга ўқитишга ва ўзлари ҳам ишлаб кун кўришга чақиргандим. Афғонга бориб олиб, Покистон ва Афғонистон армияси ва пуштун қабилалар билан жанжаллашиб қон тўкиб юрмасликка чақиргандим.

Уларни ИАК зулмидан қочиб ўша ерга кетганликларини ва у ерда вазият талаби билан турли туман урушларга аралашиб қурбон бўлаётганликларини ёзгандим. Мен уларни ўша ерларда ўлиб кетишларини истамагандим. Мен мана шундай аянчли оқибатни уларга раво кўрмагандим. Улар бунини ўзларига раво кўришди. Тақдир уларга шуни раво кўрган экан. Мен уларни аёллари ва болаларига ачинаман. Улар тинч ҳаётдан мосуво бўлган кўчманчи қабилалар каби, дайдиб юриб ўлиб кетишди. Минг афсус. Ўлим шак шубҳасиз ҳаммага келгувчидир. Ундан қочиб бўлмайди. Лекин, ким қачон қаерда ўлишини билмайди. Мен Аллоҳдан имон билан ўлишни насиб этишини сўрайман. Мени қайси тоифа ҳақида нима деб ўйласам, шуни очиқ айтишдан тўсадиган нарса йўқ. Шунинг учун шу пайтгача нимани тўғри деб билсам гапириб келганман. Мен ИАК режимига қарши гапираман. Мен ИГИШга қарши гапирганман. Мен Ҳизбутга қарши гапирганман. Мен мутаассиб мазҳабчиларга қарши гапирганман. Мен бу ЎИХчиларни жаллодлар деб айтганман. Яна айтаман. Буларни қўллаётганлар ҳалиям бор.

Мени у бу тоифани дўқ пўписаси уларга қарши қандай фикрда бўлсам, шуни айтишдан тўсмаган. Алҳамдулиллоҳ! Шунингдек, мен босқинчи Исроилга қарши гапирганман. АҚШни адолатсизлигига қарши гапирганман. Менинг у бу шахсга, тоифага, давлатга нисбатан фикр билдиришда таянадиган китобу суннатга асосланган ақидам бор. Лекин, улар мени кофирга чиқаришди. Кофирларни ювиндисини еб уларнинг буйруғига мувофиқ бизга қарши гапиряпди дейишди. Мен эса ўзим кўриб билганимни айтгандим халос. Минг афсуски, буларнинг (Ҳизбутлар ва мутаассиблардан бошқа) барчаси мусулмонларнинг қонини тўкишдан ҳазар қилмайдилар. Лекин, мен бу тоифаларни бирортасини қонини ҳалол санамайман. Мен уларга қаршиман. Лекин, уларни мўминлар деб биламан. Мен учун ислом умматининг бундай парчаланиб, бир бирини қонини тўкиб турганлигини кўриш жуда аянчлидир. Мен бу умматнинг ҳам бошқа халқлар каби, ҳар томонлама ривожланишини ва дину дунёвий тараққиётга эришишини истайман. Менинг истаганим мен тириклигимда рўёбга чиқадиганга ўхшамайди. Мен бунга бугун амин бўлганман.

2016 йил

Ислом дини ароқ ичиб ўлган одамга нисбатан муносабат

Маълумки, золим мустабид ИАК ароқ ичиб ўлди. Унга жаноза ўқилиб кўмилди. Бугун унга Аллоҳдан раҳмат сўраб дуо қилувчилар сони ошиб бормоқда. Шу масалада менга бир ватандошимиздан юқоридаги сарлавҳада кўрсатилган савол берилди. Шу саволга жавоб сифатида шу мақолани ёздим. Бу масалада динимизда қандай маълумотлар бўлса, баъзи фатво берувчи арабча саҳифалардан олиб қисқача хулосамни баён этишга ҳаракат қилдим.

Демак, аввалги масала шуки, ароқ ичишлик ҳаром амалдир. Бунга оят ва ҳадисларда етарли далиллар бор. Аллоҳу Таоло айтади: Эй мўминлар, ароқ (ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (га сиғиниш) ва чўплар (билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз! (Моида 90 оят)

Шайх Ибн Усаймин бу оятга шундай шарҳ беради:

Маст қилган ҳар қандай нарса (нимадан ишланганидан қатъий назар) ароқ бўлиб, у эса Китоб, Суннат ва мусулмонларнинг ижмоси билан ҳаромдир. Кимки мусулмонлар ичида яшаб унинг ҳаромлигини инкор қилса, муртад (диндан қайтган) кофир бўлади. Чунки, у китобу суннат ҳукмини инкор қилган бўлади. унинг қони ҳалол бўлади. У тавбага буюрилади, акс ҳолда унга муртад сифатида қатл қилинади. Қуръонда ҳаромлиги очиқ ойдин баён қилинган бошқа нарсалар ҳукми ҳам шундайдир.

Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

Зинокор зино қилаётганда мўмин бўлмайди. Маст қилувчи ичимлик ичувчи уни ичаётганда мўмин бўлмайди. Ўғри ўғирлик қилаётганда мўмин бўлмайди. (Бухорий ва Муслим ривояти)

Юқоридаги ҳадисни шарҳида Имоми Нававий айтадилар: Муҳаққиқлар бу ҳадис шарҳида айтган саҳиҳ гап шуки, бу амалларни қилувчилар комил имонли бўлолмайди. Ҳақ аҳлининг ижмосига кўра, зинокор, ўғри ва қотил ва бошқа ширкдан бошқа катта гуноҳларни қилувчиларни кофир дейилмайди. Улар имони ноқис мўминлардир. Тавба қилсалар азобдан қутулишлари мумкин. Агар тавбасиз шу гуноҳларни устида ўлсалар Аллоҳнинг ихтиёридадирлар. Агар Аллоҳ истаса уларни авф этиб жаннатга киритади. Агар истаса азоблаб кейин жаннатга киритади. Демак, ароқни ҳаромлигини тан олиш шарт. Уни ҳалол дейиш диндан чиқаради. Уни тарк этиш лозим. Аммо, уни ҳаромлигини тан олиб ичувчилар катта гуноҳ қилган ҳисобланади. Лекин, кофир дейилмайди. Агар ароқни ичиб ўлса, шунда ҳам унга жаноза ўқиб кўмиш мумкин. Мўминларга жаноза намози ўқиш фарзи кифоядир.

Мўминлиги аниқ бўлган одамга уни гуноҳи кўп камига қаралмайди. Умар ибн ал Хаттоб разияллоҳу анху ривоят қилади: «Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам замонида Абдуллоҳ номли бир киши бор эди. Унинг лақаби эшак эди. Наби саллоллоҳу алайҳи васалламни ҳам кулдирган эди. Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам уни шароб ичгани учун жалда уришга буюрганди. Бир куни уни яна маст ҳолда олиб келишди. Яна жалда уришга буюрдилар. Қавм ичидан бир киши «Эй Аллоҳим уни лаънатлагин! Кўп марта маст бўлиб келдия» деди. Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам «Уни лаънатламанглар. Аллоҳга қасамки, мен уни Аллоҳни ва расулини севади» деб биламан» дедилар. (Бухорий ривояти)

Бу маълумотлардан англашимиз мумкинки, мусулмонлиги аниқ бўлган кишини катта гуноҳлари учун диндан чиққан кофир деб ҳукм қилинмайди. Ва у ўлса унга жаноза ўқиб кўмилади. Аммо, бенамозга ёки намозни тарк этувчига келсак: Агар уни дангасаликдан ва шунга ўхшаган сабабдан тарк этса, баъзи уламолар уни тарк этиши сабабли кофир бўлади деганлар. Жумҳур уламолар уни катта гуноҳ қилган осий ва фосиқ лекин кофир эмас деганлар. Аввалги тоифа уламоларга кўра, «бенамоз кимса ўлса дўзахда абадий қолади ва ундан ҳеч қачон чиқмайди.» Иккичи тоифа фикрича, «Аллоҳ уни истаса кечиради ва истаса азоблайди»

Ароқ ичиб тавба қилмай ўлганни оқибати яхши бўлмаслиги ҳақида кўплаб ҳадислар келган. Имоми Молик ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар разияллоҳу анху айтадилар: Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Кимки хамрни дунёда ичса, унга охиратда (жаннатда) хамр ичиш ҳаром бўлади. Шу билан бирга ким ароқ ичиб ўлса, унинг шахсига нисбатан қатъий равишда «У дўзах аҳлидан» деб айтиш жоиз эмас. Бошқа гуноҳлар устида ўлганларга нисбатан ҳам (Агар улар ўша гуноҳни ҳалол деб ҳисобламаган бўлсалар) бундай дейиш жоиз бўлмайди.

Ибн Таймия айтади: «Гуноҳлар дўзахга киришни вожиб қилмайди агар уни монев қилувчи 10 та сабаби бўлса. 1. Тавба 2. Истиғфор 3. Яхши амаллар 4. Каффорат қилувчи мусибатлар 5. Шафоати Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам 6. Бошқалар шафоати 7. Мўминлар дуоси 8. Маййит учун бошқалар қилган садақа ва эҳсонлар 9. Қабрдаги синовлар 10 Қиёматдаги ҳолати Кимки, биров ҳақида мана шулардан ташқари унинг гуноҳлари дўзахга киритади деб жазм билан айтса, у каззоб ва ёлғончидир.»

Шунинг учун ароқ ичиб ўлган муайян шахс устидан, қатъий равишда, «у дўзахийдир» деб ҳукм чиқармаймиз. У билан бирга унинг намоз, рўза, ва солиҳ амаллари борки, улар сабабли Аллоҳ уни авф қилиши ва даржасини кўтариши мумкин. Валлоҳу аълам.

Бу юқоридаги маълумотлар мўмин кишининг гуноҳ иш устида ўлганида, унга нисбатан бўладиган муносабатлар ҳақида бўлди. Буни ўзбек мустабиди ИАКга нима алоқаси бор?

Тўғри, ИАК ҳам ароқ ичиб бўкиб ўлгани хабар қилинди. Аммо, уни ароқ ичиб ўлгани учунгина маломат қилаётганимиз йўқ. Агар у ароқ ичмасдан ўлганида ҳам унга биздан яхши гап айтишликка шаръий асос йўқ эди. Бу юқоридаги муносабат гуноҳкор мўмин кишига нисбатан бўлиши кўрсатилган. Ислоҳ ва мусулмонлар душманига эмас. Бутун умри динга қарши курашиб ўтган кимсага эмас. Дин олимларини қатл қилган ва аҳли тавҳидларни хор қилган кимсага эмас. Намозу рўзани маън қилган ва аёлларга рўмол ўрашга ва эркаларга соқол кўйишга рухсат бермаган кимсага эмас. Бундан кимсага нисбатан қандай муносабатда бўлишни ҳам динимиз таълим беради. ИАК мусулмон халққа беҳисоб зулмлар қилди. Диндорларга эса каттароқ зулм бўлди. Зулм қилувчи кимсага қарши гапиришга Аллоҳ бизга изн берган.

Аллоҳу таъоло айтади; Фақатгина одамларга зулм қиладиган ва ер юзида ноҳақ тажовузкорлик қиладиганларни (айблашга) йўл бордир. Ана ўшаларга аламли азоб бордир. Шўро сураси 42 оят. ИАК одамларни ўлдирди. Унинг амри билан ўлдирилганлар сони Аллоҳ билади. Бундайлар ҳақида қуръонда очиқ ойдин айтилган оятлар бор.

Аллоҳу Таоло айтади: Аллоҳнинг оятларини инкор қиладиган, пайғамбарларни ноҳақ ўлдирадиган ва одамлар орасидаги адолатга чақирувчи зотларни ўлдирадиган кимсаларга албатта аламли азоб «хушхабар»ини етказинг! (Оли Имрон 21 оят)

Аллоҳу таъоло айтади; Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир. (Нисо сураси 93 оят)

ИАК одамларни Аллоҳнинг динидан тўсган золим эди. Унинг компартиянинг Бош котиби бўлганини биламиз. Бу партия худосизлар партияси эди. У кейинчалик ҳам шулар каби сиёсат олиб борди. Уни имон келтириб мусулмон бўлганига ҳеч бандада аниқ ишонарли далил йўқ. Бундайларга қандай Ўзи муносабатда бўлишини Аллоҳ баён қилиб қўйган.

Аллоҳу Таоло айтади: Албатта, кофир бўлган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсган кимсалар қаттиқ адашгандирлар. Албатта, куфр йўлига кириб, жабру зулм қилган кимсаларни Аллоҳ ҳаргиз кечирмайди ва зинҳор ҳақ йўлга ҳидоят қилмайди. Магар уларни жаҳаннам йўлига равона қилур ва улар у жойда абадий қолажақлар. Бу Аллоҳга осондир.

(Нисо сураси 167, 168, 169 оятлар)

ИАК динни жамиятдан узоқ тутишга ҳаракат қилди. Сарой уламолари унга бу ишда ёрдамчи бўлдилар. Ваҳолонки, Расууллоҳ олиб келган дин уларнинг динидан катта фарқи бор эди.

Улар «Жиҳоднинг афзали золим ҳукмдор ҳузурида айтилган ҳақ сўздир».

(Абу Довуд ривояти) деган ҳадисни биладилар. Улар билиб туриб амал қилмайдиган кимсалардир.

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Мендан сўнг сизларга билган нарсаларини гапирадиган ва билганларига амал қиладиган амирлар бўлади. Уларга итоат қилиш тоатдир. Бир замон шу ҳолда турасизлар. Сўнг улардан кейин билмаган нарсаларини гапирадиган ва билмаган нарсаларини қиладиган амирлар волий бўлади. Кимда-ким уларга дўстона муносабатда бўлса ва ёрдам берса, уларни қўллаб-қувватласа, ўшалар ўзлари ҳам ҳалок бўлади, бошқаларни ҳам ҳалокатга етаклашади. Уларга таналарингиз билан аралашинглар, бироқ амалларингиз билан улардан ажралинглар! Яхшига яхши деб, ёмонга ёмон деб гувоҳлик беринглар!»

(Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 457).

Бу ҳадисда зикри келган амирлар мусулмонлиги аниқ бўлган кишилардир. Шуларга нисбатан шундай муносабатда бўлишга бурилмоқда.

Улар бу ҳадисни билмайдиларми? Улар билишади. Улар Аллоҳга ва унинг Расулига билиб туриб қарши чиққан кимсалардир ҳалос. Валлоҳу аълам.

Бундайлар ҳақида ҳам Аллоҳ Ўзи хабар берган.

Аллоҳу Таоло айтади: «Ким ҳақ йўлни аниқ билганидан кейин пайғамбарга ҳилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлларида бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга доҳил қиламиз. Нақадар ёмон жойдир у!»

(Нисо: 115).

ИАК нафақат диний асосда, балким дунёвий ва халқаро қонунларга кўра ҳам том маънодаги мустабид золимдир. Миршаблар уни худо деганига мен гувоҳ бўлганман. Унга нисбатан қилинган сарой имомларининг муносабати эса, қўрқув сабабли, ва дунёвий манфаат сабабли динни бузишлиқдан бошқа нарсамас. Улар уни кимлигини била туриб унга шундай муносабатда бўлдилар. Пайғамбар алайҳиссалом амакилари Абу Толиб у кишига ва мўминларга ўн йил ҳомийлик қилиб мушрикларнинг зараридан ҳимоя қилиб келди. У Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳақ пайғамбар эканини, Ислоҳ ҳақ дин эканини қалбан тасдиқлаган эди. Бут-санамларга сиғинишни ташлаган эди. Лекин, у шаҳодат калимасини айтиб динга кирмасдан ўлди. Шу кишига Пайғамбар алайҳиссалом мағфират дуоси қилмадилар. Балки унинг дўзахий эканлигини баён қилдилар. Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васалламга ва саҳобаларга Маккада аввалги ўн йил давомида ҳомийлик қилган киши дўзахда бўлса, у кишининг умматига 26 йил зулм қилган кимсани жаннатий бўладими?

Ўзбек муллалари қуйидаги ҳадисни билмайдиларми?!

Убода ибн Сомит розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Мендан сўнг сизларга шундай амирлар келадики, мункар деб билган нарсаларингизни маъруф, маъруф деб билган нарсаларингизни мункар дейишади. Сизлардан қай бирингиз ўша ҳолатга етишса, Аллоҳга осий бўлган кимсага итоат йўқдир!»

(Ҳоким ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 590).

Аллоҳга осий бўлган кимсага итоат йўқдир! деган очиқ ойдин ҳақиқатни олдида, улар оми одамларни адаштирмоқдалар. золимлар ёнида туриб зулмига шериклик қилмоқдалар.

Улар туфайли бошқа диндорлар сон саноқсиз зулмга учрадилар. Ҳалигача турмаларда ётишибди. Уларга шунча зулмлар қилган ИАКни жаннатга киришини дуо қилмоқдалар. Унга мағфират сўрамоқдалар.

Аллоҳу Таоло охиратда жаннатга эришувчи кишилар сифатини кўп оятларда баён қилгандир. Бу сифатлар ИАКда кўрилган эмас. Унда бунинг акси кўринган халос.

Аллоҳу Таоло айтади: Биз ўша охират диёрини ер юзида зулму-зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун қилурмиз. Оқибат тақво қилгувчи кишиларникидир.

(Қасос 83)

Саволга жавобан қисқа хулосам шуки: Агар бир мўмин мусулмон кишининг гуноҳ устида ўлим топгани маълум бўлса, унга мағфират сўраб дуо қиламиз. Унга жаноза ўқиб кўмиш ҳам мумкин деймиз. Лекин, ИАК каби ислом ва мусулмонларга душманлиги билан маъруф бўлган кимсага нисбатан, у ароқ ичиб ўладими ё, ичмай ўладими, фарқи йўқ, мағфират дуоси қилмаймиз. Чунки, мағфират Аллоҳни яккалигини тан олган тавҳид аҳлига хосдир. Валлоҳу аълам.

Аллоҳу Таоло айтади: Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур. Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) шерик келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди.

(Нисо 48 оят)

Юқоридаги саволга булар менинг жавобларимдир. Агар тўғри бўлса Аллоҳдандир ва агар хато бўлса мендандир. Аллоҳ ҳеч кимни мағфиратидан маҳрум кимсалардан қилмасин. Омин.

.....

23.10.2016

Саволга жавоб;

Assalomu alaykum, sogligingiz va ishlaringiz yaxshimi, oilangiz tinchmi? Ba'zi savollarga javob bera olasizmi?

Erkakning faqat erkak bo'lganligi uchun oila a'zolariga zulm qilishi Qur'onda qanday baholanadi? Ayolidan shubhalanib, asossiz xiyonatda ayblaydiganlar uchunch?

Юқоридаги саволларга жавоб;

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Аллоҳга ҳамд ва расулига саломлар бўлсин!

Биринчи саволга жавоб; Қуръон инсониятга икки дунёда саодатли ҳаёт йўлини кўрсатар экан, бунга эришиш учун ислом жамиятидаги оиланинг эркак ва аёл аъзолари зиммасига маълум мажбуриятлар ва вазифалар юклайди. Бундаги биринчи кўрсатма шуки, мўмин эркак мўмина аёлга ва ёки, аҳли китоб аёлларигагина уйланиши лозимдир.

Оят; Мушрика аёлларни иймон келтирмагунларича никоҳингизга олманг. Шубҳасиз, мўмина чўри мушрикадан, гар у сизни ажаблантирса ҳам, яхшидир. Ва мушриклар иймонга келмагунларича (мўминани)уларга никоҳлаб берманг. Шубҳасиз, мўмин қул мушриқдан, гар сизни ажаблантирса ҳам, яхшидир. Анавилар дўзах ўтига чақирадилар. Аллоҳ эса, Ўз изни ила жаннатга ва мағфиратга чақиради ҳамда одамларга Ўз оятларини баён қилади. Шоядки эсга олсалар. (Бақара сураси 221 оят)

Энди агар оилада эру хотин ҳар иккаласиям мўмин бўлсалар, қуръонни тан олсалар, унда улар зиммасида қуръон белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бор. Эркак оила бошлиғи деб тан олишлик бу биринчисидир.

«Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги (эрлари олдидаги) бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор. Ва эркаклар учун (аёллар) устида бир даража (имтиёз) бор» (Бақара сураси, 228 оят)

Бу шариат белгилаган вазифаларни адо қилинишига қараб, ўша оилада тинчлик ўзаро ҳурмат эҳтиром ва фаровонлик ёки аксинча, ўзаро нафрат ва адоват ҳукмрон бўлади. Бунинг учун ҳар бир аъзо ўзининг вазифаси ва мажбуриятини ўқиб ўрганиши ва шунга амал қилиши лозимдир. Ўша вазифалар тахминан қуйидагичадир;

Эркаклар вазифаси;

Эркак ўз оиласини раҳбаридирлар. Буни оиладаги аёллар тан олиши ва раҳбарликни эри билан талашмаслиги лозим.

Оят; “Эркаклар аёллар устида раҳбардирлар”.

(Нисо сураси, 34 оят)

Бу раҳбарлик кўплаб вазифаларни зиммасига олишлиқдир. Жумладан ўз оиласига жинсий, модий ва маънавий эҳтиёжларини ҳалол ва шаръий қондиришлик шулар жумласидандир.

Оят; Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаганингизча келинг.

(Бақара сураси 223 оят)

Оят; Сизларга рўза кечасида хотинларингизга яқинлик қилиш ҳалол қилинди. Улар сизга либосдир, сиз уларга либосдирсиз. Аллоҳ сизнинг ўзингизга ҳиёнат қилаётганингизни билди, тавбангизни қабул этди ва сизларни афв этди. Энди уларга яқинлашаверинг ва Аллоҳ сизга ёзган нарсани талаб қилинг.

(Бақара сураси 187 оят)

Агар эркак хотинига жинсий яқинликка ярамаса ва бир йил ичида яқинлаша олмаса хотини ажралишга ҳақли бўлади.

Оилани ҳалол еб ичириш ва кийим бош билан таъминлаш эркаклар зиммасидадир.

Буни ҳар ким ўз имкони даражасида қилиши лозим.

Оят; Ризқи кенг кенглигидан нафақа қилсин. Кимнинг ризқи тор бўлса, унга Аллоҳ берганидан нафақа қилсин. Аллоҳ ҳар бир нафсни Ўзи берганидан ортиқчага таклиф қилмас. Аллоҳ қийинчиликдан сўнг тезда осонликни берадир.

(Талоқ сураси 7 оят)

Аёллар эридан уни кучи етмайдиган нарсаларни талаб қилишлари мумкинмас. Ортиқча дабдабага ўч аёллар у бу нарсани олиб беришни талаб қилиб ўз эрларига ва ўзларига ҳам зулм қиладилар. Эркак ўз оиласини зарурат миқдорида диний таълим олишини таъминлаши ва шаръий аҳкомларга амал қилишга ўз оиласини тарғиб қилиши лозим. Оят; «Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли-оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангизки, (дўзах) устида қаттиқдил ва қаттиққўл, Аллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фаришталар турур» (Таҳрим сураси 6 оят)

Демак, эркаклар оиласини диний таълим олишга ҳаракат қилиши, оиласини дўзахдан сақлашлик учун шарт экан. Агар аёллар ўз зиммаларидаги исломий мажбуриятларни англаб, уларга амал қилсалар бу сабабли улар оилада тотувликка ва охиратда азобдан саломатликка эришадилар. Эркаклар ўз вазифаларини бажармасалар, бу уларнинг ўз оиласига умумий маънода зулм қилиши ҳисобланади. Энди агар шаръан жоиз бўлмаган нарсаларни бажаришни талаб қилса, ёки шу нарсалар учун хотинин уриб сўкса булар ҳам зулмдир. Чунки, эр хотинини уришга рухсат бўлган нарса, хотини ислом буюрган амалларни бажармаётган бўлса, уни уришга рухсат бор. Бу ҳам аслида охирги чора сифатида ва ўша аёлнинг манфаати ва дўзахга ўтин бўлмаслиги учун қилинади.

Оят; Бош кўтаришларидан хавф қилинган аёлларга ваъз-насиҳат қилинг, ётоқларида ҳижрон қилинг ва уринг. Агар итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг. Албатта, Аллоҳ юксак мақомли буюк зотдир. (Нисо сураси 34 оят)

Энди агар эркаклар вазифаларини бажарсалар аёллар уларга итоат қилишлари шарт. Бундай эрдан ажралишга уринишлиги жоизмас. Бундай эрини ёқтирмай қолган аёл ундан ажралишга уриниши мумкинмас. Агар мутлақо яшаш имконсиз деб ҳисобласа, у ҳолда эридан талоқ сўраши мумкин. Ва талоқ эвазига уни берган маҳрини қайтариши лозим бўлади. Бу иш албатта яхшимас. Оила бузилади. Фарзандлар сарсон бўлади. Лекин, бу охирги чора сифатида қўлланиши мумкин бўлган йўлдир.

Иккинчи саволга жавоб; Биз юқорида зикр қилган бурч ва мажбуриятлар амалда бажарилса, бу иккинчи саволдаги ҳолат юзага келмаган бўларди. Лекин, бугунги кунда одамлар диндан узоқлашди. Улар ўз бурч ва мажбуриятларини билмайдилар ва баъзилари билсалар ҳам амал қилмайдилар. Бундай ҳолатда шубҳасиз иккинчи саволдаги нохуш вазият юзага келади.

Бугунги кундаги кўплаб ўзбеклар оиласидаги нохушликлар ҳам ана шу ҳар ким ўз мажбуриятини билиб амал қилмагани туфайлидир. Агар эр хотин ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажарганларида бундай нохушликга сабаб бўладиган ишлар содир бўлмасди. Энди эр ўз аёлини ўзига хиёнатда гумон қилса, бу албатта яхшимас.

Чунки, динимиз бизни ёмон гумондан қайтаради.

Оят; Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. (Ҳужурот сураси 12 оят)

Инсон у бу гапни эшитиб қолиб, шу билан шошиб бир иш қилиб қўймаслиги керак. Балки, уни ўша эшитган гаплари нотўғри бўлиши мумкин. Шунинг учун қуръон бизни ҳар бир хабарни аниқлаб текшириб кўришга буюради.

Оят; Эй иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, бир қавмга билмасдан мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар.

(Ҳужурот сураси 6 оят)

Бир аёлни зинода айблашлик катта гуноҳ бўлиб, ундай одамга саксон дарра уриш жазоси белгиланган. Оят; Покиза аёлларга (бўхтон) тоши отиб, сўнгра тўртта гувоҳ келтира олмаганларни саксон дарра уринглар ва уларнинг гувоҳлигини абадий қабул қилманглар. Ана ўшалар фосиқлардир. Магар бундан кейин тавба қилиб, ўзини ислоҳ қилганлар (мустасно). Зеро, Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳмлидир. (Нур сураси 4,5 оят)

Шунингдек аёллар зиммасидаги вазифа ҳам эрлари йўқлигида, унга хиёнат қилмасликлари ва ҳатто шундай гумонга борадиган жойларга боришдан ва кимлар биландир учрашишдан эҳтиёт бўлишликлари.

Бундай вазиятга тушган эркаклар ўзларини ўнглаши ва хотинини ҳам ўнглашга ҳаракат қилиши лозим. Шу йўл билан оилани сақлаб қолишга уриниш керак. Бунинг учун эр хотин орасини ислоҳ қилиш учин эр ва хотин тарафдан бир шахс таклиф қилиниши лозим. Улар бу оила орасидаги можарони тўғри йўл ва насиҳат билан ислоҳ қилишлари керак.

Оят; Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрқсангиз, эрнинг аҳлидан бир ҳакам ва хотиннинг аҳлидан бир ҳакам ажратинг. Агар улар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ эр-хотиннинг орасини мувофиқлаштиради. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир.

(Нисо сураси 35 оят)

Албатта, инсон хатокор. Эр ёки хотин томонидан қандайдир хато ва камчиликлар содир бўлган бўлиши мумкин. Буларни ўзаро гаплашиб, ҳар ким ўз хатосини тан олиб тавба қилиши зарур.

Оят; Жаҳолат-ла ёмонлик қилиб қўйиб, сўнгра тезда тавба қиладиганларнинг тавбаси Аллоҳнинг зиммасидадир. Аллоҳ ана ўшаларнинг тавбасини қабул қилади. Ва Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир. (Нисо сураси 17 оят)

Бундан кейин ўша хатоларни такрорламаслик шарт бўлади. Шу билан оилани сақлаб қолишга ва фарзандларни тирик етим қилмасликка уринишлик ҳар иккала эр ва хотиннинг вазифасидир. Агар бу амаллардан манфаат чиқмаса, у ҳолда демак, охирги чора сифатида эр хотинини талоқ қилади. Оила бузилади. Ҳар иккаласи ҳам кейинчалик алоҳида турмуш қуриб кетишлари мумкин бўлади. Шунинг учун фарзандларини келажагини ўйлаган ҳар бир ота она вазиятни бунгача олиб бормаслик ва орани ислоҳ қилишлиги лозимдир. Аллоҳ тавфиқ берсин!

11 02 2016

Эслатма:

Аллоҳу Таоло айтади: «Мўмин эркаклар ва мўмина аёллар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрарлар ёмонликдан қайтарарлар, намозни тўқис адо этарлар, закотни берарлар ҳамда Аллоҳга ва унинг Росулига итоат килурлар. Ана ўшаларга Аллоҳ тезда раҳм килур. Албатта Аллоҳ ғолиб ва ҳикматли зотдир» (Тавба сураси 71 оят)

Мен юқоридаги оят мазмунига мувофиқ бир амал қилиш мақсадида шу нарсани ёздим. Демак, бу битикни ўқувчилар уни яхшиликка буюриш ёмонликдан қайтариш деб тушунсинлар. Муҳокама мавзуси қўлдан келганча муҳтожларга яхшилик қилишликдан бош тортмасликдир. Мен бу дунёда жуда кўп пулдор одамларни биламан. Умрини охигача етиб ортадиган бойлиги бўлсада, улар яна мол дунё тўплаш билан банддирлар. Эртага ўлиб кетишини била туриб, одамлар пул тўплашдан тийилмайдилар. Қуръон оятларида бизни бахиллик қилишдан очиқдан очиқ қайтарилган.

«Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қилганлар, буни ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир. (Оли Имрон 180 оят.)

Аммо, бу тоифага бу гапларни таъсири йўқ. улар шу аҳволда ўлиб кетаётган кимсалардир. Ва менинг ҳикоям бу тоифа ҳақида ҳам эмас. Мен бошқа тоифа ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Бу тоифа кеча камбағал бўлиб, бугун бойвачча бўлганлар ҳақидадир. Аниқроғи шулардан биттаси ҳақидадир. Бир кимсани Швецияга келганидан бери танирдим. дарҳақиқат у кўп оғир кунларни бошидан ўтказиб келганди. Уни бу ердаги ўзини тақводор ҳисоблагувчи кимсалар жуда беҳурмат қилишди. Мени бу воқеалар тарихидан хабарим бор. Ўша кимса оиласиз ёлғиз ўзи яшарди. иши йўқ эди. Пули йўқ эди. Бола чақаси йўқ эди. шунга яраша ўша қавм ичида уни ҳурмат иззати ҳам йўқ эди. Лекин, у ўша пайтда у бу кимларга хайрия пуллар жўнатарди. Мутлақо унга нотаниш бўлган ва лекин мўмин мусулмон бўлганларга жуда хайрихоҳ эди. Бир икки марта пул жўнатишига мен ҳам ёрдамлашганим учун ҳам буни биламан.

Баъзи вақтларда мен унга у бу кимсага ёрдам керак экан деганимда, ҳам у қарашиб келган. Одатда мен менга ёрдам сўраб мурожаат қилувчилар учун, у бу кимдан шунга ёрдам беринг деб илтимос қиламан. Гарчи кўпгина пулдорларни билсамда уларга мурожаат қилмайман. Чунки, улардан бир пул чиқиши жони чиқишидан кўра оғирроқ эканини биламан. Шунинг учун ҳам аввалдан кўли очиқ деб ҳисоблаган одамларгагина бу масалада мурожаат қиламан. Ўзим ёрдам беришга имконим бўлмаганда мурожаат қиламан. менга мурожаат қилганларни аҳволи қийинлигини билиб, қандай бўлмасин ёрдамлашиш керак деган пайтда мурожаат қиламан. Менга эса ёрдам сўраб мурожаат қилувчилар ҳар доим топилган. Ўзим яхшилик қилолмасам, бошқаларни шунга йўллаб қўяман. Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам "Ким бировни бир яхшиликка йўллаб қўйса, унга уни қилувчига берилган каби савоб берилади" деганлар. Мени алдаган фирибгарлар ҳам бўлган. Улардан зарар кўрган бўлсам фақат мен зарар кўрдим халос. Аксарият ҳолларда эса, ҳақиқатдан ҳам муҳтож бечоралар мурожаат қилишган. Мен эса афсуски, ҳали ўзимдан ортиб бировга ёрдам берадиган даражага эришмадим. Ҳалигача ишсизман ва ҳалигача ўқияпман. Энди эса юқоридаги зикр қилганим кимсага келсак, бугун у оилалик ва фарзандлик бўлган. Қўлида иши бор ва пули бор. Бугун уни ўша олдин беҳурмат қилганлар ҳам, ҳурмат қилишадиган бўлган. (Пули борни ким ҳурмат қилмайди дейсиз?) Аллоҳ унга шу нарсаларни ўз ҳузуридан ато қилди. Мен энди унга шу кимдир ёрдамга муҳтож экан, шунга имкон қадар ёрдамлашинг дедим. Сабаби мен уни қодирлигини билардим. Қолаверса, уни ҳеч нарсаси йўқ пайтда ҳам хайру эҳсон қилганидан хабарим бор эди. Пулсиз, уйсиз ва бола чақасиз пайтида хайри эҳсон қиладиган шахс, ўша нарсаларга эришгач ўзгариб қолар экан. Бугун унда бор бўла туриб ўша бир муҳтожга ёрдам беришни истамади. Мен учун одамни бундай бўлиб қолиши янгилик ҳам эмасди. Чунки, инсон зоти шунақа бўлишини қуръон ва ҳадисларда кўп марта хабар қилингандир.

Аллоҳу Таоло айтади: Ҳой сизлар! Ана ўшалар, Аллоҳнинг йўлида нафақа қилишга чақирилсангиз, бас, баъзиларингиз бахиллик қилурсизлар. Ва ким бахиллик қилса, албатта, ўзига бахиллик қиладир. Ва, ҳолбуки, Аллоҳ бой, сизлар камбағалсизлар. (Муҳаммад сураси 38) Агар ўша кимсада имкон бўлмасдан қилмаганида ҳам унга эътироз бўлмасди. Имкон бўла туриб қилмагани учун ҳам унга эътирозим бўлди. мен тушунган китобу суннат далиллари мана шундай бўлиб қолишдан қайтаради. бу вожиб бўлмаган садақа дейишлари мумкин. Мен муҳтож одам сўраганда қодир одам беришлигини вожиб деб биламан.

Аллоҳу Таоло айтади: «ва аммо, соил (тиламчи) сўраганда уни (қуруқ) қайтарма»

(Зуҳро сураси 10 оят)

Қуйидаги ҳадис ҳам нафл садақалар фазилати ҳақидадир.

Абу Ҳурайра розияллоҳ анху ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллоллаҳу алайҳи васаллам: "Банда ҳар доим эрталаб уйғонганида, икки фаришта осмондан тушиб, улардан бири: "Ё Парвардигор, хайр-эҳсон қилувчи бандангнинг мол-дунёсини янада зиёда қилгин!" – дейди, иккинчиси эса, "Ё Парвардигор, мумсик (хасис) бандангнинг мол-дунёсига қирон келтиргин!" дейди", – деганлар" (Бухорий ривояти)

Бу нарса эса унга ва унга ўхшаган яна бошқаларга ҳам бир эслатма бўлсин учун ёзилди. Муҳтожни кўрганда, Аллоҳ мени шунинг ўрнига қилиб қўйиши мумкин эди-ку, деб муҳтожларга хайр эҳсон қилишимиз лозим. Бу бугун оғзи ошга етган ва ўзини хотиржам ҳис қилган барчага тегишли гапдир. Чунки, Аллоҳу Таоло «Кимки нафсининг бахиллигидан сақлана олса, ана ўшалар нажот топувчилардир.» (Тағобун 16 оят) деган.

Аллоҳ ҳаммамизга тавфиқ берсин. Мени ҳам агар тақдиримда бой бўлиш битилган бўлса, ўша пайтда мана шундай бахил бўлиб қолишимдан Ўзи асрасин. Омин.

04. 12. 2016

V-қисм

Швеция ҳақидаги мақолалар

Швециянинг моддий ва маънавий ҳаётига бир назар

Швеция ҳудудининг 50% тоғли ўрмонлардан иборат. 10% кўллар ва ички дарёлар ташкил этади. Қолган 40% ерни юз фоиз деб ҳисобласак, ўшанинг 10% да асосан жанубда 9 миллионлик аҳолининг 90% истиқомат қилади. Қолган 10 % аҳоли шимолда яшайди. Швеция аҳолисининг 90% шведлар ташкил қилади. 5% бошқа овруполик халқлар ва 5% Осиё ва Африка мамлакатларидан келган келгиндилардан иборатдир.

Швецияда Марказчилар партияси, Модераторлар партияси, Халқ Партияси, Христиан демократик партияси, Социал демократик партия, Яшиллар партияси, Сўллар партияси ва миллатчи швед демократлар партияси каби сиёсий партиялар мавжуд.

Мазкур партиялар икки позицияга бўлиниб ўзаро кураш олиб борадилар. Аввалги 4 та партиядан ташкил топган коалиция бугунги кунда парламентда кўпчиликни ташкил этади. Парламентдаги 349 ўринли депутатлик курсиси учун 2010 йил ўтказилган сайловда Модераторлар бошчилигидаги 4 партиядан иборат коалиция 172 ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Социал демократлар бошчилигидаги 3 та партиядан иборат коалиция 157 ўринни эгаллади. Миллатчи Швед демократлар партияси тарихда биринчи марта бу икки коалицияга қўшилмаган ҳолда 20 та депутатлик курсисини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Швеция фуқаролари мана шу партиялардан бирига аъзо бўлиши ва ҳар 4 йилда ўтказиладиган парламентга депутат сайлашда қатнашишлари мумкин. Янги партия очиш учун умум аҳолининг 4% овозини олиш шарт қилинади. Сайловда кўпчилик овоз олаолган коалиция мамлакат Бош вазирини сайлайди. Бош вазир ҳукумат тузади. Ва округлар бошлиқларини тайинлайди.

Швеция 21та маъмурий округга бўлинган.

Норрботтен
Вестерботтен
Емпланд
Вестерноррланд
Евлеборг
Даларна
Уппасала
Вестманланд
Стокҳолм
Сёдерманланд
Оребру
Вермланд
Вестрагёталанд
Эстерготланд
Ёнчопинг
Кальмар
Крумуберг
Халланд

Блехинге
Сконе
Готланд

Бу округларга бошлиқларни Бош вазир тайинлайди.

Округлар коммунларга бўлинади. Швецияда жами 290 та коммуна бор. Ҳар бир коммун аҳолиси ўзларига ўзлари раис сайлайдилар. Бу ҳам ўша юқоридаги партиялар вакилларида қайси партия маҳаллий коммунларга сайловда кўпчилик овоз олса, ўша партия коммунга раис сайлаш ҳуқуқига эга бўлади. Коммун бошқаруви Округ раисидан мутлақо мустақилдир.

Округ раислари деярли реал бошқарувга эга эмас. Улар ҳар иккаласи ўз ваколатига кирган соҳаларни назорат қилишади. Ўз маҳаллий совет (шўро) депутатлари иштирокида қарор қабул қилишади.

Швецияда коммунлар ўз мол мулкига эга. Ўрмонлар ва қўллар ва бошқа турли туман табиий бойликлар ва корхоналар маҳаллий коммунларга ва фуқароларга тегишлидир. Ҳар бир мулк эгаси ва ҳар бир ишлаб ойлик олувчи фуқаро давлатга солиқ тўлайди. Солиқ миқдори ойлигини 30% ташкил этади. Шу билан бирга иш берувчига ойлик миқдорини бир ойлик яшаш нормасидан кам беришлиги маън қилинган. Бу эса 14 минг кронани ташкил этади. (2000\$).

Давлат бюджетини 60% солиқлар ҳисобига йиғилади. 40% давлат ҳисобидаги корхоналари маҳсулотини экспорт қилиш ҳисобидан қопланади.

Коммунлар ўз аҳолиси учун ўзлари уй қуриб, ижарага беради. Истаган коммунга бориб ижарага уй олиб яшаш мумкин. Ишсизларга давлат томонидан то иш топунича социал ёрдам берилади. Айни пайтда меҳнат биржалари ишсизларни ўқитиш ва иш топиб бериш билан шуғулланади. Баъзилар Норвегия ҳудудида ишлайдилар. Чунки, Норвегия билан Швецияни минглаб километр чегараси қўриқланмайди. Истаган кишилар у тарафга ўтиб ишларлари мумкин. Икки мамлакат қонунлари бунга йўл беради.

Ҳар коммунда Полиция бўлими бор. Лекин баъзи кичик коммунларда улар ҳафтада уч кун ишлайди. Ишласа ҳам соат 10.00 дан 15.00 гача. Бу жойларда жиноятчилик йўқ ҳисоби. Кўпроф келгиндилар томонидан баъзи майда жиноятлар содир бўлиб туради. 70% аҳоли протестант Черковига аъзо. Бу Черков 2000 йилгача давлат расмий дини ҳисобланган. Православ мазҳаби ва католик ва баптист черковлари ҳам мавжуд. Бир миллионга яқин мусулмонлар яшайди. Маълум миқдорда швед миллатига мансуб мусулмонлар ҳам бор. Уларнинг учдан бирини Эрон, Ироқ ва Афғонистондан келган шиалар ташкил қилади.

Швецияда таълим диндан ажратилган. Ва умум таълим бепул. Давлат тарафидан таъминланади. Кичкина мамлакатда 30 минга яқин ўқув юрти бор. Шулардан мингтачаси Университет. 2011 йилдан бошлаб чет эллик студентлар учун таълим пуллик бўлди. Студентлар учун махсус имтиёзли қарз олиш имконияти мавжуд. Улар ота оналаридан мустақил бўлиб яшашлари ва ўқишлари мумкин. Бунинг учун ғар ойда маълум миқдор пул қарз олиб яшайди. Ўқиш тугагач ишга кириб ишлай бошлагач, ўша пулни ярмини қайтариши шарт. Бу талабалар учун бошқа мамлакатларда мавжуд бўлмаган катта ёрдамдир.

Тиббий муассасалар бепул. Ҳар қандай касал фуқаро янги техник жиҳозлар билан жиҳозланган касалхоналарда малакали тиббий ёрдам олиши мумкин. Ногиронларга алоғида эътибор берилади. Ногиронлар учун махсус уйлар ажратилган. Уларга кечаю кундуз қараб турадиган кишилар тайинланади. Ва улар доимий табиблар назоратида туришади. Ногиронлар учун махсус аравалар ва овозсиз тоқда юрадиган мотоцикллар бор. Ва уларга бепул фойдаланишга берилади. Ёш болаларга туғилган кунидан бошлаб то 18 ёшгача ҳар ойда нафақа пул бериб турилади. Бу пул ота онасини ойлигидан қатъий назар ўз вақтида ҳеч қандай шарсиз тўхтовсиз берилади. Бу пулни у бу сабаб билан ушлаб қолиш жиноий иш ҳисобланади.

Банк тизими яхши йўлга қўйишган. Ва аҳолини 100% банк карта билан таъминланган. Ва ўша банкдаги рақамига ҳар ойдаги бериладиган пул ўз вақтида тушиб туради.

Кам таъминланган оилалар учун уй ижара пулини тўлашга давлат ёрдам беради. Ижара пулини камида ярмини тўлайди. Аҳолини турмуш даражаси эса, дунёда энг юқори ўринларда туради. Барча турар жойлар замонавий талаблар асосида қурилган. Газ ўрнига ток плиталарда овқат

қилинади. Ток ҳеч қачон ўчмайди. Аҳоли яшайдиган ижара уйлар ширкатларга қарашли бўлиб, бу уйлари махсус ўчоқхона тизимидан иситилади. Шахсий уйларни тоқда ва ёки ўтинда иситишади. Ўтин арзон бўлгани учун баъзи шведлар ёзда ўтин тўплаб олишади. Ўтин эса беҳисоб. Тайёрлаб кесиб сотилади. Уйларда қишу ёз иссиқ ва совуқ сув бўлади. Деярли юз фоиз хонадонда интернет бор. Аҳоли эртанги кунидан хавотир олмай хотиржам яшайди.

Муаммолари;

Шведлар учун катта муаммо демографик муаммо ҳисобланади. Мамлакат аҳолиси йилдан йилга камайиб кетаяпти. Иммигрантлар ҳисобига кўпайиш кузатилмоқда. Оила мустаҳкамлиги масаласи жуда заиф. Эр хотинлар орасида узоқ вақт бирга яшаш кузатилмайди. Аксарият эркаклар умуман уйланмай аёллар эрга тегмай ўтишади. Протестант черкови эркакни эркак билан, ва аёлни аёл билан турмуш қуришига рухсат берган. Ва қонунлар ҳам бунга рухсат беради. Фарзандлари ота онасини қариялар уйига беришади. Аксарият қариялар умрини охирги соатини ўша ерда ўтказишади. Неваралари бобо ва момолари билан бирга яшамайди. Бу нарсалар оддий ва одатий ҳол ҳисобланади. Маънавият жиҳати жуда заиф. Ва ахлоқ масаласида ҳеч қандай маънавий чегаралар мавжуд эмас. Бугунги Швециянинг моддий ва маънавий ҳаёти манзаралари мана шулардан иборатдир. Файласуфлар айтгандек, моддийят ва маънавийят инсон учун гўёки қушнинг икки қаноти кабидир. Икки қаноти баробар соғлом бўлмаса қуш узоқ учолмайди албатта. Биз бу “қуш”нинг ҳар иккала қаноти соғлом бўлишини тилаб қоламиз.

1 октябр 2012 йил

Атеизм ҳукмрон Европа

Аввалроқ Шарқий Европа мамлакатларини атеизм ғояси ва ундан келиб чиқиб ташкил коммунистик партияларнинг якка ҳокимлиги остида бўлиб келган бўлсада, Ғарбий Европа халқлари ҳам моҳиятан атеизм ғояларига таслим бўлиб, аммо бу ғоя бу ерларда яккаҳокимлик ўрнатаолмаган экан. Бугунги Европа моддий техникавий тараққиётга эришгани аниқ. Ва бу ерда гарчи умумий суратда христиан халқлари деб ҳисоблансада христианлик ақидасига эга одамларни топиш жуда қийин. Гарчи ҳар аҳоли яшайдиган қишлоқ ва шаҳарларда кўпроқ протестант мазҳабига мансуб дабдабали Черков биноси қад кўтариб турсада, унга қатнайдиганлар ўнта ўн бештадан ошмайди. Мен Швеция ҳақида ҳикоя қилётган бўлсамда аслида бу барча Европа давлатларига тегишли масалалар. Яна бу ерларда христианликни бошқа мазҳабларга мансуб черковлар ҳам йўқ эмас. Аммо, мен таниган ва гаплашган шведлар аёлу эркаклари сўраганимда менга ўзларини атеистик дунёқараш эгаси эканини айтишганди. Бу мавзудаги савол жавоблар мен ўқиган турли мактабларда швед миллатига мансуб ўқувчи ва ўқитувчилар орасида доимо бўлиб туради. Буларда жаннат ва дўзах ҳақида маълумот бор. Сабаби мактабларда умумий суратда динлар ҳақида маълумот берилар экан. Лекин аксарияти атеист бўлган шведлар ҳам коммунистларни ёмон кўришади. Мен уларга бизда шунақа атеистлар бўлган ва кўп одамларни қонини тўкканлар десам, улар тасдиқлашади. Лекин ўзларини атеист бўлсада коммунист эмаслигини таъкидлашади. Лекин диний ақидаларни (хусусан, Христиан черковларини уч Худолик ақидасини) қабул қилиб бўлмайдиган нарса дейишади. Булар учун Исломи қадриятлар мутлақо нотаниш. Баъзи нарсаларни тушунишлари қийин. Масалан мана май ойидан бошлаб сентябргача швециянинг шимолий вилоятларида тун жуда қисқаради. Ёки умуман ботмайди. Бу дегани шом намози вақти шу бугунни вақти билан кечки 22, 30да бўлади. Хуфтон 23,50. Бомдод 01,50. Бу намозларни ўқиш учун кечаси билан ухламай ўтириш керак. Кундузи эса ўқиш ва турли ташвишлар ухлаш иложи йўқ.

Мактабда шведларга кечаси ухламай ўтириб, уйқу чала бўлди. Шунга дарсда яхши эснаб ўтираман десангиз ҳайрон бўлади. Уларда ибодат учун муайян вақт ажратиш тушунчаси йўқ. 21 июлдан рамазон бошланади. Уўнлиги 20 соатга яқин кундуз куни иссиқда рўза тутиш керак. Яна ўқиш ёки ишлаш керак. Бундаги қийинчиликларни атеист шведлар тушунмайдилар. Ва бу табиий.

Нима учун атеизм ривожланган?

Европаликлар диний ақидалардан буткул воз кечганига икки асрдан ошган. Дин истовчилар учун фақат Черковга чекланган. Жамиятнинг бирор соҳасида ўз таъсирини ўтказмайди. Таълим тизими тўлалигича дунёқий фанлардан иборатдир. Ва дунёнинг пайдо бўлиши каби масалалар дарвинни эволюцион назарияси асосида ўрганилади. Ва шу илмий қараш кўпроқ тарафдорларига эга. Бундай ҳолда табиийки, аксарият аҳоли атеистик дунёқарашга эга бўлиб қолган. Диний ибодатларга тўла эркинлик берилсада, бирорта диний кўзқарашни жамиятга таъсир қилишига йўл берилмайди. Балки, бугунги кунда аксинча, Черковлардан жамиятнинг бугунги талабларига жавоб бериш талаб қилинаёпти. Швецияда энг кўп ривожланган христианлик мазҳаби протестант Черкови тизимидир. Ва бу Черков бугун эркак билан эркакни никоҳига рухсат бераёпти. Католик ва православ Черковлари буни қоралайди. Баптистлар ва Иегова гувоҳлари каби кам сонли Черковлари турлича муносабатда бўлишяпти. Яъни, баъзилари мумкин деса, бошқалари мумкинмас каби позицияни эгаллашган. Христиан динини аҳволи шунақа бўлгач, бу динни ва уни турли хил Черковларини бу халқларга руҳоний таъсири қанақа бўлиши мумкин?! Христиан динини бу ҳолати ҳам атеизмни кучайишига олиб келган десам хато бўлмас.

Руҳият озукаси

Инсоннинг руҳи ҳам озукага муҳтождир. Руҳнинг озукаси моддий эмас, маънавий бўлади албатта. Руҳга озук зарурлигини тан олиш учун аввал руҳнинг мавжудлигига ишониш лозим бўлади. Руҳ ҳақида бугунги дунё аҳолиси турли хил мавқеъдадирлар. Мен шведларнинг аксариятини бу масалада умуман тушунчага эга эмаслигини кузатдим. Руҳнинг мавжудлигини тан олиш ёки руҳ ҳақида тушунчага эга бўлиш диний ақидадан келиб чиқишини ҳисобга олсак, бугунги олам аҳли аксарияти (Ислом олами бундан мустасно) бу масалада саёз тушунчага эгалигини тушуниш мумкин. Бугунги Европаликларнинг аксарияти атеистик кўз қарашга эга одамлар эканини юқорида гапириб ўтдик. Атеистлар эса руҳни мавжудлигига ишонишмайди. Ўлим улар учун юракни уришдан тўхташлигидир. Яъни, моддийонлик нуқтаи назаридан шундайдир. Диний ақидада инсон жасад ва жон билан тирик ҳисобланади. Айни ўша жон руҳ деганидир. Бу руҳ инсон ва ҳайвонларда бошқа бошқа хусусиятларга эгадир. Инсонлардаги руҳият хусусиятлари жуда юксак маънавий қадриятлардир. Ҳайвонларда бундай эмас. Буни шундай тушуниш кифоя. Ҳизбут Таҳрирчилар жон ва руҳ бошқа бошқа нарса деб тушунадилар. (Бу лар шунчаки тахминлар халос) Инсондаги ва ҳайвондаги руҳий хусусиятлар кўп жиҳатларда ўхшашдир. Масалан; соғиниш, хурсанд бўлиш, ғазабланиш, хафа бўлиш, қўрқиш, яхши кўриш (ёқтириш) каби ҳислатларда бирдирлар. Лекин бошқа маънавий жиҳатларда бир хил эмас. Масалан; бир киши ўзини кимдир ғийбат қилганини эшитганда хафа бўлса, ёки бирор мақтов эшитганда хурсанд бўлса, ҳайвонлар бунақа эмас.

Шу маънода инсонларга хос бўлган маънавий салбий ва ижобий сифатлар бор.

1. Ҳасад 2. Бахиллик. 3. Риё, 4. Шухратпарастлик. 5. Манманлик. Ва ҳаказо.

1. Холислик. 2. Сахийлик. 3. Мардлик. 4. Камтарлик. Ва ҳаказо.

Бу сифатлар руҳиятга дахлдор сифатлардир. Ва булар руҳни мавжудлигини тан олмаганларда ҳам мавжуд сифатлардир. Лекин улар бу нарсаларни мавжудлигини табиий ҳисоблаб қолишган. Бу ҳақида ўйлаб ўтиришмайди. Ва албатта бу нарсаларни атеистик ёки илмий нуқтаи назардан тушунтириш ҳам мумкин эмасдир.

Бу нарсалар ҳақида кўп бош қотирмай яшашни афзал кўришлари ҳам шундандир эҳтимол? Фақат Ислом буларни комил суратда тушунтира олади халос. Исломда руҳ ва жасад хусусияти, эҳтиёжлари ва уларни қондириш йўллари тўлиқ кўрсатилган. Европаликлар эса руҳият, маънавият каби моддий бўлмаган тушунчалардан кўра, кўпроқ моддий аниқ нарсалар устида бош қотиришга одатланишган. Булар албатта мени шахсий кузатувларим ва хулосаларимдир халос.

2012 йил

Швецияда ижтимоий адолат

Швед қироллигида давлат йиллик бюджетининг деярли чорак қисми ижтимоий нафақаларга сарфланади. Бу каби ижтимоий адолатни бирламчи тутадиган давлатлар дунёда бармоқ билан санарли даражада камдир. Бу давлатнинг дунёнинг бошқа давлатларига ижтимоий адолат кўрсатишда ўрнатилган бўладиган жиҳатлари талайгинадир. Ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлам тоифалари дунёнинг барча давлатида бор. Аммо, улар тури ва сони жиҳатидан швецияда кўпроқдир. Ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифалар

Муҳожирлар

Аҳолиси 9 миллионга яқин Швецияда бир ярим миллионга яқин келгиндилар яшайди. Статистик маълумотларга қараганда муҳожирлар аҳолининг 14% ташкил қиладилар. Албатта, бу муҳожирларга аксарияти шу ерда кўп йиллар яшаганлар ва уларнинг шу ерда туғилган фарзандлари ҳам киради. Булардан 20% ҳали янги келганлар швед тилини яхши ўрганиб олмаган ва иш тополмай юрганлар ташкил қилади. Айнан мана шу тоифадаги муҳожирлар яшашлари ва ўқишлари учун давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож қатлам ҳисобланадилар. Булардан ташқари вақтинчалик ишсизлар, пенсионерлар, касаллар ва ногиронлар ва талабалар ҳам давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож қатлам ҳисобланадилар.

Талабалар

Дунёдаги кўпгина давлатлардан фарқли ўлароқ Швецияда ўқишлар бепул. Аммо, ўқувчи талабалар ўқиш давомида яшашлари учун ҳам етарли даражада пулни давлатдан оладилар. Бу пул узоқ муддатли қарзга олинади. Яъни бирор жойда ўқиётган талаба ўқишга киришга ариза берганидан бошлаб, “Талабаларга ёрдам бериш марказий Бўлими”(Centrala studie stöds nämnden) га ҳам интернет орқали сайтига кириб мурожаат қиладилар. Ҳар бир талабани ўзига алоҳида шароитига қараб маълум миқдорда пул олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу пулдан учдан бир қисми ёрдам ҳисобида берилади. Қолганлари унинг ҳисобига қарз қилиб ёзилади. Шу талаба ўқишни битиргач, ишга кириб ойлик олишни бошласа, ойлигидан қарзини маълум миқдорда тутиб қолиш орқали тўлайди. Шу сабабли ўзининг аҳолисига болалар нафақаси, пенсия бериш ва касалларга алоҳида имтиёзлар беришлик билан бирга Миграция Бошқармаси учун зарур маблағларни ҳам бериши лозим бўлади. Сабаби ҳар йили тинмай келаётган муҳожирлар яшаши ва ўқиши ва то тил ўрганиб, иш топиб кетгунича давлат уларни ҳам маблағ билан таъминлаб туради. Статистик маълумотларга қараганда Швециядаги Суриялик қочоқлар сони 25 мингдан ошиб кетган. Швеция аҳолиси Европа Иттифоқи давлатларининг умумий аҳолисини 2% ни ташкил қилади.

Шунга қарамасдан Европа Иттифоқига келаётган қочоқларнинг 15% ни бу давлат қабул қилмоқда.

Бюджет тақсимооти

Шу 2014 йил бюджети учун зарур маблағ 869 миллиард швед крони бўлиши, шундан 45 миллиард крона бюджет камомади борлиги маълум қилинди.

Шундан Миграция Бошқармаси харажатларига 13 766 793 крона,

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар учун 62 160 768 крона,

Қариялар ва ногиронлар учун 39 096 008 крона,

Болалар нафақаси ва оилага ёрдам 81 679 716 крона,

Муҳожируларни швед жамиятига интеграция бўлишлари учун 12 981 994 крона,

Бу ерда асосан ижтимоий ёрдам учун бериладиган пуллар рўйхатини келтирилди.

Шу пулнинг умумий қиймати 206 миллиарддан ошиқроқдир.

Давлат мана шу маблағни шу зикр қилинган соҳаларга бир йил давомида сарфлайди. Бу маблағ эса бюджетнинг чорак қисмини ташкил этади. Албатта, бюджетнинг қолган қисми таълим соҳасига, Армияга, полицияга, йўл қурилиш ва бошқа турли соҳаларга сарфланади. Ва ўша соҳаларда ҳам ижтимоий ёрдамларга маълум маблағ ажратилади. Маблағ таъминоти Банк карталарга интернет тизимида етказилади.

Болалар нафақаси ва оилага ёрдам

Болаларга улар туғилганидан бошлаб то вояга етгунича ҳар ойда маълум маблағ пул берилади. Бу то боланинг вояга етгунича давом этади. Бу пул болага тегишли бўлиб, ота онанинг даромадидан қатъий назар солиқ солинмайди. Бу маблағ ўз эгаларига ўз вақтида кечикмасдан етиб бориши учун, бу ерда қатор чора тадбирлар кўрилган. Молиявий соҳаларда кенг кўламда замонавий интернет тизимидан фойдаланишади. Масалан, давлатдаги ҳар бир вояга етмаган болага берилиши лозим бўлган маблағ уларнинг ота онасини банк рақамига автоматик тарзда ўтказиш тизимида ишлайди. Бу тизимнинг бошқалардан фарқи шундаки, давлат органлари ҳар бир болага қанча маблағ беришликни олдин аниқлаб, шуни банкдаги махсус тизимга киритган. Ҳар ойни 20 чи куни, бутун мамлакат бўйлаб Марказий Банк тизимидан автоматик равишда болаларга берилиши лозим бўлган пуллар банк рақамларга туширилади. Агар 20 куни шанба кунига тўғри келса, пуллар 19 число жума куни тушади. Агар 20 число бозор куни бўлса, пуллар 18 числода тушади. Бу мамлакатда бойу камбағал ким бўлишидан қатъий назар боласи учун давлат тарафидан маълум миқдор пул ҳар ойда берилади. Бошқа ижтимоий ёрдамлар бой одамларга ёки ишлаётганларга берилмаслиги мумкин. Аммо, болалар пули бундан мустасно. Бу пулдан солиқ олинмайди. Бу пул болаларнинг сонига қараб турлича бўлади. Энг кам миқдори битта болага 1050 крона. Бу 175 АҚШ долларига тенгдир. Кам таъминланган оилаларга тураржойлари учун ижара тўлашда ёрдам берадиган махсус тизим мавжуддир. Оилада ишлайдиган одам бўлмаса, ижара пулига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Уйни катта кичиклигига қараб ўша оилага ҳар ойда маълум миқдорда пул берилади. Бу тизим ишсиз ёки ойлиги кам оилаларни ижарада туришлари учундир. Агар кимни шахсий уйи бўлса, унга бундай ёрдам берилмайди.

Соғлиқни сақлаш

Швецияда касалхонада даволаниш барча учун бепулдир. Ҳар бир шахс давлат тарафидан тиббий суғурта қилинган. Поликлиникага борилганда маълум миқдорда тўлов тўланади. Бу 150 крона бўлиб, 20 доллар атрофида бўлади.

Янги туғилган болага қарашлик ҳам иш ҳисобланади. Ва бу учун отаси ва онаси ҳар бири 180 кундан болага қараб уйда ўтириши ва шу ойлар учун ойлик олиши мумкин. Истасалар эр ёки хотин ўзига тегишли кунларни бири иккинчисига бериши ва бу пулни ўша биттаси олиши мумкин. Бу пул болага ҳар ойда бериладиган ёрдам пулидан ташқаридир. Ногиронларга аравалар бепул берилади. Ва умуман ўзи ҳаракат қилолмайдиганларга давлат томонидан ойлик оладиган махсус хизматчилар берилади. Агар бирорта хонадонда ногирон фарзанди бўлиб, отаси ёки онаси ўзи қарамоқчи бўлса, бу унга иш ҳисобида бўлиб, ойлик олади. Швецияда ўртача ойлик 14 минг крона бўлиб, бу икки минг доллардан кўпроқдир. Қарияларга ҳам шундай. Агар қариялар ўзлари алоҳида уйда яшамоқчи бўлса, ижара уйларда яшаб унга ёрдамлашадиган хизматчи олади. Истаса қариялар уйларига бориши ва у ерда тўлалигича назоратда яшаши мумкин.

Муҳожирлар ва интеграция

Муҳожирлар учун махсус мактаблар ва турли ёрдамлар кўрсатувчи ташкилотлар бўлиб, ҳатто алоҳида интеграция Вазирлиги ҳам бўлган. Ҳозир бу вазирлик бекор қилиниб унинг вазифасини маҳаллий ҳукуматларга топширилган. Суриялик муҳожирларнинг ҳар бирига бир ойига 6 минг крона пул берилаяпти. Бу пул фақат озиқ овқат ва кийими учундир. Уларнинг турар жойлари Миграция бошқармаси тарафидан ижарага олинган. Яшашга рухсатнома олганлари алоҳида ижара уй олиб чиқиб кетадилар. Уларга энди давлат шу ижара уйига ва озиқ овқатига етадиган миқдорда пул беради. Улар учун алоҳида мактаблар бор. Мактабда ўқиш жараёнида икки уч йил улардан ҳеч нарса талаб қилинмайди. Мактабни битирганлар ёки ўқий олмаганлардан меҳнат биржаларига боришлик ёки бошқа бирор жойда ўқишни давом эттиришлик ёки бирор ерда бир касбни практика қилишлик талаб қилинади. Бу талабларни бажаришлик ўша берилаётган ёрдам пулини олишлик учун шартдир. Акс ҳолда ёрдам пули берилмайди. Швецияда давомли ишлаш учун муқим иш жойи топиш анча мушқил ишдир. Иш топиш учун швед тилини ва баъзида инглизча билиш талаб этилади. Машина ҳайдаш учун гувоҳномаси бўлиши ва у бу касбни бирор ерда ўқиб битирганлик ҳақида ҳужжати бўлиши талаб қилинади. Бу талабларга аксар Африка ва Осиё ва яқин Шарқлик муҳожирлар жавоб беролмаслиги сабабли кўпинча ишсизлик шу қатлам орасида кузатилади. Хуллас, турли хил ижтимоий ёрдамлари кўплиги сабабли йиллаб одамлар ишсиз яшасада лекин, очдан ўлиш хавфи йўқ. Қайсидир давлатлардаги ишлаётганлардан яхшироқ яшаяпдилар.

2012 йил

Швед ОАВлари Обид Қори суиқасди ҳақида

Швеция каби тинч бир мамлакатни ўрмонлар билан ўралган бир чекка қишлоғида бўлиб ўтган бу суиқасд овозаси дарҳақиқат швед жамоатчилигини ҳайратда қолдирди. Бу мамлакатда бу одам ўлдириш каби жиноятлар деярли ноёб ҳодисадир. Аксарият жиноятлар бошқа мамлакатлардан келиб яшаётганлар билан боғлиқдир. Шу сабабли Обид Қорига қилинган суиқасд Швед жамоатчилигини гангитиб қўйди. Бу мавзуда ёзмаган бирорта швед тилидаги газета ёки интернет нашрлари қолмади. “Биз борганда Имом отиб кетилган зинапоёда бўлиб ўтган жиноят асари қолмаганди.

Сиз ўзингизни жабрланган ҳисоблайсизми? деб сўралганда, эшикни у тарафидаги одам “ у мени отам эди” деб жавоб берди. Қўрқувни қаттиқлигидан у иккита бегона одамларга эшикни очишга ҳам қўрқди.” деб ёзади Ленстиднингген (Lanstidningen) газетаси мухбири Ida Nilsing.

Эшик очилгач йўлакда юрган чамаси икки ёшлар атрофидаги қизчани кўрдик, уни кўзлари ҳайрат билан боқарди. У ҳаётини бутунлай ўзгартирадиган нимадир ғайриоддий воқеъа содир бўлганини англагандек эди гўё. Уни бобосига қараб шу ерда уйини олдида зинапояда ўқ узишди. Буни сабаби ҳам бор эди. Чунки, у дунёдаги энг ашаддий диктаторлик режимлардан бирига қарши чиққан эди. деб давом этади юқоридаги мухбир. Дарҳақиқат, мазкур воқеъа бўлиб ўтгач, мени олдимга ҳам Остерсунд криминал полициясидан келиб савол жавоб қилишди. Бу ишни кимлар қилган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларимни сўрашди.

Албатта мен бу ишни ортида тошкент турганлигини ва лекин киллер у ёқдан келганмас ва ёки ўша кимдир келган бўлса ҳам унга кимдир бу ердан туриб катта ёрдам кўрсатганлигини ва бегона одам бу ишни бунақа силлиқ қилиб бажаролмаслиги ҳақидаги тахминларимни билдирдим. Ва яна бу жиноятни швед махсус хизмати ўргана бошлагани матбуотда эълон қилинди. “Биз изоҳ бермаймиз ва қайси метод ва услубда ишлашимизни очиқлашни истамаймиз, дея жавоб берди саволимизга SAPO матбуот котиби Сирпа Францен, лекин у бу ишни Швед Махфий Хизмати тергов қилаётганини тасдиқлади деб ёзди Filip Gustafsson Остерсунд Пост газетаси мухбири. Кейин кўп ўтмай швед махсус хизматлари ҳам мени суҳбатга чиқаришди. Ва шу жиноятга доир савол жавоб қилишди. Уларни айтишича бу жиноятни швед полицияси ва махсус хизматлари ва бошқа куч ишлатар тизимларини кўп сонли ходимлари ўрганаётганини маълум қилишди. Ва жиноятчи топиладими? деган, саволимга буни вақт кўрсатади деган қисқа жавоб бўлди. Шунингдек, LT газетасининг 26 феврал сониди шу воқеъага бағишланган мақолада Уз ньюс нет нашрини муҳарририга мен берган интервюдан ҳам инглиз тилидаги таржимасидан иқтибос келтирилган. Мақола номи узундан узун эди.

“Швециядаги Обид қори Назаровга суиқасд Ўзбекистон ҳукумати томонидан уюштирилган, дея ҳисоблайди, муҳолифатдаги “Таянч” ташкилотидаги Муҳаммадсолиҳ Абутов: Кейингиси ким?” Бу газетадаги мақолани менга Коммунал ижтимоий таъминот секретари Ева Алстром билан учрашувга борганимда маълум қилди. Ва менга Стромсунддаги Имомга суиқасд қилингани муносабати билан ҳамдардлик билдирди. Мен бу одамларни ҳамма воқеъаларни ўқиб кузатиб боришларига ҳайрон қолдим. Дарҳақиқат бу даҳшатли жиноят швед жамоатчилигини ҳайратга солганига амин бўлдим. Албатта, эртами кечми бу жиноят очилади. Ва уни буюртмачилари ҳам ошкор бўлади. Ва бу каби қонхўр жиноятчилар ўз қилмишларини жазосини шу лунёда ҳам оладилар. Аммо, охират азоби улар учун қаттиқроқ ва абадий бўлади иншааллоҳ!

2012 йил 2 март

Швециянинг ижтимоий сиёсатига бир назар

Швеция йиллик бюджети миқдори 824,2 миллиард швед кронига тенг бўлиб, бу маблағ асосан давлат ва шахсларга тегишли корхоналар ва фуқаролардан ундириладиган солиқдан олинади. Шунингдек, қисман давлатдан олинган қарзларни қайтариш ҳисобига ва ОИ тарафидан бериладиган ёрдам эвазига йиғилади. Давлат харажатлари эса 2014 йил учун 868,9 миллиардни ташкил этиши кутилмоқда. 44,7 миллиард крон бюджет танқислиги мавжуд. Шу билан бирга мамлакатнинг ташқи қарзи 1, 266 миллиард кронани ташкил этади. Бунга 2014 йил учун олинандиган 44,7 миллиард кронани ҳам қўшиш мумкин. Унда ташқи қарз 1 триллион 307 миллиард бўлади. Давлат бюджети 27 та йўналишда сарфланади.

Шулардан швеция фуқароларига ва ёки қочоқларга ва хориж давлатларига бериладиган ёрдам пулларини миқдорини ўзи бюджетнинг ярмига яқиндир. Масалан; Хориждаги давлатларга ёрдам учун 2014 йил ҳисобида 31 830 988 кронани ташкил этади. Миграция хизмати фаолияти ва қочоқлар таъминоти учун 9 919 331 крона ажратилиши кўзда тутилган. 2012 йилда 111 мингта қочоққа бошпана берилганини ҳисобга олинса, қочоқлар учун ҳам катта маблағ ажратилиши аён бўлади. Қариялар уйи ва уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасига 39 012 596 крона ажратилиши назарда тутилган. Ёш болалар учун ва уларнинг ота онасининг таътили давомида ажратиладиган ёрдам пуллари учун 81 610 132 крона ажратилиши назарда тутилган. Меҳнат биржаларига аъзо бўлган иш изловчиларга бериладиган ёрдам учун 70 374 895 ажратилиши назарда тутилган. Талабаларга ўқигани учун бериладиган (қарздан ташқари) ёрдам пули 21 005 141 ажратилган. Ногиронларга ва қарияларга бериладиган ёрдам ва пенсия учун 96 519 847 крона ажратилган. Булар ҳаммаси ёрдам учун ажратилган пуллардир. Буларнинг умумий миқдори бюджетнинг 45% ташкил қилади. Бу эса Швеция Қироллигини социал соҳаларга дунёдаги энг кўп пул ажратадиган давлат ҳисобланади. ОИга ҳар йили тўланадиган Швециянинг аъзолик бадали эса, 37 700 222 кронани ташкил этади. Бу миқдор пулдан маълум қисмини ОИ доирасидаги лойиҳалар учун яна қайтиб беради. Бу айтилганлардан англаш мумкинки, Швеция ўз фуқароларининг ижтимоий иқтисодий муаммоларига ҳар жиҳатдан катта эътибор қаратадиган давлатдир.

Маълумот учун айтиб қўяй 2006 йилда, Ўзбекистонда пенсия таъминоти учун 0,02% маблағ ажратилган.

<http://www.regeringen.se/sb/d/2548/a/223578> сайти маълумотлари асосида ёзилди.

2014 01 20

Швециянинг ижтимоий адолати

Мен Ўзбекистонликман ва тақдир тақозоси билан 6 йилдан бери Швецияда яшайман. Рўпарамдаги қўшним Афғонистонлик. Тепамизда Ироқликлар яшашади. Унинг ёнидагиси Камбоджадан. Пастимизда Сурияликлар ва битта қўшним Тайландликдир. Лекин, бу ер Швеция. Шведларнинг аксари ижарадамас, шахсий уйларда яшашади. Шахсий уйлар жуда қиммат бўлиб, уни сотиб олиш анча мушқилдир. Шведлар ҳам уйларни Банкдан қарзга сотиб олишади. Кейин, узоқ йиллар қарз тўлашади. Ижара уйларда турадиганлари ҳам бор. Айни шу қатлам ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлам ҳисобланади. Айни шунақа уйда турадиганларга давлат ижтимоий суғурта ташкилоти Försäkringkassan уй ижараси учун моддий ёрдам беради. Бу ёрдам тури bjudbidrag деб аталади. 18 ёшга етгунича болаларга бериладиган давлат ёрдам пулини ҳам шу ташкилот томонидан тўланади. Бу тўлов barnbidrag деб аталади. Бу тўловлар компьютерлаштирилган бўлиб, bjudbidrag ҳар ойни 27 куни, barnbidrag эса ҳар ойнинг 20 куни ҳар бир фуқаронинг Банк картасига келиб тушади. Бу пулни олиш учун на ҳокимият идорасига ва на маҳалла раисига чопиб юришга ҳожат йўқ. Туғруқхонала бола туғилиши билан гўдак ҳақидаги маълумотлар суғурта идорасига юборилади. Отаси ёки онасини банк картасига пул туша бошлайди. Ўзбекистондаги каби, пахтага чиқмасанг болалар пулини бермаймиз деб дўқ урадиган одам йўқ. Швецияда оилада гўдак туғилса, давлат ота онасига уни боқиб уйда ўтириши учун ҳар бирига 180 кундан маош тўлайди. Бу муддатда отаси ёки онаси уйда ўтириши ва ёрдам пули олиши мумкин. Бундай ёрдам föräldrapenning дейилади.

Булардан ташқари ишсиз қатламга бериладиган ёрдам тури бор. Бунда иш изловчи шахс меҳнат биржасига бориб иш изловчи сифатида қайддан ўтади. Кейин, улар бу шахсни у бу ерга практикага юборишлари мумкин. Ёки, бирор соҳада ўқишга юборади. Ўша ўқиётган ёки практика қилаётган пайтида унга суғурта ташкилотидан маълум миқдор маблағ ойма ой бериб борилади. Бу пулларни ҳаммасини бир оила аъзолари олиб, шундай кейин бу пул бир ойлик ўртача яшаш миқдоридан кам бўлса, маҳаллий коммун томонидан унга ижтимоий ёрдам берилади. Бу учун коммунал ижтимоий идорага ҳар ойда ариза билан мурожаат қилиш лозим бўлади. Шундай қилиб, Швецияда ишламайдиган оила мана шу юқорида зикр қилинган жойлардан келадиган турли хил маблағлар ҳисобига ўртача маблағ билан таъминланади. Болалар боғчаси бепул. Мактаблар бепул. Коллежлар, институт ва университетларда ўқиш бепул. У ерда ўқийдиганларга CSN деган давлат ташкилоти тарафидан ёрдам пули берилади. Истаган одам кам фоизли узоқ муддатли қарз ҳам олиши мумкин. CSN дегани — Centrala studiestödsnämnden яъни, ўқиш учун ёрдам пули берувчи марказий идора маъносидадир. Айтиш жоизки, талабалар ота онасидан пул олмасдан ўзлари ўша ёрдам пулига ўқишлари мумкин. Ёки, қарз олишлари мумкин. Бу қарзлар ишга кирганидан кейин тўлаш шарти билан олинади. Ҳайрат қоладигани шундаки, порахўрлик деган нарсаси бу ерда умуман йўқ. Касаллар ва ногиронлар ҳам давлат ҳисобидан маблағ билан таъминланади. Касал бўлиб ишга чиқмай қолган шахсларга суғурта ташкилоти ўша кунлари учун пул тўлайди. Ногиронлар ва қариялар эса, давлат ҳисобидан истасалар ўз уйларида, ёки давлатнинг махсус қариялар уйларида яшашлари мумкин. Уларга махсус хизмат қилувчи шахслар бириктирилади. Буларни personlig assistant дейилади. Бир кишига кечаю кундуз қараш учун икки уч киши бириктирилади. Булар уни овқатини едириш, зарурат бўлса тозалашка ёрдамлашиш ва кўчада сайр қилдириш каби ишларни бажаришади. Шу бир киши учун 8 соатдан ишласа. Учта одам ойлик олади. Мана шундай қилиб қариялар ва ногиронларга эътибор кўрсатилади.

Бирорта оилада боласи ногирон бўлса, ота онаси унга қаровчи бўлиб, ойлик олишлари мумкин. Бу дегани ўз касал боласига қарагани учун давлат уларга худди ишлаган каби ойлик тўлайди. Болалари кўп оилаларга эса кўпроқ моддий ёрдамлар берилади. Баъзида, уларга бепул кийим кечаклар озиқ овқатлар бериб турилади. Швецияда қочоқларга ҳам то улар бошпана олгунларича давлат уларни уй ва етарли озиқ овқат билан таъминлаб туради. Тан олиш керакки, бу ерда инсон ҳақ ҳуқуқи уни қайси миллат ва динга мансублигидан қатъий назар қаттиқ ҳимоя қилинади. Давлат бюджетини тахминан 35 % мана шундай ижтимоий ёрдамларга ажратилади. Уйларида тоқда ишлайдиган плиткalar ўрнатилган. Ток бу ерда кечаю кундуз ёниб туради. Ҳақиқий инсоний ва исломий адолат бу ерда қарор топганлигини кўришингиз мумкин. Бунини биз каби бошқа давлатлардан келганлар янада яхшироқ тушунишади. Мана шу адолат аслида Аллоҳу Таъоло биз мусулмонларни барпо қилишга буюрган адолатдир! Биз бунини мусулмон бўлмаганлар тарафидан амалда қилинганлигини кўриб гувоҳ бўлиб турибмиз. Мен суд прокуратура, Армия, полиция ва бошқа соҳаларни ишлаш тартибларини ва у соҳаларда адолатни қандай барпо қилинганлигини ҳам, вақти келганда баён қилиш ниятим бор. Бу мақола эса Швециянинг ижтимоий адолати ҳақида эди.

Мана шу адолатли сиёсатлари туфайли бу қавмлар тараққий топган ва ривожланганлар. Адолат бўлмаса тараққиёт бўлмайди. Давлат агар ислом давлати бўлсада, адолат бўлмаса турмайди. Халқ исён қилиб уни ағдаради. Адолат бўлса куфр давлати бўлсада ривожланади яшнайди. Адолат бу ҳаётнинг тамалидир. Бунини биздан кўра мусулмон бўлмаганлар яхшироқ тушунишган ва ўз ҳаётларида татбиқ қилишган. Натижасини эса биз бугун кўриб турибмиз.

2013 йил

Демократик Швециянинг нодемократик қонунлари

Маълумки Швеция дунёнинг энг демократик давлатларидан бири ҳисобланади. Economist Intelligence гуруҳининг Дунё давлатларининг демократик индекси акс этган докладида (A report from The Economist Intelligence Unit) Швеция Норвегиядан кейин иккинчи ўринда қўйилган. Айтиб ўтиш жоизки 167 та давлат жой олган бу кўрсаткичда Ўзбекистон 162 ўринда турибди. Ўзбекистон демократик индекси кўрсаткичлари бўйича Туркменистон билан тенг баҳоланган. Мавзумиз Ўзбекистонга боғлиқ бўлмагани учун унга атрофлича тўхталмай Швеция ҳақида сўз юритамиз.

Швед Конституциясига бир назар

Швед Конституцияси 4 қисмдан иборат бўлиб, шулардан биттаси “Меросхўрлик” (Successionsordningen) ҳақидаги қонундир. Асли 1810 йилда Швед парламенти (riksdag) тарафидан қабул қилинган бу қонунга ўтган икки аср мобайнида деярли кўп ўзгариш киритилмаган. Мазкур қонунга кўра Швед давлати қироли бўлишлик ҳуқуқи фақат Карл XIV нинг (Carl XIV Johan) эркак авлодлари ҳаққи қилиб белгиланган. Шу қонунга асосан Император Наполён қўшинлари сафида хизмат қилган франциялик генерал Жан Батист Бернадот (Jean Baptiste Bernadotte) швед (ва Норвегия) тахтига меросхўр қилиб сайланади. Ва айна қонунга биноан айнан унинг авлодлари швед ва Норвегия тахтига меросхўрлик ҳуқуқига эга бўлишади. (Ўша пайтларда швеция ва Норвегия битта давлат бўлган. 1905 йилдан бери Норвегия ва Швеция иттифоқи тугатилиб, мустақил икки давлат бўлишади) 1980 йилдаги Конституцияга киритилган ўзгаришга асосан Бернадот авлоди бўлмиш ва ўша пайтдан ҳозирга қадар қирол бўлиб турган Карл XVI Густавнинг фарзандлари жинсидан қатъий назар Қироллик тахтига номзод бўла олади. Бернадот уруғининг бошқа тармоқлари бу ҳуқуқдан маҳрум қилинган. Бу тартибга кўра эса катта фарзанд жинсидан қатъий назар тахтга аввалги ҳақдор ҳисобланади ва агар у қонунда кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлмаса, ундан кейинги фарзанд тахтга даъвогарлик ҳуқуқини қўлга киритади.

Жан Батист Бернадотнинг Швецияга келиши

Асли франциялик сиёсат ва давлат арбоби Маршал Бернадот Наполённинг опасининг қизига уйланган ва Император оиласига куёв ва Наполённинг содиқ хизматчиси эди. У кўп йиллар Наполённинг француз инқилобчилари билан бўлган жангларида иштирок этган. 1806 йилда Пруссияга қарши жанглarda минг кишилиқ швед аскарлари келган кемаларни ушлаб аскарларни асирга олади. Ўша асирлар билан яхши муомала қилиб, уларни Швецияга қайтариб юборади. Кўп ўтмай 1809 йил Наполён билан келишолмай қолиб истеъфога чиқади. Ва уни ушламоқчи бўлган Англия аскарларидан қочиб, Швецияга келади. Швеция Қироли Карл XIII нинг ягона ўғли 1810 йилда ўзи тириклигида вафот этади. Қирол ақлдан озиб қолади. Давлат асосан аристократлар қўлига ўтади. Ўша пайтда Франциялик Маршал Бернадот Швецияга келади. Швед парламенти депутатлари уни швед аскарларига қилган яхши муомаласини ва швед давлатини инқироздан қутқара оладиган истеъдодли сиёсатчи сифатида Швеция Қироли тахт меросхўри қилиб сайлашади. Ўша йили Конституцияга тегишли ўзгартиришлар киритилади. Ва яна турли тоифа келиб швед тахтига даъвогарлик қилмаслиги учун, унга фақат Бернадот авлодларигина ҳақли эканлиги ёзиб қўйилади. 1818 йилда Швеция Қироли Карл XIII ўлади. Француз Маршали Жан Батист Бернадот Карл XIV Юхон номи билан Швед қироли бўлиб тахтга ўтиради. Шундан бери швед қонунларига кўра фақат унинг фарзандлари швед тахтига меросхўрлик ҳуқуқига эга ҳисобланадилар. Янги Қирол 26 йил Қироллик қилиб, 1844 йилда вафот этади.

Швеция Қиролининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари

Айтиш жоизки, барча Парламент Монархия бошқаруви ўрнатилган давлатлардаги каби, Конституциянинг бу қисми фақат Қирол ва унинг оиласи ҳақ ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тартибга солувчи қонундир. Ва айтиш шунинг қонун демократик қонун ҳисобланади. Мисол сифатида айтиш мумкинки, Швед қироли фақат христиан динининг протестант мазҳабида бўлиши шарт. У ўз эътиқодини ўзгартиришга ҳаққи йўқ. Агар қирол ўз динини ёки мазҳабини ўзгартирса ўз вазифасидан истеъфо беришга мажбурдир. Қирол ҳар қандай жиноят қилсада, жиноий жазога тортилиши мумкинмас. Бу жазодан озод қилиш имунитети Швеция парламент депутатларида ҳам мавжуд эмас. Аммо, ягона қиролгина бундай ҳуқуққа эга. Қиролга меросхўр бўлган катта фарзанди ҳам христиан динининг протестант мазҳабида бўлиши шарт. Масалан бугунги кунда тахт меросхўри Айтиш пайтда у фақат Карл XVI Густавнинг катта қизи Виктория (Kronprinsessan Victoria) эрга текканда фақат христиан динининг протестант мазҳабидаги эркакка эрга тегиши шарт. Мусулмон ёки бошқа диндаги ёки христиан динининг бошқа мазҳабидаги эркакка эрга тегиши уни тахтга меросхўрлик ҳаққидан маҳрум қилади. Шунингдек қирол ёки меросхўр бошқа давлатларда лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинган. Агар шу шартлар бузилса, демак улар ўз эгаллаб турган мақомларидан айриладилар. Аммо, шу билан бирга айтиш мумкинки, бошқа фуқаролар истаган кишига эрга тегишлари ва истаган динни қабул қилишларида эркиндирлар.

Швеция Қиролининг вазифалари

Швецияда 1973 йилдан бери Карл XVI Густав қироллик қилади. Швецияда Қирол давлат раҳбари ҳисобланади. Лекин, у давлатни бошқармайди. Давлатни парламентда кўпчилик овоз олган партия тарафидан сайланган Бош Вазир бошқаради. Қирол эса Вазирлар кенгаши йиғилишида Бош Вазирни шу лавозимга тасдиқлаши ва Парламентни йиллик мажлисини очиб бериши лозим. Қирол ташқи сиёсат масалаларида маслаҳат кенгаши раиси ҳисобланади. Кенгаш аъзолари парламент тарафидан тайинланади. Қирол мамлакат қуроли кучларини бош вакили ҳисобланади. Шунингдек Қирол ташқи дунёда Швециянинг тамсил қилади ва чет эл элчиларини қабул қилиб уларга ишонч ёрлиғи топширади. Умуман Қиролни қўлида ҳеч қандай ваколат йўқ. Лекин, уни ва оиласини ва уларнинг хизматчилари ва қўриқчиларини ва уларга тегишли кўп сонли қасрлар учун зарур маблағни давлат томонидан таъминланади. Масалан Қирол оиласи учун ҳар йили ажратиладиган маблағ миқдори 125 миллион кронни ташкил қилади. Қирол оила аъзолари 5 та қизи куёвлари ва неваралари тўлалигича давлат ҳисобидан таъминланадилар. Уларга бирор жойда ишлаб пул топишга ҳожат йўқ. Лекин, Қиролнинг тахтга меросхўрликка даъвогар тўнғич қизи Викториядан бошқалари чет элларда яшаб ўқиб ишлаб юргани маълум. Қирол оила аъзоларида сайловларда овоз бериш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, улар бу ҳуқуқдан шу пайтгача фойдаланмай келишади.

Қироллик тузумига қарши ҳаракатлар

Швед Конституциясига ўзгартириш киритиш қонунан анча мушкул ишдир. Бунинг учун янги қонун лойиҳасини Парламент депутатларининг кўпчилиги ёқлаб овоз бериши лозим. Кейин эса ўша қонун кейинги сайловда янги сайланган депутатлар олдида яна овозга қўйилади. Агар бу сафар ҳам ўша ўзгаришни ёқлаб кўпчилик овоз берса, ўшанда бу қонун кучга киради. Бу дегани икки сайлов муддати 8 йил ичида ва кўпчилик овоз олган қонун лойиҳасигина ўзгариш сифатида қабул қилинади. Швецияда Қироллик меросхўрлигига доир Конституция қисмини ўзгартиришни ва республика шаклига ўтишни истовчи сиёсий партиялар мавжуддир. Социал демократлар, Сўлчи коммунистлар ва Яшиллар ва либерал ёшлар гуруҳлари қиролликни йўқотиш тарафдорларидир. Асосан коммунист сўлчилар бу масалани Парламент муҳокамасига бир неча марта олиб чиқишган. Ва бу қироллик тузуми ва уларга хос қонунлар демократияга зидлиги қонун олдида барча баробар бўлиши лозимлигини айтишган. Аммо, бошқа консерватив қарашдаги сиёсий партиялар ва ижтимоий тадқиқот маркази сўровларига қараганда асосан оддий Швед халқи аксарияти ҳам қиролликни сақлаш тарафдори бўлиб

туришибди. Sifo ижтимоий тадқиқот маркази сўровларига кўра 2004 йилда респондентларнинг 72% қиролликни қолишини ёқлаб овоз берган. 15% тугатиш керак деган. 2010 йилда эса қироллик тарафдорлари кескин камайиб кетгани кузатилади. Аммо, бу масалада ҳали яқин орада бирор ўзгариш бўлишини кутиш тўғри бўлмайди. Чунки, Швецияда аксар халқ шу эски тартибни сақлаб қолиш тарафдори эканлиги кўриниб туради.

Хулоса;

Аммо, қирол оиласини мустасно қилганда, Швеция қонунлари демократликда керагидан ҳам ошиб кетгани аниқ. Ҳукумат бошқаруви шаффофлиги, сайловлар эркин ва очиқ бўлиши, Сўз эркинлиги ва бошқа эркинликлар бу ерда тўла таъминлангани шубҳасиздир. Биз бу ерда фақат Швециянинг қирол оиласига тегишли нодемократик қонунлари ҳақида сўз юритдик. Хусусан, бу қирол оиласига тегишли нодемократик қонунларни ҳам демократиклиги шундаки, бу қонунлар Конституцияга ёзилиб, халқнинг қўпчилик овози билан қабул қилиниб, амалда қўлланиб келинади. Ўзбекистонга ўхшаган авторитар режимларда эса, бу каби Конституцияда ёзилмасда, диктаторлар оиласи чексиз ҳуқуқларга эга бўлишади. Ва отаси ўлса ўрнига боласи Президент бўлади. Уларнинг бойлиги мол дунёси қаердан келаётганини оддий халқ билмайди. Бу жиҳатдан Швециянинг нодемократик қонунлари ҳам демократик эканлигини тан олишга мажбурмиз.

.....

2013 йил

Европадаги сиёсий партияларнинг ғоявий асослари

Бугунги Европа давлатларидаги сиёсий партияларнинг ғоявий асосларига ва улар орасидаги ғоявий курашларга назар солсак, христиан диний қадриятлар ва дунёвийлик ғоялари орасидаги курашлардан иборат эканлигини кўрамиз.

Бугун Швециядаги парламентдан жой олган 8 та партия қуйидагилардан иборат;

1. Модераторлар (буржуазия)
2. Социал Демократлар
3. Швед демократлари (Миллатчилар)
4. Яшиллар
5. Халқ партияси
6. Марказий партия
7. Христиан демократлар
8. Коммунистлар (сўлчилар)

Бу 8 та партиядан ташқари ҳали парламентга кирмаган партиялар бор. Уларнинг ғоялари ҳам юқоридагиларга ҳамоҳанг.

Бу партиялар асосини 3 та ғоя ташкил этади.

1. Социализм
2. Либерализм
3. Консерватизм

Энди мана шу учта ғояни асослари ва иқтисодий қарашларини қисқача таҳлил қиламиз.

Социалистлар диний урф одатларни замонага мослаб ўзгартириш ва иқтисодий ғояси ижтимоий тенглик ва миллий бойликлар устидан давлат назоратини кучайтиришни талаб қиладиган гуруҳлардир. Либераллар эса диний қадриятларни рад қилиб, ҳаммага истаган эркинлигини бериш ва иқтисодда ҳам тенг эркинлик тарафдорларидирлар.

Консерваторлар асосан христиан диний урф одатларини ва давлат бошқарув тизимини сақлаб қолиш тарафдорларидир. Ҳар қандай радикал ислохотларга қаршидирлар. Буларнинг иқтисодий ғояси ижтимоий тенглик талаб қиладиган социалистларга қарши бўлиб, бойлар бой ва камбағаллар камбағал бўлиб қолишларини тарафдорларидир. Юқоридаги 8 та партиядан Модераторлар, Халқ партияси, Марказий партия ва Христиан демократлар консерваторлар ва қисман либерал ғоялар тарафдорлари ҳисобланадилар. Социал Демократлар, Яшиллар ва Коммунистлар (сўлчилар) социалистик ва қисман либерал ғоялар тарафдорларидирлар. Социалист Коммунистлар эса аксинча, иқтисодда либерал бўлишга қарши ва иқтисодда давлатнинг қаттиқ назорати тарафдоридирлар. Социал демократлар иқтисодда либераллик бўлиши керак деб ҳисоблашади. Миллий ғоялар ҳам турли қисмга бўлинади. Нацизм ғояси фашизмдан фарқ қилади. Фашизм ғоясида битта ирқ бошқалардан олий ҳисобланади. Миллатчилик эса, бир миллатни ўз ерида бошқалардан устун қўйишга асосланади. Миллатчилар ҳам турли йўналишга бўлинганлар. Миллий консерваторлар бор ва миллий либерализм тарафдорлари бор. Миллатчилар асосан консерватизм ғояси тарафдорларидирлар. Швецияда ҳали Парламентга кирмаган аммо, маҳаллий сайловларда қатнашаётган Феминистлар партияси ҳам бор. Бу партия юқоридаги ғоялардан либераллар ва социалистик ғояларга асосланади. Булар аёлларни тенг ҳуқуқлиги учун курашишни мақсад қилган. Шунинг айтиш лозимки, буларнинг ҳаммаси демократик тизим тарафдорларидир. Бошқача айтганда, демократлар турли хил йўналишга ажралганлар. Либерал демократлар ёки консерватор демократлар ва ҳаказо. Бунда у ёки бу партиянинг асосий ғояси ё диний қадриятларга суяниш ёки уни рад қилишдан иборатдир. Булардан ташқари яна турли хил аралаш қуралаш ғоялар асосидаги партиялар бор. Социал консерватор, миллий консерватор, либерал консерваторлар бор. Социалистлар ҳам икки йўналишга ажралади. Социал демократлар ва социал коммунистлар. Коммунистлар зўравонлик ва кескин ислохотлар тарафдори бўлсалар, демократ социалистлар демократик эволюцион ислохотлар тарафдоридирлар. Социализм ғояси капитализмга иқтисодий жиҳатдан қарши курашишни мақсад қиладиган ғоядир. Буларнинг бари инсонлар томонидан ўйлаб топилган ва адолатни тиклашга қаратилган ғоялардир.

Консерватизм ҳам аслида христиан диний ғояларига асосланган бўлсада, аслида булар илк насронийлик диний қадриятларидан анча узоқдир. Европа давлатларида кўпчилигида христиан демократик номли партиялар бор. Германияда бу партия иқтидорда турибди. Аммо, Швецияда унинг нуфузи жуда паст. Буларнинг номларида ўхшашлик бўлгани билан улар христиан қадрияти деб қарайдиган нарсаларда катта фарқ бор. Бу христианлик асосан протестант мазҳабига асосланади. Испания, италия ёки Полша каби давлатларда христианликни католик мазҳаби қадриятлари устуворлик қилади.

Шу сабабли бу христиан партиялар қадриятлари ҳар турличадир. Бир жинслик никоҳни протестант черковларида қораланмайди. Христиан демократик партиялар ҳам бунга қаршимас. Баъзи, партияларда хусусан консерваторларда қораланади. Лекин либераллар бунинг тарафдорлари ҳисобланишади. Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб, АҚШ ва СССР деган давлатлар куч қудратга тўлиб, дунёдаги барча давлатларни социалистик ва капиталистик лагерга ажратган пайтларда, баъзи араб давлатларида Исломий социалистик ва Буддавий социалистик ва миллатчи араб социалистик деган партиялар пайдо бўлди.

Булар орасидаги фарқ асосан мулкга эгалик қилиш ва иқтисодда бозор иқтисоди йўлидан ёки давлат назоратидаги режали иқтисод йўлидан бориш асосига қурилганди. Бугунга келиб, бу икки лагер тугаб кетди. Ва улар ўрнидаги давлатларда аралаш иқтисодли тузумлар пайдо бўлди. Бунда асосан мамлакат ички бозор иқтисодига асосланган лекин давлат назоратидаги режалашдан ҳам воз кечилмаган иқтисодий тузумларни кўрамиз.

Швецияда ўтган асрнинг бошларидан социал демократик партия ҳукумат тепасига келгани учун бу давлатда кескин радикал ўзгаришлар бўлмаган. Россияда ва унинг таркибидаги Марказий Осиё Республикаларида бўлгани каби, бойларни ва диндорларни оммавий отиб ўлдирилмаган. Ер сувлари тортиб олинмаган. Миллионлаб одамлар қамоқларга ташланмаган. Мамлакатда капиталистик тузумлардаги каби, буткул бозор иқтисодига ҳам ўтилмаган ва лекин социалистик тузумлардаги каби, шахсий мулклар тортиб олинмаган аммо, ижтимоий тенгликга катта эътибор берилган.

Хулоса; Бугунги кунда дунёдаги давлатларнинг деярли ҳаммасида, мана шу Европа давлатларидаги партиялар ғояларига ўхшаш ғояларни кўтариб олган партиялар мавжуд. Жумладан Ўзбекистонда ҳам. Лекин, араб ислом оламида исломий асосдаги либерал қарашдаги партиялар ҳам пайдо бўлмоқда. Буларни ҳам иккига ажратиш мумкин. Исломий консерватизм ёки исломий либерализм. Аммо, ислом оламида бу зикр қилинган ғояларни ҳаммасини рад қиладиган ва ўрнига фақат исломга асосланган иқтисодий ва ижтимоий ғояни ҳукмрон қилишни истайдиган норасмий гуруҳлар ва партиялар ҳам бор.

Юқорида айтганимиз каби, бу ғояларни баъзилари инсонлар тарафидан ижод қилинган ва баъзилар христиан диний қадриятларига асосланган ва инсонлар тарафидан ривожлантирилган ғоялардир. Дунёдаги бу икки қарама қарши сиёсий кучлар орасидаги кураш баъзи давлатларда тинч ва сайлов асосида олиб борилади. Баъзи ерларда бу кучлар орасида қуроли курашлар кетмоқда. Бу курашларнинг қурбонлари эса, асосан мусулмонлар бўлаётгани эса афсусланарли ҳолдир.

16 декабр 2014 йил.

Швециядаги 2014 йилги сайлов натижалари

Бугун Швеция бўйлаб маҳаллий, вилоят ва Парламент сайловлари бўлиб ўтди. Булар ичида асосий ҳисобланган Парламент сайловида мамлакатдаги кўзга кўринган 8 та партия ва битта Феминистик ташаббус гуруҳи иштирок этди. Кечки соат 8 дан кейин сайлов натижалари эълон қилинди. Натижаларга қараганда 8 йилдан бери ҳукумат бошқариб келаётган 4 та партиянинг иттифоқидан иборат Альянс умумий ҳисобда сайловчиларнинг 39% овозини қўлга киритди. Ва бу билан сайловда мағлуб бўлганликлари маълум бўлди. “Қизил ва Яшил” деб аталадиган учта партия иттифоқидан иборат гуруҳ 43% овоз олиб кейинги 4 йил ичида Швед давлатини бошқарадиган ҳукумат ташкил қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Натижада шу куннинг ўзидаёқ мамлакатни 8 йилдан бери бошқариб келаётган Модераторлар партияси лидери Фридрих Рейнфелд истеъфога кетди. Шунингдек, сайловда миллатчилар партияси 12,9% овоз олиб, ҳали шу пайтгача Швецияда мисли кўрилмаган натижага эришишди. Альянс таркибида 4 партия бўлиб, Центр партия, Модераторлар, Христиан демократ ва Халқ партияси бирлашиб Альянс ташкил қилишганди. 8 йил давомида уларга муҳолифат бўлиб келган “Қизил ва Яшил” иттифоқи эса, Социал демократлар, Сўл партия (коммунистлар) ва Яшиилар партиясидан иборатдир. Миллатчилар партияси бу иккала иттифоқдан ҳеч қайси иттифоққа кирмайдилар. Булардан бошқа турли хил майда партиялар бўлиб, улар асосан маҳаллий сайловларда иштирок қилиш билан чекланишади. Энди ҳукумат ташкил қилиш ҳуқуқи “Қизил ва Яшил” иттифоқи ихтиёрига ўтди. Альянс таркибидаги партиялар эса, янги ҳукуматга муҳолифат бўлиб қолишади. Швецияда ҳукуматни Бош Вазир бошқаради. Энди Бош Вазир “Қизил ва Яшил” иттифоқи таркибидаги асосий партия Социал Демократлар вакили Stefan Löfven бўлади. Бошқа вазирлик лавозимлари қолган иттифоқдош партиялар орасида тақсимланади.

Энди Парламентда у ёки бу қонунни қабул қилишда миллатчилар асосий ролни ўйнайдиган бўлишди. Сабаби улар муҳолифат томонга овоз берсалар муҳолифат парламентда кўпчиликни ташкил қилади ва “Қизил ва Яшил” иттифоқи истаётган қарор ва қонунлар қабул қилинмаслиги мумкин. Ёки аксинча, улар “Қизил ва Яшил” иттифоқи тарафга овоз беришса, ўша қарор ва қонун қабул қилиниши мумкин. Бу билан айтиш мумкинки, миллатчилар аслида парламентда камчиликни ташкил қилишларига қарамасдан у ёки бу қонун ва қарорни қабул қилишда асосий ролни ўйнаш имкониятига эга бўлишди. Бу эса гарчи миллатчилар билан ҳеч қайси партияга иттифоқчи бўлишни иштамаётган бўлишсада, бошқалар улар билан ҳисоблашишга мажбур деганидир. Айтиш мумкинки, миллатчилик кайфияти Европа давлатларида борган сари ошиб бормоқда. Буни Швециядаги сайлов натижаларидан ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган сайловлар натижаларидан ҳам билишимиз мумкин. Швециядаги бўлиб ўтган сайловда сайловчиларнинг 82,1% қатнашгани билдирилди. Демак, ҳали сайлаш ҳуқуқи бўлган 18% фуқаролар сайловда қатнашмадилар. Партиялар олган овозларнинг 2014 йил ва 2010 йилдаги умумий фоиз кўрсаткичи қуйидагича;

1. Социал демократлар 31,2% / 2010 йилда 30,7%
2. Модераторлар 23,2% / 2010 йилда 30,1%
3. Швед демократлар (миллатчилар) 12,9% / 2010 йилда 5,7%
4. Яшиллар 6,8% / 2010 йилда 7,3%
5. Центр партия 6,1% / 2010 йилда 6,6%
6. Сўл партия (коммунистлар) 5,7 % / 2010 йилда 5,6
7. Халқ партияси 5,4% / 2010 йилда 7,1%
8. Христиан демократлар 4,6% / 2010 йилда 5,6%
9. Феминистик ташаббус гуруҳи 3,1% / 2010 йилда 0%
10. Бошқалар 0,9% / 2010 йилда 0,9%

Бу кўрсаткичдан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўтган 4 йилда фақат миллатчилар партияси ютуққа эришган. Модераторлар эса 7% тарафдорини йўқотганлар. Бошқа партиялар натижалари деярли ўзгаришсиз қолган. Сайлов натижасида умумий ғалаба социалистларга насиб қилган бўлсада, Альянс таркибидаги партияларнинг асосий ғояси бўлмиш капиталистик иқтисод тузими жорий қилиш тарафдорлари ва миллатчилик ғояси тарафдорлари ҳали ўз мавқеъларини йўқотмадилар. Улар ўзаро бирлашсалар ижтимоий тенглик ва умумий тенг ҳуқуқлик ва адолат тарафдорларидан устунликга эришишлари кўриниб турибди. Бу эса, ҳали сайловларга бефарқ қараётган швед фуқароларини ва хусусан бошқа ердан келганларни сиёсий фаол бўлишлари келажак учун ҳаёт мамот масаласи эканлигини англатади.

Маълумотлар швеция сайлов комиссияси сайтидан олинди.

Қўшимча маълумот; Швеция сайлов комиссияси сайти сайлов натижаларининг охириги натижаларини эълон қилди. Унга кўра сайловда сайловчиларнинг 83,3% қатнашгани билдирилди. Швед демократлари (миллатчилар) 13% эмас 12,9% овоз олгани маълум бўлди.

2014 йил 14 сентябр.

Швециянинг янги ҳукуматидаги «яшиллар»

Маълумки, 14 сентябрда ўтказилган сайловда 8 йилдан бери ҳукумат бошқариб келган альянс деб аталадиган Модераторлар бошчилигидаги 4 та партиянинг иттифоқи умумий ҳисобда қизил ва яшиллар иттифоқи бўлмиш муҳолифатга енгилди. Шу билан янги ҳукумат сайлаш ҳуқуқи социал демократлар бошчилигидаги ва яшиллар ва сўлчи коммунистлар партиясидан иборат қизил ва яшиллар иттифоқига ўтди. Социал демократ партияси раиси Степан Лофвен (Stefan Löfven) Бош Вазир бўлди. Степан Ловен янги ҳукуматда 22 та вазирлик лавозимини сақлаб шу пайтгача жорий турган Интеграция вазирлигини (Sveriges integrationsminister) бекор қилди. Бу вазирлик вазифаси асосан янги келганларни ўқиб, касб ўрганиб ишга жойлашиб келгунича таъминлаб турадиган вазирлик эди. Бу вазифани энди маҳаллий коммунал бошқарувига юкланадиган бўлди. 22 та вазирдан 18 таси Социал демократ партиясидан ва 6 таси яшиллар партиясидан тайинланди. Коммунистлар вакилларига вазирлик лавозими берилмади. Албатта, ички ишлар, ташқи ишлар, соғлиқни сақлаш, мудофа, иқтисод каби, давлатнинг асосий соҳаларидаги вазирлик лавозимлари Социал демократларнинг ўзларида қолди. Нисбатан аҳамияти камроқ бўлган соҳалар яшилларга берилди. Швеция яшиллар партияси 1980 йилда ташкил топган бўлиб, ўз тарихида биринчи марта ҳукумат тузишда иштирок этди. Яшиллар партияси раисдоши 1972 йилда туғилган Оса Ромсон (Åsa Romson) Бош вазир ўринбосари ва табиатни муҳофаза қилиш вазири бўлди. Шу пайтгача яшиллар партиясидан ОИ парламентида дпутат бўлиб келган 51 ёшли Изабелла Ловин (Isabella Lövin) Ижтимоий таъминот вазири бўлди. 43 ёшли Пер Болунд Бозор иқтисоди ва истеъмолчиларни ҳимоялаш вазирлигини бошқаради. (finansmarknads- och konsumentminister) 33 ёшлик яшиллар партиясининг раисдоши Густав Фридолин (Gustav Fridolin) маълим вазири бўлди. (Яшиллар партиясидан бир аёл ва бир эркак иккита раис бор.)

Асли миллати турк бўлган ва шу пайтгача яшиллар партиясидан икки марта сайланиб парламент депутаты бўлиб келган 1971 йилда туғилган Меҳмет Қоплон (Mehmet Kaplan) ҳам янги ҳукуматда уй жой қурулиш вазири лавозимига эга бўлди. Онаси швед ва отаси Гамбиялик бўлган ва 1971 йилда туғилган Швецияда Малмо шаҳрида туғилган яшиллар партиясининг ёшлар қанотини раиси бўлиб келган Алиса Бах Кунке (Alice Bah Kuhnke) маданият вазири бўлди. Швеция энергетика вазирлиги ҳам социал демократлардан бўлган асли Туркиялик 1972 йилда туғилган Иброҳим Байланга (Ibrahim Baylan) берилди. Айтиш мумкинки, Швециянинг янги ҳукумати таркибида эътиқоди мусулмон бўлган шу иккита турк бор. Бири яшиллардан ва бири социал демократлардан бўлган бу икки турк аслида Туркияда туғилиб, бу ерга келиб яшаб фуқароликни олиб, вазирлик даражасигача боришган. Албатта, бу жамиятда исломий аҳкомлар юрмасида, мусулмонлар бу мамлакатларнинг ҳукуматларида давлат бошқарувида иштирок қилаётдилар. Швеция Фаластинни тан олишлигида ҳам буларни роли маълум таъсири бор албатта. Энди бу ҳукумат 4 йил ичида давлатни бошқаради. Бу давр ичида улар катта ислохотлар ўтказишга ваъдалар бермоқдалар. 2020 йилга қадар Швецияда ишсизлар бўлмаслиги ва таълим, соғлиқни сақлаш соҳасини янада яхшилашни, ташқи сиёсатда нейтраллик позициясида туришлик, НАТОга қўшилмаслик ОИ сафида бўлишлик ва ўзга давлатлардан қочоқларни қабул қилиб олишда давом этишликларини маълум қилмоқдалар. Янги ҳукуматнинг ташқи сиёсатдаги қўйган бир жиддий қадами эса Фаластинни давлат деб тан олишлиги бўлди. Бунинг оқибатида Исроил Швециядаги ўз элчисини чақиртириб олди. АҚШга иттифоқчи бўлган модераторлар ёки Альянсдан социал демократлар ва яшиллар иттифоқининг фарқи шундаки, Булар АҚШ тортаётган халқаро авантюраларга қўшилмаслик ва ташқи сиёсатда нейтраллик йўлидан боришади. Буларга қарши муҳолифат бўлиб турган Альянс эса, янги ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатини танқид қилишга бошлади. Исроил давлати билан муносабатлар совуқлашувини муҳолифат катта шов шув қилишга уринмоқда. Албатта, охириги баҳони швед халқи 1018 йилги сайловда беради. Агар булар ютиб чиқсалар яна ҳукуматда қолишади. Аксинча бўлса, ютқазиб яна муҳолифатга айланишади.

Ўша сайловда ютишлари эса, шу олдимиздаги 4 йил ичида қиладиган ишларига ва берган ваъдаларини амалда қанчалик бажара олганликларига боғлиқдир.

Швед янги ҳукумати боши берк кўчага кириб қолди

Швед қонунларига ва умуман барча демократик тамойилларга кўра Парламентдаги кўпчилик депутатлар овози билан у ёки бу қонун лойиҳаси қабул қилинади. Яқинда сайловда ғолиб бўлган “Қизиллар ва яшиллар” иттифоқи янги ҳукумат ташкил этганди. Социал демократик партия раиси Стефан Ловен (Стефан Löfven) Бош вазир бўлди. Аммо, бу янги ҳукумат депутатлари Парламентда 50% дан ортиқ эмасди. Швед парламентида 349 та депутатлик мандати бўлиб, 159 мандатни “Қизиллар ва яшиллар” иттифоқи эгаллашди. 141 ўринни 4 та сиёсий партиянинг иттифоқидан иборат Альянс гуруҳи эгаллаган. Миллатчилар партияси эса 49 та депутатлик курсисига эгалик қилмоқда. Миллатчилар партияси икки иттифоқ ўртасида сиёсий рақобатдан унумли фойдаланмоқдалар. Кутилмаганда анча кўп мандатга эга бўлган миллатчиларнинг бу каби ўйинлар қилиш эҳтимоли кутилаётганди. Гап шундаки айнан шу 49 миллатчи депутат қайси қонун лойиҳасига овоз берса, ўша қонун қолган икки иттифоқчи гуруҳдан бирининг оловзи билан қўшилиб парламентдаги кўпчилдикни ташкил этарди.

Маълумки, бу икки рақобатдош гуруҳ иқтисодий ва ижтимоий қарашларида тутган дастур ва лойиҳаларида бир биридан катта фарқ қилади. “Қизиллар ва яшиллар” иттифоқи йиллик бюджет лойиҳасини қабул қилиш учун овозга кўйди. Альянс гуруҳи ҳам ўз муқобил бюджет лойиҳасини таклиф қилди. Миллатчилар ҳам ўз лойиҳаларини таклиф қилишди. Албатта, уларнинг лойиҳасини овозга кўйиш ва қабул қилиш имконияти йўқ эди. Лойиҳалар овозга кўйилганида миллатчилар Альянс гуруҳи лойиҳасига овоз беришди. Натижада сайловда ютиб чиқиб ҳукумат тепасига келган “Қизиллар ва яшиллар” иттифоқи ўз бюджет лойиҳасини парламентда кўпчилик овоз билан қабул қилдира олмадилар. Альянс лойиҳаси миллатчилар овози ҳисобига кўпчилик овозга эга бўлди. Натижада янги ҳукумат тузган “Қизиллар ва яшиллар” иттифоқи ўз бюджет лойиҳасини қабул қилдира олмадилар. Аксинча ўз мухолифларининг бюджет лойиҳаси бўйича ишлашга мажбур бўлиб қолишди. Бу икки гуруҳни лойиҳадаги ижтимоий тақсимотларидаги фарқ катта эди. Альянс гуруҳи “Қизиллар ва яшиллар” билан бирга ишлашдан ва уларнинг лойиҳасини қўллаб қувватлашдан бош тортди. Ўз сиёсатини юргиза олмаётган ҳукумат раҳбари Стефан Ловин учун иккита йўл қолганди. Бири истеъфога кетиш ва ҳукуматни тарқатиш ва янги сайлов ўтказиш бўлса, иккинчиси бу йил шу лойиҳа асосида ишлаб, айни вақтда янгидан Парламент сайлови ўтказишлик. Парламент янги ҳукуматга ишончсизлик билдиргач ҳукумат иккинчи йўлни танлади. Бу йил Альянс тақдим этган лойиҳа бўйича ишлаб, сайлов ўтказишга қарор қилинди. Сайлов 2015 йил 22 мартда ўтказиладиган бўлди. Янги сайлов муаммони ҳал қиладими?

Гап шундаки, янги сайлов бўлганида ҳам, Альянс гуруҳи бўлсин ёки, “Қизиллар ва яшиллар” бўлсин парламентдаги 50% дан ошиқ ўринни эгаллашлари даргумондир. Агар миллатчилар яна 50 тача атрофида мандатни қўлга киритишса, бу иккила иттифоқ яна уларнинг қўлида ўйинчоқ бўлиб қолаверади. Чунки, бу иккаласини бир бирларига рақобаларидан миллатчилар унумли фойдаланмоқдалар. Шу сабабли янги ҳукумат боши берк кўчага кириб қолди. Ва кейинги сайловлар ҳам бу муаммони ҳал қилишига ҳеч қандай имконият кўринмаяпти.

Яна бир томони агар бу сайловда Альянс ғалаба қилса, “Қизиллар ва яшиллар” иттифоқи ҳукумати шармандаларча истеъфога кетади. Бош вазир Стефан Ловин бу аҳволга тушиб қолишига қолган бешта партияни айбдор деб ҳисоблашини айтди. ; та партиянинг иттифоқи бўлган Альянс ҳам бу вазиятдан чиқиши учун рақибларига кўмак бермади.

Натижада Парламентда озчиликни ташкил этишларига қарамасдан миллатчилар ўзларини сўзларини ўтказмоқдалар. АҚШ параст партия Модераторлар бошчилигидаги Альянс гуруҳи ўзларининг 60 йиллик рақиблари “Қизиллар ва яшиллар” иттифоқини мана шундай шармандали тарзда истеъфога кетказишни иштамоқда. Швеция тарихида бу каби кризис 1958 йилда бўлгани маълум. Швед қонунчилигига кўра, навбатдан ташқари ўтказиладиган сайлов 4 йилда бир ўтказиладиган сайлов муддатига таъсир кўрсатмайди. Яъни, кейинги Парламент сайлови 2018 йилда яна ўтказилади.

6 декабр 2014 йил.

Швецияда қайта сайлов ўтказилмайдиган бўлди

27 декабр 2014 йил Швеция ҳукумати Бош Вазири Стефан Ловен (Stefan Löfven) Швеция Парламентида Альянс деб аталган 4 та партия иттифоқига мансуб депутатлар билан, ҳозир иқтидордаги Қизиллар ва Яшиллар Иттифоқи депутатлари орасида ўзаро келишув бўлганини эълон қилди. Бу келишувга биноан иқтидордаги гуруҳ таклиф қилган 2015 йил учун бюджет лойиҳасига Альянс таклиф қилган баъзи ўзгаришлар киритиладиган ва 2015 йил учун Қизиллар ва Яшиллар Иттифоқининг 2015 йил учун бюджет лойиҳаси қабул қилинадиган бўлди. Ва шу сабабли 2015 йил 22 мартда ўтказиш белгиланган Парламент сайлови ўтказилмайдиган бўлди. Стефан Ловен таъкидлашича мухолифатдаги Модераторлар, Хлқ партияси, Центр партия ва христиан демократлар партиялари билан ўзаро келишувга эришилган. Бу келишувга биноан иқтидордаги ҳукумат ўзининг иқтисодий режаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Миллатчилар партияси овозлари бунга тўсқинлик қилаолмайди. Альянс гуруҳининг бу келишувга келишига сабаб, Альянс иқтидорда бўлган даврларда 2006 ва 2010 йилдаги сайловларда ҳам худди бугунги каби ҳолатлар бўлган. Яъни, улар ҳам парламентда 50% дан кўп мандатга эга бўлган эмаслар. Ўша пайтда Қизиллар ва Яшиллар Иттифоқи уларганинг бюджет лойиҳасига овоз бериб, ўз иқтисодий режасига асосан ҳукумат юритишни таъминлашган. Энди Қизиллар ва Яшиллар Иттифоқи иқтидорга келганида улар айна шундай қилишдан бош тортишганди. Бу йилги сайловда миллатчилар партияси 49 та мандатга эга бўлган. 2010 йилда улар сони 16 та эди. Миллатчиларнинг тобора юқорилаб бораётгани ва улар парламентда таъсир кучига эга бўлаётгани Альянсни ҳам ўйлантирди шекилли, улар келишувга рози бўлдилар. Бош Вазир Стефан Ловен ўз бюджет лойиҳаси парламент тасдиғидан ўтолмай қолиб, янги сайлов ўтказишини эълон қилган пайтда, Швед давлати ва халқ манфаатлари учун мен Альянсни ўзаро келишувга гаплашиб олишга чақирдим, лекин улардан бирортаси гаплашишни истамадилар” деганди. Сайлов натижаларига кўра эса, Альянс 50% овоз олиш имконияти йўқлиги аниқ. Бу дегани янги сайловда ҳам шу бугунгига яқин натижа бўлади халос. Сабаби яна сайлов ўтказилганда ҳам ҳар икки блокдан бирортаси 50% дан кўп овоз олиш имконсиздир. Сайловлар натижаси охириги 20 йил ичида ҳар икки блокдан бирортаси 50% дан кўп овоз ололган эмас. Балки, миллатчилар сони ошиб бораётгани ва улар янги сайлов бўлса, янада кўпроқ мандатга эга бўлишлари мумкин. Агар янги сайловда Альянс ютиб чиқса ҳам 50% дан кўп овоз ололмаслиги аниқдир. Бу дегани энди улар ўз лойиҳасини тасдиқлатиб олиш учун Қизиллар ва Яшиллар Иттифоқи ёрдамига муҳтож бўлишади. Агар Қизиллар ва Яшиллар Иттифоқи ва миллатчилар уларга қарши овоз беришса, демек Альянс ҳам боши берк кўчага кириб қолиши аниқ. Уларнинг лойиҳаси ҳам Парламентда тасдиқланмайди.

Вазиятни тушуниб турган Альянс гуруҳи, охир оқибат келишувга рози бўлган кўринади. Бу иккала блок учун ҳам тобора нуфузи ошаётган миллатчилар партияси жиддий таҳдид экани яққол намоён бўлмоқда. Бу каби миллатчилар партиялар Европанинг бошқа давлатларида ҳам нуфузи ошиб бораётгани кузатилади. Немис фашистлари инсоният бошига солган бало оқибатларини кўрган Европаликлар миллатчилик ғоялари ва миллатчи партиялар фаолиятларига чек қўйгандилар. Аммо, 20 асрни охирига келиб, Ғарбий Европа давлатларида миллатчилик ҳоялари кучайиб бошлади. Қатор миллатчи партиялар рўйхатга олинди.

Ва бугунга келиб, асосан миллатчиликка асосланган сиёсий партияларнинг халқ орасида нуфузи ошмоқда. Эслатиб ўтамиз швед Парламентида 349 та депутат бўлиб, сайловчиларнинг 4 % овозини олган 8 та партия вакиллари орасида тақсимланади. Парламентда бири бирига қарши иккита блок бўлиб, бу блокларда 7 та партия иштирок эталди.

Миллатчилар партияси бу иккита блокга қўшилмайдиган ўзи мустақил фаолият қиладиган партиядир. Бу икки блок орасидаги рақобат ва бир бирларига қарши овоз беришлари ва миллатчилар кимни томонига ўтишса, шу тараф кўп овоз олиб ютиб чиқиши мумкин бўлгани учун бу икки блок вакиллари ўзаро келишишга ва шу йўл билан миллатчилар уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатмаслигига эришишга ҳаракат қилмоқдалар.

2014 йил 29 декабр

Саудия ва Швеция

«Бизнинг юртимизда (Саудия Арабистонида) ваъз-насиҳат, жумъа хутбалари қилинади, Қуръон, тафсир, тавҳид, фикҳ, сийра дарслари бўлади. Юз минглаб масжидлар, ўн минглаб воизлар бор. Буларнинг бирортаси Швецияда мавжуд эмас! Шу билан бирга Швеция дунё бўйича шаффофлик рўйхатининг бошида туради. Биз эса рўйхатнинг охирига осилиб қолганмиз. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар Маккада қийин аҳволда қолганида уларга Ҳабашистонга ҳижрат қилишни тавсия қилган эдилар: «У ерда бир подшоҳ борки, унинг олдида ҳеч кимга зулм қилинмайди». Ўша вақтда Ҳабашистон диёрида Қуръон тиловат қилинмас, хутбалар ўқилмас, лекин шунга қарамай уларнинг ерида адолат ва яхшилик бор эди. Мусулмонларнинг муаммоси хутба ва Қуръон тиловатининг, ҳадис дарсларининг камлигига эмас, адолат ва инсоф билан муомала қилишга бориб тақалади.

Али ибн Абу Толибнинг ўзи тайинлаган қози у киши бир яҳудий билан тортишиб, совут ўзиники эканлигини исботлаб бера олмаганида уни яҳудийнинг фойдасига ҳукм қилган эди.

Аллоҳ адолатга қурилган давлатни боқий қолдиради, агар у куфр давлати бўлса ҳам. Зулм давлатини эса йўқ қилади, гарчи мусулмонлар давлати бўлса ҳам... Қилинган хутбалар, ўқилган Қуръон, сийра, ҳадислар заиф ва мискинлар билан муомала қилишда ўз аксини топмаса, уларга ўзларининг ҳаққи берилмаса — улар бунга талаб қилмаса ҳам — бундан яхшилик кутмай қўя қолинг! Швецияда инсонга унинг фуқаролигига қараб эмас, балки одам эканлигидан келиб чиқиб муомала қилинади. Швецияда эрта тонгда эшигингизни тақиллатишади. Эшикни очсангиз Швеция фуқаролигига эга бўлмаган гўдак фарзандингизга шишада янги соғилган сут олиб келган бўлишади. Бунинг биргина сабаби — фарзандингизнинг инсон эканлиги, худди швед боласидек янги соғилган сутга эҳтиёжи борлигидир. Бизнинг юртимизда (Саудия Арабистонида) эса муқим (фуқароликка эга бўлмаган шахс)нинг эшигини ҳеч ким тақиллатмайди. Фақатгина уйини тинтиш ва ўзини депортация қилиш учун паспорт бўлимидагилар келиши мумкин. Швецияда 4 йил узлуксиз яшасангиз доимий яшаш рухсатномасини оласиз. Бизнинг юртимизда эса муқим (фуқаролиги йўқ шахс) минг йил яшаса ҳам яшаш рухсатномасини доимо янгиланган туришга мажбур! Швецияда доимий яшовчи шахс давлат тарихини ёдласа ва ўша ерда 6 йил узлуксиз яшаган бўлса, фуқаролик олади.

Бизнинг юртимизда эса муқим (фуқаролиги йўқ шахс) Саудия фуқароси бўлган аёлга уйланишга рухсат олиш учун 6 йил кутади! Агар муқим Қуръон, Инжил, Забурни, Одам алайҳиссалом ерга тушганидан 2014 йилгача бўлган Арабистон ярим ороли тарихини ёдлаб юборса ҳам унга фуқаролик берилмайди. Швецияда кофирлар яшаса-да, Ислоний муомала қилишади. Мусулмонларнинг юртларида эса ўзимиз мусулмон бўлсак ҳам, кофирларнинг қондаси билан иш қиламиз. Швецияда ўша ерда яшовчи ҳинд ёки сомалиликнинг кафилликка олган, шу кафиллик эвазига ундан ноҳақ пул ундирадиган кишини топмайсиз.

(Изоҳ: Саудия Арабистони ва бошқа Форс кўрфази давлатларида (БАА, Қувайт, Қатар, Баҳрайн) доимий яшаш ва ишлаш рухсатномасини олиш учун ўша давлат фуқаросининг кафиллиги талаб қилинади. Кафил эса йилига 1-1,5 минг доллардан 2-3 минг долларгача пул талаб қилади.)

Яна у ерда ҳали мўйлови ҳам чиқмаган ёш боланинг «Овозингни ўчир. Бўлмаса Аллоҳга қасамки, сени депортация қилдириб юбораман», деган пўписасини ҳам эшитмайсиз. Швецияда бир кунда 24 соат, ҳафтада 7 кун ишлайдиган хизматчини ҳам топа олмайсиз....

Ҳар куни эрта тонгдан кўчангизни тозалаётган Бангладешлик Ислолдаги биродарингиз эканини, эҳтимол Аллоҳнинг наздида у сиздан ҳам афзалроқ эканини болаларингизга ўргатинг! Сиз учун кийимингизни ювиб, тозалаб бераётган, нонингизни пишириб, овқатингизни тайёрлаётган кишилар ҳам сиз каби инсон эканини, уларнинг ҳам ҳис-туйғулари, иззат-нафси борлигини, бу ерга ҳалол ризқ топиш учунгина келганлигини болаларингизга ўргатинг! Бу айтилганлар кўрфаз давлатларининг барчасига бирдек мос тушади....»

Доктор Абдуллоҳ Ад-Дувайс.

Таржимон Муҳаммадсолиҳ Абутов

2014 йил.